


**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети**  
**«Ёш гвардия» нашриёти**  
**Т о ш к е н т - 1971**





БОУРЖОН  
МУМИШ ҮҒЛИ

# БИЗНИНГ ОИЛА

Қисса



---

Қозоқ адиби Боуржон Мумиш ўғлининг ушбу асари автобиографик қиссадир. Муаллиф ўз асарида қозоқ халқининг инқилоб арафасидаги ва инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаги ҳаётини, оспдан-асрга ўтиб келган ижобий анъаналари ҳамда расм-русмлари ҳақида ҳикоя қилади.

**АБДУЛАЗАЛ ВАҲОБОВ**  
**таржимаси**

7—6—3



Танқидий мулоҳазалари ва самимий мас-  
лаҳатлари менга ўзи кутганидан ҳам кўп-  
роқ фойдали бўлган Вера Павловна Стр-  
евага бағишлайман.

Отамни овулда Мумиш деб аташса-да, унинг асли ис-  
ми Мўминали эди. У новча бўйли, укки бурун ва абжир  
Имаш бобомнинг тўртинчи фарзанди бўлган. Бобом тўқ-  
сон икки ёшида, минг тўққиз юз ўн биринчи йилда вафот  
этган.

Бувимнинг исми Қизтуғмас экан. Кексайиб қолган  
чоғларида уни «Оқ буви» дейишарди. Айтишларига қа-  
раганда бувим ёшлигида оппоққина гўзал аёл бўлган  
экан. Бунақанги сулув аёллар воҳа кўчманчилари  
орасида камдан-кам учрар экан. Унинг ўзи ҳам: «Ўғил-  
ларим отасига ўхшаб қоп-қора, қизларим менга тортиш-

ди, оппоқ, гўзал бўлиб етишишди»,— дерди. Бувим сутдай оппоқ одамларни яхши кўргани сабабли ўғилларининг қорачадан келган қизларга уйланишига сира изм бермаган экан. Бувим отамни ўттиз ёшга киргунга қадар уйлантирмабди.

У:

— Сен, қора бедавога жаннат париларидан ато этишини худойимдан тилайман, токи мен набираларимни ирганмай ўпай,— деркан отамга очикдан-очик.

Бир куни бувим айтишувда ҳали бўйдоқ отамнинг қора тўридан келган бир қиз билан мушоира айтишаётганини кўриб қолиб, жаҳли чиқиб кетган ва «қоракуя устига яна қоракуя суйкашни истамайман» деб уни кўпчиликнинг олдида изза қилиб ўтовдан ҳайдаб чиқарган экан.

Отам бувимнинг қора қизларни хушкўрмаслигига қўшилмаса ҳам, унга қаршилик кўрсата олмаган.

Бувим кайфи чоғ дамларида ўз фарзандларини эркалар, отамнинг иш билармонлиги ва ақллилигидан фахрланар ва:

— Хунук бўлса ҳам, худога минг қатла шукурки, ақлимдан насиб этган бунга. Шунинг учун ҳам унинг ғамини смайман,— деркан керилиб.

Борди-ю у биз, набираларнинг кийимимиз ёхуд сиртимиздан бирон-бир нуқсон топиб қолгудай бўлса бас, ота-оналаримиз балога қолар эканлар.

— Бунақа тасқарани бошимга ураманми, нимага обкелдинлар бу ёққа,— юмматалаб берарди бувим.

Шунинг учун ота-оналаримиз бизни яхшилаб ювинтирмай ва озода кийинтирмай туриб бувимларнинг ёнига асло юборишмас экан.

Онам Розияга ўттиз уч ёшида уйланган экан отам. У Байтаи уругидан Абдураҳмон деган кишининг қизи экан. Мен онамни эслай олмайман. У уч ёшлигимда ўлган

экан. Мен онамни асосан бувим билан отамнинг ҳикояларидан тасаввур қиламан, холос.

Бувим қазо қилгунларига қадар онамни тез-тез эслаб турар ва жуда кўп қайғурарди, ҳар йили кузда бизни етаклаб қабристонга олиб борарди, олдин шам ёқиб қўяр, сўнг мени ва опаларимни тиз чўктириб, онам ҳаққига дуо ўқишга ундар, ўзи бўлса кўз ёши тўкар, худди марҳума билан гаплашаётгандай:

— Жонгинам, фариштам менинг, гўзал Розиям, келингинам, мана, жўжаларингни ҳузурингга олиб келдим...— дея фарёд чекарди.

Биз бўлсак буни эшитиб қўрқардик, назаримизда худди онамиз гўрдан чиқиб келадиганга ўхшар ва биз бувимизга тезроқ кетайлик деб ёлворардик.

Уйга қайтганимиздан кейин бувим онамнинг хотирасига дуон фотиҳа ўтказар, уйимиз мотамга чўмар эди.

Бувимнинг ҳикоясига кўра онамлар жуда гўзал аёл бўлган эканлар. Қарияларни, отамни ва бошқа кишиларни ҳурматини бажо келтирарканлар.

Опам Убиш оиламизнинг тўнғич фарзанди бўлган, ундан кейин икки йил ўтгач иккинчи қиз — Убианна дунёга келган, учинчи қизларига — Салиманна, тўртинчисига Алиманна деб исм қўйишибди.

Отамнинг айтишича, мен минг тўққиз юз ўнинчи йилнинг қишида, эски ҳисоб билан йигирма тўртинчи декабрда туғилган эканман. Уша кезде отам Авлиёта<sup>1</sup> шаҳрида экан. Бобом мен туғилган туннинг ўзидаёқ ҳар тарафга, жумладан отамга ҳам чопар юборибди.

Чопар Бойтоқ отам турадиган уйга кирибди-ю, унга кўзи тушгач ўзини йўқотиб қўйиб тили калмага келмай довдираб қолибди. У отамни қучоқлаб олиб, фақат

---

<sup>1</sup> Авлиёта — ҳозирги Жамбул.

йиғлар эмиш. Аммам ва шу ердаги бошқа одамлар буни кўриб оиламизда бирор фожиа содир бўлгани туғри-сида хабар олиб келдимиз деб роса ташвишда қолишибди. Улар чопарга ёлвориб, нима гаплигини тезроқ тушунтиришини илтимос қилишибди.

— Холам ўғил туғдилар! — дебди ниҳоят Бойтоқ.

Ташвиш ўрнини қувонч эгаллабди. Отамни ўғил билан муборакбод этишибди, Бойтоқ бўлса, суюнчига берган совғаларига кўмилиб кетибди. Отам уйга келганида узоқ-яқин қариндош-уруғлар тўпланишибди. Бутун овулдагилар йиғилишибди. Кейин катта тўй берилибди.

Мендан кейин яна бир ўғил туғилган экан. Унга Тоуржон деб исм ҳам қўйишибди, лекин у бир ёшга кирар-кирмас вафот этибди. Онам менга оғироёқ бўлиб юрган кезларида отам бир туш кўрибди... Тушида унга бир нуроний чол нотаниш араб тилида: «Боур, Тоур, Майс, Манус» деган тўрт сўзни айтибди. Эрталаб у кўрган тушини жўювчига айтиб берибди. Жўювчи: оллоҳ унга тўрт фарзанд беришини ва у болаларига ана шу исмларни қўйишини айтибди. Шундай қилиб менга Боуржон деган исм насиб қилибди.

Олти ойлигимда онам мени йўргаклаб олиб, дарахт ўтқазаетган бобомнинг олдига келибди-да:

— Набирангиз ёрдамга келди, — дебди.

Бобом, қилаётган ишини қўйиб, ёнимга келибди-да, ингичкагина хивчинни қўлимга тутқазиб:

— Мана сенга хивчин, катта бўлганинда қўй ва қулунларни ҳайдайсан, — дебди.

Лекин мен бобомнинг сўзларига жилмайиб ҳам қўймаган эканман. Бобом ўшанда:

— Катта бўлса иродали, босиқ киши бўладиганга ўхшайди, — деган экан.

Отам менинг бобом билан биринчи бор учрашганимиз ва суҳбатлашганимизни нишонлаш мақсадида



қўй сўйибди, ҳамма қариндош-уруғларимиз тўп-ла-нишибди.

Буларнинг ҳаммасини бирма-бир, бошдан-оёқ ҳикоя қилишимнинг сабаби бор. Ота-онам ўғил кўришни жуда орзиқиб, зорланиб кутишган, ва менинг туғилишим уларга катта шодлик бахш этган. Бошқача қилиб айтганда, қозоқ ҳар қанча қиз кўрмасин бари бир у ўзини фарзандсиз, меросхўрсиз деб ҳисобларди. Ўғил кўрмаганларни ҳатто бепушт деб хўрлашарди ҳам. Чунки эр-как кишинигина мерос эгаси деб тан олинган.

Бувимнинг айтишича онам қандайдир қаттиқ асаб дардига чалинган, кейин олти ой бетоб ётган, заррача ҳушини йўқотмаган ва ҳамма билан рози-ризолик тилашиб бўлиб дунёдан кўз юмган.

Мени онам билан сўнгги бор видолашишга олиб келишгани ҳамон ёдимда. Унинг синиққан оппоқ, чўзинчоқ юзи, қирра бурни, садафдай чиройли тишлари ҳамон кўз ўнгимда. У нимагадир сўнгги бор ўпишида пешонамдан ўпди. Кейин мени шу заҳотиёқ ташқарига олиб чиқиб кетишган эди.

У сўнгги нафасигача отам билан хотиржамгина суҳбатлашибди, жони узилай деганда эса у:

— Алвидо... фарзандларимиз билан бахтиёр бўлинглар,— дея олибди секингина.

— Шу йўсинда у бизни ғам ва алам гирдобига ташлаб кетди,— деб кўп марталаб эсларди отам алам билан.

Бир йил ўтганидан кейин, отам жуда катта маърака ўтказибди. Одамлар аёл кишига бунақа катта маърака ўтказилмаганини таъкидлашарди.

Онам вафот этганидан кейин отам узоқ вақт уйланмабди. Беш йилгача ҳузур-ҳаловат нималигини билмабди. Мен саккиз ёшга тўлганимдан кейин отам иккинчи бор уйланди. Бизнинг иккинчи онамиз ойимларнинг узоқ қариндошлари эди.

Отам эллик уч ёшга кирганда мен туғилган эканман. Бувимнинг айтишича менинг отам зеҳни ўткирлиги, ақллилиги билан бошқа болалардан ажралиб тураркан. У менга хат-савод ўргатасизлар деб туриб олган экан.

Отам мактабни битирганидан кейин ҳам то умрининг охиригача ўз билимини ошириб борган. У элементар арифметикани билар, газета ўқир ва бизнинг жойларга руслар келиши билан рус алфавитини ўрганишга киришган экан. У ёшлигида дурадгорликни, этикдўзликни ва чорва илмини ўрганиб олган. Шунингдек, узоқ йиллар давомида бўйдоқ юриш уни заргарлик касбини ўрганишга ундаган бўлса керак. Хотинлар билан муомалада бўлишида бу ҳунари ёрдам берарди.

Отам айтишувларда қатнашган, ўзи ҳам тўртликлар яратган-у, лекин ҳеч қачон бошқаларнинг шеърини ёд олмаган.

У катта йигит бўлиб қолгандан кейин бобом унга уй-рўзғор ишлари билан шугулланишга йўл берган. Ҳатто буйруқ беришни яхши кўрадиган ва оилада ўзини бошлиқ деб биладиган бувим ҳам уй-рўзғор ишларида отам Момиш билан ҳисоблашадиган бўлиб қолган. Оиламизда ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масалалар — олди-сотди, қариндошларга қилинадиган тўяналар, ўтказиладиган тўй-томошалару солиқ тўлаш, яйловни ўзгартириш кабилар отамнинг маслаҳатисиз қилинмайдиган бўлиб қолган экан. Мабодо отам йўқ вақтида бирор ҳал қилиниши лозим бўлган масала чиқиб қолса, унинг қайтиб келишини албатта кутишар экан. Ҳатто бобом ҳаёт вақтида ҳам овул унинг номи билан юритилган.

— У тез орада оиланинг бошлиғи бўлиб олди...— деб ҳикоя қиларди бувим.— У бизни хўжалик ташвишларидан озод қилиб қўйди.

Шундай қилиб, оила тебратиш отамнинг зиммасига

тушган экан. Биз унчалик бой бўлмай, ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан ҳаёт кечирар эдик. Оиламизда бобомлардан тортиб ҳамма ишлар, бировни ишлатмас ва ўзимиз ҳам бошқалар қўлида ишламас эдик.

Отам ёшлигида мулла бола ва уста бола деб ҳам ном чиқарган экан. Бувим уни Қора чилтон деб чақираркан.

Отам паст бўйли, қотмадан келган киши эди. У кенг пешона, бароқ қош, киприклари узун киши эди. Унинг кўзлари думалоқ, катта-катта эди.

... Бувим у чайир, чаққон бўлганлиги сабабли яна Та-рамиш — пай деб атар эканлар.

Бир куни отамга ҳар хил бачкана ном қўйгани учун бувимдан хафа бўлган эдим:

«Она бўлгандан кейин ўз ўглини хоҳлаганидай чақи-раверади-да...» — деган эди отам мени эркалаб.

Эсимда, бир куни амаким, отамнинг укаси: «Бўлди-да, ойи», деб қўполлик қилган эди. Ушанда бувимнинг жаҳли чиқиб кетиб:

«Менга ҳатто Момиш ҳам бирор марта ўдағайлама-ган. Сенга ким қўйибди, итвачча! Қани, йўқол бу ердан, кўзимга кўринма!» — деб ўтовдан ҳайдаб чиқарган эди бувим. Бунинг устига отам кириб қолганди. Бувим уни бағрига босиб, роса суйиб-эркалади, юз-кўзидан ўпди ва қўполлик қилгани учун амакимни жазолашни буюрди.

«Ойижон, адабини бериб қўяман, албатта уришиб қўяман... — бувимни тинчлантирди отам. Ойижон, рози бўлсангиз уни урмасам...» — деб бувимни алдай бошлади.

Амаким ўша куни отарда тунабди. Отам эрталаб унга қандайдир топшириқ бериб, от миндириб қаергадир ўн кунга жўнатиб юборибди.

Амаким сафардан қайтиб келгунича бувим унинг қўполлигини унутибгина қолмай, ҳатто кенжа ўглини соғиниб қолибди ҳам.

Бизнинг дашту биёбон ўлкамизда халқ тили билан айтганда, оқ қоғоз бетини қора қила оладиган саводхон кишини қидириб топиш амри маҳол эди. Ҳатто қуръоннинг баъзи сураларини ёдлаб олган «кўр қори» мулларнинг ҳаммасининг ҳам қўлидан келмасди бу иш. Отам волостда маълум ва машҳур киши бўлиб қолганди. Янги келган рус бошлиқлар ҳаммадан, саводсизлардан ҳам (ўша даврда ҳар минг кишидан тўққиз юз тўқсон тўққиз киши саводсиз эди, улар имзо ўрнига бармоқ босардилар), жарима солиш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш учун жон рўйхати тузиб беришни талаб қилдилар.

Барча овул ва волостларнинг оқсоқолларидан тортиб ҳамма турли хил юмуш — яъни ариза, жон рўйхати, талабнома, ахборот ва ҳоказоларни ёзиб беришни сўраб отамга мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Уезд ҳоқими ҳузурида тилмоч бўлар эди. Аслида ана шу тилмочни шу уездда яшовчи қозоқларнинг ҳукмдори деса ҳам бўларди, чунки ҳар бир масаланинг қандай тарзда ҳал бўлиши тилмочнинг у ёки бу шикоятни, ёки илтимосномани бошлиққа қай йўсинда таржима қилиб беришига боғлиқ эди. Отамнинг ҳикоясига кўра тилмочларнинг ҳаммаси ҳам ўлгудай порахўр ва муттаҳам бўлганлар. Улар шикоят қилувчидан ҳам, айбдордан ҳам пора олаверганлар, уларга: «Худди айтганингдай қилиб етказаман, хотиржам бўлавер» деб ваъда берарканлар-у, лекин ўз билганларидан қолмас эканлар.

Ўша вақтларда дашт аҳли устидан хоҳлаганларича ҳукм юритишган, халқни хоҳлаганларича азоблашган, бу хатти-ҳаракатлари қанчалик ёвузона, фуқарога қарши қаратилган бўлмасин, буни рус бошлиқлар ўрнатган янги тартиб, деб тушунтирганлар. Уларга рус амал-

дорлари қўрқитиш воситаси бўлиб хизмат қиларди. Улар ҳам қозоқ бойларининг: «Нифоқ солу ҳукм сур» қабилидаги сиёсатини давом эттириб, уруғлар орасига адоват уруғини сочиб, кейин ҳар қайсисидан пора олиб бойий-верганлар.

Рус халқининг кўплаб ажойиб вакиллари: маърифат тарқатувчилар ва сайёҳлар қозоқ халқига маълум. Лекин округимизга келган бирорта ҳам чопар чиновниги қозоқлар орасида ҳурматга сазовор бўла олмади.

Ўша вақтларда ҳар уч йилда бир марта уезд фавқулодда съезди чақирилар, унда волост ҳукмдори — бўлис, бийлар — қозилар сайланарди. Сайлов олдидан сайловчиларни сотиб олиш, тарафма-тараф бўлиб курашиш ва иғво, рақиб томонни қоралаш роса авжга минарди.

Сайлов расмиятчилик юзасидангина ўтказиларди, овоз беришда: эллик хўжаликдан бир вакил иштирок этарди. Очкўроғи бутун бир уруғ номидан бир киши сайловда қатнашарди. Бу одам бутун бошли уруғ овозини сотиб юбориши мумкин эди. Ҳа, аслида, у сайловларда овоз бериш ҳам ҳеч қандай кучга эга эмас эди. Амалдор кимни хоҳласа, унга ким кўпроқ пора берса, сохта сайлов ҳужжатларини тайёрлаб, ўша одамни сайланди деб эълон қилиб юбораверарди. Бутун уруғ ўз арзномаларини ана ўша сайловда қатнашувчи кишига топширишарди. Чўл тўралари ёнига оддий қозоқ бетлаб киролмас эди, шу боисдан ҳам арзнома юбориш бирдан-бир йўл эди-ю, лекин уни ҳеч ким ҳеч қачон ўқимасди.

Бир кун сайлов олди йиғинида барча саводли кишилар бир муаммо қаршисида тутилиб қоладилар.

— Қоғоз туриб қолди!.. Қоғоз тўхтаб қолди! — деб пичирлашишибди «депутатлар» ташвишланишиб. Ҳам-ма беҳуда бош қотира бошлабди.

Шунда қозилик мансабига даъвогарлик қилаётган отамнинг тоғаси бўлмиш Текебой бий, энди бу хат уезд

бошлиғига етиб бормайдиган бўлди, деб ташвишлана бошлабди. Уша пайтда йигирма тўрт ёшлардаги отам бундэн хайрон бўлибди-да:

— Узи нима гап? Ё бирор ҳодиса юз бердими?— деб сўрабди.

— Орамизда «ярим» рақамини ёза биладиган бирор кимса топилмаяпти,— дебди бий ташвишланиб.

— Мен ёзаман...— дебди отам.

— Бунақанги мураккаб белгини ёзиш йўл бўлсин сенга! Мана, икки кун бўлди, муллалар ҳам ёзиша олмапти буни...—дебди бий отамнинг гапига ишонқирамай.

— Мен биламан, ёза оламан ҳам,— дебди ишонч билан отам. Уни алоҳида бир ўтовга олиб киришибди. Бу ерда анчагина муллалар хижолат тортиб ўтиришган экан. Отам « $1/2$ » белгисини ёзибди-да, сўнгра унинг ҳақиқатан ҳам яримни билдиришини исботлаб берибди. Ҳаммалари қойил қолибди, энгил тин олишиб, отамга оғир мусибатдан қутқарган халоскорларидай жавдираб термилишибди.

Текебойнинг ўша вақтдаги рақиби дашт оқсуякларидан бири Бойузоқ дотхоннинг ўғли, элик ёшлар чамасидаги Қобилбек эди. У ўз рақиби Текебойни обрўсизлантириш мақсадида уч йил сурункасига ҳар хил ёлғон-яшиқ гап тарқатган, турли фитна-иғволар қилган, ҳатто от ўғриси деб ҳақоратлаган.

Текебойнинг ўттиз беш ёшлардаги катта ўғли Серкебой Қобилбек тарафдорлари тарқатган иғвога чидай олмай, ўзи билан ўн йигитни олиб Қобилбекнинг манзилгоҳига келади. У қамчисини ўйнатиб, Қобилбекни йигитлари олдида ярамас сўзлар билан ҳақоратлайди. Қобилбек Серкебойнинг сўзларини қулоқ бериб тинглайди, йигитларининг жаҳли чиққанига қарамай, қўли билан ишора қилиб уларни тек туришга, жойларидан қимирламасликка чақиради. Буни кўриб бешбаттар ғазаби

қайнаган Серкебой Қобилбекни янада бұралаб сұқадидан, отига қамчи босиб орқасига қайтади.

Серкебой қайтиб кетгач, Қобилбекнинг шериклари хафа бўлиб:

— Нега унинг таъзирини беришга рухсат этмадингиз,— деб сўрашади ундан.

— Ўз қилмишидан ўзи уялган бўлса керагов,— деб жавоб қайтаради Қобилбек.

Серкебой уйига қайтиб, бўлган воқеани айтиб отасига мақтанади. Қобилбек ҳатто «огиз ҳам очолмади», дейди у керилиб. Шунда отаси ўғлига бир ўқрайиб:

— Аҳмоқ! — дейди, холос.

Серкебой отасининг ўтовидан отилиб чиқади-ю, ўз ўтовига кириб, икки кун туз тотмай кўкрагини ерга бериб ётади...

Сайловга тайёргарлик ўз йўлида давом этаверган.

Учинчи куни Серкебой отасининг олдига келади-да:

— Қобилбекни бекорга ҳақорат қилибман. У мендан йигирма ёш катта. Жуда уят иш қилиб қўйдим-да, — дейди.

Шунда Текебой Қобилбекларникига йўл олади. Қобилбекнинг тарафдорлари Текебой йигитларини тўплаб уруш қилгани келяпти деган хаёлга бориб, душманни кутиб олишга шайланиб туришади. Улар Қобилбекнинг манзилгоҳига яқинлашиб келиб тўхтайдилар, кейин Текебой билан Серкебой йигитлардан ажралиб, олдинга чиқадилар. Буни кўрган Қобилбек уруш тўғрисида келишиб олишмоқчи шекилли деган фикр билан улар томон йўл олади. Шу пайт Текебой отидан тушиб, Қобилбекнинг ёнига келади ва:

— Утган куни менинг итваччам сенга ириллаб беадаблик қилибди, Қобилбек! Мен шу боисдан сенинг ҳузурингга узр сўраб келдим. Унинг гуноҳини кечира оламанми? — дейди.

Текебойнинг сўзларидан қаттиқ таъсирланган Қобилбек отдан ирғиб тушиб, унинг оёқлари остига тиз чўкади-да:

— Э ҳурматли Текебой, мен ўглингизга нисбатан ҳам кўпроқ гуноҳ қилиб қўйдим сизнинг олдингизда. Сиз мендан ёши улуғ одамсиз. Мен бўлсам сиз билан от устида туриб гаплашиб ўлтирибман-а. Оқсоқол, айтингчи, сиз ўзингиз бизнинг уруғимизга иснод келтирадиган бу гуноҳимни кечира оласизми? Совғангизни олмайман, мана шу чопонимни киясиз, қўлимни қайтармайсиз...— дейди.

Кейин у эғнидаги чопонини ечиб, Текебойга кийгазди ва овозининг борича ўзи тарафидагиларга мурожаат қилиб:

— Сайловда Текебойга овоз беринглар. Мен ўз номзодимни қайтариб оламан,— дейди.

Уша дамдан буён икки қарама-қарши уруғ иноқ яшай бошлабди, кейинги сайловларда эса бийлик мартабасини бир-бирларига бўшагиб бериша бошлабди. Икки уруғ орасидаги ҳамжиҳатлик тўра ва тилмочларга ёқмасди. Уруғнинг ички ишларига аралашмасликлари учун тўра ва тилмочларга пора бериб туришарди. Албатта уруғлар орасида келишмовчиликлар, жанжаллар бўлиб турарди. Лекин уни катта уруғдан сиртга чиқарилмас ва уруғ ичкарасида бир қарорга келинарди.

Кейинчалик отамга волост бўлисининг шахсий секретарлиги лавозимини бир неча бор таклиф қилишди, лекин отам тобеликни ёқтирмаганлиги сабабли бу таклифларни доим рад қиларди-ю, эҳтиром юзасидан баъзи бир топшириқлар, яъни бирор ҳужжатни расмийлаштириш лозим бўлиб қолса ёрдам бериб турарди. У ғоят ҳақгўй киши бўлганлигидан халқ орасида Момиш тўра деган шарафли номга эга бўлди.

У зиқна, майда-чуйда гапларга қулоқ соладиган ичи



қора одам эмасди. Ҳар бир одамнинг эришган ютуғи уни чин юракдан қувонтиради. Отам тўй қилишни, меҳмон чақиришни, аза-маъракаларни мўл-кўл қилиб ўтказишни яхши кўрарди. У умрининг охиригача ҳам шундай қилди. У бекорга давлат тўплашни, мол бошини ҳадеб кўпайтираверишни ёқтирмас эди. Ёдимда, бир куни ортиқча харажат қилганим учун ўгай онам мени койиған эди. Мен ҳайрон бўлиб отамнинг кўзига қарадим.

«Пул харажат қилиш учун чиқарилган», — деб жавоб қайтарди у.

Ўзбеклар катта гилдиракли қўқонараваларда ўрик, олма келтириб бизнинг яйловда, овулда сотишарди. Улар йўл-йўлакай болаларга мева ирғитишар, болалар араванинг кетидан чувиллаб югуришар, каттароқлари меваларни ерга тушмасданоқ илиб олиб, ўзини четга оларди. Ҳеч нарса тегмай қолганлар уларнинг кетидан қувлашарди. Кейин яна арава кетидан югуришарди, яна арава ортида уймалашиш бошланарди. Олмани ҳамма бола ҳам яхши кўрарди-да ахир. Ўзбек аравасини овул ёнида тўхтатиб:

— Қантдай ўрик! Асал ўрик! Болалар, ота-оналарингни чақиринглар, олиб қолишсин! Арзонга, арзонга бераман... — деб харидор чақирарди кулиб.

Болалар ўтовларига қараб чопишар, ота-оналарига ўзбекдан олма ёки ўрик олиб беринг деб хархаша қилишарди. Кўпчиликда эса ҳамиша ҳам пул бўлавермасди. Шундай пайтларда отам болаларни қатор сафга териб, заргарлик қилиб топган пулига мева олиб берарди. Ўзбек ярим қадоқ ёки бир қадоқдан мева тортар, болалар навбатлари билан келиб кўйлақларининг этагига солиб олишарди. Эмзикли хотинлар ҳам ўзларининг кичкинтойларини кўтариб келиб навбатга турғазиб қўйишарди. Кичкинтойлар бўлса ҳеч нарсага тушунмас, қўлларини силкиганча қийқиришиб йиғлашарди.

— Йиглама, йиглама, бўлмаса бобонг ўрик олиб бермайди,— деб овутишарди болаларини аёллар.

Отам бозордан доим қўйни-қўнжи совғаларга тўлиб қайтарди, шу сабабли ҳам уни болалар бобо, катталар эса Жане ёруқлик дейишарди.

Бобом қазо этганининг уч йиллигига отам улоқчиларни, курашчиларни, қўшиқчиларни чақириб бутун уездга ош берди. Бундай ош беришлар ҳозир қозоқлар орасида урфдан чиқиб қолгани сабабли, мен бу ош тўғрисида бир оз тўхталиб ўтаман. Қозоқларда оила аъзолари, қариндош-уруғлар ва яқин кишиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қонун бор. Бу никоҳ, оила ва мерос ҳақидаги «такомиллашган кодекс»нинг бирор тури эмас. Йўқ, бу асрлар мобайнида вужудга келган анъана ва мажбурият бўлиб, инсоният эришган одам-ярчилик, одоб ва ҳақгўйлик нормаларини белгилайди. Ота бола ўстириш билан бир қаторда, унга яхши тарбия бериши, уйлантириши, қизларини куёвга чиқариши ва улар мустақил яшаш истагини билдиргудай бўлса, ўз рўзгоридан бир қисмини ажратиб бериши лозим. Ота оила ва уруғ шаъни-номусини қўриқлаб, кўз қорачиғидай асраши керак. Боланинг ноўрин хатти-ҳаракати учун ёмон тарбия берган ота жавобгар ҳисобланади. Шу сабабли ёмон боланинг лаънати ҳам, яхши боланинг раҳмати ҳам ота-онага тегади.

Қозоқлар мамнун бўлишса ёки дарғазаб бўлганлариди: «Падарингга ҳам, онангга ҳам лаънат!», «Таълим берган ота-онангга раҳмат!»— дейишади. Авлод-аждодларни ҳурмат-эҳтиром билан эслаш ҳам ана шуларга асосланган.

Ота-онанинг яхши хислатлари уларнинг наслига албатта ўтади. «У яхши одамларнинг фарзанди, унинг суяги тоза-да», — дейишади бизнинг одамлар. Айтишувларда ҳар бир кишининг ўз авлодларининг яхши жиҳат-

ларини намоён қилишга уринишининг асл моҳияти ана шунда. Авлодларга муносиб фарзанд бўлиб етишиш қозоқнинг орзусидир. Ҳар бир қозоқ оила ва уруғидаги урф-одатни бутун ҳаёти давомида байроқдай баланд кўтариб бориши керак.

Ҳақиқий ўғил умр бўйи «қариндош-уруғлари шаънига доғ туширмайди», токи улар ҳақида бирор кимса ёмон фикр айта олмасин. Фарзандлар ўз ота-оналарига умрларининг охиригача ҳурматда бўлишлари, ҳурматсизликка, дағалликка мутлақо йўл қўймасликлари, қариганларида иззатларини бажо келтиришлари, эъозлаб кўмишлари, доимо ёдда тутишлари лозим, шунингдек вақти билан маъракаларини ўтказиб, халққа ош бериб туришлари одоб юзасидандир. Борди-ю бирор сабабсиз ош берилмай қолинса, ўғил ўз бурчини бажармаган ҳисобланади ва айб қилинади. «Ота-онасини унутиб қўйди», дейишади одамлар ва ўша фарзанд умр бўйи ёмон отлиқ бўлиб қолади.

Ҳеч нарсани аямай катта ош бериш одат эди. Уша кунга барча қариндош-уруғ ҳозирлик кўришарди.

Узоқ умр кўрган, пири-бадавлат бўлган, яхши фарзандлар қолдирган кишилар хотирасига ўтказиладиган маъракалар тўйга айланарди. Бевақт вафот этган ёшлар маъракасида ош бериш чинакам аза бўларди.

Бадавлат хонадонларда ошга уч-тўрт ой илгари ҳозирлик бошланар, узоқ-яқиндаги овуллар, ҳатто бутун округ таклиф этиларди. Бунақанги ошга айтиш учун бозорларга жарчилар юбориларди, улар қўшиқ айтиб, ошга хабар қилишарди. Улар марҳумнинг кимлиги, унинг муносиб фарзандлари тўғрисида мақтов айтишарди, ош бўладиган жойни, гартибини тушунтиришарди, оқинларни, чавандозларни ош туфайли ўтказиладиган мусобақаларга тайёргарлик кўришга, уларни қимматбахо сарполар кутаётганини айтиб, жар солишарди. Ош ку-

нига кийим-кечаклар тартибга туширилар, чавандозлар отларини ювиб-тарашар, машқлар ўтказиб, округдан тўпланганлар олдида кўзга ташланишга ҳаракат қилишарди.

Ўрта ҳол ва камбағал одамлар бўлса ўз овуллари-нинг унча кўп бўлмаган аҳли учун бўтқа пишириб тортарди. Бу, ҳоли қудрат-да. Уларнинг қурби шунгагина етарди.

Отам бобом хотирасига ош беришдан олдин уруғимиздаги ҳамма оқсоқолларни барини тўплаб, маслаҳат қилди. Оқсоқолларнинг ҳаммалари ҳам отамнинг, фақат биргина от-улови бўлган кишининг бундай катта ош беришига розилик беришмади. Отам кўнмади, ҳаммаларини катта ошга тараддуд кўришга ундади. Ўзи шаҳарга бориб, судхўрлардан анчагина пулни қарзга олибди, ошпазлар билан келишибди, юз пуд гуруч, йигирмата қўй, ўнта от сотиб олибди. Бу воқеа эрта кузда бўлган эди. Ошга ўзбеклар ҳам таклиф этилган эди. Улар уч кун давомида босиб қовун, тарвуз, узум сотишди.

Яйловга қўшимча элликка яқин ўтов тикилди. Одатимизга кўра ўн-ўн беш километр масофадаги ҳар бир овул меҳмонларни қучоқ очиб кутиб олишлари лозим эди. Бадавлат кишилар ўз ўтовлари, биялари билан келишди.

Чўлдаги овул гавжум бўлиб кетди, чор атрофда чавандозлар от ўйнатишар, ўтовлар олдида кўплаб эгарлоғлик отлар боғланган. Уларнинг эгалари ўтовда тўкин дастурхон атрофида қимиз ичиб, оқинлар хонишига маза қилиб қулоқ солишарди.

Биринчи кун меҳмонларни кутиб олиш билан ўтди, иккинчи кун зиёфат берилди, учинчи кун эса, полвонлар кураши, чавандозлар улоғи бўлиб ўтди. Оқшом қўниши билан оқинларнинг айтишувлари бошланарди. Бу маъракаларда ажралиб чиққан ғолибларга совринлар

топшириларди. Пул, чопон, от билан тақдирланган сурнайчи қирғизлар от устида кун бўйи тиним билмай овулма-овул юриб турли куйларни чалишарди.

Бу ошни бувим узоқ вақт гурур билан эслаб юрди:

— Пешанасида биргина оти бўлган менинг Момишимгина ота ҳурматини мана шундай бажо келтира олди.

...Кейинроқ совет мактабида ўқиб юрган кезларимда отамга шундай савол берганим ёдимда:

— Бор-йўғи биттагина отга эга бўлган камбағал одам қандай қилиб бобомнинг хотирасига бағишлаб шундай катта ош бергансиз? Бувим уни ҳадеб гапиравериб қулоқларимизни қўлимизга қоқиб бердилар-а.

Отам жилмайиб, соқол-мўйловини силади, ер остидан менга қараб олди ва бир оз ўйлаб тургандан кейин яна қулиб қўйди-да, гап бошлади:

— Шу саволни беришга ақлинг етган бўлса, анча катта бўлиб қолибсан, ўғлим... Ақлли одамга, ақлли жавоб бериш керак. Мен сенга ҳеч нарсани яширмай, тўппа-тўғрисини айтиб қўя қолай. Халқимизда «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» деган бир мақол бор. Буни ўзинг ҳам биласан. Мен унчалик камбағал эмас эдим... Биз сиртдан камбағал кўринсак-да, аслида бунчалик қашшоқ эмасдик... Мен оилада учраб турадиган айрим оғирчиликларни назарда туғиб бир оз пул ҳам йиғиб қўйган эдим. Бу пулни бобонг хотирасига бериладиган ошга етмаслигини билдим-да, Авлиёотага жўнадим. Уша кезларда бу шаҳарда судхўрлар бўларди. (Ўзбеклар ва Бухоро яҳудийлари). Мен бир бадавлат ўзбекининг ёрдами ва кафиллигида уч ой муҳлат билан улардан қарзга пул олдим. Уша кезлари бизнинг қариндошларимиз саксон оилага бориб қоларди. Одатимизга кўра маъракага биттадан от етаклаб келганларида ҳам саксонта от келишини ҳисоблаб қўйган эдим... Уша кез-

ларда руслар ердан фойдаланувчи кишиларга ёрдам беришни кўзда тутиб ижарага қарз берувчи ер банкини ташкил қилишган эди. Обрўли бир рус дўстим ёрдамида бутун еримизни гаровга топшириб, катта миқдорда қарз олдим ўша банкдан. Шундай йўл билан пул тўпладим. Отамнинг хотирасини эслаб катта ош бердим. Бувинг бундан ҳанузгача беҳабар.

— Кейин қарздан қандай қилиб қутулдингиз?— деб отамнинг сўзини бўлдим.

— Кейин судхўрлар билан ҳам, ер банки қарзидан ҳам жуда осонлик билан қутулиб олдим... Қариндошларимиз фақат саксонтагина эмас, бир юз йигирмата от олиб келишди; қўй, сигир, бузоқлар бу ҳисобга кирмайдди. Шундай қилиб, ош катта тўйдай ўтди... Мен бўлсам молларни келаси бозордаёқ пулладим ва судхўрлар билан, ер банки билан ҳисоб-китоб қилдим.— Шу ерга келганда отам хандон отиб кулди ва шундай деди: — Ушандан бери округ олдида ҳам, судхўрлар олдида ҳам, ер банки олдида ҳам юзим ёруғ, менга ишонишадди:— Отам жиддийлашди, у яна соқолини тутамлаб силади ва менинг кўзларимга тикилиб туриб:— Лекин сен, ўғлим, зинҳор менга ўхшаб бундай қила кўрма. Қарз кишан билан баробар. Шаънимизга доғ туширмайман деб шарманда бўлишимга оз қолган эди...

Катта бўлиб қолган пайтимдаги гапларга берилиб кетибман, келинг, яхшиси болалик йилларимга қайтайлик.

\* \* \*

Едимда: қуёш нурида тоғ чўққилари ярқираб турарди, унинг ён-бағирларига ям-яшил баҳмал тўшалгандай, қараб кўз яйрайди, баҳра олади. «У ер офтоб... У ер ёруғ»...— дердим кўзимни йириб-йиртиб очарканман, эрталабки салқиндан жунжикиб.

Қуйида — овул. Подачилар молларни тоғ ёнбағридан ҳайдаб боришмоқда. Ўтову отарларни атрофда сочилиб ётган кагта-кичик харсанг тошлардан ажратиб бўлмайди. Баланд тоғ водийга соя ташлаб турибди, қуёш тик кўтарилган сари соя ҳам унинг этагига яқинлашиб бораверади.

Шу пайг ўтовдан бувим чиқди-да, қўлларимдан маҳкам ушлаб олиб: «Бугун эрта турибсан, юрақол, қимиз ичамиз»,— деб мени судрай бошлади. Мен яланг оёқларимни харсанг тошларга тираб олиб, унинг қўлидан чиқиб олишга уринаман...

— Мунча ўжар бўлмасанг? Ҳа майли, бормасанг борма, ҳаммасини ўзим ичиб қўя қоламан!

Бувим қўлимни қўйиб юборди, ўзи кетаверди, мен бўлсам йиғлаганча унинг кетидан чопдим...

Эҳ, болалик... болалик! Узоқ вақт ўтиб кетган бўлса-да, ўша дамлар кўз ўнгимдан ғира-шира ўтади, умр баҳори болалик, қандай гўзал, беозор дамлар эди-я...

Одамларни мен сахий ва ҳалол, дўст, бир-бирларига меҳрибон ва ғамхўр деб билардим. Айниқса соқолли кишилар менга жуда улуғ ва муътабар бўлиб кўринишарди. Хушчақчақ йигитлар, кўркам қиз-жувонларга ҳавасим келарди. Уларнинг ҳаммаси бирдай мени яхши кўришадигандай туюларди, гўё улар тўполончи болаларнинг ҳимоячисидай эдилар мен учун.

Ҳайбатли қоялар, поёни йўқ кенг чўллар, ғуборсиз кўм-кўк осмон, ялтираб турувчи юлдузлар, баркашдай юмалоқ ой, бўлиқ ўсган ўт-ўланлар — ҳаммаси мени ардоқлаётгандай кўринар эди. Ҳамма худди кекса бувим ва ёшгина опаларим сингари сахий ва гўзал бўлиб туюлар эди менга.

Фақат қора булут отамнинг ишбилармонлигини, момақалдироқ эса бувимнинг кап-катта ўғилларига заҳар сочишини эслатарди. Бундай вақтларда мен қўрқиб, жи-

миб қолардим... Емғир худди кўз ёши тўкаётган болага ўхшарди ва унга раҳмим келиб қийналардим... Тойчаларини эргаштириб яйловда ўтлаб юрган биялар мени ўз ёнига чорлаётганга ўхшарди. Ҳаво очиқ кунлари осмонда сузиб юрувчи худди қўзичоқларга ўхшаган паға-паға булут парчаларини ҳам яхши кўрардим, қанот бўглаб кўкка учиб чиққим, улар билан бирга булутлар аро бекинмачоқ ўйнагим келарди... Болалик хаёллари қаерларга бошламасди мени... Ҳа, ҳамон ўша, узоқда қолган болалик дунёсига қайтгим келиб қолади баъзан...

Биз хотираларимизни ёзар эканмиз, нима учундир қандайдир тартиб қидирамиз ва унга қандайдир маъно беришга уринамиз. Бу кейинроқ, одам ўзини тутиб олган давр учун керакдир, аммо, менимча, дастлабки болалик давримиздан изчиллик, мантиқийлик излаш беҳуда бир нарса, Тахминимча ҳар биримизнинг ҳам бирор сюжетга асосланмаган болалик йилларимизда бошимиздан кечирган воқеалар, кечирмаларни, гўдаклик давримиздаги таассуротларимизни аниқ ифодалаб бериш қизиқарли, ўқимишли бўлиб чиқишига ишончим комил. Шу боисдан ҳам мен болалик йилларимда бошдан кечирганларимни қандай бўлса шундай, ҳеч нарса қўшмай ҳикоя қилиб бермоқчиман.

...Мана, опам Убианна катта ўтовдан чиқиб, ўчоқ бошига келяпти. У мени ачомлаб олиб боши баравар кўтаради. Мен хандон уриб куламан... Сўнгра у, янги туғилган боласини халтасида олиб юрган кенгурудек, мени кенг кўйлагининг ичига солиб, бағрига босади. Мен кенг ёқасидан бошимни чиқариб оламан. Унинг ҳароратли бағрида ҳузур қиламан.

Бошқа опам Алиманна бўлса, бир куни уйдаги анжомлардан бўйи ярим метрлар чамаси келадиган қўргон ясаб, мени алдаб унинг ичкарисига киритди ва отамнинг эгарини эшик қилиб беркитиб қўйди-да, ўзи дуго-



налари билан ўйнагани жўнаб қолди. Бу «бир кишилик қамоқхонада» бир соатча қолиб кетиб, роса бақриб йиғлаганман. Мени у ердан холам қутқазиб олган эди. «Вой Алиманна-ей, қандай ёмон қиз-а!» — деди мени кўтариб олиб, қўлида силкиб-силкиб ўйнатаркан. Ушандан кейин кичик опамни унча яхши кўрмайдиган бўлиб қолдим...

\* \* \*

Эсимда... Амаким катта ўтовнинг ўртасида мени кафтида кўтариб турибди. Мен қўрқаётган бўлсам-да, тиззаларимни буммай, тикка турардим. Амаким бўлса, мени аяб-авайлаб: «Ғоз-ғоз!» — дерди...

У мени бобомдан қолган тулки тумоққа ўтқазиб, тумоқнинг боғичини маҳкам боғлаб, ўтовнинг тепасига осиб қўйгани ҳали-ҳали эсимда. Узи бўлса кигизга ўтириб олиб: «Хўш, қалайсан, қушча? Қачон учмоқчисан? Қаёққа учасан?» — деб роса сўроқ қилган эди. Мен йиғлаб, пиқиллай бошлаганимда у, ҳозир девона келади, деб қўрқитган эди... Ушандан кейин амакимдан четроқда юрадиган бўлиб қолганман...

\* \* \*

Бир кунни отам бозордан қайтиб келарди. Катта опам мени кўтариб, уни қарши олгани чиқди. Отам эгар устидаги хуржунини тўғрылаб, мени отга миндириб қўйди. Мен эгар қошини маҳкам чангаллаб олдим. Отам отни юганидан ушлаганча ўтов томон етаклаб борди. Утовгача бўлган масофа ўттиз метрча бўлишига қарамай, ҳали у томонга, ҳали бу томонга оғиб кетиб, хуржуннинг ичига тушиб қолардим. Отам кула-кула хуржундан чиқариб, яна эгарга миндириб қўярди. Опам бўлса ёнма-ён борар ва: «Қўрқма, қўрқма! Маҳкамроқ ушла!» — деб далда берарди менга. Бу менинг биринчи бор от минишим эди.

\* \* \*

Яна бир нарса тез-тез эсимга тушиб туради... Ўтовда бир неча соқолли киши ўтиришиб, қимиз ичишарди. Отам пойгакда кигизнинг бир четида ўтирарди. У имо билан мени ёнига чақириб олди-да, секин қулоғимга: «Сенга шундай тарбия берганмидим, нега оталарингга салом бермадинг?» — деб шивирлади. Мен уялиб кетиб, ўтовдан ташқарига қочиб чиқдим. Мен бир оз ташқарида турдим-да, сўнгра оҳиста ичкари кириб, таъзим билан: «Ассалому алайкум, оталар», — дедим. Турган гапки ҳаммалари жилмайишди. Улар мени изза бўлмасин дея бараварига: «Ваалайкум ассалом», — деб алиқ олишди. Кейин мени яхши бола экансан деб роса мақташди. Мақтовлардан хурсанд бўлиб, отамнинг ёнига бориб ўтирдим. У бошимни силаб: «Баракалла, ўғлим! Бундан кейин ўтовга кирганингда катталар ўтирган бўлса, доим салом бер, хўпми?» — деди.

Отам менга шажарамизни ҳам ўргатарди.

— Кимнинг ўғлисан? — деб сўрарди у мендан.

— Мен Момишнинг ўғлиман, — деб жавоб қайтарардим.

— Момишчи, у кимнинг ўғли? — дерди у яна.

— Момиш — Имашнинг ўғли.

Шу йўсинда етти пуштгача бориб етардик...

Меҳмонга келганлар ҳам даставвал мен билан қизиқишар, исминни, етти пуштимизгача исми-шарифимизни сўраб имтиҳон қилишарди.

\* \* \*

Кавказга сафар қилганимизда сурункасига уч кун очиқ ҳавода тунашга тўғри келганди. Мен аллавақтгача кўз юммай, фикран таржимаи ҳолимга саёҳат қилардим. Ҳаётимнинг ҳамма даврларига нисбатан болалик

ва ҳарбий хизматдаги йилларимда кўпроқ тутилиб қолардим. Ҳамма ухлаб ётарди, мен бўлсам сакраб туриб, эсимга тушганларни дафтарга ёзиб қўйгим келарди. Лекин, чироқ қаёқда? Яна осмонга қараб ётавераман. Юлдузлар раҳм қилгандай менга қараб имо қилишади. Қаердадир ўрмонда худди тун сокинлигини қўриқлаётгандай бойқушларгина жўрлашади. Осмон ғоят тиниқ... Тўлин ой худди кулиб тургандай. Дарахтларнинг шивирлашларигина зўр-базўр қулоққа чалинади... уфқ баланд-паст. Йўқ, бу баланд-пастлик эмас... Булар сержун туялар карвони, тун қоронғусида баланд-паст бўлиб кўринаётган уларнинг ўрқачлари... Булар кўкка бўй чўзган Олатов чўққилари ҳам эмас, улар ҳақиқий туяларнинг катта-катта ўрқачлари. Ушанда қуйидагилар ёдимга тушди...

Беш ёки олти ёшлик чоғим. Тунда уйғониб, аста бувимнинг тўшагидан сирғалиб тушиб олдим. Ёнгинамиздаги отамнинг ўтовига кирмоқчи эдим. Қўрадаги туялар ёнма-ён тизилишиб бўйинларини ерга қўйиб мудрашарди. Мен уларни оралаб ўтиб, сержун бўталоқчани қучоқлаб олдим-да, анчагача юлдузлар чарақлаб турган тиниқ осмонга тикилиб турдим. Назаримда, тўлин ой кулаётганга ўхшарди. Ойдинда туяларнинг ўрқачи тор чўққилари янглиғ эгри-бугри чизиқ кашф ётарди. Шу қадар жимжит эдики, ҳатто бўталоқларнинг ҳам нафас олишини эшитиб турардим. Маҳлиё бўлиб, отам ухлаб ётган ўтовга кетаётганимни ҳам унутиб қўйибман. Эрталаб мени икки бўталоқчанинг ўртасида ухлаб ётган жойимдан қидириб топишибди. Отам кулиб қўя қолди, бувимнинг жаҳли чиқди ва ўша кундан бошлаб ўтовнинг эшигини илиб қўядиган бўлди...

Бу тунги воқеа уруш йилларида қайта содир бўлишини сира хаёлимга келтирмаган эдим. Лекин ўшанда ҳам худди шундай бўлган эди. Мен ўзимни ўша пайт-

дагидай кичкина ва букри тоғлар ўртасида ётгандай ҳис қилган эдим.

... Шундай қилиб, беш яшар пайтим. Овулимиз ёзги яйлов — Олагов этакларидан Оқсой ва Кўксой даралари орқали Мингбулоқ деб аталувчи воҳага кўчиб ўтганига ҳам аллақанча бўлиб қолди.

Ҳали илиқ эрта куз эди. Кўчманчи овулимизнинг одатдаги кунлари бир зайлда ўтиб борарди. Моллар яйловда ўтлар, катталар ўз тирикчилиги билан банд, биз болалар бўлсак овулда ўйин билан оворамиз. Мен эса тобора улғайиб, овулдаги болалик даврим ўтиб борарди.

\* \* \*

Ўқитувчиларимнинг исми-шарифларини эсимга туширмоқчи бўлсам ҳар доим ўзимнинг ота-онам, бувим, қариндошларим кўз ўнгимдан ўтаверади...

Кейинроқ ўқиганимда ҳам бирорта домламни бувим, отам ва яқин қариндошларим берган таълимни қайтарганини эслай олмайман. Йўқ, сира бўрттириб кўрсатмоқчи эмасман. Дунёнинг пайдо бўлиши, одамлар ҳақидаги, ҳаёт тўғрисидаги, бурч ва одамийлик ҳақидаги, яхши ва ёмон, яқин ва йироқ, дўст ва душман ҳақидаги эртакларни биринчи бор менга бувимлар ҳикоя қилиб берганлар. Ахлоқ, одоб ва виждон ҳақидаги илми ҳам биринчи марта ўшалардан ўрганганман. Эътироф этиш керакки, ўша вақтларда мен ҳам бошқа болалардай бувим айтиб берган эртак ва маталлар, отам айтган ҳикоя ва қарияларнинг берган насиҳатлари моҳиятига унча тушунолмас эдим. Ўша кезларда, тўғриси айтсам, мени буларнинг сиртқи саргузаштли жиҳатларигина қизиқтирар эди. Ҳозир ўйлаб қарасам, инсонийлик фазилатлари қонун-қоидаларини ўшалардан ўрганганимга амин бўламан.

Уқитувчиларим менга имлони, бўғинларни, улардан сўзлар ясалишини ўргатишди. Улар ёзиш-чизишни, ма-салаларни ечишни ўргатишди. Қисқагина умрим давомида бошимдан кечирганларим, тез-тез ўзгариб турувчи ҳолатлар, ҳаёт тақозоси билан сокин турмушдан қайноқ турмушга тушиб қолишим, кундалик беқарор воқеалар, одамларнинг ўзлари ҳам менинг ўқитувчиларим бўлишди. Улар бувимнинг «мумкин» ва «мумкин эмас». «яхши» ва «ёмон»... деб ўқдирган сўзларининг маъзани чақиб берди.

Бувим «гоҳо» мени узоқ йиллар кейинга, «гоҳо» бўлгуси замонга элтиб қўймоқчи бўларди...

Мана бугун ўзим ота бўлган ва болаларим менга, содда бўлишига қарамай, жуда чуқур мазмунга эга бўлган саволлар беришадиган пайт, лекин вақт ва ма-софа ҳамма вақт ҳам уларга жавоб қайтаришга имкон беравермайди, ана шундай дамларда уларнинг меникидақа бувиси йўқлигидан ғоят афсусланаман.

Болалардан неча ёшга кирганлигини сўрасангиз ҳеч бир такаллуфсиз: фалон ёшга кирдим, дейишади. Ҳозирда, боланинг туғилган куни ҳар йили календарь бўйича нишонланади, менинг болалик йилларимда эса туғилган кун эмас, бошқа муҳим «босқич» нишонланар эди. Еш боланинг биринчи муҳим «босқичи» — қирқ кунлиги, яъни чилласи чиқиши; кейингиси етти ёшга тўлиши. Бу ёшда бола оёққа туриб олади. Бизда: «Бола етти ёшигача ер тўқмоғини ейди» деб бекорга айтишмаган-да. Дарҳақиқат, бола етти ёшга киргунича эмаклайди, қоқинади-туртинади; энг муҳим «босқич» — бу боланинг ўн уч ёшга кириши — етилган давр, энди уни қўлидан етаклаб юришмайди ёки бизнинг қозоқлар: «У энди ўз ақл-ҳушини йиғиб олди», дейдилар ва ниҳоят «йигирма беш ёш — йигитлик» даври.

Отам кун, ой ва йил ағдаришни ўн икки «мучал» ор-

қали аниқлашга ўргатарди. Мен: «Сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз йили» — деб ёд олганман. Лекин отам улар нималарни англатишини айтиб бермаган эди.

Бир куни отамдан рухсат олдим-да, билганларимни бувимга мақтанмоқчи бўлиб унинг олдига чопдим...

Ўтов ичкарасида ғир-ғир шабада елиб тургани эсимда. Бувим қўлидаги икки чивиқ билан жун сава-ларди. Савағич шу қадар бир маромда ҳаракат қилардики, ундан худди қўй ҳосил бўлаётгандай эди. Икки опам ва жиянимиз бувимга ёрдам беришарди. Бири жун ташиб берса, иккинчиси уни титиб турибди, учинчиси эса, урчуқ қулоғини айлантириб ўтирибди... Мен бўлсам билимимдан хурсанд бўлиб бувимнинг олдига югуриб келдим-да: «Бувичи, буви, тўхтаган! Мен ҳозир сизга нималарни ўрганиб олганимни айтиб бераман»...— дедим.— «Набирагинам, туратур, ҳозир ишимни тугатиб олай, сўнг айтиб берасан»,— деб ҳар сафаргидай мени шошмасликка ундади бувим. Мен ҳам уларнинг ёнига ўлтириб олиб, ҳовучлаб жун ўйнай бошладим. Кичик опам мени турткилаб, қўлимдаги жунни тортиб олди. Мен хафа бўлдим, опамни маймун дедим. Унинг жони чиқиб кетиб бир шапалоқ туширди-да:

— Нега энди маймун бўлар эканман?!— деди.

— Чунки сен маймун йилида туғилгансан...

— Ўзинг-чи, ўзинг тўнғизсан, сен тўнғиз йилида туғилгансан! — деди-да, тилини кўрсатди менга.

Менга алам қилди, муштлаша кетдим.

Бувим кула-кула бизни ажратиб қўйди.

— Қурмонқул-чи, у қачон туғилган?

— Товуқ йилида,— деди бувим.

Қурмонқул озғин, сочлари тўзғиган қиз эди. Биз уни «туллаган товуқ» деб масхара қила бошладик. Қурмонқул ҳам ғинший бошлади. Шунда бувим бизларни ўт-

қазиб қўйиб, биттадан иссиқ кулча берди-да, яна ҳикоя бошлади:

— Оллоҳ коинот, қуёш, ой, кун ва тунни яратаётганда чарчаб қолиб, кун, ҳафта, ой ва йилларга ном қўйишни унутиб қўйибди... Дунёда тирик мавжудот борки, уларнинг ҳаммаси на ҳисобни, на вақтни билишмас ва ҳатто қари ҳамда ёшнинг фарқига етиша олмас экан. Одамнинг неча ёшга кирганини йилига қараб эмас, бўйига қараб аниқлашаркан. Куз, қиш ва ёзнинг қачон келишини билишмас экан. Одамлар қўй ва туяларнинг жунини қирқишни ҳам билмас эканлар, улар жунлари олинмай туллаб юришавераркан. Худо бу тартибсизликларга қараб туриб чидай олмабди, одамларга ақл ва фаҳм беришга қарор берибди: одамларни болалардай беташвиш яшамаслик учун вақтдан унумли фойдаланишга, кичкинтойларга қачон сут бериш, қўйларнинг жунини қайси пайтда қирқиш, чорвани ёзги ўтлоққа қай вақтда ҳайдашга ўргатиш мақсадида ойни ҳафталарга, кунни соатларга, йилни ўн икки ойга тақсимлабди. Худо шу йўсинда фаслларга қараб ойларга ном берибди. Ойга ўз жамолини яшириш ва очиш орқали ҳисоб олиб боришга, юлдузларга эса оби-ҳавони аниқлаб олишга ёрдамлашишни топширибди.

Одамлар узоқ вақт мана шундай ҳаёт кечирибдилар. Яна чигалликлар пайдо бўлибди... Ҳар бир йил кейингисига, баҳор — баҳорга, қиш — қишга ўхшайди. Шу сабабли одамлар ўтмиши ва келажагидан беҳабар яшай-верибди.

Шунда худо бутун ҳайвонларни тўплабди-да, уларга ҳисобни ўн икки йилдан қилмоқчи ва бу йиллар унутиб кетмаслиги учун йилларни ҳайвонот дунёсидаги номлар билан атамоқчи эканини айтибди. «Эртага ҳамма тонг пайтида чўлга чиқсин ва шарқ тарафга қарасин. Қуёшнинг илк нурлари коинотга таралганида осмонда

булутга ўхшаш буг пайдо бўлиб, у харир чойшаб янглиг ер сатҳини қоплайди, бу дам янги йил кирган бўлади. Қайсики жонивор уни биринчи бўлиб кўрса, янги йил ўшанинг номи билан аталади ва йил санаш шундан бошланади. Иккинчи бўлиб кўрган, ўз номини иккинчи йилга совға қилади. Шундай қилиб, янги йилни олдин кўрган ўн икки ҳайвон, ана шундай олий шарафга муяссар бўлади», дебди у.

Ҳайвонлар чўлга қараб чопибдилар ва мен олдин кўраман деб, роса мақтанишибди, баҳслашибди. Бир хиллари кўзларининг ўткирлигини пеш қилса, бошқалари чаққон оёқлари уларни ҳаммадан олдин янги йил булутлари ёнига элтиб қўйишини айтиб керилишибди, учинчилари эса... Лекин туя кавш қайтарганча оёқлари остида ўрмалашиб, бири олиб-бири қўйиб мақтанаётган майдачуйда ҳайвонларга гердайиб қараб қўйибди-да, чўккалаб олибди... «Баҳслашиб овора бўлманглар. Мен чопиб овора ҳам бўлмайман, ўрнимдан туриб ҳам ўтирмайман. Менинг бўйним шундай узунки, мана бундай қилиб бошимни кўтарсам бас, худонинг янги йилини биринчи бўлиб ўзим кўраман». Шундай деб у беўхшовлик билан бўйнини қуйи эгиб, ердаги янтоқларни каппа-лаб еяверибди.

Ўзининг ожизлигини сезган бечора митти сичқонбой ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишланар, ҳамманинг олди-га борар ва: «Мен нима қиламан? Мен нима қиламан энди?»— дермиш. Сичқон ҳатто туядан ҳам сўрашга журъат этибди, лекин туянинг жаҳли чиқиб: «Йўқол бу ердан, бўйингни қара, гиёҳдан ҳам пастсан! Сендан минг чандон гавдалироқ, муносиб зотлар шундоқ ҳам етиб ортади бу ерда»... деб сўлакларини сачратиб пишқириб берибди туя. Кейин у ялқовлиги тутиб кўзларини юмиб, мудрай бошлабди.

Туя коинотга қора чодирини ёпиб ҳаммани тинчла-



тирибди. Сўнгра юлдузлар чарақлаб кетибди, чўлни сукунат қоплабди, ҳатто эсаётган шабада ҳам тинчиб қолибди, фақат аҳён-аҳёнда бўриларгина улиб қўйшармиш... Ҳайвонлар кўзларини чақчайтирганча шарққа тикилишармиш.

Ниҳоят осмон сезилар-сезилмас ёриша бошлабди. Ҳайвонлар ташвишлана бошлабдилар, бўйинларини чўзиб шарқ томонга термилишармиш; тулки бўлса бароқ думини ликиллатиб, у ёқдан-бу ёққа зир югурармиш...

— Ҳали вақт бор, улгураман...— деб эснаб қўйибди туя.

Кутилмаганда унинг боши узра:

— Мен кўряпман... кўриб турибман, ана булут кўтариляпти,— деган ингичка чийиллаган овоз эшитилибди.

Бу туянинг бошига чиқиб олган сичқон экан, шундай қилиб янги йилни биринчи бўлиб сичқон кўрибди.

— Қаерда чинқиряпсан, э бедаво махлуқ?— деб қайрилиб қарабди, худонинг сўзини унутиб қўйган туя...

— Мен сенинг бошингда турибман, бу ердан ҳамма ёқ яхши кўриниб турибди, мен биринчман!.. — дея қувониб чийиллабди сичқон, лекин туя, ғазаб билан бошини силкиб юборган экан, сичқон «мен биринчи» деганича ерга учиб тушибди.

Мана шундай қилиб биринчи йил сичқон номи билан аталадиган бўлган экан. Шунинг учун ҳам халқ орасида: «Бўйингга ишонма, туяга ўхшаб йилдан қуруқ қоласан,— деган нақл сақланиб қолган экан...— Кўпгина ҳайвонларнинг номи йил ҳисобидан ўрин олган-у, лекин туя ҳамон йилномага киролмай желяпти...»

Бувим ҳикоясини тугатди-да:

— Болаларим, ҳеч қачон кибрланманг, митти сичқон сиздан ақллироқ чиқиб қолиши мумкин...— деди кулиб.

Шу пайт ўтовнинг тепа туйнугидан бир қалдирғоч учиб кирди. Шундоқ туйнук яқинига усталик билан қурилган инда ётган жўжалар сариғ тумшуқларини осилтириб чиғиллай бошлашди. Ҳаммамиз беихтиёр тепага қарадик. Қалдирғоч учиб келиб ўз инининг бир чеккасига қўнди ва болаларидан бирига овқат бериб, яна ўлжа излаб ташқарига учиб кетди. Унинг ҳавога баландлаб бораётгани, туйнукдан кўзга ташланиб турган бир парча мовий осмонда нуқтадай бўлиб чарх ураётгани, кейин пастга ўқдай отилиб, яна туйнукдан учиб киргани ва боласига оғзидаги ҳашаротни бергани — ҳаммаҳаммасини кўриб турдик. Шу йўсинда қалдирғоч навбатдаги боласига овқат келтирарди. Ниҳоят қалдирғоч чарчаб инни четига қўнди, тумшуғи билан патларини тозалай бошлади...

— Ҳуш-шт!— деб ҳуштак чалдим-да, боя бувим жун савалаб ўтирган савағични олиб, қалдирғочни қўрқитишга тушдим.

— Вой, во-ей! Намунча ёмон болайкансан-а! Ҳа, жуда ёмон бола экансан! — деб қўлимдан ушлаб олди бувим.— Қалдирғочни нега қўрқитасан? У одамнинг дўсти-ку, буни билмайсанми ҳали! Болалари катта бўлиб учиб кетгунича, у менинг ўтовимнинг азиз меҳмони бўлади... Меҳмонимни кимки хафа қилса, у мени ҳам хафа қилган бўлади.

Қизлар қиқирлашиб мени масхара қилишди.

Кейин бувим қўлимдан ушлаб, бағрига тортди-да:

— Қўй, чироғим, тинчлан... Қани, тиззамга ўтир, сенга нима учун қалдирғочнинг думи иккига бўлингани ва чивиннинг тили гунг экани тўғрисидаги эртани айтиб берман,— деди.

Бувимнинг ҳикоясини ҳар доим маза қилиб тинглар эдик.

— Бир куни,— деб ўз ҳикоясини бошлади бувим,— ер юзи ва сув остидаги мавжудотларга ҳукмрон, дунёда энг доно ва одил, барча йиртқичлар, қуш, балиқ, ҳайвонот ва ҳашаротлар тилини тушунадиган буюк Сулаймон подшога илон ўз заҳрини душман келаётган йўлга пуркаб бебаҳо хизмат кўрсатибди.

Шунда Сулаймон илон хизматини тақдирламоқчи бўлиб:

— Тила тилагингни,— дебди илонга.

— Эй буюк Сулаймон,— дебди уч айлана кулча тушиб, бошини тик кўтариб олган илон,— мен ва менинг авлодларимга ер юзида яшаётган тирик мавжудотнинг энг ширин қонини ичишга ижозат бер...

Сулаймон ўйлаб қолибди-да:

— Майли, айтганинг бўлсин. Лекин, қани айт-чи, энг ширин қон кимники ёки ниманики экан.

— Эй буюк ҳукмдор,— деб жавоб қайтарибди хафа бўлиб илон,— бунга мен қаёқдан билай. Худо мени шу алфозда дунёга келтирди. Терим шу қадар совуқки, баданимга тегиб кетган жондорнинг ҳаммаси жирканади. Ҳеч ким мени эркаламайди. Қанотим ҳам, оёғим ҳам йўқ, ҳеч кимни қувиб ета олмайман ҳам. Менинг теримдан ҳатто қуёш нури ҳам сирғалиб кетади. Исиниб олиш учун қумда узоқ вақтгача ётишим керак. Оёғи бор жондор мендан қочиб қутулади, қаноти бори масхара қилиб тепамда чарх уриб учади. Шундай бўлгандан кейин кимнинг ёки ниманинг қони ширинлигини қаёқдан билай? Худойим ҳатто тупугимни ҳам барча тирик жондор учун заҳар қилиб яратган!

Одил Сулаймон узоқ вақт ўйланиб қолибди. Ақлли ва одил подшо учун кимнидир уқубатли ўлимга маҳкум этиш осон эмас эди, лекин у берган ваъдасидан қайтмасди ҳам. У узун нишли барча қанотлиларни тўплаб, уларга тўрт тарафга учишни ва ер юзида яшовчи барча

тирик жоннинг қонидан тотиб кўришни ва дарҳол орқага қайтиб, кимнинг ёки ниманинг қони ширинлигини хабар қилишни буюрибди.

Чопарлар Сулаймоннинг амрини бажо келтириш мақсадида тўрт тарафга учиб кетишибди. Кунлар ўтибди. Ҳар тарафда чопарлар изғиб юришаверибди. Барча жондорлар олами, илон заҳридан ҳалок бўлиш кулфати кимнинг бошига тушишини билмай ташвиш-надоматда эди.

Ҳар куни эрталаб ташвишли чирқиллаганча чопарлар йўлига чиқиб турадиган қалдирғоч бир куни ҳорғин учиб келаётган чивинга кўзи тушиб қолибди. Чивин биринчи бўлиб жавоб олиб келаётган экан. Қалдирғоч у томонга ўқдай отилибди-да:

— Салом, чивинжон...Тинчлик ва саломатлик тилайман сенга! Сафаринг муваффақиятли бўлдими? Буюк шоҳимиз Сулаймоннинг ери, денгизларию тоғ ва водийларида қандай янгиликлар бор?— деб сўрабди.

Чивин қалдирғочнинг мулозаматли сўзларига хушмуомалалик билан жавоб берибди-ю, лекин тўрт кундан бери тинимсиз учаётганини, чарчаганини, подшога жавоб қайтаришга шошилаётганини, бор гапни ипидан игнасиғача ҳикоя қилиб беришга вақти йўқлигини айтиб узр сўрабди.

— Ундай бўлса сени кузатиб қўяман, йўлда ҳикоя қилиб берасан,— дебди қалдирғоч.

Қалдирғоч чивин билан ёнма-ён учиб бораверибди, чивин йўл-йўлакай Сулаймоннинг топширғини қандай қилиб бажарганини сўзлаб берибди.

— Кимнинг қони ширин экан? Шундай билгим келяптики! — деб сўрабди қалдирғоч.

— О-дам-нинг! — деб ғинғиллабди чивин гердаиб.

— Йўқ... бўлмаган гап... ёлғон гапиряпсан! — дебди қалдирғоч ташвишланиб.

— Қасам ичаман! Елғон бўлса худо урсин мени! Унинг лаззати ҳали ҳам тилимнинг учида турибди...— дебди чивин.

— Қани, тилингни кўрсат-чи! — дебди қалдирғоч.

Шунда аҳмоқ чивин тилини чиқарган экан, қалдирғоч яшин тезлигида чивиннинг тилини чўқиб ташлабди.

— Энди ёлғон гапира кўрма, мунофиқ махлуқ! — деб чирқирабди-да, кейин бошқа чопарлар қаршисига учибди қалдирғоч... Бошқалар ҳам чивин айтган гапни қайтаришаверибди. Қалдирғоч одам ҳаётини сақлаб қолмоқ учун ари, сўна, пашшалар билан ҳам жанг қилибди...

Барча чопарлар қайтиб келиб, саройга тўпланишганида буюк Сулаймон ичкаридан чиқиб келибди-да, тахтига ўтириб, чивинга мурожаат қилибди:

— Қани айтчи, кимнинг қони ширин экан?

Чивин подшонинг саволига жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб кўрган экан, фақат «вззз» дея олибди, холос.

— Нима бўлди сенга, мастмисан? Еки тилинг йўқми? Аниқроқ гапир!

Лекин тили чўқиб ташланган чивин яна «вззз» дейишдан нарига ўтолмабди.

Сулаймон ари, пашша ва бошқа чопарлардан ҳам шу саволни сўрабди, лекин улар «вззз», «ж-ж-ж-ж», «ж-ж-ж-ж-у-у»дан бошқа жавоб қайтаришолмабди.

— Буларга нима бало бўлди? Уларнинг сўзига бирор кимса тушундимми?— деб сўрабди ғазаби ошиб кетган Сулаймон.

Шунда қалдирғоч олдинга учиб чиқибди. Сулаймоннинг пойи ҳокини ўпиб:

— Мен ҳаммасига тушундим. Буюк ҳукмдорим, ҳам-малари бир оғиздан қурбақанинг қони ширинлигини таъкидлашяпти,— дебди.

Буюк Сулаймон тахтидан турибди-да:

— Майли, шундай бўлсин! — дебди.

Подшо тахти пойгагида ётган илон ғазабидан ўз заҳрини ўзи ютиб, биланглаганча:

— У ёлғон айтяпти! Бу ёлғон! — деб вишиллабди.

— Мен айтгандай бўлади! — деб такрорлабди Сулаймон.— Подшо сўзи амри вожиб.

Шунда илон аламига чидолмай қалдирғочга ташланибди, лекин қалдирғоч қанотларини ёзиб улгурган, илон эса фақат унинг думини тишлаб, ўртасини юлиб ташлай олган экан, холос.

Шунинг учун ҳам қалдирғочнинг думи иккига бўлиниб қолган. Чивин, пашша, ари ва сўна одам қонининг ширинлигини ҳамон унутолмайди, шу сабабли одам тин олмоқ учун ётдими, кўзи уйқуга кетдими, улар дарров тайёр бўлишади-ю, аямай чақа бошлашади,— деди бувим кулиб, бурнимга чертар экан.— Тушундингми энди, миттивой?

Ушандан кейин ҳар куни эрталаб ўрнимдан тургач ўтовнинг тепадаги туйнугидан шўнғиб кирувчи ва яна тиниқ осмон гумбази томон парвоз қилувчи қалдирғочга меҳр билан боқардим.

Бувим айтиб берган яна бир ҳикоя ёдимга тушиб қолди. Лекин уни кейинроқ айтиб бераман...

\* \* \*

Мўминқул амаким бувимнинг кенжа фарзандлари эди. У узун бўйли, қомати келишган, қора кўз, қаншари паст, пучуқ бурун, пастки лаби хиёл қалинроқ, туси оқ-сарикдан келган эди.

Бувимга унинг пучуқ бурни ва қалин лаби ёқмас эди. «Менга ўхшашга ҳаракат қилган-у, лекин иложи бўлмагандан кейин нияям қиларди»,— дерди бувим ҳазиллашиб. Ҳар қалай кенжа бўлганиданми анча шўх ва эрка

Ўғил эди у. Бувим қулоқсизлиги ва шўхлиги учун уни тез-тез жазоламоққа жазм қилар эди-ю, лекин Мўминқул амаким то бувим жаҳлидан тушгунича унинг кўзига кўтринмасди, бошқа ўтовда ётиб юрарди, кейин эса, бувим жаҳлидан тушиб унинг гуноҳидан осонгина кечиб қўя қолар эди. Бувим ҳар қалай бошқаларни жазолашни унутмасди, лекин унинг айбини тез кечириб юборарди. Мўминқул амаким кўпинча номаъқулчилик қиларди, буни эшитган бувим фақат бошини чайқаб қўя қолар эди.

— Вой тентак! Тентаг-эй! Кимга ўхшадийкин-а бу? Отаси жуда мўмин-қобил одам эди... Эҳтимол менинг ака-укаларимга, айниқса укам Серкабойга тортгандир. У ҳам шунга ўхшаб бетоқат ва сочлари ҳурпайган болайди...

Амаким ёшлигида ҳақиқатан ҳам бетоқат, жанжалкаш ва беқарор эди. Агар у пиёда бораётган бўлса қўллари тиним билмай қимирлаб турарди, агар отлиқ юриб қолса, отни йўрғалатгани-йўрғалатган эди. У от устига ирғиб минар, от тўхтамасданоқ унинг устидан сакраб тушарди.

Эсимда, бир куни гарб тарафдаги Қулон тоғи ортига баркашдай куёш ёнбошлаган, Чокпан, Жабағли ва Бурилдай тоғлари сарғиш тусга кирган ва шимол тарафдаги Олатовнинг серқирра чўққиларини қоплаб ётган қорларда қуёшнинг сўнгги нурлари ярқираб кўринаётган бир пайтда воҳадаги яйловимиз кўксига аста-аста кўлачка қўна бошлади. Борлиқни оқшомги нимпушти шафақ қамраб борарди аста. Кечки салқин ҳам туша бошладди. Ўтлоқлардан мол-қоллар ҳайдаб келинганидан кейин гавжум бўлиб кетган овул ўзининг меҳнат кунига яқун ясамоқда. Хотинлар қўй ва сигирларни соғиб бўлишган, қўйларни оғилхонага қамаб, бузоқларни қозиқларга боғлашмоқда. Эркаклар бияларни соғишмоқда. Отлар уюри

ҳали ҳам яйловда ўтлаб юрибди. Шу оқшом овулимиз уюридан асов бир отни тутолмай роса овора бўлишди. Асов от чўлда шу қадар тез чопар эдики, учқур от миниб олган йигит унинг бўйнига сиртмоқ ташлайман деб беҳуда уринарди. Бутун овул аҳли бу маросимни кўришга чиққан ва ҳар ким ўзича ташвишланарди.

— Ҳа, ҳа, жуда оз қолди! — деб қичқирарди томошабинлардан бири асовни қувиб етаёзган йигитга.

— Шундай, шундай... Ирғит, тез! — деб маслаҳат берарди бошқаси.

Чавандозни биров мақтаса, бошқалари:

— У сингирни ҳам тута олмайди!

— Қани, ўзинг ўртага тушиб кўр-чи, бунақа ёввойисини тута олармикансан!

Амаким яйдоқ отга сакраб минди-да, шаталоқ отиб қочаётган асов томон елиб кетди.

— Бу қанақаси, арқонсиз нияям қила оларди?! Отга бекорга азоб беради...

Мўминқул амаким асовга етиб олди-да, унинг думидан маҳкам ушлаб, ўзи миниб бораётган отдан сирғалиб ерга тушди. Тўпланганлар қўрқиб кетганларидан бақириб юбордилар. Ҳамма уни йиқилиб тушди деб ўйлаган эди. Йўқ, Мўминқул амаким йиқилиб тушмаган эди, у асовнинг думидан ушлаганча, яна тепиб олмасин деб бор кучи билан четга тортарди. Асов беихтиёр секинлашди, амаким фурсатдан фойдаланиб, бир ирғидию унинг устига миниб олди-да, ёлларидан маҳкам чангаллаб чўл бўйлаб талай вақт чоптирди, ниҳоят ҳуркович от ён беришга мажбур бўлди. Овул аҳли бу воқеани ажабланиб кузатиб турарди.

— Мана буни йигит деса арзийди! Шайтонни жиловлаш ҳам келади қўлидан...

— Балли-е!

— Абжирлик ҳам шунчалик бўлади-да!



— Унга худди омбурдай тирмашиб олди-я!— дейишарди одамлар.

Амаким мақтовни ёқтирар, мақтов эшитиш учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уришга тайёр эди. У жуда кучли эди, ҳар қанақа оғир юкни кўтарарди. Кўчиш пайтларимизда энг оғир юкни кўтариш унинг зиммасига тушарди. У яхши курашчи ва овулнинг энг олди чопқири ҳисобланарди, лекин ҳеч нарсани охиригача етказмас, ҳаммаси чала-чулпа қолиб кетаверарди. У «чаққон», «шошма-шошар», «тоғбузар»— деган лақабларни олишга аллақачонлар улгурган эди. Қисқаси у чўл спортчиси, ерда ва от устида ўйин кўрсатадиган бемулоҳаза акробат эди. Унинг бу қилмишлари кўпинча кўнгилсиз воқеа билан якунланарди. Мен уни кўпкаридан бирор марта жароҳатсиз қайтиб келганини эслай олмайман. Бир сафар уни ўмров суяги чиқиб кетибди, бошқа сафар оёғи синибди, учинчи марта эса, уни беҳуш аҳволда келтиришди. Лекин хотинлар дард тутиш азобини тез эсларидан чиқариб қўйганларидай у ҳам тузалиши билан ҳамма нарсани унутиб юбораверарди.

Бувим Мўминқул амаким тўшакда инграб ётган пайтларида унга:

— Сен мени ажалимдан беш кун илгари лаҳадга тикқасан! Сени деб букчайиб қолдим! Қанақа тинчимагур бола экансан? — деб таъна қиларди.

Кейин бувим ҳам унутиб юборар эди-да, яна уни яхши кўриб эркалайверарди.

— Оғримаяптими? Сув берайми? Ястиғинг қаттиқдир, алмаштириб берайми?..

Кенжа ўғлининг тез-тез фалокатга учраб туриши бувимга жуда оғир тушарди. Бувим кечалари мижжа қоқмай Мўминқул амакимнинг ёстиғи устида ўлтириб чиқар ва биз набираларини унутиб ҳам кўярди. Шу боисдан биз ёшлигимизда бувимни амакимиздан рашк

қилардик, унинг эркалашидан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқиб, Мўминқул амакимни унча яхши кўрмас эдик ҳам.

Отам амакимнинг шўхлигини сал тийиш мақсадида китоб ўқишга одатлантирмоқчи бўлди, лекин унинг бунга бўйни ёр бермади, кейин унга заргарлик ҳунарини ўргатмоқчи бўлди. Бу машғулот ҳам уй шароитида дуруст бўлавермагач, уни бувимнинг ака-укалари овулига — баджаҳл Серкабой оғанинг қўл остидаги «мактабга» юборишга қарор қилинди.

Олтмиш ёшларга кириб қолган Серкабой оғанинг бизнинг овулга келиб-кетгани ҳали ҳам эсимда. Унинг овулга келиши катта воқеа ҳисобланарди. Узоқда, қирда тўрт отлиқ пайдо бўлди. Серкабойни уч йигит кузатиб келяпти. Серкабой олдинда, ярқираб турган, тухумдай сип-силлиқ йўрғани, ундан кейин эса уч йигит отларини йўрттириб овул томон келишарди.

— Серкабой келяпти! Серкабой келяпти! — деган овоза таралди ҳали у анча узоқдалигидаёқ.

Бувим шошиб қолди, меҳмонларни кутиб олиш учун ўтовни тартибга сола бошлади: наMAT ёзди, кўрпача тўшади, ястиқларни тахлаб ташлади.

Отам билан амаким ўтовдан ташқари чиқиб, Серкабойни таъзим билан қарши олишга тайёр бўлиб туришди. Кутиб олувчиларни кўриб, Серкабой такаббурона тусга кирди ва йўрғаси қадамини секинлаштирди. Йигитлар ҳам ундан андоза олишди. Серкабой яқинлашиб келиб, орада йигирма-ўттиз қадам масофа қолганида отамнинг ишораси билан амаким унга яқинлашди-да, «ассалому алайкум»дан кейин чап қўли билан тизгинни, ўнг қўли билан узанги тасмасини ушлади.

— Ваалайкум ассалом! — деб алиқ олди Серкабой оға ўнг оёғини узангидан чиқариб от устидан ерга тўшар экан. Меҳмон ҳали ерга оёқ қўймай отам мулозамат

билан унинг қўлтиғидан олди. Серкабой ерга тушиб олгач, оёқларини кериб керишди-да, қозоқчасига отам билан икки қўллаб кўришди. Йигитлар ҳам отдан тушишди. Отам овул болаларига имо қилиб:

— Меҳмонларнинг отини олинглр! — деди.

Серкабойнинг кутилмаганда ғазоби қайнаб, отга қараб югурган болаларга хўмрайиб:

— Аввал менинг ҳурматимни бажо келтиринглр, ана ундан кейин қулларимга қарарсизлар!— деб ўшқирди.

Серкабойнинг қўполлигига йигитлар одатланиб қолишган шекилли, улар хижолатпазлик билан жилмайиб туришарди.

— Нега тишларингни оқини кўрсатиб, илжайиб турибсанлар? Қани, ишларингни қилаверларинг!— дея заҳрини сочарди Серкабой. — Бегона овулга борганимда сенларнигина эмас, итимни ҳам сийлашларини талаб қилиб олишга кучим етади, бу ер ўз туғишган опамнинг овули, шуни-чун бу ерда худди ўз уйимиздагидай хизмат қилаверларинг.

Меҳмоннинг баджаҳллигини кўриб, биз кўрқиб кетдик, ҳаммамиз унга ўқрайиб қарадик.

Отам ҳаммани ўтовга таклиф қилди. Серкабой биринчи бўлиб ичкари кирди. Бувим билан қучоқлашиб кўришди, нималардир деб эркалади. Йигитлар ўтовга оғир хуржунларини кўтариб киришди. Серкабой тўрга чиқиб, чордона қуриб ўтирди-да, эҳтиром билан бувимга мурожаат қилди:

— Опажон, кайфиятингиз яхшими, соғлигингиз қалай?

— Худога шукур, чироғим, худога шукур,— дея жавоб қайтарди бувим.

Кейин одатдагидек омон-эсон келганлиги, мол-жон ҳақидаги сўраб-исташлар бошланиб кетди. Хуржундаги

совғалар: чой, қанд, майиз, туршак ва бувимга кўйлак-лик газлама олинди.

Серкабой башанг кийинганди, у ўтовга кириши билан сувсар телпагини ечиб қўйди, сочи устара билан олинган бошида кўк духоба такяси қолди, пешматига кумуш хошия қадалган; кумуш ҳаллик қамчини ярқираб турарди. Узун қирра бурни, қийиқ кўзи чўзинчоқ юзини хўмрайиб тургандай кўрсатарди, қайчиланган мўйлаби қийиқ лабининг икки четидан пастга тушиб турарди: соқоли сийрақ, лекин узун эди. У кўрсатгич бармоғини ёки қамчисини суҳбатдоши томонга қилиб силкиб, амирона оҳангда сўзларди. Менга у гап қайтаришни ёқтирмайдигандай, нима деса ҳамма унга кўнадигандай, айниқса болаларни жини ёқтирмайдигандай туюлди, шу боисдан ҳам мен унинг олдида бирор оғиз сўз айтишга журъат қилмадим.

Кечгача Серкабой оға амакимга ҳам, йигитларга ҳам бир неча марта бақириб берди, уларнинг иши унга ҳеч ёқмасди.

Мен хон ва султонларни ҳеч қачон кўрмаганлигим учун Серкабой назаримда худди ўрта асрлардаги феодалларни эслатарди.

Одатдагидай қўй сўйилди. Бувим бизга ҳовучларимизни тўлатиб қанд, майиз бердилар. Биз отларга ҳавас билан тикилардик. Уларнинг устиларидаги эгар-жабдуқларга кумуш нақшлар зарб қилинган эди.

Серкабой оға амакимни олиб кетар экан, у худди бир умрга овулдан бадарға бўлаётган одамдай бувимга қараб жовдирар, отга мингиси келмай, иложи борича уни кечиктирарди. Унинг имирсилаётганини кўриб Серкабой оғанинг газаби қайнаб кетди. У раҳм қилмай икки-уч марта амакимни қамчи билан тушириб қолди.

— Тезроқ хайрлашасанми, йўқми? Ҳали овулга етиб борайлик, терингни шилиб оламан, икки оёгингни бир

этикка тиқиб қўяман,— деди-да, ғазаб билан бувимга қараб қўяркан, тишини гижирлатди.— Опа, мендан унинг фақат суягини оласан энди.

Амаким қўрқа-писа сўнгги марта бувимга қаради, бувим ҳам саросима ичида:

— Жонгинам, у ўз суягинг, нима қилсанг ўзинг биласан...— дея олди, холос.

Серкабой такаббурлик билан хайр-хўш қилиб, йўлга тушди. Амаким бечора худди асирга тушган кишидай унинг кетидан чайқалиб кетарди. Унинг шўхлиги буткул йўқолгандай кўринарди...

Бувим уларнинг орқасидан узоқ муддат қараб турди-да, рўмолининг учи билан кўз ёшини артар экан:

— Сафаринг бехатар бўлсин, чирогим! — деб қўйди.

Бир ой ўтар-ўтмас бувим кенжа ўғлини соғиниб қолди, уч ойдан кейин айрилиққа чидай олмаган бувим ўғлини кўргани жўнаб кетди. У ерда бувим бир ҳафта турди, қайтиб келгач, куйина-куйина отамга ҳикоя қила бошлади:

— Бечора болам, чўпдай бўлиб кетибди-я! Серкабой уни худди авахтада сақлаябди дейсан. Эртадан кечгача ўқишга мажбур қилар экан. Бу аҳволда у ҳадемай адойи тамом бўлади.

Бувимнинг айтишича Серкабой оға жуда золим экан. Унинг уйда амаким қатъий тузилган жадвалга риоя қилиб яшармиш. Лекин Серкабой оға мен ўйлаганимдай амакимни бир этикда юришга мажбур қилмабди.

У амакимга узун чопон кийгизибди, бошига қалпоқ ўрнига салла ўрашга мажбур этибди.

— Утовга кирганимни биламан,— деб ҳикоя қиларди бувим,— бурчакда ранги-рўйи заъфарон бўлиб кетган бир муллаваччанинг қуръон тиловат қилиб ўтиртанига кўзим тушди. Қарасам, кенжатайим! Ҳатто ўз кўзимга ўзимнинг ишонгим келмасди...

Бир куни бувим ўғлини ўз овулига меҳмонга бориб келишини Серкабой оғадан илтимос қилган экан, у:

— Уни одам қилиб, сўнг сизга бераман, борди-ю одам бўлмаса, ўзим қул қилиб оламан-да, унга овчи итларимни парвариш қилишни юклайман,— дебди.

Бувим қанча илтижо қилмасин Серкабой оға унинг илтимосини қабул қилмабди. Амаким икки йил деганда эғнида узун чопон, бошида салла ва одамнинг кулгисини қистатадиган жажжи мўйлов қўйиб қайтди овули-мизга.

Амаким овулга келганининг иккинчи куни бошидаги салласини тулки тумоққа алмаштириб олган эди, у яна бошқаларга ўхшади-қўйди. Уша дамдан бошлаб қишлоғимиздаги саводхонларнинг сони икки киши ҳисоблана бошлаган эди.

\* \* \*

Бувим ғамгин дамларида ҳам бизга янги-янги афсона ва эртақлар айтиб берарди. У бизга эртақ айтиб бераркан ўз қайғусини оз бўлса-да унутган бўлса ажаб эмас. Шу боисдан ҳам у: «Қулоқ беринг, болалар... Бу воқеа дунё пайдо бўлганидан кейин, лекин ҳали худо ўз бандаларини жазоламаган, ер юзасига тўфон юбориб шаҳар ва овулларни вайрон қилмаган дастлабки даврда юз берган экан. Одамлар ўша пайтларда «рахмат» деган сўзни ҳам билишмас экан, улар қуёшнинг иссиғи, ойнинг шуъласи, шабаданинг салқини, ернинг инъомларидан фойдаланишаркан-у, лекин миннатдорчилик билдиришни хаёлларига ҳам келтирмас эканлар. Ушанда хизмат қилавериб чарчаб кетган қуёш худога мурожаат қилибди:

— Э қодир худо, мен тин олиш, ухлаш нима эканлигини билмайман. Ўзимнинг ёруғ нурим билан жаҳоннинг ҳамма бурчакларини ёритаман, менинг ҳароратим

жамики тирик мавжудотни иситали, ер ва ўсимликлар ундан баҳраманд бўладилар. Машриқдан чиққан заҳотим қоронғи дунё чароғон бўлади, заррин нурларим барча жондору ўсимликларга шодлик бахш этади, аёзли тунда жунжиб қолганларни иситаман, ёмғирда шалаббо бўлганлар менинг нурларимда қурийдилар, сен бунёд қилган барча мавжудот елкасига нурим тушса бас, улар қад ростлаб олади. Менга талпиниб гунча, гул очилади, очкўз инсон кўзи яйрайди. Мен сен яратган жондорлар кўнглига ғашлик ва қайғу солади-ган тун ҳам, зулмат ҳам эмасман. Мен уларни ҳаётдан мамнун бўлиш, хурсандчилик қилишга ундайман, чунки қорлар, музликлар менинг тапгимдан эрийди, зилол сувли дарёлар, булоқлар мавж уради, одамлар чанқоғи босилади. Аммо, эй тангрим, мен бу бебаҳо хизматларим эвазига бирор марта ҳам миннатдорчилик билдирган жондор зотини билмайман. Бундай адолатсизликка ортиқча бардош бера олмайман, ғоят чарчадим. Э қодир худойим! Мени бу мушкул ишдан халос эт. Тин олай, изн бер!

— Бор, сен ишингни давом эттиравер,— деб жавоб берибди худо,— меҳнатнинг қадрини баҳолашни ўзим ўйлаб кўраман...

Қуёшдан кейин худонинг олдига табассумга тўла Ой кириб келибди-да, таъзим қилиб:

— Э қудратли ва марҳаматли парвардигор, мен гуноҳимдан ўтишингни сўраб, ҳузурингга келдим...— дебди.

— Тунда ерни ёритгувчи чароғбоним, сенга не бўлди?— деб сўрабди худо.

— Э қодир худойим, сен менга хира шуъла, ҳароратсиз нур ато этдинг. Қуёш ер юзини тарк этганидан кейин, зим-зиё тунда якка чароғбон бўлиб қоламан ва танҳо ўзим маёқ бўлиб, ер, мавжудотга хизмат қила-

ман. Юзимдаги ниқобни аста-аста олиб, мен одамларга кун, ҳафта, ойларни ҳисоблашларига кўмаклашаман, тўлин ой бўлиб, юзимдаги қора пардани буткул йиғиштириб олган пайтларимда эса қоронғи тунда ухламайдиганларга қувонч келтираман... Ойдин тун уйқудагиларга ором, севишганларга бахт ато қилади. Мен қуёш янглиғ шафқатсизона куйдирмайман, менинг нурларим мулойим ва роҳатбахшдир. Лекин қуёшнинг ўткир нури маҳлиё қилиб қўйган инсонлар мени сезмайдилар: шу вақтгача менинг узоқ вақтлардан бери қилиб келатган ҳалол меҳнатимни бирор кимса пайқамас ва миннатдорчилик изҳор қилмасди, аксинча мен одамзодга масхара бўлиб қолдим. Одамлар кулиб боқишим натижасида пешанамда, қовоғимнинг тагида ва икки яноғимда пайдо бўлган ажинларга тўғри баҳо бермай, мени бужур деб масхара ҳам қилишади. Ҳатто ўзим учун жуда қимматли бўлган, тўлин ойга айланган дамларимда бор сахийлигимни ишга солаётганимни ҳам билишмайди, улар аксинча ораларидаги нўноқ, бир туки йўқ хўппасемиз, бедаво одамларни: «Ойбаркашга ўхшайсан», деб калака қилишгача бориб етадилар. Йўқ, бу ҳақоратларга, камситишларга ортиқча чидай олмайман!— дебди.

Ой шу сўзларни айтибди-да, булут орқасига яширишибди ва ўкиниб кўз ёши тўкибди... Шивирлаб ёмғир ёға бошлабди...

— Чиройли, нуқрадек кўзларингни эҳтиёт қил,— дебди унинг сўзларига жавобан худо.— Бориб, қоинотга хизмат қилавер, сен тўғрингда ўзим ўйлаб кўраман...

Шу топда ҳайқириб ҳаяжонланган шамол кириб келибди-да, худонинг тахтидаги чангларни уфуриб учирибди ва унинг оёқлари остига йиқилиб ёлвора бошлабди:



— Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тоғлар, ўрмонлар, поёни йўқ чўллар оралаб, кенг денгиз тўлқинлари оша кезаман. Мен кемаларни ҳаракатга келтираман, булутларни тўплаб қурғоқчилик бўлаётган ерларга ҳайдайман, ер сувга қониб, зах тортган жойлардан уларни олдинга солиб қуваман. Агар мен бўлмаганимда одамлар жазирама иссиқдан аллақачон ҳалок бўлишарди. Мен иссиқни ҳайдайман, кўйлак, чопон, ҳатто пўстин орасидан йўл топиб, инсон танасига роҳат бахш этаман. Менга на тин олиш, на ҳордик чиқариш насиб этмаган. Мен чарчадим. Э парвардигор, ношукур бандаларингнинг нонкўрлигидан ғоят чарчадим... Энди уларга хизмат қилмайман...

Сув ҳам худонинг тахти пойгача қуйилиб келиб, нола қила бошлабди:

— Э мўминлар ҳукмдори, мен ҳам ҳолдан тойдим! Куну тун тиним билмай оқаман... Ер юзидаги жамики ифлосларни оқизиб кетаман, инсонфсиз ва яхшиликни билмайдиган одам фарзандини ювинтираман, бутун мавжудот оламининг ташналигини қондираман. Мен ўзимнинг ҳалоллигим ҳақида ортиқча гапириб ўтирмайман... Аммо қачонгача чидаш мумкин бунга?..

Худо ўйлаб қолибди.

— Ҳа, инсон ношукурлик қилибди, у жазога лойиқдир!— дебди у ва бутун дунёдаги жондорларни тўп-лашни амр қилибди.

— Қуёш, Ой, Шамол ва Сув сизларнинг ҳаммангиздан бениҳоя хафа,— деб тўпланганларнинг барчасига мурожаат қилибди худо.— Улар бундан буён сизга хизмат қилиш, мадад беришдан воз кечиб, дам олгани рухсат сўрашяпти. Сизларни бундан буён, уларнинг ёрдамисиз, қандай ҳаёт кечиражакларингни сўрамоқ учун тўпладим, хўш, нима дейсизлар бунга?

Худонинг сўзларини эшитган инсон жуда қўрқиб

кетибди. У оқариб, титраб Қуёш ва Ой, Шамол ва Сув қаршисида тиз чўкибди-ю, бирор нарса дейишга тили бормабди.

Шундан кейин худо яна:

— Қани, ким қандай маслаҳат бера олади?— дебди.

Ҳамма жим тураверибди.

Фақат кўршапалаккина қанот қоқиб, ҳаяжон ичида шивирлай бошлабди:

— Э қодир худойим, ожиз қулингнинг сўзига қулоқ бер, ҳақиқатни айтишга ижозат эт. Ун саккиз минг оламни яратган парвардигорим. Узинг ўйлаб кўр, борди-ю қуёш сўнгудай бўлса, одамлар, ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар, гулларнинг ҳоли нима кечади? Агар ой ўз бурчини бажармай, сув кўтарилиши ва қайтишини бошқармай қўйса, ернинг ҳоли нима кечади, денгизлар, океанлар суви бутун қуруқликни кўмиб юбормайдими? Агар сув йўқ бўлиб кетса нима бўлади? Дарёлар, кўллар қуриб қолади, шарқираб турган булоқлар тинади-ку. Борди-ю шамол бўлмаса ер юзида иссиқ ва совуқни, ёмғир ва бўронларни ким бошқаради? Яратган эгам, ўзинг ўйлаб кўргин-а! Шамол сенинг иродангни етказиб туради бизга, эй тангрим, биз сенинг марҳаматингдан бағоят мамнунмиз. Эй парвардигор, ўз қулларингга шафқат қил!— дея нола чекибди-ю, ўз журъатидан қўрқиб кетиб, коинот ҳукмдорининг оёқлари остига таппа ташлабди ўзини.

«Бу кичкинагина махлуқ тўғри сўзни айтди»,— хаёлидан ўтказибди худо ва: «Дунё бунёд этилганида кимга нимани юклатилган бўлса, ўша топшириқни бажараверсин... Қуёш, Ой, Шамол ва Сув, охиратга қадар ҳалол ишланглар...»— деб буюрибди.

Шундан кейин ғазаби қайнаб кетган Қуёш қайноқ нури билан кўршапалакнинг кўзини куйдириб юборибди-да:

— Борди-ю яна кўзимга кўрингудай бўлсанг, ўткир нурим билан кулингни кўкка совураман!— деб дўқ урибди.

Шамол ғазабидан гирдоб ҳосил қилибди-ю:

— Шошмай тур, гирдобимга тушиб қолгудай бўлсонг, танангни бурда-бурда қиламан!— деб ўшқирибди.

— Мен бўлсам, қирғоққа яқинлашганингни кўрсам бас, сени ғарқ қилиб юбораман,— деб шивиллабди сув ўз ўзанига қайтар экан.

Жилмайишга одатланиб қолган Ой бу сафар ҳам жилмайиб, боқнишдан нарига ўта олмабди.

— Оҳ, энди нима қиламан? Ахир менинг гуноҳим йўқ-ку. Эй худойим, буларни мен ўзим учун сўраган эмасдим-ку!— деб ёлворибди кўршапалак.

Шундан кейин худо кўршапалакка қараб:

— Қуёш ер орқасига ёнбошлаган, Ой хизматини бошлашга улгурмаган ва Шамол уйқуга кетган ғирашира маҳалда учавер. Кундуз кунлари бўлса ғорларга, қоронғи қояларга, пастқам харобаларнинг шифтларига ёпишиб олиб, эҳтиёткорона яшайвер... Очлик ва ташналикдан ўлиб қолмаслигинг учун сенга икки эмизак ҳада қилинади, унинг бирида сут, иккинчисида сув тўлдирилган бўлади. Бор, шу йўсинда яшайвер,— дебди.

Кўрқоқ одам бўлса ўша кундан буён Қуёш, Ой, Шамол ва Сувга таъзим қилиб миннатдорчилик билдиришни ўрганиб олибди. Бечора кўршапалак одамнинг шармандаси чиққан пайтда гувоҳ бўлганлиги туфайли ундан доим дакки ейди...»

Мен бувим айтиб берган, жуда қадим замондан қолган афсонанигина ҳикоя қилиб бердим, бувим оила оғзаки «дорилфунуни»нигина тугатган, холос, лекин у буюк халқ донишмандлиги дурдоналарини сақловчи бир хазина эди.

Овулимизда ўзига хос йиғинлар ҳам бўлиб турарди: мол подадан қайтиб, кечки ишлар саранжом қилиб бўлингандан кейин узоқ-яқиндан одамлар тўпланишарди. Бундай йиғинларда кундузги воқеалар, юз берган янгиликлар тўғрисида суҳбат қилинарди, борди-ю, ҳеч гап топилмай қолса, дарҳол ё кураш, ё чопиш, ёки бошқа ўйин бўйича мусобақа бошланиб кетар эди.

Амаким қайтиб келгандан кейин, ҳар оқшом бувимнинг ўтовида тўпланишадиган бўлиб қолдик. Амаким овозини чиқариб дostonлардан ўқиб берарди. Ҳамма уни диққат билан тингларди. Халқ ижоди намуналарининг ўйноқилиги, тилининг равонлиги, улардаги қаҳрамонлик ва жасорат, эпик образлар, мисраларининг муסיқавийлиги кишини ўзига маҳлиё қилиб қўярди, мен ҳам биринчи марта халқ ижодидан ёд олган парчамни амакимникида, кечки йиғинлардан бирида овозимни чиқариб ўқиб берган эдим.

Амакимни қўшни овулларга ҳам чорлашар ва у бундай таклифларни жон-дили билан қабул қилар эди. Овулимиздаги иш ёқмас ёшлар кундуз кунлари ҳам амакимнинг олдига келиб, қўярда-қўймай ўзларига ёқадиган дostonларни, улардан парчалар ўқиб беришини сўрашар, кечки йиғинларда ёддан айтиб беришга уриниб, парчаларни эслаб қолишга ҳаракат қилишар эди. Шунини эътироф этиш керакки, бу саводсиз йигитлар хотирасининг кучлилиги кишини ҳайратда қолдирарди. Улар дostonни икки-уч марта тинглашса бас эди, улар эртаси куни қўшни овул йиғинида бемалол бутун текстни ёддан айтиб бераверардилар. Улар амакимни «устоз» дейишарди. Бунинг мисоли сифатида ҳозирги кунимизда ҳам барҳаёт, овулда «Рустами дoston», «Қамбар» ва бошқа дostonларни айтиб юрувчи бахши,

бизга онам томонидан қариндош ҳисобланган саводсиз Суяюнбой ота амакимни устозим деб билади.

Серкабой оға амакимнинг дин йўлида хизмат қилиш ўрнига дoston айтиш, ўлан айтиш ва маишатга берилиб кетганидан ғазабга тушиб бир неча бор уни койиди. У ўз жиянини шайтон ва осий деди.

— Қуръон тушириб, авлодларга бағишлаганингда савоби тегарди, сен бўлсанг «э-э»дан нарига ўтмай юрибсан, деб амакимни масхара қилди.

— Ҳар жума қуръон тиловат қилипман,— дея ўзини оқламоқчи бўлди амаким.

— Туф сенга, ярамас,— деди чол ғзаби қайнаб.— Шу ҳам гап бўлди-ю! Қуръонни ҳар куни бир неча мартадан ўқимоқ керак, шунда ҳам авлодлар олдидаги қарзингни узолмайсан!

Амаким уч марта уйланган, уччала уйланиши ҳам тинч йўл билан эмас, жанжал билан ўтган. Икки хотинини ўғирлаб олиб қочганди, иккала сафар ҳам бунинг оқибати муштлашиш билан тугаган, уруғлар орасида норозилик туғдирган ва жарима тўлаб қутулишган.

Ҳа, у ёшлигида ҳар хил ўйин ва кечаларнинг ташкилотчисигина бўлиб қолмай, балки турли жанжал ва муштлашишларнинг ҳам бошловчиси эди.

Отамнинг акаси, Тўлебой амаким узун бўйли, норғилдан келган, пучуқ бурунли, сийрак эчки соқол қария бўлиб, доим ҳасса таяниб юрарди. Бозорга кам қатнар, уйда ҳам кам кўринарди. У доим яйловда — моллар орасида бўларди. Ёз кезлари у овулга орқада қолиб кетган бирорта қўзичоқни кўтариб олиб қош қорая бошлаган пайтда кириб келар эди. Тўлебой амаким серфарзанд, ўртаҳол оила бошлиғи эди. У қазо қилганидан кейин икки-уч йил ичида болалари ҳам кетма-кет вафот этиб кетди. Ундан яккаю ягона, мендан уч-тўрт ёш катта, Қурманқул исмли қиз қолди.

Энг катта опам Ўбишни сал-пал эслайман. Отамнинг айтишича у жуда эрта саводини чиқарибди, китоб ўқишни, хат ёзишни ўрганиб олибди. Бизнинг чўл округимизда у биринчи саводли қиз бўлган экан. Хотирам алдамаса уни 1912—1913 йилларда Бейтан уруғига мансуб бўлган Рисқулбек Омаров деган саводсиз бир кишига узатишган. Тўй яқинлашиб қолган кунлар, одамлар орасида «ақлли қиз эди», «саводхон қиз эди», куёв тўғрисида бўлса, «оми» одам, «саводи бор қизни саводли киши олиши керак-да» қабилдаги ҳар хил гаплар чувалашиб кетди. Қизни тенгига бермадилар деган гап юрарди ҳамманинг оғзида. Отам сўз бериб, қалин олиб, қўйганлиги сабабли аҳдидан қайтмади, опамни Рисқулбекка берди. Сабабини билмайман-у, лекин опам бир йил кейин вафот этган. Отам умрининг охиригача уни ўйлаб чуқур қайғу чекарди. Эҳтимол у ўзи йўл қўйган хатога тушуниб етган бўлса керак. Бу хато бошқа қизлари — кичик опаларимга тўғри муносабатда бўлишига сабаб бўлгандир балки.

Қишни пахса уйларда ўтказардик, эрта баҳорда бугдой ва пичанзорларни моллар босиб-янчиб ташламасин деб, ўн-ўн беш чақирим нарироқдаги яйловга кўчиб кетардик. Ўз эҳтиёжимизни қоплайдиган миқдорда, озгинагина ерга ғалла сепар эдик, очигини айтганда, ерни ишлашни билмас ҳам эдик, қозоқ сўқа билан бир неча ботмон ерни юзагина титкилаб, билар-билмас дон сепар ва шу билан иш тамом бўларди. Сўнгра август ойида ҳосилни йнғиб олишга келарди.

Ғалла тўғри бурчакли ўроқда ўриб олинарди. Оддий усулда янчиларди. Ўрилган бугдойни хирмон жойга ёйиб қўйиб, ўнтача от, ёки мол ҳайдаб келинарди-да, уларга бақириб-чақириб бостириларди. Ғалла янчишда айниқса болалар алоҳида ажралиб турарди. Биз болалар, бутун далани бошга кўтариб бақириб-чақирishi-

миздан эсхонаси чиққан жониворларнинг жонҳолатда югуришидан завқланар, унга сари шундай қий-чув кўтарардикки, бу шовқинни тасаввур қилиш қийин. Ниҳоят «бақириб-чақиритдан» чарчардик, ҳайвонларга «дам» берардик. Мол гўнгига араллашиб кетган сомони ажратардик. Хирмонда тупроқ ва хас-чўп аралаш дон қоларди. Энди ғаллани тозалаб олиш учун ҳар ким билганича қичқириб шамол чақирарди... «Чақиритгимизга» жавобан шамол келган бўларди, ғаллани шопирардик, хас, чўп, чанг учиб кетиб дон тозаланади. Бу билан ишимиз тамом бўлмасди. Кечга яқин яна қичқириб шамол чақирар эдик. Яна шамол келарди. Энди ғалвир билан шопирар эдик. Тозаланган донни хирмоннинг бир чеккасига баланд қилиб уйиб қўярдик. Сўнг-ра овулдан ҳисобдон келарди, бирон киши дон уюмини айланасига ва тепагача тирсаги билан ўлчаб чиқарди, ҳисобдон эса ана шунга қараб: мунча ботмон<sup>1</sup> ҳосил йиғилибди, деб ҳисоблаб берарди. Шундан кейин қандайдир дуони ўқишиб, донни қоплашарди. Дон «ер пирининг» июноти ҳисобланар ва хирмон тепасида бўлган ҳар бир киши виждони кўтаргунига қадар қопига тўлдириб олиши мумкин эди, ҳеч бир одамнинг унинг қўлини ушлашга ҳаққи йўқ эди. Ғалла ўрими ва уни янчиш хашар усулида оммавий ўтказилиши сабабли, у хирмондалигида, ер инъоми ҳисобланар ва уни ўзлаштириб олишга ҳеч ким журъат этолмас эди.

Болалигимда бизнинг овулда ғалла ўрим-йиғими ана шундай одат асосида ўтказилишини эслайман.

Кейинроқ бизнинг уруғларимиз ҳам бошқа қозоқлардай руслар билан ёнма-ён ишлаб ғалла етиштириш санъатини ўрганиб олдилар. Улар ерни сифатли шудгорлай бошлашди, руслардан ижарага олинадиган мо-

---

<sup>1</sup> Ботмон — ўн икки пуд.

лалар пайдо бўлди... Вақт ўтиши билан 'овулимиз' хир-монида ғалла янчадиган тошлар, бир неча хил элак, дон совургич, паншаха, чалғи пайдо бўлди. Лекин булар коллектив хўжалик тузилгунига қадар жуда қийинлик билан, узоқ муддат давомида кириб келарди, қозоқ отни ишлатишни гуноҳ, от фақат минишга лойиқ деб биларди. Улар фақат хўкизни ишлатишарди.

Ерга бўлган муносабат секин-секин ўзгариб борди, ҳатто ерни русларга шерикликка — ижарага ҳам бера бошладилар. Қишлоқ хўжалигида ғаллакор батрак — қўшчи-чоракорлар пайдо бўла бошлади.

Бирорта ҳам моли бўлмаган камбағал деҳқон бадавлат одамлардан уруғлик, ишлаш учун бир жуфт хўкиз, сут учун сигир, аҳён-аҳёнда минишга от, нимдош бўлиб қолган пойафзал, эскириб кетган чакмон оларди ва ўз ерида хўжайин учун худди унинг батрагидай ишларди.

Бойдан фақат уруғлик олган қўшчи ҳосилнинг ярмига шерик бўларди, агар у хўкиз ҳам олган бўлса учдан бир қисмига; агарда у сигир ҳамда кийим-кечак олган бўлса унга ҳосилнинг тўртдан бир қисми тегарди. Хўжайин бўлса уруғ ҳақи, сут ва хўкиз ҳақи деб ҳосилнинг қаймоғини олиб қўярди. Қўшчи ана шундай оғир шароитда ишларди.

Қоратов ортидаги ерлар унумсиз, ғалла ҳосили кам бўлганлиги сабабли бошқа уруғлардан ҳам келишиб, қўш берадиган бўлиб қолишди. Деҳқончилик кенгайган сари яйлов доираси торайиб, ўз навбатида чорвачилик ҳам сиқилиб борди. Уруғимиздаги бадавлат онлалар мол-ҳолларини олиб, эндиликда Қоратов ортига қишловга ўтиб кетадиган ва баҳорда қайтиб келиб, камбағал қариндошларига қўш берадиган бўлдилар. Овулимиз уруғ бошлиғи Усен номи билан юритиларди. Усен-



нинг болалари орасида Ниёз ва унинг олти фарзанди, шунингдек, набиралари бадавлат эдилар.

Бизнинг оила саноқли молга эга бўлганлиги, ёз кезларида тўпланган пичан етарли бўлганлиги сабабли қишловга кўчиб юрмас эди, шунингдек қўш ҳам олмасди. Усеннинг бошқа авлодлари, масалан Боймен—Тойтабойлар эсимни таниганимдан то коллектив хўжалик тузилганига қадар қўшчиликдан боши чиқмагани ёдимда. Тойтабойнинг болалари менга узоқ авлод ҳисобланади. Қариндoshiлиги бир хил бўлишига қарамай Ниёзнинг болаларига нисбатан Усеннинг ўтроқлашган авлодлари бизга ўзларини яқин тутишарди. Қиш қаттиқ келиб, кўплаб чорва ҳалок бўлган йили Ниёзнинг болаларидан бир нечаси тушкунликка учради ва улар ҳам бизга яқинлашиб қолди.

Деҳқончилик билан шуғулланувчи Усен авлодлари ичида менинг отам «кўпни кўрган» оқсоқоли ҳисобланарди. Қейинчалик, 1925 йили қандайдир тўй маросимида жанжал бўлган ва бунинг оқибатида Ниёзнинг бошқа болалари ҳам инқирозга юз тутиб, биз деҳқонлар қатори бўлиб қолишган.

\* \* \*

Уруш сўзи эсимда йўқ. 1916 йил эди, кун ботар олдида қуёш тутилган ғира-шира пайтда овулдаги эркакларнинг ҳаяжонланганларини, хотинларнинг уввос солиб йиғлаганларини сал-пал эслайман, холос.

Овулга отликлар: «Мардикорга олишяпти! Мардикорга олишяпти! Ер қазишга мажбур қилишармиш!»—деган мудҳиш хабар келтиришди. Ҳали ҳеч кимга тегишмаётган бўлса-да, мана шу хабарнинг ўзи хотинларга етиб орди, улар: «Вой, энди нима қиламан? Энди сени урушга олиб кетиб қолишади... Вой чироғим-эй, нима қиламан энди?»—деб йиғи-сиғи қилиб, йиғитча-

лар билан хайрлаша бошлашди. Бу сўзларни эшитиб йигитларнинг ранги ўчарди. Кампирлар, оналар кечакундуз уввос солиб йиғлашар, ёш жувонлар ҳам улардан қолмай, жўр бўлишар эди. Молга ҳам қарамай қўйишди, биз болалар эътибордан четга чиқиб қолдик. Эркаклар аёлларнинг уввосини эшитавериб телба бўлаёздилар. Улар аввалига қаёқларгадир кўчиб кетишни, кейин эса ўша мардикорга олувчиларга қарши курашишни ўйладилар... Сўнгра қочоқликнинг энг оддий усулини қўллаб, йигитларни бошқа овуллардаги узоқ-яқин қариндошлариникига жўнатиб юбора бошладилар. Бундай саросима бир неча кун давом этди. Еши улуғ эркаклар қандайдир йиғинга бориб, у ердан бошқача хабар келтиришди. Ниҳоят хотинлар ҳам йиғлай-йиғлай чарчашди, улар овулдаги ўтовларни айланиб пул йиғдилар, қайси йигит боришини аниқламоқчи бўлиб чек ташлаб кўрдилар. Шундан кейин оқсоқоллар бутун овулнинг йиғи-сиғиси остида чеки тушган йигитларни станцияга, мардикорга олувчининг олдига бошлаб кетишди. Кечқурун улар, бошлиқдан сотиб олдик деб, «янги олинган аскарларни» қайтариб келишди. Яна ҳар бир ўтовдан пул тўпланди, ўн йигит ўрнига овулимиздан биргина камбағал ва ҳеч кими йўқ, Хўжамқул деган йигитни жўнатдик. Овул бир бўлиб унга иссиқ кийим, ҳар хил совғалар инъом қилди ва станциягача кузатиб қўйишди. Худди ўша куни қуёш тутилган ва осмоннинг ғарб томони қизариб кўринган эди.

— Қуёш куйяпти! Қуёш куйяпти!

Яна хотинлар шовқин кўтаришди.

— Қиёмат! Қиёмат куни яқинлашмоқда!— деб телбаларча шивирлашарди одамлар.

Қаёқдандир, кутилмаганда мулла пайдо бўлди ва у одамларни сажда қилишга чорлаб, азон айта бошлади.

— Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар! Ло илоҳа иллол-

лоҳу Муҳаммадин Расулилло!—деб тугатди мулла шо-ша-пиша.

Азон айтилаётганда ҳамма жим туриб, ўз ичида қандайдир дуони ўқиди. Отам ва амаким Хўжамқулни кузатишга кетишди, шунда мен юрагимни ҳовучлаганимча бувимнинг пинжигга кириб олиб, ундан ҳеч узоқ-лашмадим.

— «Бисмилло» дегин, «бисмилло» дегин,— деб турткиларди мени бувим.

Мулла азон айтиб бўлганидан кейин, одамлар ўзларига кела бошладилар, аста-секин қуёш бетигаги қора парда йўқола борди, уни кўрган одамлар бараварига:

— Ё оллоҳ, ё қудратингдан!— деб шукур қилишарди.

Хотинлар яна йиғига тушишди — бу гал улар хурсандликларидан йиғлашарди. Ҳамма худди қиёмат қоимдан қутқариб қолгандай муллага сиғинар, баҳоли қудрат унга совғалар берарди. Бир ҳафта давомида, деярли ҳар кун қўй сўйиб, худойи қилинди. Қариялар: «Қилган хайри-эҳсонингни худо даргоҳида қабул қилсин» деб, бешбармоқ ейишарди. Биз болалар эса овулимиз бошига тушган кулфатни унутиб юборган эдик, қўлимизга бир парча гўштни ушлаб олиб, қувлашмачоқ ўйнашга шошилардик.

Орадан бир неча ой ўтгач, Хўжамқулдан хат келди. Унинг хати барча йиғинларда овоз чиқариб ўқиларди, унда она юртни соғингани ва бегона юртларда қандай машаққатлар чекаётгани тасвирланган лирик шеъринг парча ҳам бор эди. Бу шеъринг парча ўқилганда аёллар кўзга ёш олишди, ёшлар эса уни ёдлаб олишга ҳаракат қилишарди. Хўжамқулнинг хатидаги шеъринг баъзи мисралари ҳали ҳам эсимда, унинг мазмуни шундай:

Чанг, тўзон босган ўлкада туғилдим, ўша ерга киндик қоним тўкилди, худо ёр бўлсин сенга. Кўлда балиқ-

дай суздим, тангрининг марҳамати ёғилсин унга. Ботир йигит боши бир бўлар, қайтиб келмаса халқ уни кўрмас, худо сақласин сени! Йигит кишининг бошига турли кулфат тушади, лекин жасур йигит буни писанд қилмайди.

Халқ ўз ботир йигитини ҳамма вақт ва ҳамма ерда кузатиб юра олмайди. Тўрт-беш ой ичида халқимиз бағрига қайтамиз яна...

Хўжамқул саводсиз эди. Афтидан, мардикорликка олинган қозоқлар ўз юртларига юбормоқчи бўлиб, кўп-лашиб шеърӣ формада хат тўқишган-у, бирорта саводли киши уларнинг илтимоси билан нусхалар кўчириб берган бўлса керак.

Овулимиз халқи пул тўплаб, уни хўжамқулга юборишди. Ҳақиқатан ҳам бир йилдан кейин Хўжамқул овулга қайтиб келди. Уни қучоқ очиб кутиб олишди, ёз бўйи овулда меҳмон бўлди, кейин совға-саломларни олиб, мардикорликда қолган дўстлари ёнига жўнаб кетди. У овулга бошқа қайтиб келмади.

Мен халқ очарчилик йили, деб атаган «мусибат йили»ни ҳам яхши эслайман. Бу 1917—1918 йиллар эди.

Бизнинг ерларда сурункасига икки йил қурғоқчилик бўлиб, экин битмади. Чорва учун ем-хашак етишмас эди. Қиш қаттиқ келди. Чорва ёппасига нобуд бўла бошлади. Бизнинг молларимиздан фақат учтагина эчки сақланиб қолди. Уларнинг сути ҳаммамизга етмаганидан сув қўшиб қайнатардик-да, бир кунда уч маҳал ичардик. Отам уй-рўзғор буюмларидан бирор нарсани озгинагина унга алмашлаб келган кунни аталами, умочми қайнатардик.

Уша йилнинг баҳорида бизнинг ерларга темир йўл ётқизилди. Бурное бекатида гавжум бозор вужудга

келди. Отам бир неча фунт шакар, озгинагина ун харид қилди ва ўша ердан кичкинагина бир хонани ижарага олди, бувим амаким билан бирга ўша ерга, «савдо» қилишга жўнашди. Улар мени ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишди. Мен катта-катта уйлари, кўп миллатли халқ йиғинини биринчи марта шу ерда кўришим эди, паровоз гудогини ҳам шу ерда эшитган эдим. Узоқ йўл юриш (бекат бизнинг овулдан тўрт чақирим нарида эди) ва янги таассуротлардан чарчаб қолдим. Амаким қаёққадир чиқиб кетди, бувим менга ухлагани жой солиб берди-да, ўзи «женти» (афтидан, қўлбола ҳолвага яқин ширинлик) тайёрлашга киришиб, шакар билан унни қориштира бошлади. Мен ухлаб қолибман.

Эрталаб отам келди. Уйқудан туриб, ҳаммаларини хомуш ва ташвишли кўрдим, нима гаплигини тушунолмай, бунинг сабабини сўрадим... лекин бувим: «Яна озроқ ухлаб тур»,— деб шивирлади қудоғимга.

Уй жуда зах, чакка томчиларди. Тун бўйи жала қуйибди.

— Йўқ,— деди бирмунча ўйлаб тургандан кейин отам,— ойи, отланинг, уйга кетамиз, бу ерда қолиб бир балони бошлагандан кўра, овулда бир амаллаб кўкламга чиқиб олармиз.

— Бир ўзим қолавераман,— деди амаким.

Отамнинг жаҳли чиқди ва:

— Сени бир ўзингни қолдириб хавотирда юрмайман!— деди.

Бир зумдаёқ отланиб бўлдик. Тўртовимиз кўчага чиқдик. Қўшни ҳовлида одамлар уймалашишарди. Уларнинг ёнидан тез ўтиб кетдик. Йўлда бувимнинг гапидан, қўшни ҳовлида битта нон учун одамни сўйиб кетишганини англаб олдим.

Амаким уйда кам қўнадиган бўлиб қолди. У энди Қоратов ортида яшайдиган опалариникига пиёда бориб

келарди, чунки отларимиздан ажраган эдик. У ёқдан қуппа-қуруқ қайтарди.

Овулимизнинг бошқа тарафидан Тошкент — Пишпек (ҳозирги Фрунзе) йўли ўтган. Бу йўлни биз «Қора йўл» деб атадик. Қулбастовдаги Мингбулоқ деб аталувчи ерда почта бекати бор эди, амаким ўша ерга бекат отларини ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Бувимни ҳам ўша ёққа олиб кетди. Биз уйда қолиб, сув қўшилган сут ва атала ичиб гамадди қилар эдик. Орадан бир мунча вақт ўтгандан кейин отам қаёқдандир кўкариб кетган икки қоп буғдой олиб келди. Биз уни қайноқ сувда ювдик, кейин қовурмоч қовуриб едик.

Кўп ўтмай ҳаво ҳам илиб қолди, отам бир неча фунт шакар, ярим пуд ун, анчагина сули, бир бўлак чой кўтариб келди. Бу нарсаларни Совет озиқ-овқат ёрдам комитети берганлигини айтишди. Кунлар исиб, йўллар қуриди, отам мени бекатга, бувимнинг олдига олиб борди.

Бувим бизни кўз ёши тўкиб қарши олди. У жуда қувониб кетган эди. Биз унга шакар, чой, ун, крупа келтирган эдик. Амаким йўлда экан, улар ўндан ортиқроқ келадиган аравакашлар оиласи билан бирга саройда яшашар экан.

Биз амакимнинг қайтишини кутдик. Бизни кўриб амаким ҳам суюниб кетди, мени эркалади, опаларимнинг аҳволини суриштирди. Отам билан амаким бекат бошлигининг олдига боришди. Улар қайтиб келишганларидан кейин ҳаммамиз бирга йўлга чиқдик. Бувим аравакашларнинг хотинлари билан хайрлашар экан, мамнун бўлиб:

— Мана мени набирам олиб кетяпти, яхши қолинглар,— деди.

Йўлда отамнинг дўсти Имонқул деган кишининг уйда тўхтаб ўтдик, унинг хотини бизни яхши айрон би-

лан меҳмон қилди. Имонқул амаки бузоғи билан битта тарғил сигирни етаклаб келди. Отам пулини санаб берди. Имонқул амаки бир пуд сули ҳам берди, шундан кейин биз яна йўлга тушдик.

Энди уйимизда сут мўл бўлиб қолди, ҳар куни росмана айрон ича бошладик.

Май ойи етиб келди. Амаким тўрт кун ер чопди, сули экди.

Опаларим далага чиқиб қандайдир гиёҳларни йиғиб келишарди, бувим уни гоҳида сутга, гоҳида сувга солиб пишириб берар эди. Бир куни бувим пишириб берган ёвғон шўрвани ичиб, қорнимиз оғриб қолди, ерга юмалай бошладик. Биринчи — кичик опам... Узим ҳам чакагимни қимирлата олмай қолдим, кўзим хиралашиб, ҳамма ёқ қоронғилашди, бошим айланди. Бувим қўрқиб кетди, тезда сигир соғиб, бизга сут ичирди. Кечга томон отам билан амаким уйга келишганида биз ўринда чўзилиб ётардик. Маълум бўлишича, қандайдир ўтдан заҳарланган эканмиз. Шундан кейин «кўкат» шўрвага барҳам берилди.

Отам отлик ҳам бўлиб олди, у ёқ-бу ёққа қатнай бошлади.

Амаким хўжалик ишлари билан машғул эди. Яйловга қандайдир бойлар мол-қоллари билан кўчиб келишди. Амаким уларга қўйларининг жунини олиш, қўзиларини бичишда ёрдамлашар, аҳён-аҳёнда бекатга чиқиб, ёлланиб ишлар ва кечга яқин булка нон кўтариб келарди.

Отам бир куни тўртта совлиқ қўй олиб келди-да, кўш ўтмай яна қайтиб кетди.

Роса бир ой деганда у бизга ўгай она олиб келди.

Келаси йили ҳам оғир келди-ю, лекин илгаригисичалик бўлмади. Тўғрироғи, қорнимиз тўйиб овқат емаган бўлсак-да, оч қолмадик. Қўшнилариимиз жуда қий-

налишди, баъзи оилалар йўқ бўлиб кетди, баъзилари қариндош-уруғлариникига кетиб қолишди. Учинчи йили халқнинг бағрига шамол тега бошлади, давлат уруғлик дон берди.

Подшони тахтдан йиқитишибди, «қизил» ва «оқ» деган сўзлар қулоққа чалина бошлади. Овулда катталар «Тонг отяпти, камбағаллар учун ёрқин кунлар келяпти», «Чор чиновникларни энди қозоқларни эзолмайдиган бўлди», «Янги қонунга кўра, ҳамма баравар ҳуқуққа эга» деб гаплашишарди, бойларнинг номи «қора рўй-хагга» ёзилди. Сайловлар бошланди, бу сайловлар ҳар олти ойда бир марта ўтказилар эди. Янги оқсоқол — қўшчи союзининг бошлиғи пайдо бўлди. Янги тартиб, революция етакчиси Ленин тўғрисида тез-тез гапирила бошланди. Совдепнинг фавқулодда вакиллари пайдо бўлди, камбағаллардан бошлиқлар тайинланди. Ун ўтовдан бир актив сайланди. Активлар орасида амаким ҳам бор эди, уни бир неча бор овул советига раис қилиб ҳам сайлашди. Ерларни қайта тақсимлаш бошланди, илгари ерларини камбағаллардан аяган хасис бойларнинг ерлари тортиб олинди. Ер тер тўкиб ишлайдиган — ўз эгасига берилди. Шериклик шарти ҳам қоранда қўшчилар фойдасига ўзгарди. Энди инсофсизлик асосига қурилган «тўртдан бир бўлак» бекор қилинди-ю, учдан бир бўлак, ярим деган шартлар сақланиб қолди. Очарчилик йиллари ўтиб кетди ва янгича иқтисодий-сиёсат ва янгича хўжаликка асосланган турмуш вужудга кела бошлади. Одамлар очликни унута бориб, орқа-олдиларини олиб, хўжаликлари тиклана борди.

\* \* \*

Ҳосил мўл бўлди, қиш оқшомларида жўра-жўра бўлиб «бўзахўрлик» қилиш авжига чиқди. Одамлар навбатма-навбат бир-бирлариникига киришиб улфатчилик



қилишарди. Отамга «жўра» ёқмас эди, шу боисдан бизнинг уйимиз ундан холи эди. Амаким икки йил илгари уйланиб, алоҳида жой олиб чиқиб кетган эди У «жўра» йиғинига аралашиб турарди. Отам бир марта менга «жўра» йиғинини томоша қилишимга рухсат берди. Мен келдим. Ҳовлида болалар ошнқ ўйнашарди. Уй ичидан қувноқ кулги, қўшиқ овозлари эшитилиб турибди. Мен ҳам ичкарига кириб олдим. Хона одамга лиқ тўла эди. Хотинлар ҳам бор. Ўртада катта қозон тўла бадбўй бўза. Уй эгаси катта заранг товоққа бўзадан қуйди-да, ўлан айтиб, Сарихўжа (қозоқлар жўра бошини шундай деб юритишади)га мурожаат қилди. Уй эгаси ундан бу кунги тантанани адолат билан бошқаришни, уйини ўйин ва кулги, ўлан ва қўшиққа тўлдириб юборишни ҳамда кеча тартибини белгилаб қўйишни илтимос қилди.

Тўрда ўтирган қаригина Гастемир, яъни Сарихўжа, мезбоннинг сўзларини қулоқ бериб тинглади. У узатилган бўза тўла товоқни виқор билан қўлига олди-да, баландпарвоз гаплар айтиб, мезбонни фалон мирза, уй бекаси, ёши бориб қолган хунуккина жувонни гўзал малика дея мақтаб, кўкларга кўтарди-да, «жўра»чиликни қандай ўтказиш тўғрисида йўл-йўриқ бера бошлади. У чиройли гапирар, ўрни келиб қолганда нордонгина ҳазилни ҳам қистириб кетар эди. Унинг аскиясини эшитиб ҳамма куларди. Жўрабоши, «шартни бузган одам фалон коса бўза ичиш, фалон мисра қўшиқ ёки матал айтиб бериш ёки от бўлиб кишнаш ва бошқа жазоларга маҳкум этилади»,— деди. У бу шартларни дона-дона қилиб, ипидан-игнасигача тавсифлаб берди-да, ана шу шартларни сўзсиз бажарилишини кузатиб бориш мақсадида тўпланганлар орасидан ўзига икки кишини «ясовул» қилиб танлади. Ясовуллар ҳам дик этиб ўринларидан сакраб турдилар-да, қўлларини кўк-

силарига қўйиб, ўзларининг кимликларини, жаноб Сарихўжанинг сояи давлатларида ўз вазифаларини садоқат билан ҳалол бажаражакларини ўлан айтиб баён қилдилар. Тастемир, бу ерга тўпланган йигитларнинг ҳаммаси — мирза, қизлар эса дунёдаги энг гўзал парилар, шу сабабли фақат «сиз»лаб мурожаат қилиш шарт, деди. Утирганларнинг ҳаммасига бир-бирлари билан насрда гаплашишлари ман эгилади, ўзаро фақат назмда ўлан айтиб сўзлашилади, шахсан менинг рухсатим билангина насрда гаплашиш мумкин, деди. Кўплар қўрқиб кетиб, Сарихўжадан шартларни юмшатишни илтимос қила бошлашди.

— Уйлаб кўрамиз,— деди виқор билан Тастемир.— Сарихўжанинг гапи икки бўлмайди, эй гуноҳкор бандалар, амримни бажаринг!

Ҳамма бараварига:

— Хўп бўлади, тақсир!— деб жавоб қайтарди.

Бўза ичила бошланди. Жўра боши уй соҳиблари шаънига мақтов айтди. Ясовуллар қатор оралаб тартиб сақланишини кўздан кечириб юришарди.

— Ҳой ясовуллар! Менинг салтанатимда ҳамма осойишта яшаяптими?— Сарихўжанинг бу саволига ясовуллар: «Мамлакатда сиз ўрнатган тартибни бузишга ким ҳам журъат қила оларди? Мирзалар гўзал маликалар билан фароғатда яшаяптилар»,— деб жавоб қайтаришди.

— Халқ норози эмасми?— деб сўради ҳукмдор.

— Йўқ,— деб жавоб қайтарди ясовуллар,— бўза мўл-кўл, хонамиз соҳибаси бўлмиш жаннат парисининг хусни жамолидан ҳамма ёқ чароғон, йигит-қизлар хушчақчақ, улар худди тойчоқлардай гижинглашяпти.

Ҳамма икки косадан бўза ичиб бўлгунига қадар, мана шунақанги диалог давом этди. Учинчи косага бўза қўйилиб тарқатилгандан кейин, ясовуллар тартиб бу-

зарларни ушлаб олар, уларни жўра бошининг олдига олиб борар ва у икки томонни қулоқ бериб эшитарди-да, ўзининг одил ҳукмини чиқарарди.

Аҳён-аҳёнда улфатда ўлтирганлардан биронтаси ўр-нидан турарди-да, тақсирга таъзим бажо келтириб, шикоятини тинглашни илтимос қиларди:

— Кимнинг устидан?— деб сўрарди Сарихўжа.

— Мана бу қиз устидан,— деган жавоб эшитиларди.

— Ясовуллар, гуноҳкор қизни бу ерга олиб келинг!— деб буйруқ берарди хўжа.

Шунда ясовуллар уялиб-тортиниб ўзини четга тортаётган қизни хўжа ёнига олиб келишарди. Кейин ишни кўра бошлашади. Даъвогар қўшиб-чатиб айбдорни қоралай бошлайди, аёл ҳам бўш келмайди, ўткир сўз билан унинг оғзига уради. Бунақанги тортишувларда икки томон барабар келиб қолгудай бўлса, ишга гувоҳлар ҳам аралаштирилади. Тасодифий содир бўлган бундай мунозарادا сўзга уста томон ютиб чиқар эди ва бий мағлубиятга учраган томон устидан ҳукм чиқарарди.

Шундан кейин бий чиқарган ҳукмларни ижро этишга ўтилади: жавобгарликка тортилганлар ё бўза ичади, ё ириллайди, ё бирон қизиқ гап айтиб даврада ўлтирганларни кулдиради. Қиш кунлари ана шундай ўтади, бундай оқшомларда ҳаваскорлар киши билмас куч сиなしб ҳам олишарди. Тўғри, гоҳо бунақанги улфатчилик мушглашиш билан ҳам яқунланар эди-ю, лекин ҳар икки айбдор келаси йиғиндаёқ, кўпчилик олдида коса узатиб, бир-биридан узр сўрарди.

Отам бўза ичишимни тақиқламаган бўлса-да, лекин мен уни ҳеч қачон оғзимга олмаганман. Унинг қўланса ҳиди ва ювиндига ўхшаб кўриниши ҳозирга қадар кўнглимни айнатади.

Шундай қилиб, овулимиз аҳлининг турмуши яхши бўлиб қолди. Кўпчилик отлик бўлиб ҳам олишди. Бур-

ное бекатида ҳар якшанба куни бозор бўларди. Овулимиздаги барча эркаклар бозорга боришар, таниш-билишлари билан учрашишарди. «Келгуси бозор куни учрашамиз», деб яна ваъдалашишарди. Ҳукумат кишилари учун бозорда минбар қўйилган эди. Тушдан кейин улар отлиқлар ёки пиёдалар қаршисида ваъзхонлик қилишар, янгилекларни айгиб беришарди. Бозорда аҳён-аҳёнда уруғлараро отда олишиш ёки овуллар ўртасида тарафма-тароф жанжал ҳам бўлиб турарди. Бундай пайтларда бир тўда отлиқ иккинчи тўда отлиқ устига ташланар, икки-уч қамчи тушириб қочиб қолар, яна қайтиб, тагин қамчилаб яна қочарди. Бу жанжалда кўпинча жанжаллашаётганлар эмас, балки пиёда юрган халқ шикаст еб қоларди.

\* \* \*

Отам мени рус ва араб алфавитида ўқита бошлади. Тўғри, мунтазам бўлмаса-да, арифметикани ҳам ўргана бордим. Уй-рўзғор ишларида, отларни суғориш, уларга беда солиш, ҳайдалган ерларга мола босилаётганда ҳўкизни ҳайдаш, дон янчилаётганида хирмонда ёрдам беришга мажбур қиларди отам.

Ўзун қиш оқшомларида отам бизга эртак айтиб берар, қўшиқ ўргагар, овоз чиқариб китоб ўқиб берарди, адашмасам, чиғатой тилида эди. Ўша китоблар. Чунки: «бўладур», «геладур», «берадур», «ушбу» ва бошқа сўзлар ёдимда сақланиб қолган. Отам доим биз тушунолмаган сўзларнинг маънисини тушунтириб бериб ўтирарди.

\* \* \*

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллар бизнинг ўлкаларда ўзига хос жиддий синфий курашлар билан ўтди. Уруғлар орасидаги нифоқ газак олди, овул-

ларда гуруҳларга ажралишлар юз берди ва ҳали тугатилмаган ярим феодал зодагонлар — бийлар, бўлислар ва ҳоказо бойлар камбағал қариндошлари панасида овул, волость ҳукумати советига бурун суқиб олиш ва уезд ишларига аралашиш учун ҳар хил найранглар ишлатиб, жиддий кураш олиб борардилар.

Айниқса сайловлар арафасида зиддият кучайиб кетди. Бу курашда тилёғламачи бўлислар атайлаб қариндош-уруғчиликни ўртага ташлаб, меҳнаткаш омма эътиборини синфий курашдан четлатишга уринишар эди. Овул аҳли тўдаларга бўлиниш, иғво тарқатиш, чақмачақарлик ва порахўрликдан азоб чекди. Лекин янги ҳаёт тонги отаверди, тенг ҳуқуқлилиқ даври бошланди, камбағаллар қаддини ростлай бошлади. Овулга тез-тез вакиллар келиб, йиғилишларда янги турмуш тартиби маъноларини, сайлов ўтказаетган сайловчиларнинг, камбағалларнинг ҳуқуқларини тушунтириб беришарди. Халқ вакил бўлиб келганларнинг исмини, фамилиясини камдан-кам билар, уларга кўпинча ташқи кўриниши, характерига қараб ном қўяверарди. «Соч ўстирган вакил», деб ном беришди улардан бирига овулдагилар (ўша пайтларда қозоқлар ҳурпайтириб соч қўйган қозоқни биринчи марта кўришаётган эди). Яна бошқасига: «Соқоли қирилган вакил», деб лақаб қўйиб олишди (ўша вақтда қозоқлар соқолини қирмас эди). «Жанговар буйруқ» лақабли вакил ҳам бор эди. У ўзининг ҳар бир сўзини жанговар буйруқ деб ҳисобларди. Шу сабабли одамлар унга ўзига муносиб ном топиган эди. Негадир, вакиллар тез-тез алмашилиб турарди. Бу омма орасида ҳар хил гап туғилишига сабаб бўларди, лекин ёш бўлганим учун бундай гап-сўзларнинг туб моҳиятига түшүнөлмас эдим.

Отам ўша кезларда олтмиш ёшларга кириб қолган эди, у энди илгариги вақтлардагидай овул ҳаётида фа-

ол қатнаша олмас эди. Лекин амаким уйда ўтиришни йиғиштириб қўйди, у ҳамма йиғинларга қатнашадиган бўлиб қолди. Уни ўн боши, эллик боши, юз боши, делегат, овул советига, қўшчи союзига раис қилиб сайлашди. Бир мунча вақт у волость қўшчи союзи раисининг ўринбосари — ноиб ҳам бўлиб турди. Амакимнинг душманлари иғво қўзғаб, уни бир неча марта қаматмоқчи ҳам бўлдиларки, онламин, айниқса буним ундан жуда ташвишланган эдилар, лекин амакимга зиён етмади. Амаким қанча уринмасин, иши юришмади. Бунга унинг ўзи, билими эмас, овулдаги иғвогарлар сабабчи бўлдилар. Серкабой ҳар сафар амакимни кўрди дегунча ғаваби қайнар, уни мансабни эгаллаёлмайдиган ландовурлик, ношудликда айблар, ўз хатти-ҳаракати билан авлодлар олдида, айниқса бобоси Текебой бий (она тарафдан) арвоҳи олдида қуръон ўқишни тарк этиб, гуноҳга ботаётганини пеш қилар ва ана шунинг учун ҳам унга арвоҳлар мададкор бўлмаётганини айтиб қаттиқ койир эди.

— Ҳақиқий одамлар қора рўйхатга тушганидан кейин, олти ой бошчилик қилишни ҳар қандай чумчуқ ҳам эплай олади!— деб амакимни мазах қиларди у.— Мана мен ҳамон ўз отам — Текебой бийнинг ҳақиқий ўғли Серкабой бий бўлиб қолмоқдаман,— деб мақтаниб, қамчиси билан ерни савалаб қўярди.— Сен бўлсанг, тирранча, худди маст одамдай у ўриндан бу ўринга сакраб юрибсан.

Амаким унга янги тузумни тушунтиришга уринар эди.

— Тухум товуққа ўргатапти.— дарғазаб киноя қилади Серкабой.— Ақлни аҳмоқдан ўрганар эканманда!— деб тўнғиллайди.

— Сиз айтган вақтлар ўтиб кетди...

— Нима дединг? Нима?— деб қутуриб амакимнинг

кўкрагига қамчи сопи билан ниқтай бошлади Серкабой.— Нима деддинг, хароми? Нима демоқчисан ўзинг!

— Ҳеч нарса, шунчаки айтдим қўйдим-да,— дейди пичирлаб амаким.

— Ҳали валдирашни кўрсатиб қўяман!— деб ўшқиради чол...— Янги тузуминг қанақалигини ҳам кўрсатиб қўяман! Ҳали сен қозиққа боғланган бузоқдай ювош бўлиб қоласан! Сени қарая, гап қайтармоқчи бўляптилар-а!

Амаким жаҳли чиқиб кетган чолдан қамчи еб қолмаслик учун, пайт пойлаб ўтовдан қочиб қолишни мўлжаллаб жим ўтираверди.

Чол узоқ вақт тўнғиллаб, сўкинаверди.

— Вой ёшлар-эй, қандай бебош бўлиб кетишган-а! Қандай замонлар бўляпти ўзи!— деб вайсарди у.— Эҳ, замон! Замон! Афсуски, бу тентак бола ўзимнинг тувғоним, йўқса уни бурда-бурда қилиб ташлардим.

Кейин у қошларини чимирди-да, янада қутуриб, бувимга қараб:

— Бунақа жиянни қаёқдан туғдинг-а, опа?— деб ўшқирди.

— Нима қилай, жигарим,— деди худди гуноҳ қилгандай саросимада бувим,— худо бераман деганидан кейин туғилаверади-да...

— Ҳа! Жин ургур, ўз бармоғимиз, уни қирқиб бўлмайди-да! Бу кўрнамак камбағаллар хира пашшадай бошимга чиқиб олишяпти,— деб бақирарди Серкабой,— ҳатто ўзимнинг жияним ҳам менга: «Сиз айтган вақтлар ўтиб кетди», дейди-я. Қай қулоғим билан эшитай бунини?!

— Уни кечир энди, Серкеш, у ҳали ёш, оғзидан чиқиб кетди,— деди бувим қўрқа-писа.

— Оғзидан чиқиб кетган эмиш-а! Ҳа-ҳа!— дея заҳархандалик билан кулди Серкабой.— Мен унга кўрса-

тиб қўяман! Мен бу ялангоёқларнинг барини итимдан қолган суюкни талашиб кемиришга мажбур қиламан. Ха-ха! Ана ўшанда оч бўридай ёпириладилар бу суюкларга.

— Сенга нима бўлди, Серкеш, ўз жигарингни-я?!— деб илтижо қилди бувим.

— Ҳой, эшак!— деб бақирди Серкабой.— Қани, ўтовга кир.

Амаким яна ўтовга кирди.

— Қани, тиз чўкиб, узр сўра мендан!— деб ўдағайлади чол.

Амаким нима қиларини билмай, иккиланиб турарди.

— Нима бўлди сенга, мўминтойим, тоғангдан узр сўра, у ўз туғишганинг,— деб бувим амакимни кўндиришга ҳаракат қилди.

Амаким ғурурдан тушиб, тиз чўкди.

Серкабой бўлса, бутун заҳрини сочиб бўлганидан кейингина унинг гуноҳини кечирди...

Ўша замонда оиламизда юз берган синфий кураш болалик хотирамда мана шундай сақланиб қолганди. Овул ва ундан ҳам кенгроқ масшгабда, волость, район, область ҳаётида юз берган ижтимоий ўзгаришларни ва бошқа кўрган-билганларимни вақти-соати билан хронологик тарзда ёзаман... Ҳозирча эса келинг, эл-бурундан гапириб ўтирмай қўяқолайлик...

\* \* \*

Хотин-қизлар озодлиги тўғрисида революциянинг дастлабки йилларида: «Хотин-қизлар тенг ҳуқуқли», «Қалин бекор қилинад», «Севганига турмушга чиқиш ҳуқуқи берилади»,-- деган сўзларни биринчи бор эшитганим эсимда.

Бувим бўлса бизга:



— Қалин ота-боболаримиздан қолган одат. Мени туққан онам учун ҳам қалин олишган, мен учун ҳам қалин олишган, қизларимни ҳам қалин олиб эрга берганмиз, ўғилларимизни ҳам қалин бериб уйлантирганмиз. Энди қалин бўлмаса, нима қиламиз?— дея ҳайрон қоларди у.— Бировни уйига текин келган келин нима бўларди? Уни қандай ҳурмат қилиш мумкин? Эркак текинга хотин олса уни осонгина ҳайдеб юбораверади-да, қалин бермай, сепсиз келин олгандан кўра тўй қилмай қўяқолган яхши эмасми? Орзу-ҳавассиз тўйнинг қизиғи бўлармиди?— дерди.— Йўқ, кўзим очиқ экан, қизларимни қалинсиз эрга бермайман. То тирик эканман измимдан чиқмайсизлар. Ўлганимдан кейин, билганларингни қилаверасанлар.

Опаларим ҳеч нарсага тушунолмай, бувимга қараб туришарди. Бувимнинг жиддий туси, дўқ уриб гапиришидан опаларим таажжубланиб, унга жовдираганларича қараб қолишган эди.

Мен уларнинг бу аҳволларидан хурсанд бўлган кишидай, сакраб ўрнимдан турдим-да, бувимдан:

— Мени-чи, мени қандай қилиб уйлантирасиз?— деб сўрадим. Бувим кулиб юборди.

— Аввал мана бу алвастиларни эрга бераман, улар эвазига анча мол оламиз, кейин сенга чиройли келин қидириб топаман ва катта қалин бериб, тўй қиламиз,— деди бувим ўзини кулгидан ҳамон тўхтатолмай, кейин:— э худойим, ўша кунлар насиб этсин илоҳим!— деб қўшиб қўйди.

Опаларим бўлса худди душманларига қарагандай менга хўмрайишди, чунки бувим мени деб, менга чиройли қаллиқ топаман деб уларни сотмоқчи бўляпти-да, ахир. Мен уларга мақтангандай виқор билан тикилиб қарадим-да, ўйнагани кўл тарафга чопиб кетдим.

Қуёшли, тиниқ кун эди. Сув бетига тоғларнинг акси

яққол кўриниб турарди. Мен лойдан уй ясашга киришиб кетдим, бир пайт кимдир мени беҳосдан итариб юбориб, лойга йиқитди, кейин савалай бошлади. Билсам, бу мақтанчоқ, жоҳил кичик опам экан. Мен сакраб туриб унга ташландим. Лекин у қочиб бориб, гом тепасидаги пичан гарамига чиқиб олди-да, ўша ердан мени масхара қила бошлади:

— Вой исқирт, ажиннага ўхшайсан-ку! Йиғлоқи, яна бу киши чиройли қиз олар эмишлар!— деди, кейин қўлига бир парча ғиштни ушлаб олиб, гарам ортидан чиқиб келди-да, керилиб:— Агар тентак бўлмаса, бирорта ҳам чиройли қиз сенга тегмайди,— деди.

Мен ҳам бўш келмадим:

— Бувимга айтаман сени, бадбашара, чўлоқ, оғзида бир дона ҳам тиши йўқ, пучуқ... одамга эрга беради,— дедим.

Опамнинг жаҳли чиқиб, қўлидаги ғиштни менга отаркан:

— Мен тегмайман!— деди.

Мен чаққонлик билан ўзимни четга олган эдим, ғишт парчаси шундоқ ёнгинамдан ўтиб кетди, бунни кўрган опамнинг жони чиқиб кетди-ю, бидирлаб қарғай бошлади, мен нималар деб қарғаётганини тушунолмадим.

Таҳқирланган аёллар билан биринчи бор тўқнашувим мана шундай бошланган эди. Ўз навбатида кичик опам ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, «қалинга қарши» «курашни» биринчи бор мана шундай бошлаган эди.

Бувимнинг қарори амалга ошди. Опаларим бувимнинг «ўзига ўхшаб» қалин олиб тўрмушга чиқарилдилар.

Опам Убианна ёшлигидаёқ Шакпак (чақмоқ) тоғи этакларида истиқомат қилувчи Шегир уруғидан бўлмиш Жарилқапнинг ўғли Мамитга бешиккертти қилиб қўйилган эди. Айтишларича Жарилқап бизнинг Ниёз

уругига чатишиб кетган, бадавлат одам экан. Қозоқ одатига кўра қариндошлик хотин томонидан бўлса, тез— икки-уч авлоддан кейин қариндошчилик алоқаси су- сая боради, шунинг учун ҳам баъзан қариндошлар узоқлашиб кетмаслик учун «суякни яқинлаштиришади». Убианнани Мамитга бешиккерт қилиб қўйишнинг асосий сабаби ҳам мана шу эди... Жарилқап оиласи «жут» (очарчилик) йили ғоятда қашшоқлашиб қолган эди. Мамит ота-онаси қазо қилганидан кейин мен тенги укаси билан бирга Ниёзнинг энг бадавлат ўғли — Сай- ловбой Ниёзов кўлида қолди. Ниёзнинг болалари она- ларига қараб икки гуруҳга бўлинарди: катта хотини- нинг фарзандлари «қорача бувининг болалари», кичик хотинининг фарзандлари — «оқ бувининг болалари», яна бошқача қилиб «Ойдиннинг ўғиллари» деб ҳам юритишар эди. Шуниси ажабланарли эдики, Ниёзов- ларнинг деярли ҳаммасининг тиллари чучук, дудуқла- ниб гапиришарди. Мамит уларнинг кўлида хизматкор- лик қиларди, укаси эса бойнинг кўзиларини боқарди.

Мен уларни бизга яқин ерга, яйловга кўчиб келиш- ганида таниб олган эдим. Ниёзовлар оиласи, сабабини билмайман-у, негадир очарчилик йиллари бизнинг яй- ловдан узоқларга кўчиб кетди ва халқнинг турмуш да- ражаси яхши бўла бошлаганидан кейингина яна кўчиб келишди. Уларнинг чорва моллари деҳқончиликка, пи- чан тайёрлаш ишларига катта зарар етказарди, лекин бу ернинг аҳолисидан кўпчилик илгари вақтда уларга қарам бўлганлиги сабабли ҳеч кимдан садо чиқмас ва улар бу ерларда ўзларини хўжайиндай ҳис этар эди- лар. Деҳқонлар уларни хуш кўрмасдилар. Айниқса, ан- ча ёшга бориб қолган ва эс-ҳушини йўқотиб қўйган Ойдин кампир ҳамманинг жонига тегарди. У эртадан кечгача оппоқ сочларини тўзғитиб, исқирт бўлиб, равағ- равағ бўлиб кетган кўйлақда санғигани-санғиган эди.

У яйловма-яйлов, подаларни оралаб изғир, ўғилларига, подачиларга, йўлида дуч келган ҳар бир одамга ҳам бақириб-чақириб лўлилик қилгани-қилганди. Назарида агар ўзи кўз-қулоқ бўлиб турмаса, подадаги бузоғини ёки қўйини биров ўғирлаб кетаётгандай туюлаверарди. У тунда ҳам ухламасди, тонг отгунча қўрадаги чорвани бўри ва ўғрилardan қўриқлаб чиқарди. У қарқуноққа ўхшаб қақиллайверарди. Донм юургани-юурган, бирор марта ҳам ўтирганини кўрган эмасман. Болаларни ўтакасини ёрадиган олабўжининг ўзгинаси эди. Овулдагиларнинг ҳаммаси ундан узоқроқда юришга ҳаракат қиларди, унинг қаҳрига учрашдан қўрқарди. Бирор одам унинг йўлидан чиқиб қолса бас, жини тутар, чорвасини унинг экинзорига ҳайдар эди, лекин унга бир оғиз сўз айтиб бўлмас эди.

Ойдиннинг ҳамма болалари ҳам ўлгудай қурумсоқ эди. Улар ҳатто ўзларидан ўзлари қизганишар, эгнилари ёлчиб кийим, қоринлари тўйиб овқат кўрмасди. Уларнинг уйида юзлаб литр айрон, қимиз ачиб-бижиб ётарди, лекин бировга бир томчисини беришмасди.

Овул аҳли турли хурофий гаплар ва аломатларни ўйлаб топиб, Ниёзовларни қўрқитишарди. Улар «ой ўзига нотинч» ёки «юлдузнинг ўрни ўзгариб қолибди», «булутнинг сузиши бежо», сингари гапларни айтиб, буни ўзларича фалокатга йўйиб, қўй, сигир ва отларга қирғин келармиш, деб кампирни ховриқтиришарди. Кампир қўрқиб кетганидан нима қилишини билмай, бу фалокатнинг олдини олиш учун нима қилишим керак, деб одамлардан сўраб-суриштиришга тушарди. Бундай пайтларда олдиндан огоҳлантириб қўйилган қўшни овулик бирон кимса:

— Деҳқончилик пири ғазабланганидан шундай фалокатни юборади. Пичан ўриладиган ерларни, экин экиладиган жойларни пайҳон қилиб бўлмайди, чунки деҳ-

қончилик пирининг жаҳли чиқиб кетади. Унинг қаҳр ва ғазабидан қутулиш учун пичанзор ва экинзорларга тушган сигир ва қўй, эчкиларнинг бир кунда икки марта соғилган сутини халққа тарқатиш керак,— деб жавоб берарди унинг саволига.

Бироқ кампир осонликча кўнмасди, шунда одамлар кампирни ишонтириш учун бошқа чораларни ўйлаб топшар ва уни яна ваҳимага солишарди. Шундан кейин у икки-уч кун чорвалари олдида гирдикапалак бўлар, уларни экинга туширмай қайтариб юрар, кейин яна эскичасига давом этаверарди ҳамма иш.

Овулда Жамак деган бир қизиқчи одам бор эди. Унинг янги сўйилган қўй гўшти егиси келиб қолибди. Лекин, қаёқда тайёр турибди дейсиз янги қўй гўшти? У ўйлаб-ўйлаб қовоқдан ниқоб, эски пўстакдан чопон қилиб, кийиб олибди. Бўйнига қўнғироқ осиб олиб, қабристонга кириб, кампирни кутиб турибди. Вақт тушдан оғиб қолган экан. Ойдиннинг Довутбой деган ўғли туяда тегирмондан қайтиб келаётган экан. У қабристонга яқинлашиб қолиши билан жулдур пўстакка ўралиб олган Жанак бўйнидаги қўнғироқчаларини шалдиратиб, кийқириб, қабр ичидан отилиб чиқибди. Буни кўрган Довутбой қўрққанидан юраги ёрилиб, ҳушидан кетиб, туя устидан йиқилиб тушибди. Шунда Жамак уни бир неча бор ҳушига келтириб:

— Мен боболарингдан бирининг арвоҳи бўламан! Сизлар, бизларни унутиб юбордиларинг, биз оч-наҳор юрибмиз... Ана, кўряпсанми, ой куйяпти, бўрон туради... Мен ҳозир сенинг, сўнгра ака-укаларингнинг жонини оламан, кейин чорваларингга қирғин юбораман! Ҳозир овулга борган заҳотинг, ака-укаларингга айт, дарров бешта қўйни сўйинглар-да, овулни чақириб, бизнинг арвоҳларимизга қуръон туширинглар, агарда гапларимни бажармасаларинг, балога қоласанлар...

Жамак шуларни айтади-ю, ғойиб бўлади, ранги до-ка рўмолдай оқариб кетган Довутбой кечга яқин зўрға уйига кириб келади ва йўлда арвоқ кўрганини айтади. Иримчи кампирлар бунга чиппа-чиндан ишонишади ва ўлганининг устига тепган қилиб, ўзларидан ҳам қўшиб-чатишади. Шундай қилиб боболар хотирасига қўйлар сўйилади. Меҳмонлар қаторида, албатта, Жамак ҳам бор эди...

Ота-онаси вафот этганидан кейин етим қолган Жарилқасиннинг болалари худди ана шу онлада, азобда яшай бошлаган эдилар. Болалик йилларимда хотирамда сақланиб қолган энг қўрқинчли дамлар ўшалар ва Ойдин кампир билан боғлиқдир. Укаси Жарилқасин кўзи боқарди, афтидан унга овқат беришлари даргумон кўринарди. Жазирама офтобда ярим яланғоч, оёқ яланг қўзилар кетидан чопгани-чопган эди. У офтобда юравериб қорайиб кетганди. Кўзлари қозоқларда кам учрайдиган кўм-кўк, катта-катта, тишлари садафдай оппоқ эди. У қорни тўйиб овқат емаганлигидан доим гиёҳларни чайнар, шунинг учун лаблари кўм-кўк бўлиб ётарди.

Бир куни биз болалар даҳшатли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ойдин кампир подадан орқада қолиб кетган бир қўзичоқни кўтариб олганича шамолда оқ сочларини тўзғитиб, Жарилқасиннинг кетидан югурар, уни қарғар, овозининг борича бақирарди. У Жарилқасинга етиб олди-да, уни калтак билан савалай бошлади ва:

— Нега қўзичоқни ташлаб кетдинг, хароми?— деб ўшқирди.

Бола кампирнинг қўлидан қутулишга уринар, лекин у қарғар, калтак билан боши, кўзи демай саваларди. Ҳар бир зарбдан боланинг бошида қип-қизил шиш пайдо бўлаётгандай туюларди. Жарилқасин типирчилар, додлар:

— Опа! Опажон! Вой, ғарняпти!— деб ёлворарди.

Қутуриб кетган кампир уни судраб, эски қудуқ ёнига олиб келди.

— Сени қудуққа ташлайман, илонларга ем бўласан,— деди.

Бечора Жарилқасин қўрқанидан чинқирарди, кампир бўлса унинг оёғидан ушлаб олиб, муккасидан қилиб қудуққа тиқа бошлади. Биз ортиқча чидай олмадик, унинг олдига чопиб келдик, шовқин солиб бақирдик. Лекин у бизга қулоқ ҳам солмади. Бола бечора жонҳолатда қудуқнинг сирғанчиқ деворларидан тутиб қолмоқчи бўларди, лекин манжалақи кампир унинг оёғидан ушлаб олиб, гоҳ пастга туширар, гоҳ юқорига тортарди. Қудуққа кесак майдалари шувиллаб тушарди, бола ҳушини йўқота бошлади, шунда ҳам ёвуз кампир уни қўрқитишда давом этарди. Жарилқасин ҳушини йўқотиб, шалвираб қолганидан кейингина кампир уни тортиб олди-да, ўзи ҳам чарчади шекилли, уни қудуқ ёнига ташлади ва ўлжаси ёнида чўнқайган йиртқиқ қуш каби унинг тепасида ўтирди. Бечора Жарилқасин ўзига келганидан кейингина кампир уни овулга олиб кетди. Биз қўрқиб кетганимиздан уларнинг кетидан индамай қараб қолавердик. Ўйнагимиз ҳам келмай қолди. Шўрлик Жарилқасиннинг қонга бўялган юзлари кўз олдимишдан кетмасди сира.

Кечқурун бу воқеани отамга айтиб бердик. У ўрнидан турди-да, Ниёзовлар ўтови томон йўл олди. У Жарилқасинни ҳовлидан топибди. У иситмалаб, алаҳсираб ётган экан. Отам уни кўтариб олиб, ўтовимизга олиб келди. Ширин гаплар айтиб эркалади, сут ичирмоқчи бўлди, лекин бола ҳеч нарсани сезмасди. Отам ўтовнинг четроғига жой солиб, уни ётқизди-да, шамол тегсин учун дарчани очиб қўйди. У, болага тегманглар, деб бизни огоҳлантирди-да, ўзи аллақаяққа чиқиб кетди.

Жарилқасин қимир этмай ётар ва оғир нафас олар,

лаблари оқариб кетган эди. Аҳён-аҳёнда нималарнидир айтиб ёлдирад ва бақариб юборарди. Бу биз учун шунчалик ваҳимали эдики, биз миқ эгмай, унга қараб ўтиравардик.

Отам чопоннинг барида қандайдир даволи гиёҳ тўплаб келибди. Уни қозонга солиб қайнатди, кейин косага қуйиб совутди-да, Жарилқасиннинг лабига томизиб турди. Опаларимга латта ҳўллаб, унинг бошига босишни буюрди. Боланинг иссиғи баландлигидан рўмолчани тез-тез ҳўллаб туришга тўғри келарди.

Тунни Жарилқасин атрофида ўралашиб, ухламай ўтказдик. Эрта тонгда, салкин тушган пайтда, Жарилқасин ўзига келди, кўзини очиб атрофга қаради. Қаердалигини билмай бақариб йиғлаб юборди. Отам уни эркалаб овута бошлади.

— Қўрқма, қўрқма!— дер ва орқасига қараб, ёвуз кампирни:— Падарига ланъат ўша телба Ойдиннинг!— деб сўкарди.

Кейин Жарилқасинни қўлига олди. Опам бир пиёла қайнатилган дорини келтириб берди, отам унга ҳаммасини ичирди, кейин қонларини ювиб қўйди. Жарилқасин титрай бошлади, шунда унга бир пиёла сут ичириб, ўраб ётқизиб қўйишди.

Тонг ёришиб қолганди. Жарилқасиннинг кўзи илindi. Биз ҳам ухлагани жойимизга кетдик. У бизникида бир ҳафтадан кўпроқ, тузалиб кетгунича турди. Отамга ўхшаб биз ҳам унга ғамхўрлик қилиб яхши муомалада бўлдик.

Хурофот ботқоғига муккасидан кетган кампир овулдагилар орасида фақат отамнинггина сўзини қулоғига оларди. Бунинг сабаби ёшликдаги таъсуроти оқибати бўлса керак. У отамнинг амакиваччасига келиш бўлиб тушган ва овул аҳлининг ўша пайтлардаги Момнишга нисбатан бўлган ҳурмат-иззати ёнида қолган бўлса



керак. Ойдин уни қариган чоғида ҳам отини айта олмас, «мирза йигит» деб атарди ҳамон. Жарилқасинни ўтовимизга олиб келганимиз учун жанжал қилмаганлигининг сабаби ҳам шунда эди афтидан. Бир неча кун ўтгач, Ойдиннинг ўғли — Сайловбой келди-да, Жарилқасинни ҳар нарса қилса ҳам ҳаққи борлигини айтди. Бу сўздан отамнинг жаҳли чиқиб, унга:

— Бу боланинг отаси,— деб Жарилқасинни кўрсатар экан,— сендан кўра бадавлат ва сенга нисбатан анча дуруст одам эди. Худо кўрсатмасин, сенинг болаларинг ҳам мана шу етимчаларнинг кунига тушиб қолса нима қилардинг? Борди-ю, ақлдан озган кампир болани ўлдириб қўйганида Шегирлар уруғи бола учун хун талаб қилиб, сенинг олдинга келса, унда нима қилардинг?— Отам унга узоқ муддат панд-насиҳат қилди.— Онанг билан ҳам ўзим гаплашаман,— деб гапни тугатди у. Сайловбой Жарилқасинни олиб кетаркан, бечора бола худди дор тагига кегаётгандай жавдираб биз тарафга қарарди.

Ойдин кампир отамнинг гапидан кейин бир оз тинч юрди-да, яна ўз билганини бошидан бошлайверди.

Опам Убианна ўзини бешиккертти қилиб қўйишган Жарилқасиннинг акасини биринчи бор шу ерда кўрди ва бўлғуси қаллиғи билан яқиндан танишди. Лекин уларнинг «юлдузи юлдузига тўғри келмай қолди». Отам ўзи берган ваъдани бузолмаслигини айтиб, узоқ вақт сўзида турди. Опамнинг қайғусига бувимнинг раҳми келиб фотиҳани бузишни талаб қилмагунича, уч йил давомида отам ўз сўзидан қайтмади. Сўнгра бу тўғрида Момитга хабар қилинди ва олинган қалинни қайтаришга ваъда берилди.

Лекин овулда бирорта ҳам хотиннинг тақдири опамнинг тақдирига ўхшамаган эди. Байтан уруғида ғоятда бадавлат, маълум ва машҳур Зейпа исмли жуда чирой-

ли қизи бор эди, ана ўша сулув қизнинг овулимизда пайдо бўлиши ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Нуртойнинг ҳамма фарзандлари бири-биридан келишган эди: бешчала ўғил ҳам барвастандан келган, қадди-қомати келишган йигит эдилар. Фақат уларнинг олд тишлари йирикроқ бўлиб, озгинагина олдинга туртиб чиққан эди. Шу сабабли ҳам уларга «курак тишлар» деб ном беришган эди.

Нуртойнинг яккаю ягона қизи бўлган Зейпа ҳам акаларига ўхшар, хушбичим, хушрўй эди. Мен уни келинчаклар кийимида овулимизга келганини ва отдан тушиб, бошини қуйи эгмай, мағрур юрган биринчи кундан буюн яхши эслайман. У Ниёзнинг Ойдиндан бўлган бешинчи ўғли, хунук, дудуқ Довутбойга иккинчи хотин бўлиб тушган эди. Довутбойнинг биринчи хотини яқингинада вафот этган эди. Қозоқлар орасидаги: «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин» ёки «қўли узун (бой) хоҳлаганини олади, қўли калта (камбағал) текканига шукур қилади»— деган гап бекор айтилмаганлиги шундан ҳам кўриниб турибди-да...

Шундай қилиб, мўмай қалин эвазига хунукдан-хунук, калтафаҳм ва нўноқ бир одам Зейпадай гўзал қизни қўлга киритиб олди. Эҳтимол бу қайғули ва тенгсиз никоҳ куни Зейпага хуштор бўлган бирор бечора йигит ҳақсиз қонунга лаънатлар ўқигандир, эҳтимол у ғамга ботиб замонадан фарёд чеккандир.

Зейпа баланд бўйли, қадди-басти келишган, дилбар аёл эди. У ўзининг қирра бурни, чўзинчоқдан келган чехраси, қора шахло кўзлари, узун, ўткир киприклари билан арман қизларига ўхшаб кетарди. У ҳеч кимдан тап тортмас, ҳеч нимадан тортинмай савлат тўкиб юрарди. Унинг ўзини бундай эркин тутиши овул аҳли орасида гап туғилишига сабабчи бўлди. Уни тарбиясизликда айблашди. Қозоқ одатига кўра келинчак: сувдан

сокин, ўтдан паст бўлиши керак. Зейпа овулда ҳукм сурган тартибга бўйин эгмади. У на қайнонаси Ойдинга, на куёвнинг акаларига ва на катта келинларга таъзим қилди, ҳурматлади. Унинг қараши ҳам, овози ҳам, ахлоқи ҳам эрига, уруғларига ёқмай қолди. Ойдин бу мағрур аёлни эгмоқ учун, уни итоаткор қилмоқ учун қанчалик уринмасин ҳеч иш чиқаролмади... Иродали ва эркин Зейпа бир ўқрайиб қарашдаёқ ҳаммаларининг унни ичига тушириб юборарди. Хотинини қўлига ола билмаганлигини, унинг на эрини, на бошқаларни назар писанд қилмаётганини пеш қилиб, Довутбойни онаси ҳам, акалари ҳам койир эдилар. Лекин бу таъналарга Зейпа парво қилмас, аксинча, уларнинг ўзларини масхара қиларди, қора ишга қўл урмайдиган эркин, бойвуччаларча ҳаётини давом эттираверди.

Зейпа бошқа Ниёз авлодлари, шунингдек бизнинг оила билан хушмуомалада бўлар эди. У турмуш қурган биринчи йили шундай эди. У уйдаги муҳитдан қочиб, ҳар куни бизникига чиқиб турарди. Дурдай тишлари ўзига ярашган, бошидаги рўмолини усталик билан танғиб олиб, наमत устида қуббадай ўтирадиган гўзал Зейпа ҳамон кўз ўнгимда. Мен доим ҳавасим келиб, мағрурланиб, қандайдир ҳис-туйғу билан унга қарардим, эҳтимол бу юзимдан ҳам кўриниб тургандир. Зейпа буни билар ва мени ҳаммадан кўра кўпроқ эркаларди.

Куз кириб келиши билан Ниёзлар оиласи қишловга, Нуртой овулига яқин жойдаги Оққўл яйловига кўчиб кетди. Бу вақтга келиб Зейпа қиз кўрганди... У қизининг худди Довутбойга ўхшаганини кўриб, юраги ёрилай деди. Бу оиладаги оғир шароитдан тоқати тоқ бўлган Зейпа, эрини ўтовидан ҳайдаб чиқарди, кейин ўзи ҳам отасиникига кетиб қолди. Уни бу йўлдан қайтаришга ҳеч кимсанинг кучи етмади. Уни қайтариб олиб

келиш борасида музокаралар бошланди. Зейпа билан Нуртой йўқ деб туриб олишди. Шундан кейин Ниёзовлар отамга, бошқа барча Усеновларга хабар йўллаб, бегона ерда ғурбат чекишаётгани ва ундан қутқазиб олишга ёрдам қилишларини илтимос қилишибди. Хотин кишининг ўзи эрини ташлаб кетиб қолиши ўша эркакнинг ўзигагина эмас, балки барча уруғ шаънига доғ туширишини айтишибди. Усеновлар Ниёзовларни ёқтирмас эдилар, лекин, шунга қарамай уруғ номусини ҳимоя қилиш мақсадида отам бошчилигида йигирма отлиқ Ниёзовларни ҳимоя қилиш учун йўлга отланди. Бу келишмовчилик бошқа оилаларда юз бериб турадиган майда-чуйда жанжалларга нисбатан бутун вилоят бўйича жуда муҳим воқеа бўлиб қолди. Нуртой қўли узун ва обрўли киши бўлганлиги туфайли уни кўндириш осон эмасди. Бийлар одатига кўра бундай ишларни ҳал этишда гоҳида гап билан йўлга солинар, гоҳида эса гап бакор келмаса, пўписса қилиб кўндириларди. Музокара қиш бўйи чўзилиб кетди, лекин чигал ечилиш ўрнига борган сари мураккаблашиб борди. Овулдошларимиздан баъзилари қайтиб келишар, уларнинг ўрнига бошқаларни кетишарди. Бутун овул ана шу кураш билан яшар эди. Қайтиб келганлар музокаралар қай йўсинда, қайси овулда ўтаётганини, ким ўзини қандай тутгани, кимлар нималар деганини сўзлаб беришарди... Хабарчиларнинг айтишларинча, меннинг отам усенчиларнинг оқсоқоли сифатида бийлар мунозараларида алоҳида ўрин тутар, нотиклиги, хўшмуомалалиги билан ажралиб турар эмиш. Лекин Нуртой ҳеч ён бермаётган, қизини қайтариб беришга рози бўлмаётган эмиш. У қизни учун жуда катта бойлик талаб қилаётганмиш. Бунга бизникилар кўнншмаётган эмиш.

Ўша кезларда қозоқлар кўкламги ишлар ташвишнни кам чекарди. Ҳайдаладиган ер кам бўлганлиги учун

баҳорга тараддуд енгилгина ўтарди. Қишлоқ хўжалик қуруллари нбтидоний бўлганидан уларни икки-уч кундаёқ сошлаб қўйиларди. Шу сабабли қиш кунлари эркаклар кўпинча бекор қолар, кечқурунлари бўзахўрлик қилишса, кундузлари отларига миниб, узоқ-яқин қариндош-уруғларникини овлашгани-овлашган эди. Қиш даврида бир келишмовчилик юз берса бас, баҳона топиладди, эркаклар от миниб овулма-овул юришаверарди. Худди шундай бекорчилик пайтида қўрқоқ Ниёзовлар ёрдам сўраб Усеновларга мурожаат қилиб қолди. Бу таклифни овулимиздагилар мамнуният билан қабул қилишди. Чунки Усеновлар учун бу биринчидан кўнгил ёзиш бўлса, иккинчидан ўзлари ёқтирмайдиган Ниёзовларнинг сўқим гўштарини ейиш эди.

Қиш кунлари ем-хашак тўкин-чочин бўлмаганлиги сабабли чорва хийла озиб қоларди, шунинг учун ҳар бир қозоқ ёз бўйи ширали яйловда ўтлаб, тикмачоқдай семирган мол-ҳол яна этдан тушмасидан, ноябрь ёки декабрнинг бошларида қўй, сўқимга боқилган от ёки бир-икки тойни сўйиб олишга ҳаракат қиларди. Бу қиш ва баҳор ойларигача оила эҳтиёжини қопларди бемалол. Бундай миқдордаги гўштни совуқ-салқин қиш ва баҳор ойларида сақлаш унчалик мушкул эмас эди. Маълумки, қозоқ халқи ўз одати ва табиатига кўра меҳмондўст бўлади ва меҳмонни албатта бешбармоқ билан меҳмон қилади. Борди-ю, мезбон бешбармоқ пиширмаса уни ҳамма айб қилади. Тўғри, бизнинг районда қиш учун бошқа жойлардагидан кам мол сўйиларди. Деҳқончилик билан шуғулланувчи бизнинг одамлар бошқа таомлар ҳам пиширишарди, ҳар куни гўштли овқат тайёрланавермасди. Бизни шўрва-шултур ҳам қаноатлантирарди, нонни кўп танаввул этардиқ. Уй бекаси онладаги айрим тантанали кунларда, байрамларда ё бўлмаса меҳмон келганда бешбармоқ пиширарди, шу-

нинг учун энг яхши сур гўштлиримиз ана шундай мав-  
рудларга сақлаб қўйиларди. Шундай хонадонлар ҳам  
бўлардики, улар қўл учиди кун кўрар ва гўштни қисм-  
ларга ажратиб, қишда келиши мўлжалланган меҳмон-  
ларга атаб сақлаб қўйиларди. Гўштнинг яхши жойлари  
алоҳида сақланар ва фалон меҳмоннинг насибаси деб  
оғзаки «уй дафтарига» «битиб» ҳам қўйиларди. Шу  
сабабли биз болалар уйимизга меҳмон келишини орзи-  
қиб кутардик, уларни иззат-ҳурмат қилардик. Яна шу-  
ни ҳам айтиб қўяйки, бизнинг жойларда пишириладиган  
бешбармоқ билан чўл чорвадорлари тайёрлайдиган  
бешбармоқ орасида маълум даражада тафовут бўлади.

Биз тайёрлайдиган бешбармоқда хамир кўпроқ бў-  
лади, чўлликлар эса, бир қўйнинг гўштига кўпи билан  
бир килограмм ун ишлатишади. Қозонда бўлса, чўмич-  
га чиқади-да.

Бизнинг уй бекалари гўшт етишмаслигидан руслар-  
га ўхшаб, биринчи, иккинчи деб юритилгучи овқат  
турларини ўйлаб топишган. Биз чўлликларга ўхшаб  
меҳмон келганда унинг олдига бирданига бир нимта  
қўйни олиб чиқолмаганимиздан, унга аввал чой дамла-  
нади. Кейин меҳмонга устихонни билан кулчатоё берил-  
ди, меҳмонлар кулчатоёни еб, устихонларни кемириб-  
тозалаб бўлгунларича иккинчи асосий овқат норин ҳо-  
зирланади. Бир куни чўлдан келган, оғзини тўлатиб  
гўшт еб ўрганиб қолган бир меҳмон овқат еб туриб,  
чақагини ушлаганича «войвой»лаб қолибди, атрофида-  
гилар безовталаниб, меҳмонга бирон гап бўлдим деб  
қўрқиб кетишибди. Шунда меҳмон заррача хижолат  
тортмай:

— Вой-вой! Овқатда тирноқдай гўшт бор экан, ти-  
шимга тегиб кетди,— дебди шартта.

Чўл чорвадорлари биз деҳқонларни ана шунақанги  
ҳазил-мutoйибалари билан камситишарди...

Шундай бўлгандан кейин бизнинг Усеновлар уруғи учун Ниёзовларникига бориш ва уларникида мазза қилиб, қишга ғамлаб қўйилган гўштларни пок-покиза туширишдан бўлак роҳат бораканми? Содир бўлган келишмовчиликни бартараф қилиш баҳонасида ҳар кун уларникида йигирма-ўттиз киши меҳмон бўларкан. Ниҳоят беҳуда мунозара қилавериш ўртада турган ҳакамларнинг ҳам меъдаларига теккан шекилли, улар икки рақиб томонга ўз мулоҳаза ва таклифларини айтиб, ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўриш учун уч-тўрт кун муҳлат беришибди-да, ҳар ким ўз қариндошиникига меҳмон бўлиш учун жўнаб кетибди. Кейин улар яна қайтиб келишган ва «уруғ ўртасидаги жанжал» яна бир ярим, икки ой давом этган.

Нуртой ўз фикрида қаттиқ туриб олибди. Зейпа ҳам ўзи севмайдиган эр, ёқтирмайдиган овулга яна қайтиб келишни истамабди. Афтидан, яккаю ягона қизининг тақдирини ўйламай, уни азобга қўйганидан Нуртойнинг қалбида оталик меҳри уйғонган кўринарди. У энди ўз гуноҳини ювишга ҳаракат қилаётган кишига ўхшарди. Бизникилар ҳам сўзларида маҳкам туриб олиб, қайтиб борсин деб талаб қилаверишган. Бу талабдан зерикиб кетган Нуртой масалани «уруш» билан якунлашни таклиф қилибди. Довутбой унинг беш ўғлидан бирини танлаши ва яккама-якка олишиши керак экан. Борди-ю Довутбой энгиб чиқса, у қизини қайтариб беради, аксинча ўғли энгиб чиқса, Довутбой жарима тўлайди ва хотиндан ҳам, берган қалинларидан ҳам маҳрум этилади, деб шарт қўйибди дастлаб.

Бизникилар ўлардай нимжон, ўлаториқ Довутбой дудуққа қараб, унинг олишувда муқаррар мағлубиятга учрашига кўзлари етибди-ю, бу шартга унашмабди. Шунда Нуртой яна бошқача шарт қўйибди:

— Меннинг беш ўғлим бор, мен — олтинчисиман, бу

ердаги Ниёз авлодлари ҳам олти киши. Майли, майдонга чиқиб, беллашиб кўрайлик.

Бу вақлифни бизнинг Усеновлар рад этиша олмабди.

Ниҳоят, бизнинг Усеновлар Ниёзовларнинг ўзларини ва элишувчи Нуртоевларни ўртада қолдириб, томошабин ифатида Нуртойнинг овули яқинидаги тепага чиқиб туришибди. Олти Ниёзовчига қарама-қарши олти Нуртоевлар саф тортишибди. Томонлар, қамчи, чўқмор ва тошлар билан қуролланишибди. Маълум ишора берилиши билан томонлар майдон бўйлаб қўйибдилар. Улар бир-бирларига яқинлашиб келиб, тош отишибди, отлар яқинлашиб келгач чўқморлар ишга тушиб кетибди. Томонлар зарба бериб, орқага тисланишар ва яна олдинга ташланиб, муштлашишаркан. Уч марта от сурилганидаёқ Нуртойнинг болалари чаққонлик қилиб чўқмор билан уриб, беўхшов, лапашанг Ниёзовлардан учовини афдаришибди. Шунда Нуртойларнинг ғалабасидан руҳланиб кетган амакиваччаси чидаб туролмай томошабинлар орасидан қийқирганича отилиб чиқибди-ю, еттинчи бўлиб Ниёзовларга ташланибди. Бу шартга хилоф бўлиб тушган, албатта. Буни кўрган қизиққон Мўминқул амаким ўша заҳотиёқ отидан сакраб тушибди-ю, отамга тўригинини берасан деб туриб олибди. Отам саросимада рози бўлганини билмай қолибди. Амаким бир сакрашда тўрикқа миниб олибди-ю, кўлига тушган таёқни олиб, Нуртойлар устига ташланибди. У бир вақтлар асов отни қувганидай жанг майдонида парвоз қилиб бир зумдаёқ ҳисобни тенглаштириб қўйибди. Олишув пировардида амаким Нуртойнинг ўзини ҳам отдан қулатибди, Нуртой ҳушидан кетиб, ерда чўзилиб қолибди. Олишув шу билан ҳал бўлибди. Нуртойлардан от устидя омон қолганларини амаким олдига солиб қувганча овулга олиб бориб қўйибди. Отам Нуртой томон



югуртибди. Унинг бошини кўтарибди ердан. Нуртой ўзига келгандан кейин:

— Момиш, сенмисан?— деб сўрабди.

— Ўзинг айбдорсан, Нуртой, ишни тинч ҳал қилишни хоҳламаган эдинг,— деб жавоб қайтарибди отам.

Кекса Нуртой қўл силкиб, паст овозда:

— Анави аҳмоқ аралашмаганида қандай яхши бўлар эди-я. Майли энди, бўлар иш бўлди, ўзинг бийлик қила қол!— деб илтимос қилибди.

Отам олишувни бас қилиб, отлардан тушишни буюрибди-да, яхшилаб ўйлаб олиш учун икки кун муҳлат берибди. Шундан кейин ҳаммалари тарқашибди.

Отам «ота-боболар одатини» бузганлиги учун Нуртойни озгинагина жарима гўлашга ҳукм қилибди. Зейпа яна кўрарга кўзи йўқ хонадонига қайтишга мажбур бўлибди.

Амаким ўз ғалабам билан фақат Довутбой ва Ниёзовларнигина эмас, балки бизнинг кичкинагина Усеновлар уруғининг номусини сақлаб қолганман, деб мақтаниб юрди умри охиригача.

Бу эса отамга ёқмас, қари Нургойни аямай, қалтис ерига ургани учун ўз укасини қаттиқ койир ва:

— Нима, ўғиллари сенга камлик қилдими?— деб таъна қиларди унга.

Шу воқеадан кейин бир ярим-икки йил ўтгач, Зейпани кўриб қолдим. Олдинги назокат ва ўзини эркин тутишидан асар ҳам қолмабди. У тушкунликка тушиб, ҳамма нарсадан воз кечган ва ўзига қарамай қўйган эди чоғи. Унинг қордай оппоқ бош кийими ҳам сарғайиб кетган, шаҳло кўзларидаги ўт, хатти-ҳаракатидаги ўйноқлик ҳам сўниб қолган эди. Айтишларича энди у жинни-санғи Ойдиннинг ҳам, хунук, бедиво эрининг ҳам ёншишларига қулоқ берадиган, ҳатто эрининг бақиришларига ҳам чидайдиган бўлиб қолганмиш.

Шу йўсинда феодализмнинг жирканч одатлари, уруғчиликнинг даҳшатли қонунлари, қалин деган беъмани хурофот шаддот Зейпани, ундаги одамийлик ғурурни, буюк иродани сўндирди. Уни тақдирга тан беришга мажбур қилди.

... 1945 йил эди. Мен амакимнинг вафоти туфайли овулга бордим. Утовга азадан кеч қолган бошқа хотинлар қатори рўмолини лавашанглик билан кўзигача тушириб ўраган, қадди букчайиб қолган бир аёл кириб келди. Мен уни танимадим-у, кўришмоқчи бўлиб ўрнимдан турдим... Бу аёл кўзларини жавдиратиб, ширин сўзлар айтиб елкамга қоқиб, мен билан кўришди. Наматга ўтирдик. У хотин менга қараб омон-эсонлигимни, «бу нотинч уруш» пайтида аҳволим қандайлигини суриштирди. Сўнгра азага кечикиб келганлиги учун узр сўради. Уйнинг ўртасига осиб қўйилган лампанинг ёруғи тушгач, мен бу хотинни танидим, у Зейпа эди. У ҳорғин ўтирарди, хира шуълада юзларидаги ажин кўзга ташланиб турарди, оғзида тиши қолмаганидан, энгаги ҳам тушиб кетибди. Мен ўзимни боса олмадим ва:

— Нега бунчалик тез қариб қолдингиз?— деб сўрадим ундан.

Зейпа бош силкиб қўйди-да:

— Қандай қилиб қаримай? Ахир, сенинг қариндошингга бир эмас, саккиз «итвачча» туғиб бердим!— деди энсаси қотиб.

Ошакбой ота унинг сўзидан норози бўлди шекилли:

— Ундай дема, овулимиздаги аёллар орасида энг бахтлиси сенсан, Зейпа. Уруш сенинг эшигингни қоқмади ҳам. Эринг ҳам, болаларинг ҳам бағрингда,— деди у.

— Бошида қалпоғи бор ҳар бир эркак халқини, ватанининг шуҳратини ҳимоя қилмоқ учун урушга от-

ланди,— деб жавоб берди чолга Зейпа.— Довутбойни онаси фақат мени қўриқлаш учунгина туққан экан.

Унинг сўзларида қалин қурбони бўлган Зейпанинг қалбида зўравонлик жуда чуқур из қолдиргани ҳамда зўр нафрат уйғотгани акс этиб турарди.

\* \* \*

Опамнинг тўй маросимини ўтказишга қайтамыз. Момитга рад жавоби берилганлиги тўғрисидаги хабар ҳаммага маълум бўлиб кетди. Опамга турли томонлардаги овул ва уруғлардан совчилар кела бошлади.

— Момитга тегишни хоҳламади, энди ўзи танлай-версин куёвни,— деган қарорга келди бувим.

Опамнинг бўйи етиб қолди. Энди уни рўзғор ишларидан халос қилиб, яхши кийинтириша бошлашди ва қўл ҳунари билан шуғулланишга ўтқазиб қўйишди. У кашта тикиш, гул чекиш санъатини ўрганиб, қозоқ нухаларининг дуппа-дуруст чевари бўлиб қолди. Тўқувчиликни ўрганди. У бўйни, бармоқлари ва сочига талайгина кумуш тақинчоқларни тақиб, бош кийимига жиға қадаб юрадиган бўлди. Опам қўшиқ айтар, айтишувларда қатнашарди, бундай эркин ҳаётдан у хийла хушчақчақ бўлиб қолди, кўнгил розини сўраганларга чалғитиб жавоб қайтараверди. У йигирмага қадам қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳатто унга яқинда қари қиз бўлиб қоласан деб дакки беришадиган ҳам бўлишди.

Бир куни бизникига икки отлиқ меҳмон келди. Улардан бири Ботирбек уруғига мансуб бўлган Болтабой деган одам эди, иккинчиси сийрак мўйлови энди ниш ура бошлаган йигирма ёшлар чамасидаги нотаниш йигит эди. Отам уйда йўқ эди. Меҳмонларга чой бердик. Йигит бошини қуйи эгиб олиб, жимгина ўтириб чой ичди. У ўнғайсизланиб, шалвираб, опамга икки-уч оғиз сўз айта олди, холос.

Меҳмонлар кетишганидан кейин кичик опам билан мен уларнинг қилиқларини қайтариб, масхара қилдик. Катта опам олдин бизга қўшилишиб кулди, кейин негадир жаҳли чиқа бошладди. Бизни эса баттар кулгимиз қистар, шарақлаб кулар эдик, шу қадар ҳаддимиздан ошиб кетибмизки, охири иккаламиз ҳам биттадан мушт едик. Отам кечқурун келди. Убианна опамнинг йўқлигидан фойдаланиб, уйимизга меҳмон келганини, уларнинг қилиқларини масхаралаб, биримиз олиб, биримиз қўйиб отамга ҳикоя қила бошладик, кичик опам: «Йигит Убианнага ёқиб қолганга ўхшайди, чунки биз уларнинг қандай қилиб чой ичишганини кўрсатган эдик, опамнинг жаҳли чиқди, бизни урди»,— деди. Отам гапларимизни қулоқ бериб тинглаб, жилмайиб қўйди-да, бу бўлмағур гаплигини, уни эсимиздан чиқариб юборишимизни айтди.

У бизга шалвираган йигит ҳақида матал айтиб берди. Бир бой бўлган экан. Унинг эркатой ўғли бор экан. Бу йигит бутун вилоятни айланиб, жамики чиройли қизларни кўзидан ўтказибди-ю, ҳеч бири унга ёқмабди: бири хунук, иккинчиси ақлсиз кўринибди, чунки у ўзини ҳаммадан юқори қўяркан ва ўзига ҳам ақлли, ҳам чиройли қаллиқ топишни орзу қиларкан. Бир куни у узоқ сафарга жўнаш учун отасидан ижозат сўрабди. Отаси рухсат берибди, йигит узоқ ўлкаларга жўнабди, у овулма-овул кезиб, кўп қизларни кўрибди, бу гал ҳам унга ҳеч ким ёқмабди... Бир куни у оппоқ ўтов олдида тўхтабди. Уни чиройли бир қиз чиқиб кутиб олибди ва отдан тушишини таклиф қилибди. Йигит отдан тушиб, ўтовга кирибди, қиз чаққон ҳаракат қилиб меҳмонга дастурхон тузай бошлабди, йигитга қизнинг чиройи ёқиб қолибди.

Чой қайнабди. Қиз дарров чой дамлаб, одоб билан йигитга чой узатиб, дастурхонга таклиф қилибди.

Йигит ичида: ҳусни дуруст экан, менга ёқди, лекин ақлликин, қани, бир синаб кўрай-чи, дебди.

Утов эшигидан ташқарида думалаб ётган бир неча катта-кичик тўнкалар кўришиб турган экан.

— Яхши қиз, айтинг-чи, от анави тўнкалардан нечтасини кўтара оларкин?— деб савол берибди йигит ўзини мағрур гутиб.

— Яхши от биттасини, ёмон от иккитасини кўтаради,— деб жавоб қайтарибди қиз хотиржамгина.

Йигит ичида: «Вой аҳмоқ-эй! Ёмони иккитасини кўтарар эмиш-у, яхшиси биттасини кўтарармиш-а. Йўқ, бу қиз ҳам тўғри келмайди менга!» Шуларни хаёлидан ўтказибди-да, қиз билан совуққина хайрлашиб, йўлига равона бўлибди.

Уйига келганидан кейин отасига ҳикоя қилибди.

— Етти кечаю етти кундуз овулма-овул кездим, лекин ўзимга мос қайлиқни топа олмадим. Бир гўзални кўрдим-у, лекин у мен берган саволга: яхши от битта, ёмон от иккита тўнка кўтара олади деб, жуда аҳмоқона жавоб қайтарди,— дебди у отасига.

Шу ерга келганда отасининг ғазаби қайнаб, ўғлининг сўзини бўлибди-да:

— Аҳмоқ! Сен унинг сўзининг маънисига тушунмабсан! У сенинг дастурхондан бир йўла иккитадан бўғирсоқ олиб, оғзингга ташлаётганингдан кулибди. У эмас, сен ақлсизсан!— деб ўзининг тентак ўғлини бир оз савалаб ҳам қўйибди бой.

Отам айтиб берган бу ҳикоядан кулавериб, кўзларимизга ёш келди. Кичик опам билан роса ерга думалаб кулдик, кейин опа-ука икковимиз бойнинг ўғлини масхара қилиб, сулув қиз билан унинг орасида бўлиб ўтган гапларни қилиб кўрсатиб овулдаги ҳамма болаларни кулдириб юрдик. Бу жуда қизиқ томоша бўлган эди.

Икки ҳафта ўтгач яна Болтабой пайдо бўлди. Бу сафар унинг бир ўзи эди. У отам билан ниманидир гаплашди-да, қайтиб кетди. Бизларни бу гапга аралаштиришмади, ўйнанглр деб ташқарига чиқариб юборишди.

Бир куни отам билан чорва қишлайдиган жойга бордик. Отам беда ўрарди. Кечга томон энди овулга қайтамиз деб тургандик. Тўсатдан Болтабой келиб қолди. Отам менга чалғини чархлайдиган қайроқни топиб келишни буюрди. Мен ҳар қанча қидирмай, бари бир қайроқни тополмадим.

Бехосдан қандайдир йигитга кўзим тушиб қолди. Отнинг юганини ушлаб турган йигит бизга таниш: у Болтабой билан қишлоғимизга келган ўша йигит эди. У мени чақириб олиб, отимни сўради, кейин менга конфет берди. У мени яхши бола экансан деб, роса мақтади. Мен ҳайрон бўлдим, яхшилаб уни кўздан кечира бошладим. У норғил, пешанаси энсиз, қовоқлари бўртиб чиққан, бурни катта, қуёшда қорайган, қўполдан келган йигит эди. У конфет берганида қўли, беўхшов бармоқлари ҳам ҳаддан зиёд йирик-йирик кўринди, кафти серқadoқ экан. У тамаки ўраб чекаётганди. Қийим ёмон эмас эди, лекин янги кийинганиданми, унча қовушмаётгани сезилиб турарди. Мен отамнинг олдига қайтиб келганимда:

— Ёмон бола эмас, тўғри, оддий, меҳнаткаш йигит, яқинда ҳарбий хизматини ҳам ўтаб қайтди,— деб хайрлашаётган экан Болтабой.

— Майли, Болтабой, ўйлаб кўрамиз. Шошилтирма, маслаҳатлашиб олайлик, кейин натижасини айтармиз,— деб жавоб қайтарди унга отам.

Одатда уйланадиган йигитнинг илтимоси билан совчилар қиз қидиради, кейин ёшлар бир-бирини кўрсин учун бирор баҳона топиб йигитни қизнинг овулига олиб

боради. Агар йигитга қиз ёқиб қолса, бу ташриф яна қайтариледи. Йигитнинг таъриф-тавсифини ҳам, қизнинг ота-онаси розилигини ҳам, қалин борасидаги олиқ-солиқни ҳам ана шу ўртада турган совчи бажаради.

Болтабой совчи бўлиб ярим йил қатнади. Ниҳоят у олиқ-солиқ борасида келишиб олишга розилик олди. Бу орада опамнинг ҳам Айнқбойни тўй, меҳмондорчилик ҳамда бошқа маросимларда кўргани ва ёқтиргани маълум бўлди. Бу тўғрида опамнинг фикрини олишмоқчи бўлишганда у уялиб, тирноқларига тикилиб туриб, ихтиёрим бувим ва отамнинг қўлида, мен уларнинг мисоли бир боғлаб қўйган бузоқлариман, нима қилишса ўзлари билишади, деган эмиш. Индамагани «хўп» дегани-да, бунга ҳатто мен ҳам тушунардим.

Болтабой икки ҳафта ўтар-ўтмас, Айнқбойнинг қариндошларидан бўлса керак, етти отлиқ кишини бошлаб, маслаҳат қилгани овулимизга келди. Улар унаштиргани келишган экан. Қалин тўғрисида гап бошланди. Деҳқончилик билан шуғулланадиган бизнинг жойларда қалинга ўн олти бия (чорва районларида эса қирқ бир) бериларди. Бу тўғрида тортишув бўлмади ҳам. Қалин учун бошқа чорва моллари берилса ҳам бўлаверарди, масалан, бир бия йигирма қўйга ёки икки-уч сигирга тўғри келарди. Тўғриси, нимага келишишганидан хабарим бўлмади, лекин отамнинг тўйга қарши эмаслиги, фақат уни бир ярим-икки йилдан кейин ўтказамиз деб туриб олгани эсимда.

Уша пайтда икки томон ўртасида тортишувга сабаб бўлган айрим жиҳатлар устида бош қотирар эканман, отамнинг камбағал бўлгани, унашиғлик йиллари давомида тўйга бафуржа тайёргарлик кўрмоқчи, ҳаммага манзур бўларли сеп ҳозирламоқчи бўлганини кўп йиллардан кейингина тушундим. Эҳтимол, отам бошқа нарсани ҳам ўйлагандир, ёшлар бир-бирларига унаштириб

қўйилган «қайлиқлик даври» энг ширин, энг завқли давр ҳисобланарди, бу ўринда хотинларнинг бир-бирига: «Мен қайлиқ бўлиб икки йил юриб, ниҳоят, учинчи йили турмушга чиққанман»,— деб мақтанишлари бежиз эмас, албатта. Хотинлар умрларининг охиригача ўша дамларини фахр билан тилга олардилар. Шу сабабли отам ҳам Убаиннанинг кўпроқ вақт ўйнаб-кулиб юришини истагандир балки. Совчилар бўлса тўйни тезлаштириш тарафдори эдилар. Эҳтимол улар отам бир марта ваъдага вафо қилмагани сабабли хавотирлангандирлар, ёки бўлмаса, опамни бу орада «янги қонунга ишониб, бирор йиғитни танлаб, тил бириктириб қочиб кетса нима бўлади», деб қўрқигандир. Ҳар ҳолда қалин расмий равишда бекор қилингандан кейин шундай воқеалар содир бўлган эди ҳам. Баъзан бундай «хиёнаткор» қизларнинг ота-оналари фотиҳа қилиб, қалин эвазига чорва молларини олиб бўлиб, ваъдадан қайтган, қалинни қайтариб беришдан бош тортган ёки қалиннинг арзимас кисминигина қайтарган чоғлар ҳам бўлганди-да, ахир. Бундай пайтларда берилган қалинни қайтариб олишни расман даъво қилиб бўлмасди, чунки қалин бериш ман этилганди. Куёв томоннинг қалинни бериб бўлишлари билан қизни олиб кетишга ҳаракат қилаётганининг асосий сабабларидан бири мана шунда эди. Ҳатто шундай воқеалар ҳам бўлган: қалинни кейинроқ беришга ваъда бериб, келин олишган. Лекин тўйдан кейин ваъдага вафо қилинмаган ҳоллар ҳам бўлган. Амалга оширилган ҳар бир қонунсиз иш сингари қалин бериш музокаралари ҳам узоқ муддатга чўзиларди. Маслаҳатлашиб, гап бир ерга тингандан кейин ҳам бир-бирларига ишонмаслик натижасида ишни чўзиб юбориш ҳоллари ҳам бўларди. Чунки гапнинг субути йўқ, мақтанчоқ кишилар қизи ёки синглисини бир неча марталаб «гаровга» қўяр ва қалин ҳисобига



қарз олишар эди-да, кейин осонгина ундан тониб қўя қолар эдилар.

Қалинни тўла олиб бўлиб, сўзидан қайтадиганлар ҳам бўларди. Бундай ҳолларда жабрдийда жабрловчининг овулига келиб, ўз уруғидан бу ерга, хафа қилувчининг бирор қариндошига тушган аёлни топарди-да, уни алдаб-сулдаб ўз овулига меҳмонга чақирар ва бутун овул бояги бечора аёлни ўртага олиб уйига қайтмасликка кўндирар ва то жабр қилган одам олган нарсаларини қайтариб бермагунича уни шу ерда сақлаб туришарди. Асира бўлиб қолган аёл бечора ҳам «ўз суягини» хор қилмаслик, қизлик чоғи ўтган она уруғининг номусини сақлаш учун бунга рози бўларди. Шу йўсинда қалин олган одамни сўзини устидан чиқишга ёки қалинни қайтариб беришга мажбур қилинарди.

Асрлар давомида сақланиб келган бемаъни одатлар ва феодализмнинг жирканч иллатларига қарши курашувчи, ўз ҳуқуқларидан тўла фойдалана олувчи жасур хотин-қизлар ҳам бор эди. Бирмунча кейинроқ эскилик қолдиқларидан норози бўлиб «исён» кўтарган хотин-қизлар ҳаракатининг ҳам гувоҳи бўлганман, уларни кейинроқ, фурсати билан баён қилиб берарман. Ҳозир эса мен бир нарсани: Октябрь инқилобидан кейин ман этилган қалин тўлаш одатига барҳам бериш қозоқ аёлларига ҳам, эркакларига ҳам қийин бўлганини айтиб ўтмоқчиман, холос.

Бир сафар, бозор кунининг эртасига овулимизга Айиқбойнинг амакиваччаси Унгарбой оқсоқол бошчилигида йигирма чоғли отлиқлар келиб қолишди. Зиёфат биринчи галдагига қараганда қуюқроқ бўлди, икки тарафга сарполар қўйилди. Суҳбат икки тарафнинг розилиги билан муваффақиятли якунланди. Совчилар яхши ниятлар тилаб, мамнун бўлишиб жўнаб кетишди. Бир ҳафта ўтгач, бизни қалиннинг бир қисмини олиб келиш

учун Айиқбойнинг овулига чақириб кетишди. Отам ўзи бормади, овулимиздагилардан ўн нафар отлични тўплаб, уларга амакимни қўшиб юборди. Бир кундан кейин улар бешта от, икки ҳўкиз, ўтгизта қўй ҳайдаб келишди. Булардан ташқари, охирги сафар бериб юборган сарпога жавобан сарполар ҳам қўйишибди.

Убианна негадир ҳомуш кўринарди. Эҳтимол у унашилгани ва эндиликда ўйлаб қадам босишга мажбур эканидан изтироб чекаётгандир. Ё бўлмаса, эрга бериб юборишаётганидан маъюсдир. Мен олдин укалик меҳри, кейин эса қизиқувчанлик билан унинг бутун юриш-туришини кузатиб юрдим, ниҳоят унинг муғамбирлик қилаётганини ва аёллар табиати ўзи шунақа бўлишини билиб олганимдан кейин жуда куйиб кетдим. Менга шу қадар алам қилардики, буни сўз билан тасвирлаш амри маҳол эди. Нега деганда опамни беҳад яхши кўрардим, у менга опагина эмас, онам ўрнини ҳам босарди. Унинг уйимиздан кетишига ҳеч ким менчалик куймас эди. Болаларча худбинлигим ва болаларча ақл юритганимданми, уни доим уйимизда қолади деб ўйлардим.

Қалин сифатида келтирилган чорва дарҳол сотиб юборилди. Амаким ҳар куни бозорга бориб, опамга ҳар хил тақинчоқлар, қўйлақлик ва бошқа матолар келтира бошлади. Убианна ясаниб юрадиган бўлди ва чеварлик билан шуғулланишда давом этди. Утовимиз ўзига хос устахонага ўхшар, ироқи, хошия тикилган тўрли матолар, заргарлик буюмлари билан тўлиб-тошиб кетди. Бувим, «янги жойга уй-рўзғоринг бут бўлиб боришинг керак», деганини мен сеп деб тушунардим.

Орадан олти ой ўтгач Айиқбой ўртоғи Ўндас билан совғалар олиб, биринчи марта қиз билан кўришгани келди. Куёв овулдан унча узоқ бўлмаган жойда паналаб турди, унинг ўртоғи бўлса икки сумка совғаларни

кўтариб олиб, овулга келди ва қуёвнинг тунда келин билан учрашгани келганини хабар қилди. Одатга кўра қалин бериб унаштириб қўйилгандан кейин шу тарзда қаллиғлик даври бошланарди.

Совға-саломларни кўрган овулимиздаги жувонлар қуёвни муносиб кутиб олишга шошилиб қолишди. Қутилмаганда опам қуёв билан учрашмайман деб туриб олди. Жаҳли чиқиб кетганидан унинг бутун вужуди титрарди, ранги қув ўчиб кетганди.

— Наҳотки уялмаса! Намунча шошилмаса? Ахир тўйга ҳали бир йил бор-ку! Унга айтинг, бунақа шошма-шошарлик қилса, ундан хафа бўламан. Бу нима қилгани?— деб таажжубланарди у.— Мени розилигимсиз, ҳеч қандай хабарсиз, тўғридан-тўғри келишга қандай журъат қилди у?!

— Сенга нима бўлди, жонгинам? Авлоддан авлодга мана шу расм ўтиб келяпти, илоё уларнинг жони жаннатда бўлсин... У энди сенинг қаллиғинг бўлди-ку, ахир!— деди қариндошлардан бири унга насихат қилган бўлиб.

— Мен ҳали отамнинг уйидаман, унга хотин бўлганимча йўқ,— деб жеркиб ташлади Убианна ранги ўчиб.— Борди-ю у яна шундай қилса, мен унга тегмайман!— деди қатъий.— Ҳа, унга шундай денглар.

Мен мулойим, оғир-вазмин Убианнанинг бунчалик жаҳли чиқишини, бунчалик бир сўзли эканлигини ҳеч қачон хаёлимга ҳам келтирмаганлигимданми, ҳайрон бўлиб қолдим. Мен уни худди биринчи марта кўраётгандай, опамга бошқача кўз билан қарай бошладим. Худди биров уни зўрлаб олиб чиқиб берадигандай, сандиқни маҳкам ушлаб турарди. Ҳаяжонланганидан чувак юзи, қирра бурни яна ҳам оқариб кетди. Унинг юпқа лаблари бири-бирига тегмай титрар, алам тўла кўзлари эса ўтовдаги аёлларга бирма-бир тикиларди. У но-

зик бармоқлари билан тасмадай узун сочини беихтиёр ўйнай бошлади. Унинг силлиқ таралган тим қора, узун сочи ҳуснига ҳусн қўшган эди. Узун бўйли, нозик қиз бўлганлиги сабабли ҳам уни «Талшибиқ» — новдадай дейишарди, нозиклиги ва дилбарлиги уни жозибали қилиб кўрсатарди.

Қуёв икки-уч соат кутиб турди, келин кўнмади, у ноилож ўртоғи билан қайтиб кетишга мажбур бўлди. Ундас сумкадаги совғаларни ташлаб кетмоқчи бўлди, лекин Убианна мутлақо унамади:

— Йўқ, йўқ, керак эмас! Худо хайрингизни берсин, илтимос қиламан, олиб кетинг!

Убианнанинг қилган қилиғи Айиқбой овулидагиларни хавотирга солиб қўйди. Қуёвнинг овулидан тез-тез айғоқчилар — аёллар келиб, Убианнанинг кайфиятидан хабар олиб туришди. Эҳтимол, улар қалинни қолган қисмини беришдан хавотирланишган бўлишса керак. Бу хотинлар турли баҳоналар билан келишар, бизникида меҳмон бўлишар ва бизнинг аёллар ҳамда Убианнанинг ўзи билан ҳам суҳбатлашишарди. Мени уларнинг ёнига киритишмас эди.

Овулимиздаги хотинлар ҳам ишга тушиб қолишди, улар опамни алдашар, унга маслаҳатлар беришар ва қуда томонни ҳам хабардор қилиб туришарди... Шу алфозда яна олти ой ўтди. Овулимизда тўйга гайёргарлик ишлари қизиб кетди: наमत босилар, кийим тикилар, кашталарга гул солинарди... Қари-қари чевар кампирлар келиб, кашта тикаётганларга иш ўргатишарди. Тайёр нарсаларнинг ҳаммасини бирма-бир уларга кўрсатишарди, бундай дамларда ўтовимиз кўргазмага ўхшаб кетарди. Улардан маслаҳатлар олишарди, улар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишар, айримлари ёрдамлашмоқ учун кўниб ҳам қолишарди. Уйдаги чорва моллари кун сайин камайиб борарди, ҳар бозор бирор ту-

ёқни сотишарди-да, унинг пулига опамга сеп олиб келишарди.

Ниҳоят, Айиқбой ўз вакиллари орқали овулимизга келиш учун опамнинг розилигини олди чоғи. Бир куни кечқурун сумкалар кўтарган Ундас яна овулимизда пайдо бўлиб қолди. Бу гал ҳамма уни иззат қилар, ҳазиллашар ва тунги учрашув бўлишига шама қилиб, ноз-ишва қилишарди. Овулнинг чекка ерига янги ўтов қўндирилди. Ундасни сумкалари билан ўша ерга бошлаб кетишди. Қиз билан йигит биринчи бор учрашадиган ўтов озода, саришта ва безатилган эди. Айиқбойни ҳам ўша ерга таклиф қилишди. У ва оғайниси тўрда, савлат тўкиб ўтиришарди. Овулдаги йигит-қизлар, жувонлар ясаниб-тусаниб тўпланишди ва ҳурмат юзасидан куёв билан танишиш учун ўтовга ташриф буюришди. Уларнинг ҳар бири куёв қаршисида ўзини ақлли, билармон, доно, дилбар, ҳушбичим қилиб кўрсатишга тиришар, улар хушчақчақ кўринишга уриниб, хандон уриб кулишарди.

Айримлар бўлса Айиқбойни синаш маъносида унга ҳазиломуз баъзи саволларни ҳам бериб кўришарди. Масалан, шундай савол беришди: «Айтинг-чи, ой бутун қайси тарафдан кўринади?» Айиқбой ўнғайсизланди-да: «Қоронғи тушди-ку, ой аллақачон кўрингандир!»— деб жавоб қайтарди. Унинг соддалиги ва келинчакка қилган шаъмаларини тўғри маънода тушунганидан ҳамма кулиб юборди. «Бўлмаса Чўлпон юлдузи ва ой сизнинг қайси тарафингизда турганини айтиб беринг-чи?» Айиқбой, ўтов ичида ўтирибман, шунинг учун билмайман, деб жавоб қайтарди. Хотинлар яна хандон ташлаб кулишди. Айиқбой: «Ғарқ бўляпман, ёрдам бер!»— деган маънода ўртоғига қараб жавдиради.

— Катта айиқ туркуми сизга қариндош эмасми, йигит?— деб савол ташлади куёвнинг соддалиги ва тўм-

тоқлиги устидан кулар экан хотинлардан бири. Ҳўғирланган келин-кўёвларнинг юлдузлар орасида сайр қилиб юргани тўғрисидаги афсонага шама қилди-да, яна қочириқ билан сўзини давом эттирди:— Ерқин юлдузни сизга таништириш, эҳтимол хатарлидир.

Айиқбой мутлақо ўзини йўқотиб қўйди, у ўша юлдузларни билмаслигини, ҳеч қачон Ҳўғирлик қилмаганини айтиб ёўлдиради. Охириги сўзларни у хафа бўлиб айтганини кўриб, ҳамма бирдан кулиб юборди.

— Тўлин оини қай пайтда кутмоқчисиз?— деб яна савол берди хотинлардан бири.

Айиқбой, мунажжим эмаслигини, шунинг учун бунга жавоб беролмаслигини, сўраб билиб олай деса овулларида ҳам ҳеч қандай мунажжим йўқлигини айтди. Буни эшитиб ҳамма бараварига хандон отиб кулиб юборганидан ўтов қалқиб кетгандай бўлди, Айиқбой эса тамоман ўзини йўқотиб қўйди.

Шундан кейин ўртоғи Ҳўндас гапга аралашди. Энди ҳужумни у томонга буриб юборишди. Лекин Ҳўндас бўш келмади, у «учирма қуш чиқиб қолди...».

Чой берилди, кейин оқшомги таом тортилди. Айиқбой борган сари ўсал бўлиб, хижолатга ботиб борарди. Унинг юзидан маржон-маржон тер оқарди. Овқатдан кейинги айтишувда Айиқбойни буткул боши берк жин кўчага олиб кириб қўйишди.

Айтишувни дўндириш Ҳўндаснинг зиммасига тушди. Айиқбой эса унга жўр бўларди, холос. Унинг овози йўғон, дўрилдоқ экан, ҳар қанча уринмасин, барибир ошнасига жўр бўлолмас, бунинг устига у ўлан мисраларини ҳам ёддан билмас, ўртоғи боғдан келса, у тоғдан келарди.

Вақт ярим кечага бориб қолгач, кечани бошқариб бораётган янга бир неча хотинлару келиннинг дугона-

ларига қолишларига рухсат берди-да, бошқаларни уй-уйига тарқатиб юборди.

Мени ҳам шундан кейин уйдан чиқаришмади. Туннинг қолган қисмида содир бўлган воқеаларни анчадан кейин бошқалардан эшитиб олдим.

Убианна бошқа ўтовда экан, у ҳар беш-ўн минутда меҳмонлар учун тикилган ўтовда содир бўлаётган гаплардан ўз одамлари орқали батафсил хабардор бўлиб турган экан. Дугоналари куёв билан юз кўриштириш учун уни олиб кетгани келганида опам бормайман деб оёқ тираб тураверибди. Хотинлар уни кўндиргунларича жони-қоллари қолмабди. Улар куёв ва ўртоғи опамнинг розилиги билан меҳмон бўлиб келишганини, жуда узоқ кутиб қолаётганларини, уларнинг ёнига бормаса айб бўлишини айтиб роса ёлворишибди. Тушунтириш, ялнишлар жуда чўзилиб кетибди, ниҳоят азонга яқин қизни кўндиришибди, уни куёвнинг олдига бошлаб келишибди. Айтишувда мағлубиятга учраш, уйқусизлик, бунинг устига келинни узоқ кутиш меҳмонларни, айниқса Айиқбойни роса қолдан тойдириб қўйган экан. Улар ҳатто Убианна ичкарига кириб келганида ўринларидан туриб кутиб олишни ҳам унутиб қўйишибди. Бу ҳурмат ва иззат, одобга мутлақо хилоф эди. Буни кўрган Убианна ортиқ чидай олмабди. У қўл бериб кўришиш ва саломлашиш ўрнига, уйланмоқчи бўлган одам айтишувга тайёрланиб, қиз-жувонларнинг саволига жавоб қайтаришни ўрганиб келиши ҳамда кўпчилик орасида ўзини тута билиши лозимлигини ва яна аллақанча аччиқ-тизиқ гапларни айтиб узиб-узиб олибди-да, шартта орқасига бурилиб, ўтовдан чиқибди-кетибди.

Бу орада тонг ота бошлаган экан. Одат бўйича куёв тонг ёришгунга қадар овулдан чиқиб кетиши керак. Хотинлар энди Айиқбойга хушомад қила бошлашибди. «Қиз боланинг гурури бўлади-да. Бу ерда сиз ҳам ха-

то қилдингиз. Ҳа, булар ўткинчи гаплар, хафа бўлманг. Ҳадемай Убианна ҳам гуруридан тушади, мулойим бўлиб қолади», деб Айиқбойни юпатишган бўлишибди. Бу гаплардан Айиқбойнинг яна кўнглида умид туғилиб тезроқ овулдан чиқиб кетишга мажбур бўлибди. Ундас хотинларга бўлиб ўтган гаплар четга чиқмаслигини илтимос қилибди.

Эртаси куни Убианнанинг қовоғи осилиб кетди, қўлига тушган нарсани тарс-турс ирғитарди, сеп тикишни ҳам йиғиштириб қўйди, ҳаммамиз унинг жиғига тегмасликка ҳаракат қилардик. Бир неча кундан кейин эса, у Айиқбойга турмушга чиқмаслигини айтди, буни эшитиб отамнинг ғазаби қайнаб кетди. Иккинчи марта ваъдасидан қайтмаслигини тушунтирди.

Айиқбой бўлса бу кезларда ўз овулида «таҳсил» ола бошлади. Икки ойдан сўнг, у имтиҳон топшириш учун келиннинг овулига келди. Бу сафар қиз ва жувонлар жимгина тилларини тишлаб ўлтирдилар, куёвнинг зўр бериб ўрганган сабоқлари энди керак ҳам бўлмади.

Вақт ўтиб борарди. Куёв деярли ҳар ҳафта келади-қан бўлиб қолди. Убианна, «пешанамга ёзилгани шу бўлса керак», деб тақдирга тан берди шекилли, илгаригидек қаршилик кўрсатмайдиган, мулойим келинчак бўлиб қолди. Шу йўсинда кунлар ўтиб борарди, чорва моллари тобора камаяр, Убианнанинг сепи эса янги-янги нарсалар ҳисобига борган сайин кўпайиб борарди.

Тўй куни ҳам яқинлашиб қолди. Тўйни дон-дунни йиғиб-териб бўлинадиган сентябрь ойининг ўрталарига тайинлашди. Тўйга тайёргарлик силлиққина ўтмади албатта. Овул ва волость маъмурларидан баъзилари қалин масаласида отамни гоҳ идорага чақиртиришса, гоҳ уйимизга вакилларни бошлаб келиб, пўписа қилишарди. Отам уларнинг «тирноқ орасидан кир қидираёт-



ганларини»; қўрқитиб пора олмоқчи бўлаётганларини биларди.

— Бутун бошли вилоятда бир менгина шундай қилаётганим йўқ. Борди-ю бирортангга бирон нима берадиган бўлсам, эртага яна сенларга ўхшаганлар нафслари ҳайкалак отиб тизилишиб келаверади. Мени эса сиздақа бекорчиларга берадиган нарсам ҳам йўқ. Борларинг, энг катта бошлиқларингга айтларинг. Агарда у бир нарса деса, жавобини ўзим бераман.

Улар бир неча кундан кейин бошлиқларини (бизнинг волостга қарайдиган милиция бўлимининг участка бошлиғи бўлса керак) бошлаб келибди. Нима бўлди денг? У бир боқишдаёқ Убианнага ошиқ бўлиб қолди ва сўроқ ўрнига жуда катта қалин ваъда қилиб, қизингни бер, деб отамга ялина бошлади. У уйланган экан. Убианнани хотини устига олмоқчи бўлди. Отам бунга кўнмади. Бошлиқ дастлаб отамни кўндиришга роса ҳриниб кўрди, иш чиқмагач, тўннини тескари кийиб олди-да, дўқ ура бошлади.

Тез орада бу тартиб сақловчи савдойини биздан олишди-да, қўшни қирғизлар территориясига қарашли ерга ишга юборишди. У ерда ҳар чоршанба бозор бўларди, бир куни қирғиз йигитлари тўпланишиб, уни бозорнинг у чеккасидан-бу чеккасига суриб, одамлар кўзи олдида роса дўппослашди. Шармандаси чиққан бошлиқ, юқори идоралар кўрсатмасига кўра ишдан олиниб, овулига қайтди. Отам менга ҳеч нарса айтмади-ю, лекин бу ишда унинг қўли йўқ эмасди назаримда...

Кўп ўтмай отам Убианнани Айиқбойга бераётганини, шу муносабат билан сентябрда икки-уч кун тўй беражagini очиқ-ойдин эълон қилди ва узоқ-яқин қариндош-уруғларни, ёр-биродарларни тўйга таклиф қилинажagini айтди.

Тўйдан икки ҳафта олдин Убианна уч жувон ва икки

Йигит кузатувида қариндошлар билан хайрлашиш учун овулдан сафарга жўнаб кетди. Одат бўлиб қолган бу сайил ўзига хос саёҳат бўлиб, унда қизнинг куёв уйига боришидан олдин, вақтдан фойдаланиб қариндош-уруғларникига бориши, уларнинг меҳрига қониши, кўнгил очиши, ўйнаб-яйраши кўзда тутилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Бизнинг уруғларимиз, бошқа қозоқларникига ўхшаб, жуда кўп эди: отамнинг тўрт опа-синглиси, бувимнинг икки укаси, ўзимнинг туғишган тоғам, аммам ва амакиларим, ўғай онамнинг уруғлари, тоғавачча, амакивачча, холавачча ҳамда аммаваччаларимнинг хотинларининг уруғлари ва ҳоказолар. Қисқаси томиримиз, уруғ-аймоқларимиз бизнинг овулдан юз эллик-икки юз километр нари-берида истиқомат қилишар эди.

Убианна сафарга жўнаш олдиан бувим унинг сепларини ёйди, бу худди кўрғазмага ўхшарди. Кун очиқ, хушқаво эди. Овулимиздаги барча аёллар тўпланишди. Улар узоқ гаплашишди, кейин овул яқинидан кўм-кўк майдончани танлашди-да, барча сепни ўша ерга олиб бориб, худди қуёшда қуритмоқчи бўлишгандай ҳамма ёққа ёйиб гашлашди. Олдин бувим тўяна қилган катта гиламни ерга тўшадилар, гилам гуллари қуёш нурида ярқираб кетди. Кейин унинг ёнига ундан кичикроқ гилам ёзишди, бу меннинг онамнинг бисотидан эди. Хотинлар ўтириб олишиб, асосини ҳозиргина ўрнатишган катта ўтовнинг чиройига қараб завқланишарди. Сўнгра ўтовнинг ўрам-ўрам ускуналарини келтиришди. Ўтов тикишди, арғамчилар билан маҳкамланди. Кейин ўз ишларидан ўзлари хурсанд бўлиб, керилиб туришарди, шунда ишни бошқараётган хотин Убианнага мурожаат қилди:

— Қани, чироғим, уйингга кириб кўр-чи!

Ўтовга олдин опам, ундан кейин бошқалар кирди...

Ишлаб чарчаган хотинлар ерга ўтиришди, улар навбат-навбат бу ўтовда опамнинг бахтли ҳаёт кечирिशини чин юракдан тилашди. Опам, уялганиданми ёки оиламиздан чиқиб кетаётганидан хафа бўлибми, кўзига ёш олди. Хотинлар ҳам ёшликларини эсладиларми, улар ҳам кўз ёшларини арта бошладилар...

Хотинлар ярим соатлар чамаси дам олишди, сўнгра янги ўтовга иккита сандиқни, қолган сепларни олиб киришди. Сим каравотни ҳам ўрнатишди, жой солишиб бўлиб, сандиқдаги сарполарни олишди-да, ўтов деворларига ёйиб қўйишди. Бурчак келиннинг кийим-кечаклари билан тўлиб кетди. Анчагина янги кўйлақлар тикилган экан. Ерга наMAT, гилам тўшалди, ўтов ичкарасидаги ишлар саранжом-саришта қилинган, хотинлар хотиржам бўлишди-да, энди меҳмон бўлгани ўтиришди. Дастурхон ёзилди, самовар олиб кирилди. Эркаклар зотидан фақат биз болаларгина бор эдик.

Хотинлар дастурхон устида ҳам келиннинг сепи, яна нималар етишмаслиги, сепнинг тузатиш лозим бўлган нуқсонлари тўғрисида суҳбат қуришди. Дастурхонни йиғиш олдидан хотинлар Убианнага турли тўяналар бера бошлашди: «Мендан арзимас ёдгорлик»,— дейишарди улар камтарлик билан. Бир хиллари — чойнак, иккинчилари — пиёла, бошқалари — тунука товоқ, пичоқ ёки қайчи, ишқилиб рўзғорбоп бирор нарса совға қилишди.

— Мана, ўтов ҳам тайёр!— дейишарди хотинлар.— Ўз ўтовинг, ўз рўзғоринг билан бирга борасан. Ҳеч кимга қарам бўлиб қолмайсан. Кийим-кечагинг, ястиқ-тўшагинг икки кишига бемалол етадиган бўлибди. Буvingга ва отанга раҳмат дегин. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди.

Хотинлар аста-секин тарқалиша бошлашди. Мен ўтов ичкарасидаги бўғирсоқ, ўрик ва бошқа емак-

ларга, хотинларнинг яхши-ёмон гапларига берилиб кетиб, узоқ фурсат ўтириб қолибман. Ташқаридаги воқеалардан кеч қолибман.

— Она! Ҳамроҳлар келишди!— деб қичқирди ташқаридан амаким.

Мен ташқарига ўқдай отилиб чиқдим.

Ясаниб-тусаниб олган, ўн етти ёшлар чамасидаги қиз-жувонлар, ўрта-миёна кийинган икки йигит сафарга шай бўлиб туришган эди.

Хотинларнинг эғнидаги маржонлар тақиб ташланган узун мурсак ва рўмоллари кўзни қамаштиради. Уларнинг кўкракларига қизил мунчоқ қадалиб, жияги чиқарилган туморлар осилиб турибди. Уларнинг бошидаги кундик — ўн-ўн беш метрлик матодан ўралади. Унинг четларини бураб ўрашнинг ўзи бир санъат ҳисобланади. Яхши ўралган кундик худди тожга ўхшайди, тунда бошдан олиб қўйилганда ўз дўхтини йўқотмайди. Мурсак жуда безатилади, орқа этаги сал узунроқ бўлади. Хотинлардан бирининг мурсаги қора духоба бўлиб, ёқа, енг атрофларига жигар ранг мўйна қопланган. Унинг мурсаги этакларидан ҳошия тикилган оппоқ кўйлагига кўриниб турибди. Белига кумуш ранг дўғали қизил тусли тасма боғланган. Бошқа жувон ҳам яшил бахмалдан мурсак кийиб, белини турли хил гуллар тикилган энли, чиройли тасма билан боғлаб олган. Қиз бола бошига тепаси яшил бахмалдан тикилган, уқпарлар қадалган қундуз телпакча кийган, бўйнига қават-қават маржон тақиб олганди. Эғнидаги узун пешмати унинг хипча белини қучиб турарди. Бу қиз ҳам ғоятда кенг, кулранг кўйлак кийган эди. Оёғида баланд пошнали қизил саҳтиён этик.

Бувимнинг таклифи билан қиз-жувонлар ичкари киришди. Қизлардан бири Убианнани қизгин табриклади ва «бахтли сафарда» унга ҳамроҳ бўлишларини айтди.

Йигитларга келиннинг ўтовига кириш мумкин бўлмаганлиги учун улар эшик орқасида кўтиб туришди. Салом-аликдан кейин Убианнани кийинтира бошладилар. Оч қизил ранг кўкрак бурма кўйлак, белбурма қилиб тикилган тўқ кўк тусли бархит пешмат унга жуда ярашди. Бошидаги қундуз телпакчага қадалган укпарлар ҳилпиллаб турарди. Жуда кўп кумуш тангалар қадалган сочпопук унинг сочини янада узайтириб юборди. Убианна оёғига баланд пошнали саҳтиён этик кийиб олди. Бўйнидаги мунчоқларнинг саноғига етиб бўлмай-дигандай эди. Кўкрагига ҳам галайгина турли хил кумуш тақинчоқлар тақилган эди. Қўл ва бармоқлари билагузук, узуклар билан тўлиб кетганди. Опамнинг тирноғини хина билан қизартирганини биринчи бор кўришим эди. Бу қозоқларга одат эмас, хина қўйишни фақат бизнинг жойлардаги қозоқлар ўзбеклардан ўрганишган.

Бувим келинга кумуш ва мис безаклар қадалган камчи совға қилди ва оқ йўл тилади. Ҳамма ўтовдан ташқарига чиқди.

Амаким эгарланган тимқора йўрғани етаклаб келди. Убианна минадиган отнинг эгар-жабдуқлари ярқироқ безаклари, чиройлилиги билан бошқаларникидан ажралиб турарди. Эгар-жабдуқлардаги безакларни отам ўз қўллари билан зарб қилган ва унга амаким, ҳатто мен ҳам ёрдамлашиб турган эдик.

Амаким ва йигитлар хотинларнинг отларга миниб олишларига ёрдамлашиб юборишди. Отам келдилар, қўлларини фотиҳага очиб, оқ йўл тилаганларидан кейингина улар жўнаб кетишди.

Опам жўнаб кетганидан кейин ҳам овулимизда тўй тараддуди давом этаверди. Амаким бозорга борар, мол сотиб, хуржунларини тўлдириб қайтиб келарди. Овулимиз йигитлари донни тегирмонга элтишга ёрдам бериш-

ди. Отам заргарлик ишини бошлаб юборди. Мен унга шогирдлик қилар, ўз бурчимни жон-дилим билан бажарардим. Болалик вақтимда отамга ёрдам беришни жондан севардим. Дастлаб керакли қолипни лойдан ишлаб олинар ва унинг чуқурчасига кумуш танга қуйиларди. Кейин унинг устига пайрахаларни қаланарди-да, уни ёқиб юбориларди. Мен пайрахаларнинг ловиллаб ёнишини ва лой қолипнинг қип-қизил чўққа айланишини томоша қилиб ўтирардим. Отам узун омбур билан кўмир ташлаб турарди. Мен отамга эчки терисидан қўлда ясалган босқонда дам беришга ёрдамлашардим. Кейин чўққа айланган лой қолип устида кўм-кўк аланга пайдё бўлиб, танга эрир ва худди симобга ўхшаб ялтираб кўринарди. Шунда отам унинг сал қуюлишини кутиб турарди-да, кейин қолипи билан тоғорадаги сувга соларди. Сув бқирлаб қайнар, қолип устини буғ қоплаб оларди. Сўнгра отам кичкинагина болғачалар билан уни тоблар, нозик эговлар билан эговларди. Эритилган танга эса узук ёки билагузук шаклини ола бошларди. Отам олдин қаламда, сўнгра унинг устидан жуда нозик ва ўткир пичоқ учи билан гул соларди. Бу энг масъулиятли ва нозик дам бўлгани сабабли ўтов ичкариси жимжит бўлиб қоларди. Мен ҳам отамнинг ишига ҳалақит бериб қўймаслик учун нафас ҳам олмай, тек ўтиришга ҳаракат қилардим.

Мана кумушдан ясалган буюмларга нафис гуллар ҳам туширилди, энди қум билан ишқаланади, сўнгра жун билан артилади-да, отам «мусятир» деб юритадиган (нашатир бўлса керак) оқ парашок сепилиб, яна оловга тутилади. Парашок аланга олиб эриши ҳамон, уни ола солиб барига артарди, шунда кумуш буюм ялтираб кетарди. Отам бирон нимани ҳикоя қилганида ҳамин хотин-қизларнинг тақинчоқлари ва эгар-жабдуқларга берилган безак борасида алоҳида тўхталиб

Утарди, унинг заргарлик санъатига ихлоси баландлигидан шундай бўлса керак.

Отамнинг заргарлик санъати овулимиздан ташқарида ҳам тилга тушиб кетганди.

Отамнинг қўлбола тўппонча ясамоқчи бўлгани эсимда. У бир куни кичик бир пўлат найчани топиб олибди. Унга тепки, тутқич ясади, уни безади, лекин ҳамма иш битгач, тўппонча отилмади. Ҳар қанча уринмасин, натижа чиқмади. Роса хафа бўлган эди ўшанда отам. Кейинчалик у бир нечта бўш ўқларни топиб, ичига питра жойлади-да, панғиллатиб отиб, биз болаларга томоша кўрсатди. Қўлбола тўппончанинг тақдири шу билан тугаган эди.

\* \* \*

Убианна икки ҳафта деганда ўз ҳамроҳлари билан бирга овулга қайтиб келди, йигитлар орқароқда устига юк ортилган икки туя билан тўртта тойни етаклаб келишарди. Уларнинг ўтовимиз олдидан ўтиб кетишгани, чеккароқдаги келиннинг янги ўтови ёнига бориб тўхташгани ва юкларни ўша ерда тушира бошлашганини кўриб жуда ҳайрон бўлдим. Яна хотинлар тўпланишди. Улар саёҳатдан қайтганлар билан қучоқлашиб кўришар, хурсанд бўлишиб қариндош-уруғларни, уларни қандай кутиб олганликларини сўраб-суриштиришар эди.

Ўтовга қайнаб турган катта самоварни олиб киришди. Бир пиёладан чой берилгач, саёҳат тўғрисида Убианнанинг дугонаси Катшагул ҳисобот берди. У қайси куни кимникида меҳмон бўлишганини, қайси овулда кечқурунлари айтишувлар ташқил этилганини, Убианнага ким қандай тилаклар билдиргани ва нималар соғина қилганини, қандай кузатиб қўйишганини ҳикоя қил-

ди. У ҳикоя қиларкан, ҳазил-мутойибалардан, айтишувларда эшитган янги қўшиқ-ўланлардан жуда усталик билан фойдаланарди. У баъзи қариндошларнинг қулоч очиб, меҳрибонлик билан кутиб олганини, баъзи қариндошларнинг эса совуққина кузатиб қўйишганини ҳам сўзлаб берди.

Хотинлар бутун эътиборлари билан тинглашар, кулишар, ҳайрон қолишар, гоҳ бош силкиб маъқуллашар, гоҳ юзларини бужмайтириб, норозиликларини баён этишарди. Катшагул олиб келинган сарполарни хотинларга бирма-бир кўрсатди, уларни кимлар берганлигини тушунтирди, ниҳоят уч соат деганда ўз ҳикоясини якунлади. Хотинлар сарполарни кўришиб ҳавас қилишди, ажабланишди, муборакбод қилишди.

Серкабой туя, унинг иниси нкки ёшлик той, каттасининг хотини — гулдор чойшаб, кичиги духоба аврали партўшак совға қилишибди; катта аммам чоғроққина гилам билан идиш-говоқлар солиб қўйиладиган теридан тикилган ғилоф, кичик аммам — кимхоб мурсак ва қумуш патнис ҳадя қилишибди.

Келтирилган ҳамма нарса сепга қўшиб қўйилди. Рөса суҳбатлашиб, совға-саломларни ипидан-игнасигача томоша қилиб бўлишгандан кейин хотинлар тарқалишди, Убианна опам эса кундалик кийимини кийиб олиб, саломлашгани келди. Отам уни суйиб-эркалади, бошини силади. Отамнинг эркалаганини кўриб, Убианна опам худди кичкина боладай йиғлаб юборди-да, ўзини унинг бағрига отди. Отамнинг ҳам кўнгли бузилиб кетди шекилли. қизини қўлидан ушлаб, каравотга ўтирди-да, уни силаб-сыйпаб яна эркалай бошлади. Кичик опам Алиманна ҳам сочларини ҳурпайтириб, каравотнинг оёқ томонида турганича кўз ёши тўкарди. Қизлари билан доим жиддий муомалада бўладиган, ҳеч қачон эркалатмайдиган отамнинг бу қадар раҳмдил, юм-



шоқ бўлиб қолганини, ҳамиша жиддий, оғир-вазмин юрадиган Убианна опамнинг бундай ожизлигини кўриб анграйиб қолдим. Бақрайиб қараб туришим Алиманнага ёқмади чоғи, югуриб келди-да:

— Нега йиғламайсан, бағри тош!— деб бир туширди. Мен ҳам ҳақимни қўймадим, бир мушт урдим, лекин, ҳар қалай йиғлаб юбордим... Отам жилмайди, кейин учаламизни ҳам бараварига қучоқлаб олди.

Эртаси куни келиннинг янги ўтови атрофида овулимиздагилардан тўпланган яна ўнларча янги ўтов тиклана бошланди, бу ўтовлар тўйга келадиган меҳмонларга мўлжалланганди. Кечга бориб овулимиз ёнида яна бир янги овул вужудга келганди. Убианнанинг ўтови янги овулнинг қоқ ўртасида қолиб кетган эди.

Эртасига биз болаларни ювинтириб, ясантриб қўйишди, бутун овул аҳли меҳмонларни кутиш тараддудини кўра бошлади. Кечга яқин етти йигит ҳамроҳлигида Айиқбой келди. У ўзига ажратилган ўтовга тушди. Энди Убианнанинг ўтови — келиннинг ўтови, Айиқбой тушган ўтов — куёвнинг ўтови деб атала бошлади.

Ўтовлар гавжум бўлиб қолди, ҳар бир одам ўзини хушвақт тутар, тўй хандалари янграй бошлади. Меҳмонлар миниб келган отлар атрофни тўлдириб кишнашарди.

Тўй бошланиб кетганига ақлим етиб турарди. Иш кўпайиб кетиб, мени катталар эслашмай ҳам қўйишганидан мен ўзимни меҳмонларнинг отларидан ҳам беқадр сезардим... Биз болалар қоронғида, у ўтовдан-бу ўтовга зир югуриб, бирор қизиқроқ нарсани кўриш ёки эшитиш пайтида эдик, лекин ҳар бир ўтов ёнида чой қўйиб турган одам бизни ўтовга яқинлаштирмас ва:

— Қани, болалар, борларинг, бу ерда нима бор сенларга!— деб ҳайдаб юборарди. Самоварга қараб турган дурустроқ одам бўлса:

— Болалар, нима қиласизлар бу ерда? Бу ерга кичкиналарнинг кириши мумкин эмас! Меҳмонлар олдида уят бўлади. Қани, борақолинглар! Боринглар!— дея у ҳам яхши гап билан ҳайдарди.

Хотинлар ҳам қаёққадир шошилишар, биз билан гаплашгилари келмай, қўлимизга бўғирсоқ ёки бирор ширинликни тутқазишиб, биздан тезроқ қутулишга ҳаракат қилишарди. Бизга алам қиларди. Ҳеч қаерга жилмай, туриб олар эдик. Узимизча бизга ҳам эътибор беришларини талаб қилардик. Лекин ҳар қанча уринмайлик, бўғирсоқдан бўлак ҳеч нарса тегмасди. Ҳатто ўзаро пичирлашиб гаплашишардик.

Бизни боя бир марта ҳайдаб юборган одамга кўзимиз тушиши билан ҳар томонга ура қочиб қолардик, кейин яна тўпланишардик. Шу тариқа у ёқдан-бу ёққа зир югуравериб, ҳолдан тойиб, чарчаб, алламаҳалда эски овулимизга қайтиб, болалигимиздан хафа бўлиб, алам ичида ётиб қолибмиз.

Тонг отди. Уфқдан қуёш жилмайиб боқиб, оппоқ ўтовларни ярқиратиб қия нурларини соча бошлади... Учоқ ва самоварлардан тутун ўрларди кўкка. Уйқудаги овул аста-секин уйғона бошлаганди.

Меҳмонлар бирин-кетин ўтовдан чиқар, уйқуни тарқатиш учун керишишар, кейин булоқ томон бориб ювинишар, салобат ва эринчоқлик билан қадам ташлаганча яна ўтовлари томон қайтишарди. Соат ўн иккиларга борганда чой тортилди. Нонушта узоқ давом этди. Дастурхон устида гап-сўз чўзилиб кетди. Чойдан кейин қимиз тортилди, уни ҳам гапни чортанг қилишиб, шошмасдан ичишарди. Шошилиб ҳам қаерга боришарди. Қуёш ҳам имиллаб тифга кўтариларди. Лекин кечаги қувноқ ҳазил-мутойиба, гангур-гунгурлар йўқ. Ҳамма

зипо бўлиб қолган, кимнидир кутаётгандай кўринарди. Қимни? Улар олдиндан белгилаб қўйилган вақтда янги меҳмонларнинг келишини кутиб туришган экан. Дастурхонлар йиғиб олинган. Меҳмонлар кутишдан чарчашдимиз, кўплари ёнбошлаб олишди. Кун ҳам тобора исиб боряпти. Утовларнинг қўйи наमतларини кўтариб қўя бошлашди. Бу тирқишлардан ҳамма меҳмонлар кўриниб турарди бизга. Улар кўрпачалар устида, ястиқларни ёнбошларига қўйиб олиб, дам олишмоқда... Қуёш ғарб томон оға бошлади. Учоқ ва самоварлардан яна тутун кўтарила бошлади. Меҳмонларга яна дастурхон ёзилди, улар шошмасдан чойхўрлик қилишарди. Кейин бешбармоқ киритишди. Меҳмонлар шошилмай, суҳбатлашиб танаввул қилишга тушишди... Бу ишлар жонимизга тегиб, тобора хафсаламиз пир бўлиб, қизиқиш ва умидларимиз «дод» дегандай сўна бошлади...

Вақт чопқиллаб ўтиб борарди. Иссиқ ҳам пасая бошлади. Қуёш яна ёнбошдан, лекин у энди овулнинг бошқа томонидан нур таратарди.

Мана, ниҳоят, олисда одамлар қораси кўринди. Қўшни овулдан ясанган-тусанган хотин-қизлар тўйга келишмоқда, отлич эркаклар ҳам бор эди... Мана, бошқа тарафлардан ҳам отличма-яёв: эркаклар, хотин-қизлар тўда-тўда бўлиб, бутун чўлни тўлдириб тўйга кела бошладилар. Улар худди тораёйиб бораётган «доирага ўхшаб» аста-секин овулга яқинлашиб келишди... Биз энди зерикшни ҳам унутиб қўйдик, овулимизга келаётган одамларни томоша қилардик. Овулимизнинг ҳамма одамлари қўл қовуштириб меҳмонлар истиқболига чиқишди. Хотинлар бир-бировларига елкаларини тутиб кўришишарди. Биз уларнинг сўзларига қулоқ солардик, мана улардан айримлари:

— Тўйингиз қутлуғ бўлсин, яхшилик билан ўтказинг!— Жавоблари ҳам эшитилиб турарди:

— Узингизга ҳам қутлуғ бўлсин!

Кулги, вағир-вуғур, кўйлақларнинг шилдираши, сарвқомат хотинларнинг назокатли юриб-туришлари, уларнинг гаплашишлари ўлан айтаётгандай, юришлари чўлда тўлғаниб парвоз этишаётгандай кўринарди кўзимизга.

Уларни келиннинг ўтовига бошлашарди. Улар келинни тантанали кун билан табриклар: «Илойим ҳар бир кунинг мана шу кундай серфайз бўлсин! Бир умр камлик кўрма! Ўтовинг ҳар доим меҳмонларга тўлсин, бахтли ва қувноқ умр кечир!»— деб унга бахтсаодат тилашарди.

Келин яхши ниятлари учун хогинларга миннатдорлик билдирарди: «Яхши ният, яхши сўз одамни асирга қилади, қанот бағишлайди, юракка малҳам бўлади, ишонч уруғларини сочади. Сизни кўрганимдан хурсандман. Илойим айтганингиз келсин. Мен ҳам яхши кунингизда хизмат қилай!»

Хотинлар келинчақни, ўтовни, унинг сепларини суқланиб томоша қилишарди.

Биз болалар бўлсак хотин-қизларнинг чувиллашиб бир-бирлари билан гаплашишларига маҳлиё бўлиб қолиб, бошларига рўмол танғиб олган бир тўда отлиқ йигитлар овулга яқинлашиб келиб қолишганини сезмай қолибмиз. Биз уларга гикилганча ағрайиб қолдик. Қаршимиздан чиройли тасмалар билан безатилган бедов отларга миниб олган нотаниш йигитлар келишарди. Отлиқлар сафи тобора кўпайиб борарди. Саноқни йигирмагача билганим учун уларни ҳеч санай олмадим. Овулга яқинлашиб келаётган алоҳида отлиқлар тўдасини кўздан кечирдим-да, булар: «Икки марта йигирматадан ҳам кўпроқ бўлса керак» деган фикрни ўтказдим хаёлимдан. Яна бошқа тўдага қараб: «Бу тўда икки марта йигирматадан ҳам кўп», дейман-да, уларни са-

нашга улгурмасимдан бу тўдага учинчи, тўртинчи гуруҳ келиб қўшилади, йигитлар бир жойда тинч туришмайди, уларни санашга жуда қийналаман. Шу пайт яқинлашиб келаётган яна бир тўда йигитларга кўзим тушиб саноқдан адашиб кетаман, лекин, бари бир яна санашга тушаман, чамалайман, жамлайман, беш-олти кишидан иборат гуруҳларни «майда-чуйда» деб ҳисобдан чиқариб ташлайман, ниҳоят: «Жуда кўп экан», деб хулоса чиқариб қўяқолдим...

Ишонаверинг, улар кўп эди. Эҳтимол улар икки юз ёки уч юз, балки, юз йигит бўлгандир, ҳозир ҳам бари бир «кўп эди» деявераман. Агар «Жуда кўп эди» деган аниқ ҳисобим сизларни қаноатлантирмаса, боринги юз киши бўла қолсин.

Бу йигитлар бошқа меҳмонларга ўхшаб, овулга келиб отдан туришмади, борди-ю отдан тушганларида ҳам ўтовнинг ёнгинасида эмас, сал нарироқда туришарди. Мен уларнинг орасидан ўзимга таниш кишиларни қидирардим. лекин пешоналарини рўмол билан танғиб олганлари учун уларнинг ҳаммаси ҳам кўзимга бир хил кўринишарди. Бехосдан отлиқлар орасидан холаваччам Тинялини таниб қолдим. У Усен томиридан Ботирбекнинг ўғли бўлиб, мени жуда яхши кўрар эди. Мен суйиниб кетиб: «Тате!»— деб юборганимни ҳам билмай қолибман. У овозимни эшитиб, отини тўхтатмай, орқасига ўгирилиб қаради, шунда мени таниб қолиб отини бурди-да, кулимсираб қўлимдан ушлаб даст кўтарди-да, олдига ўтқазиб қўйди.

— Э, мирза бола! Тўйлар қутлуғ бўлсин!— деди мени қучоқлаб, унинг тиканақдай қаттиқ мўйловлари бўйним ва юзларимни қитиқларди.

У ҳол-аҳвол сўради, катта йигит бўлиб қолганимни айтиб, мени роса мақтади, эркалади. Унинг гапларидан кўпқари бўлишини, ҳаммалари улоқ оқсоқоли, отамнинг

тенгдоши Оққули отани кутишаётганларини билиб олдим.

Тиняли улоқда Оққулидан кейинги — иккинчи чавандоз ҳисобланар, шу сабабдан унн Тиняли чавандоз дейишарди, унинг мўйлови ўзига жуда ярашар ва шу сабабли унинг «жезмурт» деган лақаби ҳам бор эди.

Отлиқлар тўдаси жонланиб қолди: «Оққули келяпти! Оққули келяпти!»— деган овозлар эшитила бошлади.

Тиняли бу гапни эшитгани ҳамон мени ерга тушириб қўйди-да, оқсоқолни кутиб олиш учун отини елдириб кетди. Отлиқлар худди қаттиққўл ва ҳурматли бошлиқларини қаршилаб олаётган аскарлардай, ҳеч қандай буйруқ кутишмай, тартиб сақлаб сафга тура бошладилар. Оққулининг исми қандайдир афсонавий кучга эга жанлиги сезилиб турарди. Ҳамма ўзини, отини яна бир бор кўздан кечириб, тартибга тушира бошлади.

Оққули «кўк тоғ эчки» деб ном олган ўзининг калладор кўкпар йўрғасини елдирганича яқинлашиб келарди. Ўттиз ёшлар чамасидаги барваста йигит — ўғли Асилбой билан Тиняли икки ёнида кузатиб келишарди. Оққули яқин келгач, тўда бир чайқалиб унга йўл берди. Ҳамма таъзим қилди, лекин у ўзининг кўк кўзлари билан ҳеч кимга қиё ҳам боқмади. У пешанасини оқ чорси рўмоли билан танғиб олган, камзулининг шимариб олинган енгидан қуёшдан қорайган, сержун билаклари кўриниб турарди. Унинг даккам-дуккам узун соқоли кўкрагига тушиб турарди. У урфдан қолган қалъа қайиш билан белини боғлаб олган. Оққўли эгар устида танасини сал олға ташлаброқ, эркин ўлтирарди. Паст пошнаги этигини узангига енгилгина қўйиб ўтирганидан оёқлари худди отнинг йиғилган қанотларига ўхшарди. У тўппа-тўғри овулнинг қоқ ўртасида меҳмонлар қуршовида турган отам қаршисига ўтиб бор-

ди-да, астагина юганин тортиб, огини тўхтатди. Елиб анчагина қизишиб қолган от қулоқларини чимириб, кўзларини катта-катта очиб олға интилган кўйи туриб қолди. Кумуш эгар-жабдуқлар урилган кўк йўрға билан соч-соқолига оқ тушган Оққули бир бутун, қимир этмай турган яхлит ҳайкалга ўхшашарди худди.

— Тани-жонинг соғми, Момиш?— дея ўз тенгдоши билан саломлашди Оққули.

— Саломат бўл, Оққули,— деб жавоб қайтарди отам.

Оққули тўй бошланиши муносабати билан отамни қутлаб бўлгач, кутдириб қўйганлиги учун уэр сўради. Сўнгра отлиқлар томонга ўгирилиб қаради-да, қўлидаги буклоғлиқ қамчисини ўйнатиб:

— Буларга кўпқари бўлса бас, жазирама иссиққа ҳам қарашмайди... Булар фақат бир нарса — дала бўйлаб бир-бировларини қувлашиб от қўйишни билишади, холос... Ҳеч қандай қондага риоя ҳам қилишмайди, отларни ишдан чиқаришни билишади. Бечора жониворларнинг юганини тортқилашади, аямай қамчи билан савалашади, оёқлари билан икки биқинига ниқташади ҳадеб. Бунақада от эмас, фил ҳам чидаш беролмайди! Ҳатто қиздан ҳам нозик бўлган бу ажойиб жониворга раҳм қилиш, эркалаш уларнинг хаёлларига ҳам келмайди!

Оққули ёшлар тарафга заҳархандалик билан қараб олди-да, яна насиҳатомуз давом эттирди сўзини:

— Пойга пайтида отнинг ҳар бир нафасига қулоқ солиш, унинг ортиқча терлашига йўл қўймаслик, тана-сидаги мойни сақлаб қолиш, отни ҳам, ўзингни ҳам бошқара билиш: яъни баъзи ерлардан сакраб ўтаётганда сал кўтарилиш ёки бурилаётганида ён тарафга ташлаш лозим... Булар бўлса от устида қопга тикилган сомондай шалпайиб ўтиришади-да, отни ҳам, ўзларини ҳам те

чарчатиб қўйишади. Яхши чавандоз отга юк бўлмайди, аксинча унинг қаноти бўлади. Мен отимнинг чарчаб хансираб нафас олаётганини пайқаган заҳотимоқ ўзим нафас олмай қўяман, туёқларининг она ер кўксига бошқачароқ тушаётганини сезсам, дарров қаддимни кўтараман, унга оғирлигини солмайман... Булар бўлса фақат ўлжани ўйлашади. Йўқ, Момиш, ҳозирги ёшлар бошқача бўлиб қолишган. Буларга қорабайирлар эсиз, улар ҳўкиз ёки эшак минсалар ҳам бўлаверади... Эгарларичи! Уларнинг эгарларига бир қара-я!

Тиняли отамга имо қилиб, бу ажойиб чавандознинг кексаларча эзмалигини тўхтагишга ёрдам беришини илтижо қилган эди, отам ўз тенгдоши ва дўсти Оққулининг узундан-узоқ сўзини бўлди-да:

— Оққули, нима ҳам қилардик, булар — янги замоннинг янги одамлари. Замон уларга боққанидан кейин, нима ҳам қилардик, кел, билганларини қилишсин. Ўйнаб олишсин. Ҳали ўрганиб ҳам кетишар, чунки уларнинг истиқболлари балқиб турибди...— деди.

Оққули яна алланима демоқчи бўлди-ю, лекин улгуролмади, Тинялининг ишораси билан амаким кўпқари учун аталган тўқ кўк тусли эчкини етаклаб келиб, икки оёғи орасига қисиб олиб, бор овози билан: «Илоҳи омин, ака!»— дея қўлини фотиҳага очди.

— Худо даргоҳида қабул қилсин,— деб фотиҳа ўқиди Оққули.

Амаким шу ондаёқ чаққонлик билан эчкини йиқитди-ю, тиззаси билан босиб, бўғзига пичоқ тортиб юборди:

— Оққули, сен бугунча ўзингни тутиб тур, ёшларга қўйиб бер, улар бир яйраб олишсин!— деди отам.

— Кучим танамга сигмай, отамни ҳам танимай қоламан-да,— деди Оққули гердайиб.— Булар бўлса ёпишиб олишади-да; ўзлари ҳам тортиб олишолмайди, ўз-



гага ҳам беришмайди! Элчиллик, чаққонлик йўқ буларда,— у қўли билан ҳаракат қилиб кўрсатди, кейин:— Мана бундай қилиш керак,— деб бутун гавдаси билан ҳаракат қилди. У ёнбошга оғиб,— мана бундай,— деркан, ўнг оёғини узангига тиради-да, ўнлаб қўллардан ўлжани тортиб олиб оломон орасидан ўқдай отилиб чиқишни намоён қилиб кўрсатди...

Амаким: «Тайёр, ака!»— дея яна Оққулиннинг узундан-узоқ сўзини бўлиб қўйди. У кўпқари учун ўртага ташланадиган улоққа кўзи тушиши биланоқ айтаётган гапини ҳам унутиб қўйиб, худди телбалардек: «Мўминқул, мунча судралмасанг, қани, чаққонроқ бўлақол!»— деди-да, турган жойидан қушдай учиб кетди.

Амаким улоқни судраганича Оққулиннинг оти ёнида югуриб борарди. Отлиқларга жон кириб, ҳайқириб, ўз отларини қамчилашар, улардан баъзилари ичларида чолга таъна қилишарди-ю, лекин сиртларида Оққулига хушомадгўйлик қилиб, овозларини борича уни мақташарди. Хотинлар ҳам кўпқарининг бошланишини томоша қилгани ўтовлардан чиқишди.

Чавандозлар овулдан икки юз метрлар чамаси узоқлашиб бориб, овул томонни тўсмай, ярим ёй шаклида саф тортидилар. Амаким ўн-ўн беш қадам нарироққа борди-да, улоқни боши баравар кўтариб, Оқулли томонга ирғитди. У ҳам ўз навбатида олдинга ташланди ва улоқни ерга туширмай илиб олди. Бунини кўрган оломон олқишлаб шовқин кўтарди. . .

Оққули гўё орқадан қувиб келишаётгандай отини елдириб даврани айланар, худди ўлжасини рақибни тортиб олаётгандай чаққонлик билан улоқни у томондан-бу томонга олар, гоҳ энқаяр, гоҳ узангига оёғини тираб олиб, улоқни боши узра баланд кўтариб ўз рақибидан сақлашга уринар эди.

Оломон қариянинг санъатига қойил қоларди. Атроф-

ни томошабинларнинг шовқин-сурони тутиб кетганди. Оққули бўлса бундан руҳланиб чавандозлик санъатини намойиш қилишда давом этарди. У отни ўқдек учириб боратуриб шартта тўхтатиб қолган, рақиблари эса ёнидан ўтиб кетгандай бўларди гўё. Худди шу пайт Оққули отини бурарди-ю, хаёлий таъқибчиларни чалғитиб, бошқа томонга ҳайдаб қоларди.

Чавандознинг санъати фақат мени, ёш боланигина ҳайратга солмай, балки менинг ёнимда турган Мўминқул амакимни ҳам лол қолдирарди. У чапдаст қарияга тан бериб, оёқлари билан депсинар, қўлларини силкиб, нималардир деб қичқирарди. Отам бўлса укасига хўмрайиб қарар, норози қиёфада бош чайқаб қўярди. Амаким Оққулининг чавандозлик санъатига бутун вужуди билан берилиб кетган эди.

Оққули яна бир марта айланиб чиқди-да, ярим ёй шаклида саф тортиб турган чавандозлар қаршисига келиб тўхтади. Уни олқишлар билан кутиб олишди, у узангига оёқларини тираб улоқни боши узра кўтариб чавандозлар томонга иргитиб юборди.

Чавандозлар ўлжа томон от солдилар. Оққули бўлса бу ердан аллақачон четга чиқиб олганди. Шундай қилиб, кўпқари бошланиб кетди. Отлиқлар оломони гоҳ майдоннинг бир ерига уймаланишиб қолар, гоҳ ғуж бўлишиб бир-бирларини қувишар, гоҳ худди музликлар ёриб таралиб кетгандай майдон бўйлаб ёйилиб кетишарди.

Оққули биз турган жойга келиб чаққонлик билан отдан сакраб тушди-да, отамга юзланиб:

— Момиш, қани, менинг ва Кўкчўлоқнинг қандай нафас олаётганимизга бир қулоқ солиб кўр-чи,— деди.

Дарҳақиқат улар салгина ҳаяжонланган эдилар, холос, икковлари ҳам бир меъёрга, энгилгина нафас олишарди. Кўкчўлоқ озгина қизишган эди-ю, лекин зарра-

ча терламаганди. Уни етаклаб олдимизга олиб келишган эди, ҳаммамизни ҳидлай бошлади. Оққули унинг ёлларини текислади, тумшугини силади ва худди одамга гапиргандай:

— Шошмайтур ҳали, биз анави ғўр, беўхшов лапашангларни худди шудгорга дон сепгандай таратиб, бир доғда қолдирайликки...— деб қўйди.

Кўкчўлоқ худди эгаси уни етаклаб бораётгандай аста юриб, четлашди.

Амаким ҳаваси келиб қараганича Оққулини йигитларнинг пири, унинг оти — Кўкчўлоқни бўлса ҳазрати Алининг Дулдули, унинг ўзига авлиёю анбиё Қирқчилтонларнинг руҳи мадаккор, дея чолни роса осмонга кўтарарди. Бу оловга мой қуйгандай бўлди чоғи. Отанинг бепарволик билан индамай туриши Кўпқари «жин-ниси» бўлган кекса Оққулининг шахсиятига қаттиқ тегди, у бунга тоқат қилиб тура олмади.

Оққули ғазаб билан чавандозларга назар ташлади ва оломон йўлини кесиб чиқаётган ёшгина чавандозга алланима деб қичқирди. Йигит шу ондаёқ отини орқага буриб, Оққулининг қаршисида, икки қадамча нарида тўхтатди ажойиб тулпорини. Қизишиб кетган от бир ерда туролмай, кўкка сапчирди. Ҳаммамиз чўчиб ўзимизни орқага олдик. Оққули бўлса қимир этмай тураверди.

— Кўпқарида бирор марта туёққа қўлинг текканми ўзи?— деб сўради Оққули йигитчадан жиддий.

Тез юриш натижасида антикаётган йигитча довраб қолиб:

— Йўқ... эндигина...— дея олди.

Оққули:

— Отни роса кўпиртириб юборибсан, ўзингнинг юрагингни қара, отилиб чиқиб кетаман деяпти. Қўлинг то улоққа теккунича икковинг ҳам адои тамом бўла-

санлар, ана ундан кейин улоқ ўрнига сенларни хомта-лаш қиламиз!— деб ўшқириб берди йигитчага. У уялиб кетганидан жилмайди. Оққули заҳархандалик билан: «Бор, йўлингдан қолма!» деб буйруқ қилганидан кейингина йигитча итоаткорона орқасига бурилди-ю, отини чоптириб кетди.

— Лавашанг туядан чопқир тулпор туғилганини ҳали кўрмаганман!— деб гап ташлади йигитчанинг орқасидан, унинг шалвиллаган отасига имо қилгандай Оққули.

Амаким унинг бу гапига янада қойил қолди шекилли, ўйлаб ўлтирмай: «Воҳ!» деб юборди. Отам Оққулининг юзидан кўзини узолмаётган амакимга яна бир ўқрайиб қўйди-да, йигитчани ноўрин койиганини Оққулига тушунтиришга ҳаракат қилди. Оққули бўлса терслик билан жавоб берди:

— Мана, сен ҳар қанча уринсанг ҳам мен отни билганимчалик, қуръонни яхши ўргана олмадинг.— Сабоқни яхши ўзлаштиролмагани учун домладан роса калтак еган ёшлик пайтларидаги аламини олаётган эди чоғи отамдан.— Мен аҳмоқ мулла эмасман! «От минишни билмайсанми, уни миниб, жониворни азоблама,» деб шартта бетига айтиб қўя қоляпман. Мен икки нарсани тан оламан: «Яхши бил, бўлмаса билмай қўяқол!» Ҳақиқат мана шунда!

Отам кулиб юборди ва Оққулининг соч-соқоли эрта оқарганини, у энди иккинчи марта ёшлик чоғларини кечириётганини гапирди.

— Ҳа, мен бола, навқирон йигит бўлиб оёқ узатишни орзу қиламан!— деди Оққули чўрт кесиб.

...Қуёш бота бошлади.

Кўпқари ҳамон давом этар, чавандозлар гоҳ узоқ-узоқларга ёйилиб кетишар, гоҳ овулга яқинлаб келишарди. Ер қуруқ; отларнинг туёқлари остидан чанг кў-

тариларди. Юзлаб отликлар ортларида узундан-узоқ тўзон қолдиришарди.

Мана чавандозлар бир ерда ғуж бўлиб, гир айланиб қолишди. Тўда орасидан айрим-айрим чавандозлар отилиб чиқар, бир-бирларини қувар ва яна ғуж бўлишиб, тортқилашар, паға-паға чанг орасида айланиб чопишар эди. Қутилмаганда отликлар орасидан улоқни тақими-га босиб олган бир чавандоз отилиб чиқди.

— Мана буни кучли қўл, паҳлавон деса арзийди!— мамнун бўлди Оққули.

Мен қарияни бирон кишини мақтайди деб ўйламаган эдим сира, чунки ҳаммаларини у чавандоз эмас, «сомон тикилган қоп» деган эди-да, ахир, чолнинг ҳақ-ғўйлиги, спортга бўлган муҳаббати ва унинг шу дамдаги ҳолати, юракдан олқишлаши менга ёқиб қолди. Мен ҳатто унинг отамга нисбатан бояги қўпол гапирганини ҳам тез унутиб қўйдим. Тўда орасидан ёриб чиққан чавандоз рақибларини орқада қолдириб, ҳаммани ҳайратга солиб, майдон ичра елиб борарди. Бошқа отликлар ҳам бўш келмай, унинг кетидан қувиб келар, баъзан унга етиб ҳам қолишарди. Лекин орқасидан қувиб келаётган чавандоз яқинлашиб қолганини кўргани ҳамон чаққонлик билан ҳаракат қилиб, ўзини четга оларди у. Назаримда у отликлар оломонининг атайини ғашига тегаётгандай туюларди.

Мана шу дақиқалар ичида Оққули бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Мен унинг оғзидан дам-бадам: «Офарин! Офарин!»— деган сўзлар отилиб чиққанини эшитиб турардим.

Улоқчи яна бир марта илон изи чопиш қилиб кетидан қувиб келаётган чавандозларни майдон бўйлаб тарикдай тўзитиб юборди-да, у атрофга бир аланглаб олиб, тўппа-тўғри биз томон елиб келаверди. Кўз очиб-юмгунча у бизнинг қаршимизда ҳозир бўлди. У отини

учириб келаётиб, улоқни боши узра даст кўтариб, Оққули томонга ирғитар экан:

— Манг, ака!— деди.

Унинг овозидан бу киши амаким эканини билиб олдим. Уни чанг босганидан афти-башарасига қараб бўлмас эди. Тўриқ от терлайвериб, қоп-қора бўлиб кетибди. Амакимнинг кетидан қувиб келаётган улоқчиларнинг томошабинларни бостириб кетишларига оз қолди. Мен қўрқиб кетганимдан кўзларимни чирт юмиб, отамга ёпишиб олдим. Кўзимни очиб қарасам чанг-тўзон ичида қолибмиз. Шовқин аста-секин пасайиб, одамларнинг гап-сўзлари қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Тўзон тарқалиб одам-одамни кўрадиган бўлиб қолганидан кейин яқиндагина узун соқолини серкиллашиб ўтлоқда «ма-аа-!» деб ўтлаб юрган эгри шохли кўк эчки танасини Оққулининг қўлида кўрдим. Энди у мижғиланавериб эзилиб-янчилиб, ифлос бўлиб кетган эди.

Ҳар томондан чавандозлар отларини йўрттириб кела бошладилар.

Оққули уларга: кўпкари пировардига етганини маълум қилди.

Роса чарчаган, ҳафсалалари пир бўлган чавандозлар аста-секин тарқала бошлашди.

... Қош қорайиб, тун қўна бошлади. Кўпкари давомида кўтарилган чанг энди худди упа бўлиб кўм-кўк майсаларни қоплаб олди. Иссиқ ер узра оқшом салқини туша бошлади.

Келин билан куёв ўтовларининг ён ёпқичлари турмаклаб, тепа илгакка боғлаб қўйилган эди. Ўтов ичкарисини панжара оралигидан яққол кўриниб турарди.

Убианна ясаниб-тусаниб олган, у меҳмонлар ва дугоналари қуршовида ўтовнинг ўртасида ўтирарди.

Айиқбой ҳам ўз ўтовида йигит навкар ва кўпкарида

қатнашган байтан уруғидан бўлган йигитлар билан бирга эди.

Бир тўда қўшнилари бўлса овулниги ўртасига тўпланиб олиб, нималар ҳақидадир баҳслашар эдилар. Мен уларга яқинлашдим. Маълум бўлишича байтан уруғи билан усен уруғи ўртасида тўйни очиш ҳуқуқини кимга бериш юзасидан гап борар экан. Ҳар икки томон ҳам ўз далил-исботларини айтиб, бир-бирларига ён беришмас эди. Ниҳоят, кимдир қуръа ташлашни таклиф қилган эди, икки тараф ҳам рози бўлди.

Тиняли пешматининг бари билан яшириб, қандайдир ўсимликни узиб олди-да, уни ениги ичига бекитиб, бунинг қандай ўт ва уни нима қилаётганини ҳеч кимга кўрсатмай «ишлов» бераверди. Байтан уруғининг вакили — Онал ҳам шундай қилди. Аллаким қалпоғини қўлига олиб, оғзини юқори кўтариб тўпланганлар ёнига келди. Эркаклар енгларидаги ўтларни ҳеч кимга кўрсатмай қалпоққа ташладилар. Қалпоқ эгаси уни пешматининг барига яшириб, қўли билан роса аралаштирди, кейин қалпоқни силкиб-силкиб қўйди, катталар орасида турганимни кўриб қолиб, мени ёнига чақириб олди-да, кўзимни юмиб, ўтлардан биттасини олишни буюрди. Мен кўзимни чирт юмиб, қўлимни қалпоқ ичига тикдим-да, пайпаслаб битта ўтни олдим. Атрофимизни ўраб турганлар, одатда қуръа ташланганида бўладигандек нафасларини ичга ютиб, сабрсизлик билан кутиб туришарди. Қалпоқ эгаси икки еридан тугилган қиёқ поясини баланд кўтарди-да:

— Бу кимники?— деб сўради.

— Меники!— деди хурсанд бўлиб байтан уруғилик

Онал.

Оломон қийқириб юборди. Онал одамлар билан тўрри Убнаннынинг ўтовига кириб келди-да, келиннинг рўпарасига ўтириб, тўйни бошлаб юборди.

Онал Убианнага мурожаат қилиб, ўзининг оқ қирғий эканини, гўзал Убианнанинг тўйи тўғрисида бир йил муқаддам хабар топганини ўлан қилиб куйлай бошлади. Бу хабар унинг тинчлигини бузгани, уйқуси қочганини айтиб, бундан олти ой илгари сафарга отланганини, белоён чўллардан юриб, зангори денгизлардан ўтиб, қорли тоғ чўққиларидан ошиб ўтганини ва бу тўйдан кечикиб қолмаслик учун қанотларига ҳеч бир дам бермаганини куйлади.

Ўтовни тўлдириб ўлтирган эрлар, хотинлар ва қизлар беш чақирим масофани олти ойлик йўлга айлантдириб, тез учар қуш бўлиб қолган Оналнинг қизиқ-қизиқ сўзларидан мазза қилиб кулишарди.

Убианна марҳамат қилганлиги учун Оналга миннатдорчилик билдирди ва оқ қирғийдай узоқ масофани учиб ўтибсиз, ҳоримадингизми, қанотларингиз, панжаларингиз омонми деган маънони англагувчи, анъана бўлиб қолган «хуш келибсиз» ўланни куйлади.

Онал ҳам ўз навбатида «тан-жон омон» деган мазмундаги ўланни айтди. Йўлда қора кучларга, душманларга дуч келганини, лекин бўш келмай, кучли қанотлари, бақувват панжалари, шамширдек ўткир тирноқлари билан зарба бериб, ғолиб чиққанини бирма-бир ҳикоя қилди. Ниҳоят, маликанинг овулида ҳам душманга дуч келгани (Тиньялига ҳазил қилиб) ва даҳшатли бу жангда ҳам ғолиб чиққанини хабар қилди. Энди душманларимиз қанотларини қоқиб, типирчилаб, ер бағрида, ўтлар орасида галвасада жон азобида ётибдилар. деди... Яна қийқириқ кўтарилди.

Онал энди Убианнанинг гўзаллигини, ширинсуханлигини, унинг меҳмондўстлигини зўр қониқиш билан олқишлай бошлади, у ўз қаршисида патлари ранго-ранг жаннат қушини кўриб турганини, унинг бир қиё боқиши узоқ йўл азобидан форуғ қилганлигини ва унинг хуш



қарз олишар эди-да, кейин осонгина ундан тониб қўя қолар эдилар.

Қалинни тўла олиб бўлиб, сўзидан қайтадиганлар қам бўларди. Бундай ҳолларда жабрдийда жабрловчининг овулига келиб, ўз уруғидан бу ерга, хафа қилувининг бирор қариндошига тушган аёлни топарди-да, уни алдаб-сулдаб ўз овулига меҳмонга чақирар ва бугун овул бояги бечора аёлни ўртага олиб уйига қайтмасликка кўндираар ва то жабр қилган одам олган нарсаларини қайтариб бермагунича уни шу ерда сақлаб туришарди. Асира бўлиб қолган аёл бечора ҳам «ўз суягини» хор қилмаслик, қизлик чоғи ўтган она уруғининг номусини сақлаш учун бунга рози бўларди. Шу йўсинда қалин олган одамни сўзини устидан чиқишга ёки қалинни қайтариб беришга мажбур қилинарди.

Асрлар давомида сақланиб келган бемаъни одатлар ва феодализмнинг жирканч иллатларига қарши курашувчи, ўз ҳуқуқларидан тўла фойдалана олувчи жасур хотин-қизлар ҳам бор эди. Бирмунча кейинроқ эскилик қолдиқларидан норози бўлиб «исён» кўтарган хотин-қизлар ҳаракатининг ҳам гувоҳи бўлганман, уларни кейинроқ, фурсати билан баён қилиб берарман. Ҳозир эса мен бир нарсани: Октябрь инқилобидан кейин ман этилган қалин тўлаш одатига барҳам бериш қозоқ аёлларига ҳам, эркакларига ҳам қийин бўлганини айтиб ўтмоқчиман, холос.

Бир сафар, бозор кунининг эртасига овулимизга Айиқбойнинг амакиваччаси Унгарбой оқсоқол бошчилигида йигирма чоғли отлиқлар келиб қолишди. Зиёфат биринчи галдагига қараганда қуюқроқ бўлди, икки тарафга сарполар қўйилди. Суҳбат икки тарафнинг розилиги билан муваффақиятли якунланди. Совчилар яхши ниятлар тилаб, мамнун бўлишиб жўнаб кетишди. Бир ҳафта ўтгач, бизни қалиннинг бир қисмини олиб келиш

учун Айиқбойнинг овулига чақриб кетишди. Отам ўзи бормади, овулимиздагилардан ўн нафар отлични тўплаб, уларга амакимни қўшиб юборди. Бир кундан кейин улар бешта от, икки ҳўкиз, ўттизта қўй ҳайдаб келишди. Булардан ташқари, охирги сафар бериб юборган сарпога жавобан сарполар ҳам қўйишибди.

Убианна негандир ҳомуш кўринарди. Эҳтимол у унашилгани ва эндиликда ўйлаб қадам босишга мажбур эканидан изтироб чекаётгандир. Ё бўлмаса, эрга бериб юборишаётганидан маъюдир. Мен олдин укалик меҳри, кейин эса қизиқувчанлик билан унинг бутун юриш-туришини кузатиб юрдим, ниҳоят унинг муғамбирлик қилаётганини ва аёллар табиати ўзи шунақа бўлишини билиб олганимдан кейин жуда куйиб кетдим. Менга шу қадар алам қилардики, буни сўз билан тасвирлаш амри маҳол эди. Нега деганда опамни беҳад яхши кўрардим, у менга опагина эмас, онам ўрнини ҳам босарди. Унинг уйимиздан кетишига ҳеч ким менчалик куймас эди. Болаларча худбинлигим ва болаларча ақл юритганимданми, уни доим уйимизда қолади деб ўйлардим.

Қалин сифатида келтирилган чорва дарҳол сотиб юборилди. Амаким ҳар кун бозорга бориб, опамга ҳар хил тақинчоқлар, қўйлаклик ва бошқа матолар келтира бошлади. Убианна ясаниб юрадиган бўлди ва чеварлик билан шуғулланишда давом этди. Утовимиз ўзига хос устахонага ўхшар, проқи, хошия тикилган тўрли матолар, заргарлик буюмлари билан тўлиб-тошиб кетди. Бувим, «янги жойга уй-рўзгоринг бут бўлиб боришинг керак», деганини мен сеп деб тушунардим.

Орадан олти ой ўтгач Айиқбой ўртоғи Ундас билан совғалар олиб, биринчи марта қиз билан кўришгани келди. Куёв овулдан унча узоқ бўлмаган жойда паналаб турди, унинг ўртоғи бўлса икки сумка совғаларни

кўтариб олиб, овулга келди ва қуёвнинг тунда келин билан учрашгани келганини хабар қилди. Одатга кўра қалин бериб унаштириб қўйилгандан кейин шу тарзда қаллиғлик даври бошланарди.

Совға-саломларни кўрган овулимиздаги жувонлар қуёвни муносиб кутиб олишга шошилиб қолишди. Кутилмаганда опам қуёв билан учрашмайман деб туриб олди. Жаҳли чиқиб кетганидан унинг бутун вужуди титрарди, ранги қув ўчиб кетганди.

— Наҳотки уялмаса! Намунча шошилмаса? Ахир тўйга ҳали бир йил бор-ку! Унга айтинг, бунақа шошма-шошарлик қилса, ундан хафа бўламан. Бу нима қилгани?— деб таажжубланарди у.— Мени розилигимсиз, ҳеч қандай хабарсиз, тўғридан-тўғри келишга қандай журъат қилди у?!

— Сенга нима бўлди, жонгинам? Авлоддан авлодга мана шу расм ўтиб келяпти, илоё уларнинг жони жаннатда бўлсин... У энди сенинг қаллиғинг бўлди-ку, ахир!— деди қариндошлардан бири унга насиҳат қилган бўлиб.

— Мен ҳали отамнинг уйидаман, унга хотин бўлганимча йўқ,— деб жеркиб ташлади Убианна ранг ўчиб.— Борди-ю у яна шундай қилса, мен унга тегмайман!— деди қатъий.— Ҳа, унга шундай денглар.

Мен мулоким, оғир-вазмин Убианнанинг бунчалик жаҳли чиқишини, бунчалик бир сўзли эканлигини ҳеч қачон хаёлимга ҳам келтирмаганлигимданми, ҳайро бўлиб қолдим. Мен уни худди биринчи марта кўраётгандай, опамга бошқача кўз билан қарай бошладим. Худди биров уни зўрлаб олиб чиқиб берадигандай, савдиқни маҳкам ушлаб турарди. Ҳаяжонланганидан чувак юзи, қирра бурни яна ҳам оқариб кетди. Унинг юз қа лаблари бири-бирига тегмай титрар, алам тўла кўзлари эса ўтовдаги аёлларга бирма-бир тикиларди. У но

зик бармоқлари билан тасмадай узун сочини беихтиёр ўйнай бошлади. Унинг силлиқ таралган тим қора, узун сочи ҳуснига ҳусн қўшган эди. Узун бўйли, нозик қиз бўлганлиги сабабли ҳам уни «Талшибиқ» — новдадай дейишарди, нозиклиги ва дилбарлиги уни жозибали қилиб кўрсатарди.

Қуёв икки-уч соат кутиб турди, келин кўнмади, у ноилож ўртоғи билан қайтиб кетишга мажбур бўлди. Ундас сумкадаги совғаларни ташлаб кетмоқчи бўлди, лекин Убианна мутлақо унамади:

— Йўқ, йўқ, керак эмас! Худо хайрингизни берсин, илтимос қиламан, олиб кетинг!

Убианнанинг қилган қилиғи Айиқбой овулидагиларни хавотирга солиб қўйди. Қуёвнинг овулидан тез-тез айғоқчилар — аёллар келиб, Убианнанинг кайфиятидан хабар олиб туришди. Эҳтимол, улар қалинни қолган қисмини беришдан хавотирланишган бўлишса керак. Бу хотинлар турли баҳоналар билан келишар, бизникида меҳмон бўлишар ва бизнинг аёллар ҳамда Убианнанинг ўзи билан ҳам суҳбатлашишарди. Мени уларнинг ёнига киригимас эди.

Овулимиздаги хотинлар ҳам ишга тушиб қолишди, улар опамни алдашар, унга маслаҳатлар беришар ва ҳуда томонни ҳам хабардор қилиб туришарди... Шу ялғозда яна олти ой ўтди. Овулимизда тўйга тайёргарлик ишлари қизиб кетди: наMAT босилар, кийим тикилар, кашталарга гул солинарди... Қари-қари чевар кампирлар келиб, кашта тикаётганларга иш ўргатишарди. Тайёр нарсаларнинг ҳаммасини бирма-бир уларга кўрсатишарди, бундай дамларда ўтовимиз кўргазмага ўхшаб кетарди. Улардан маслаҳатлар олишарди, улар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишар, айримлари ёрдамлашмоқ учун қўниб ҳам қолишарди. Уйдаги чорва моллари кун сайин камайиб борарди, ҳар бозор бирор ту-

ёқни сотишарди-да, унинг пулига опамга сеп олиб келишарди.

Ниҳоят, Айиқбой ўз вакиллари орқали овулимизга келиш учун опамнинг розилигини олди чоғи. Бир куни кечқурун сумкалар кўтарган Ундас яна овулимизда пайдо бўлиб қолди. Бу гал ҳамма уни иззат қилар, ҳазиллашар ва тунги учрашув бўлишига шама қилиб, ноз-ишва қилишарди. Овулнинг чекка ерига янги ўтов қўндирилди. Ундасни сумкалари билан ўша ерга бошлаб кетишди. Қиз билан йигит биринчи бор учрашадиган ўтов озода, саришта ва безатилган эди. Айиқбойни ҳам ўша ерга таклиф қилишди. У ва оғайниси тўрда, савлат тўкиб ўтиришарди. Овулдаги йигит-қизлар, жувонлар яسانيб-тусаниб тўпланишди ва ҳурмат юзасидан куёв билан танишиш учун ўтовга ташриф буюришди. Уларнинг ҳар бири куёв қаршисида ўзини ақлли, билармон, доно, дилбар, ҳушбичим қилиб кўрсатишга тиришар, улар хушчақчақ кўринишга уриниб, хандон уриб кулишарди.

Айримлар бўлса Айиқбойни синаш маъносида унга ҳазиломуз баъзи саволларни ҳам бериб кўришарди. Масалан, шундай савол беришди: «Айтинг-чи, ой бугун қайси тарафдан кўринади?» Айиқбой ўнғайсизланди-да: «Қоронғи тушди-ку, ой аллақачон кўрингандир!»— деб жавоб қайтарди. Унинг соддалиги ва келинчакка қилган шаъмаларини тўғри маънода тушунганидан ҳамма кулиб юборди. «Бўлмаса Чўлпон юлдузи ва ой сизнинг қайси тарафингизда турганини айтиб беринг-чи?» Айиқбой, ўтов ичида ўтирибман, шунинг учун билмайман, деб жавоб қайтарди. Хотинлар яна хандон ташлаб кулишди. Айиқбой: «Ғарқ бўляпман, ёрдам бер!»— деган маънода ўртоғига қараб жавдирлади.

— Катта айиқ туркуми сизга қариндош эмасми, йигит?— деб савол ташлади куёвнинг соддалиги ва тўм-

тоқлиги устидан кулар экан хотинлардан бири. Уғирланган келин-куёвларнинг юлдузлар орасида сайр қилиб юргани тўғрисидаги афсонага шама қилди-да, яна қочириқ билан сўзини давом эттирди:— Ерқин юлдузни сизга таништириш, эҳтимол хатарлидир.

Айиқбой мутлақо ўзини йўқотиб қўйди, у ўша юлдузларни билмаслигини, ҳеч қачон ўғирлик қилмаганини айтиб ёлдиради. Охирги сўзларни у хафа бўлиб айтганини кўриб, ҳамма бирдан кулиб юборди.

— Тўлин ойни қай пайтда кутмоқчисиз?— деб яна савол берди хотинлардан бири.

Айиқбой, мунажжим эмаслигини, шунинг учун бунга жавоб беролмаслигини, сўраб билиб олай деса овулларида ҳам ҳеч қандай мунажжим йўқлигини айтди. Буни эшитиб ҳамма бараварига хандон отиб кулиб юборганидан ўтов қалқиб кетгандай бўлди, Айиқбой эса тамоман ўзини йўқотиб қўйди.

Шундан кейин ўртоғи Ундас гапга аралашди. Энди хужумни у томонга буриб юборишди. Лекин Ундас бўш келмади, у «учирма қуш чиқиб қолди...».

Чой берилди, кейин оқшомги таом тортилди. Айиқбой борган сари ўсал бўлиб, хижолатга ботиб борарди. Унинг юзидан маржон-маржон тер оқарди. Овқатдан кейинги айтишувда Айиқбойни буткул боши берк жин кўчага олиб кириб қўйишди.

Айтишувни дўндириш Ундаснинг зиммасига тушди. Айиқбой эса унга жўр бўларди, холос. Унинг овози йўғон, дўрилдоқ экан, ҳар қанча уринмасин, барнбир ошнасига жўр бўлолмас, буниг устига у ўлан мисраларини ҳам ёддан билмас, ўртоғи боғдан келса, у тоғдан келарди.

Вақт ярим кечага бориб қолгач, кечани бошқариб бораётган янга бир неча хотинлару келиннинг дугона-

ларига қолишларига рухсат берди-да, бошқаларни уй-уйига тарқатиб юборди.

Мени ҳам шундан кейин уйдан чиқаришмади. Туннинг қолган қисмида содир бўлган воқеаларни анчадан кейин бошқалардан эшитиб олдим.

Убианна бошида ўтовда экан, у ҳар беш-ўн минутда меҳмонлар учун тикилган ўтовда содир бўлаётган гаплардан ўз одамлари орқали батафсил хабардор бўлиб турган экан. Дугоналари куёв билан юз кўриштириш учун уни олиб кетгани келганида опам бормайман деб оёқ тираб тураверибди. Хотинлар уни кўндиргунларича жони-қоллари қолмабди. Улар куёв ва ўртоғи опамнинг розилиги билан меҳмон бўлиб келишганини, жуда узоқ кутиб қолаётганларини, уларнинг ёнига бормаса айб бўлишини айтиб роса ёлворишибди. Тушунтириш, ялинишлар жуда чўзилиб кетибди, ниҳоят азонга яқин қизни кўндиришибди, уни куёвнинг олдига бошлаб келишибди. Айтишувда мағлубиятга учраш, уйқусизлик, бунинг устига келишни узоқ кутиш меҳмонларни, айниқса Айиқбойни роса ҳолдан тойдириб қўйган экан. Улар ҳатто Убианна ичкарига кириб келганида ўринларидан туриб кутиб олишни ҳам унутиб қўйишибди. Бу ҳурмат ва иззат, одобга мутлақо хилоф эди. Бунинг кўрган Убианна ортиқ чидай олмабди. У қўл бериб кўришиш ва саломлашиш ўрнига, уйланмоқчи бўлган одам айтишувга тайёрланиб, қиз-жувонларнинг саволига жавоб қайтаришни ўрганиб келиши ҳамда кўпчилик орасида ўзини тута билиши лозимлигини ва яна аллақанча аччиқтизиқ гапларни айтиб узиб-узиб олибди-да, шартта орқасига бурғлиб, ўтовдан чиқибди-кетибди.

Бу орада тонг ота бошлаган экан. Одат бўйича куёв тонг ёришгунга қадар овулдан чиқиб кетиши керак. Хотинлар энди Айиқбойга хушомат қила бошлашибди. «Қиз боланинг ғурури бўлади-да. Бу ерда сиз ҳам ха-

то қилдингиз. Ҳа, булар ўткинчи гаплар, хафа бўлманг. Ҳадемай Убианна ҳам гуруридан тушади, мулойим бўлиб қолади», деб Айиқбойни юпатишган бўлишибди. Бу гаплардан Айиқбойнинг яна кўнглида умид туғилиб сезроқ овулдан чиқиб кетишга мажбур бўлибди. Ундас хотинларга бўлиб ўтган гаплар четга чиқмаслигини илгимос қилибди.

Эртаси куни Убианнанинг қовоғи осилиб кетди, қўлига тушган нарсани тарс-турс иргитарди, сеп тикишни ҳам йиғиштириб қўйди, ҳаммамиз унинг жигига тегмасликка ҳаракат қилардик. Бир неча кундан кейин эса, у Айиқбойга турмушга чиқмаслигини айтди, бунини эшитиб отамнинг ғазаби қайнаб кетди. Иккинчи марта ваъдасидан қайтмаслигини тушунтирди.

Айиқбой бўлса бу кезларда ўз овулида «таҳсил» ола бошлади. Икки ойдан сўнг, у имтиҳон топшириш учун келиннинг овулига келди. Бу сафар қиз ва жувонлар жимгина тилларини тишлаб ўлтирдилар, куёвнинг зўр бериб ўрганган сабоқлари энди керак ҳам бўлмади.

Вақт ўтиб борарди. Куёв деярли ҳар ҳафта келадиган бўлиб қолди. Убианна, «пешанамга ёзилгани шу бўлса керак», деб тақдирга тан берди шекилли, илгаригидек қаршилиқ кўрсатмайдиган, мулойим келинчак бўлиб қолди. Шу йўсинда кунлар ўтиб борарди, чорва моллари тобора камаяр, Убианнанинг сепи эса янги-янги нарсалар ҳисобига борган сайин кўпайиб борарди.

Тўй куни ҳам яқинлашиб қолди. Тўйни дон-дунни йиғиб-териш бўлинадиган сентябрь ойининг ўрталарига тайинлашди. Тўйга тайёргарлик силлиққина ўтмади албатта. Овул ва волость маъмурларидан баъзилари қалин масаласида отамни гоҳ идорага чақиртиришса, гоҳ уйимизга вакилларни бошлаб келиб, пўписа қилишарди. Отам уларнинг «тирноқ орасидан кир қидираёт-



ганларини», қўрқитиб пора олмоқчи бўлаётганларини биларди.

— Бутун бошли вилоятда бир менгина шундай қилаётганим йўқ. Борди-ю бирортанга бирон нима берадиган бўлсам, эртага яна сенларга ўхшаганлар нафслари ҳайкалак отиб тизилишиб келаверади. Мени эса сиздақа бекорчиларга берадиган нарсам ҳам йўқ. Борларинг, энг катта бошлиқларингга айтларинг. Агарда у бир нарса деса, жавобини ўзим бераман.

Улар бир неча кундан кейин бошлиқларини (бизнинг волостга қарайдиган милиция бўлимининг участка бошлиғи бўлса керак) бошлаб келибди. Нима бўлди денг? У бир боқишдаёқ Убианнага ошиқ бўлиб қолди ва сўроқ ўрнига жуда катта қалин ваъда қилиб, қизингни бер, деб отамга ялина бошлади. У уйланган экан. Убианнани хотини устига олмоқчи бўлди. Отам бунга кўнмади. Бошлиқ дастлаб отамни кўндиришга роса уриниб кўрди, иш чиқмагач, тўнини тескари кийиб олди-да, дўқ ура бошлади.

Тез орада бу тартиб сақловчи савдойини биздан олишди-да, қўшни қирғизлар территориясига қарашли ерга ишга юборишди. У ерда ҳар чоршанба бозор бўларди, бир куни қирғиз йиғитлари тўпланишиб, уни бозорнинг у чеккасидан-бу чеккасига суриб, одамлар кўзи олдида роса дўппослашди. Шармандаси чиққан бошлиқ, юқори идоралар кўрсатмасига кўра ишдан олиниб, овулига қайтди. Отам менга ҳеч нарса айтмади-ю, лекин бу ишда унинг қўли йўқ эмасди назаримда...

Кўп ўтмай отам Убианнани Айиқбойга бераётганини, шу муносабат билан сентябрда икки-уч кун тўй беражagini очиқ-ойдин эълон қилди ва узоқ-яқин қариндош-уруғларни, ёр-биродарларни тўйга таклиф қилинажagini айтди.

Тўйдан икки ҳафта олдин Убианна уч жувон ва икки

йигит кузатувида қариндошлар билан хайрлашиш учун овулдан сафарга жўнаб кетди. Одат бўлиб қолган бу сайил ўзига хос саёқат бўлиб, унда қизнинг кувёи уйига боришидан олдин, вақтдан фойдаланиб қариндош-уруғларникига бориши, уларнинг меҳрига қониши, кўнгил очиши, ўйнаб-яйраши кўзда тутилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Бизнинг уруғларимиз, бошқа қозоқларникига ўхшаб, жуда кўп эди: отамнинг тўрт опа-синглиси, бувимнинг икки укаси, ўзимнинг туғишган тоғам, аммам ва амакиларим, ўғай онамнинг уруғлари, тоғавачча, амакивачча, холавачча ҳамда аммаваччаларимнинг хотинларининг уруғлари ва ҳокаволар. Қисқаси томиримиз, уруғ-аймоқларимиз бизнинг овулдан юз эллик-икки юз километр нари-берда истиқомат қилишар эди.

Убианна сафарга жўнаш олдидан бувим унинг сепларини ёйди, бу худди кўргазмага ўхшарди. Қун очиқ, хушхаво эди. Овулимиздаги барча аёллар тўпланишди. Улар узоқ гаплашишди, кейин овул яқинидан кўм-кўк майдончани танлашди-да, барча сепни ўша ерга олиб бориб, худди қувёшда қуритмоқчи бўлишгандай ҳамма ёққа ёйиб ташлашди. Олдин бувим тўяна қилган катта гиламни ерга тўшадилар, гилам гулларни қувёш нурида ярқираб кетди. Кейин унинг ёнига ундан кичикроқ гилам ёзишди, бу менинг онамнинг бисотидан эди. Хотинлар ўтириб олишиб, асосини ҳозиргина ўрнатишган катта ўтовнинг чиройига қараб завқланишарди. Сўнгра ўтовнинг ўрам-ўрам ускуналарини келтиришди. Ўтов тикишди, арғамчилар билан маҳкамланди. Кейин ўз ишларидан ўзлари хурсанд бўлиб, керилиб туришарди, шунда ишни бошқараётган хотин Убианнага мурожаат қилди:

— Қани, чироғим, уйингга кириб кўр-чи!

Ўтовга олдин опам, ундан кейин бошқалар кирди...

Ишлаб чарчаган хотинлар ерга ўтиришди, улар навбат-навбат бу ўтовда опамнинг бахтли ҳаёт кечирishiни чин юракдан тилашди. Опам, уялганиданми ёки оиламиздан чиқиб кетаётганидан хафа бўлибми, кўзига ёш олди. Хотинлар ҳам ёшликларини эсладиларми, улар ҳам кўз ёшларини арта бошладилар...

Хотинлар ярим соатлар чамаси дам олишди, сўнгра янги ўтовга иккита сандиқни, қолган сепларни олиб киришди. Сим каравотни ҳам ўрнатишди, жой солишиб бўлиб, сандиқдаги сарполарни олишди-да, ўтов деворларига ёйиб қўйишди. Бурчак келиннинг кийим-кечақлари билан тўлиб кетди. Анчагина янги кўйлақлар тикилган экан. Ерга наमत, гилам тўшалди, ўтов ичкарасидаги ишлар саранжом-саришта қилинган, хотинлар хотиржам бўлишди-да, энди меҳмон бўлгани ўтиришди. Дастурхон ёзилди, самовар олиб кирилди. Эркақлар зотидан фақат биз болаларгина бор эдик.

Хотинлар дастурхон устида ҳам келиннинг сепи, яна нималар етишмаслиги, сепнинг тузатиш лозим бўлган нуқсонлари тўғрисида суҳбат қуришди. Дастурхонни йиғиш олдидан хотинлар Убианнага турли тўяналар бера бошлашди: «Мендан арзимас ёдгорлик»,— дейишарди улар камтарлик билан. Бир хиллари — чойнак, иккинчилари — пиёла, бошқалари — ту누ка товоқ, пичоқ ёки қайчи, ишқилиб рўзгорбоп бирор нарса совға қилишди.

— Мана, ўтов ҳам тайёр!— дейишарди хотинлар.— Уз ўтовинг, ўз рўзгоринг билан бирга борасан. Ҳеч кимга қарам бўлиб қолмайсан. Кийим-кечагинг, ястиқ-тўшагинг икки кишига бемалол етадиган бўлибди. Бувингга ва отангга раҳмат дегин. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди.

Хотинлар аста-секин тарқалиша бошлашди. Мен ўтов ичкарасидаги бўғирсоқ, ўрик ва бошқа емак-

ларга, хотинларнинг яхши-ёмон гапларига берилиб кетиб, узоқ фурсат ўтириб қолибман. Ташқаридаги воқеалардан кеч қолибман.

— Она! Ҳамроҳлар келишди!— деб қичқирди ташқаридан амаким.

Мен ташқарига ўқдай отилиб чиқдим.

Ясаниб-тусаниб олган, ўн етти ёшлар чамасидаги қиз-жувонлар, ўрта-миёна кийинган икки йиғит сафарга шай бўлиб туришган эди.

Хотинларнинг эғнидаги маржонлар тақиб ташланган узун мурсак ва рўмоллари кўзни қамаштиради. Уларнинг кўкракларига қизил мунчоқ қадалиб, жияги чиқарилган туморлар осилиб турибди. Уларнинг бошидаги кундик — ўн-ўн беш метрлик матодан ўралади. Унинг четларини бураб ўрашнинг ўзи бир санъат ҳисобланади. Яхши ўралган кундик худди тожга ўхшайди, тунда бошдан олиб қўйилганда ўз дўхтини йўқотмайди. Мурсак жуда безатилади, орқа этаги сал узунроқ бўлади. Хотинлардан бирининг мурсаги қора духоба бўлиб, ёқа, енг атрофларига жигар ранг мўйна қопланган. Унинг мурсаги этакларидан ҳошия тикилган оппоқ кўйлагини кўриниб турибди. Белига кумуш ранг дўғали қивил тусли тасма боғланган. Бошқа жувон ҳам яшил бахмалдан мурсак кийиб, белини турли хил гуллар тикилган энли, чиройли тасма билан боғлаб олган. Қиз бола бошига тепаси яшил бахмалдан тикилган, уқпарлар қадалган қундуз телпакча кийган, бўйинга қават-қават маржон тақиб олганди. Эғнидаги узун пешмати унинг хипча белини қучиб турарди. Бу қиз ҳам ғоятда хенг, кулранг кўйлак кийган эди. Оёғида баланд пошнали қизил саҳтиён этик.

Бувимнинг таклифи билан қиз-жувонлар ичкари киришди. Қизлардан бири Убианнани қизғин табриклади ва «бахтли сафарда» унга ҳамроҳ бўлишларини айтди.

Йигитларга келиннинг ўтовига кириш мумкин бўлмаганлиги учун улар эшик орқасида кутиб туришди. Салом-алиқдан кейин Убианнани кийинтира бошладилар. Оч қизил ранг кўкрак бурма кўйлак, белбурма қилиб тикилган тўқ кўк тусли бархит пешмат унга жуда ярашди. Бошидаги қундуз телпакчага қадалган укпарлар ҳилпиллаб турарди. Жуда кўп кумуш тангалар қадалган сочпопук унинг сочини янада узайтириб юборди. Убианна оёғига баланд пошнали саҳтиён этик кийиб олди. Бўйнидаги мунчоқларнинг саноғига етиб бўлмай дигандай эди. Кўкрагига ҳам талайгина турли хил кумуш тақинчоқлар тақилган эди. Қўл ва бармоқлари билагузук, узуклар билан тўлиб кетганди. Опамнинг тирноғини хина билан қизартирганини биринчи бор кўришим эди. Бу қозоқларга одат эмас, хина қўйишни фақат бизнинг жойлардаги қозоқлар ўзбеклардан ўрганишган.

Бувим келинга кумуш ва мис безаклар қадалган қамчи совға қилди ва оқ йўл тилади. Ҳамма ўтовдан ташқарига чиқди.

Амаким эгарланган тимқора йўрғани етаклаб келди. Убианна минадиган отнинг эгар-жабдуқлари ярқироқ безаклари, чиройлилиги билан бошқаларникидан ажралиб турарди. Эгар-жабдуқлардаги безакларни отам ўз қўллари билан зарб қилган ва унга амаким, ҳатто мен ҳам ёрдамлашиб турган эдик.

Амаким ва йигитлар хотинларнинг отларга миниб олишларига ёрдамлашиб юборишди. Отам келдилар, қўлларини фотиҳага очиб, оқ йўл тилаганларидан кейингина улар жўнаб кетишди.

Опам жўнаб кетганидан кейин ҳам овулимизда тўй тараддуди давом этаверди. Амаким бозорга борар, мол сотиб, хуржунларини тўлдириб қайтиб келарди. Овулимиз йигитлари донни тегирмонга элтишга ёрдам бериш-

ди. Отам заргарлик ишини бошлаб юборди. Мен унга шогирдлик қилар, ўз бурчимни жон-дилим билан бажардим. Болалик вақтимда отамга ёрдам беришни жондан севардим. Дастлаб керакли қолипни лойдан ишлаб олинар ва унинг чуқурчасига кумуш танга қуйиларди. Кейин унинг устига пайрахаларни қаланарди-да, уни ёқиб юбориларди. Мен пайрахаларнинг ловиллаб ёнишини ва лой қолипининг қип-қизил чўққа айланишини томоша қилиб ўтирдим. Отам узун омбур билан кўмир ташлаб турарди. Мен отамга эчки терисидан қўлда ясалган босқонда дам беришга ёрдамлашардим. Кейин чўққа айланган лой қолип устида кўм-кўк аланга пайдо бўлиб, танга эрир ва худди симобга ўхшаб ялтираб кўрнарди. Шунда отам унинг сал қуюлишини кутиб турарди-да, кейин қолипи билан тоғорадаги сувга соларди. Сув биқирлаб қайнар, қолип устини буғ қоплаб оларди. Сўнгра отам кичкинагина болғачалар билан уни тоблар, нозик эговлар билан эговларди. Эритилган танга эса узук ёки билагузук шаклини ола бошларди. Отам олдин қаламда, сўнгра унинг устидан жуда нозик ва ўткир пичоқ учи билан гул соларди. Бу энг масъулиятли ва нозик дам бўлгани сабабли ўтов ичкарисини жимжит бўлиб қоларди. Мен ҳам отамнинг ишига ҳалақит бериб қўймаслик учун нафас ҳам олмай, тек ўтиришга ҳаракат қилардим.

Мана кумушдан ясалган буюмларга нафис гуллар ҳам туширилди, энди қум билан ишқаланади, сўнгра жун билан артилади-да, отам «мусятир» деб юритадиган (нашатир бўлса керак) оқ парашок сепилиб, яна оловга тугилади. Парашок аланга олиб эриши ҳамон, уни ола солиб барига артарди, шунда кумуш буюм ялтираб кетарди. Отам бирон нимани ҳикоя қилганида ҳаминша хотин-қизларнинг тақинчоқлари ва эгар-жабдуқларга берилган безак борасида алоҳида тўхталиб

ўтарди, унинг заргарлик санъатига ихлоси баландлигидан шундай бўлса керак.

Отамнинг заргарлик санъати овулимиздан ташқарида ҳам тилга тушиб кетганди.

Отамнинг қўлбола тўппонча ясамоқчи бўлгани эсимда. У бир куни кичик бир пўлат найчани топиб олибди. Унга тепки, тутқич ясади, уни безади, лекин ҳамма иш битгач, тўппонча отилмади. Ҳар қанча уринмасин, натижа чиқмади. Роса хафа бўлган эди ўшанда отам. Кейинчалик у бир нечта бўш ўқларни топиб, ичига питра жойлади-да, панғиллатиб отиб, биз болаларга томоша кўрсатди. Қўлбола тўппончанинг тақдири шу билан тугаган эди.

\* \* \*

Убианна икки ҳафта деганда ўз ҳамроҳлари билан бирга овулга қайтиб келди, йигитлар орқароқда устига юк ортилган икки туя билан тўртта тойни етаклаб келишарди. Уларнинг ўтовимиз олдидан ўтиб кетишгани, чеккароқдаги келиннинг янги ўтовни ёнига бориб тўхташгани ва юкларни ўша ерда тушира бошлашганини кўриб жуда ҳайрон бўлдим. Яна хотинлар тўпланишди. Улар саёҳатдан қайтганлар билан кучоқлашиб кўришар, хурсанд бўлишиб қариндош-уруғларни, уларни қандай кутиб олганликларини сўраб-суриштиришар эди.

Ўтовга қайнаб турган катта самоварни олиб киришди. Бир пиёладан чой берилгач, саёҳат тўғрисида Убианнанинг дугонаси Катшагул ҳисобот берди. У қайси куни кимникида меҳмон бўлишганини, қайси овулда кечқурунлари айтишувлар ташкил этилганини, Убианнага ким қандай тилаклар билдиргани ва нималар софга қилганини, қандай кузатиб қўйишганини ҳикоя қил-

ди. У ҳикоя қиларкан, ҳазил-мутойибалардан, айтишувларда эшитган янги кўшиқ-ўланлардан жуда усталик билан фойдаланарди. У баъзи қариндошларнинг қулоч очиб, меҳрибонлик билан кутиб олганини, баъзи қариндошларнинг эса совуққина кузатиб қўйишганини ҳам сўзлаб берди.

Хотинлар бутун эътиборлари билан тинглашар, кулишар, ҳайрон қолишар, гоҳ бош силкиб маъқуллашар, гоҳ юзларини бужмайтириб, норозиликларини баён этишарди. Катшагул олиб келинган сарполарни хотинларга бирма-бир кўрсатди, уларни кимлар берганлигини тушунтирди, ниҳоят уч соат деганда ўз ҳикоясини яқунлади. Хотинлар сарполарни кўришиб ҳавас қилишди, ажабланишди, муборакбод қилишди.

Серкабой туя, унинг иниси икки ёшлик той, каттасининг хотини — гулдор чойшаб, кичиги духоба аврали партўшак совға қилишибди; катта аммам чоғроққина гилам билан идиш-товоқлар солиб қўйиладиган теридан тикилган ғилоф, кичик аммам — кимхоб мурсак ва кумуш патнис ҳадя қилишибди.

Келтирилган ҳамма нарса сепга қўшиб қўйилди. Роса суҳбатлашиб, совға-саломларни ипидан-игнасигача томоша қилиб бўлишгандан кейин хотинлар тарқалишди, Убианна опам эса кундалик кийимини кийиб олиб, саломлашгани келди. Отам уни суйиб-эркалади, бошини силади. Отамнинг эркалаганини кўриб, Убианна опам худди кичкина боладай йиғлаб юборди-да, ўзини унинг бағрига отди. Отамнинг ҳам кўнгли бузилиб кетди шекилли, қизини қўлидан ушлаб, каравотга ўтирди-да, уни силаб-сийпаб яна эркалай бошлади. Кичик опам Алиманна ҳам сочларини ҳурпайтириб, каравотнинг оёқ томонида турганича кўз ёши тўкарди. Қизлари билан доим жиддий муомалада бўладиган, ҳеч қачон эркалатмайдиган отамнинг бу қадар раҳмдил, юм-



шоқ бўлиб қолганини, ҳамиша жиддий, оғир-вазмин юрадиган Убианна опамнинг бундай ожизлигини кўриб анграйиб қолдим. Бақрайиб қараб туришим Алиманнага ёқмади чоғи, югуриб келди-да:

— Нега йиғламайсан, бағри тош!— деб бир туширди. Мен ҳам ҳақимни қўймадим, бир мушт урдим, лекин, ҳар қалай йиғлаб юбордим... Отам жилмайди, кейин учаламизни ҳам бараварига қучоқлаб олди.

Эртаси куни келиннинг янги ўтови атрофида овулимиздагилардан тўпланган яна ўнларча янги ўтов тиклана бошланди, бу ўтовлар тўйга келадиган меҳмонларга мўлжалланганди. Кечга бориб овулимиз ёнида яна бир янги овул вужудга келганди. Убианнанинг ўтови янги овулнинг қоқ ўртасида қолиб кетган эди.

Эртасига биз болаларни ювинтириб, ясантириб қўйишди, бутун овул аҳли меҳмонларни кутиш тараддудини кўра бошлади. Кечга яқин етти йигит ҳамроҳлигида Айиқбой келди. У ўзига ажратилган ўтовга тушди. Энди Убианнанинг ўтови — келиннинг ўтови, Айиқбой тушган ўтов — куёвнинг ўтови деб атала бошлади.

Ўтовлар гавжум бўлиб қолди, ҳар бир одам ўзини хушвақт тутар, тўй хандалари янграй бошлади. Меҳмонлар миниб келган отлар атрофни тўлдириб кишнашарди.

Тўй бошланиб кетганига ақлим етиб турарди. Иш кўпайиб кетиб, мени катталар эслашмай ҳам қўйишганидан мен ўзимни меҳмонларнинг отларидан ҳам беқадр сезардим... Биз болалар қоронғида, у ўтовдан-бу ўтовга зир югуриб, бирор қизиқроқ нарсани кўриш ёки эшитиш пайтида эдик, лекин ҳар бир ўтов ёнида чой қўйиб турган одам бизни ўтовга яқинлаштирмас ва:

— Қани, болалар, борларинг, бу ерда нима бор сенларга!— деб ҳайдаб юборарди. Самоварга қараб турган дурустроқ одам бўлса:

— Болалар, нима қиласизлар бу ерда? Бу ерга кичиналарнинг кириши мумкин эмас! Меҳмонлар олдида уят бўлади. Қани, борақолинглар! Боринглар!— дея у ҳам яхши гап билан ҳайдарди.

Хотинлар ҳам қаёққадир шошилишар, биз билан гаплашгилари келмай, қўлимизга бўғирсоқ ёки бирор ширинликни тутқазиб, биздан тезроқ қутулишга ҳаракат қилишарди. Бизга алам қиларди. Ҳеч қаерга жилмай, туриб олар эдик. Узимизча бизга ҳам эътибор беришларини талаб қилардик. Лекин ҳар қанча уринмайлик, бўғирсоқдан бўлак ҳеч нарса тегмасди. Ҳатто ўзаро пичирлашиб гаплашишардик.

Бизни боя бир марта ҳайдаб юборган одамга кўзимиз тушиши билан ҳар томонга ура қочиб қолардик, кейин яна тўпланишардик. Шу тариқа у ёқдан-бу ёққа зир югуравериб, қолдан тойиб, чарчаб, алламаҳалда эски овулимизга қайтиб, болалигимиздан хафа бўлиб, алам ичида ётиб ухлаб қолибмиз.

Тонг отди. Уфқдан қуёш жилмайиб боқиб, оппоқ ўтовларни ярқиратиб қия нурларини соча бошлади... Учоқ ва самоварлардан тутун ўрларди кўкка. Уйқудаги овул аста-секин уйғона бошлаганди.

Меҳмонлар бирин-кетин ўтовдан чиқар, уйқуни тарқатиш учун керишишар, кейин булоқ томон бориб ювинишар, салобат ва эринчоқлик билан қадам ташлаганча яна ўтовлари томон қайтишарди. Соат ўн иккиларга борганда чой тортилди. Нонушта узоқ давом этди. Дастурхон устида гап-сўз чўзилиб кетди. Чойдан кейин қимиз тортилди, уни ҳам гапни чортанг қилишиб, шошмасдан ичишарди. Шошилиб ҳам қаерга боришарди. Қуёш ҳам имиллаб тигга кўтариларди. Лекин кечаги қувноқ ҳазил-мутойиба, гангур-гунгурлар йўқ. Ҳамма

сипо бўлиб қолган, кимнидир кутаётгандай кўринарди. Кимни? Улар олдиндан белгилаб қўйилган вақтда янги меҳмонларнинг келишини кутиб туришган экан. Дастурхонлар йиғиб олинган. Меҳмонлар кутишдан чарчашдим, кўплари ёнбошлаб олишди. Кун ҳам тобора исиб боряпти. Утовларнинг қуйи наमतларини кўтариб қўя бошлашди. Бу тирқишлардан ҳамма меҳмонлар кўришиб турарди бизга. Улар кўрпачалар устида, ястиқларни ёнбошларига қўйиб олиб, дам олишмоқда... Қуёш ғарб томон оға бошлади. Учоқ ва самоварлардан яна тутун кўтарилди бошлади. Меҳмонларга яна дастурхон ёзилди, улар шошмасдан чойхўрлик қилишарди. Кейин бешбармоқ киритишди. Меҳмонлар шошилмай, суҳбаг-лашб танаввул қилишга тушишди... Бу ишлар жонимизга тегиб, тобора хафсаламиз пир бўлиб, қизиқиш ва умидларимиз «дод» дегандай сўна бошлади...

Вақт чопқиллаб ўтиб борарди. Иссиқ ҳам пасая бошлади. Қуёш яна ёнбошдан, лекин у энди овулнинг бошқа томонидан нур таратарди.

Мана, ниҳоят, олисда одамлар қораси кўринди. Қўшни овулдан ясанган-тусанган хотин-қизлар тўйга келишмоқда, отлиқ эркаклар ҳам бор эди... Мана, бошқа тарафлардан ҳам отлиқма-яёв: эркаклар, хотин-қизлар тўда-тўда бўлиб, бутун чўлни тўлдириб тўйга кела бошладилар. Улар худди торайиб бораётган «доирага ўхшаб» аста-секин овулга яқинлашиб келишди... Биз энди зерикашни ҳам унутиб қўйдик, овулимизга келаётган одамларни томоша қилардик. Овулимизнинг ҳамма одамлари қўл қовуштириб меҳмонлар истиқболига чиқишди. Хотинлар бир-бировларига елкаларини тутиб кўришишарди. Биз уларнинг сўзларига қулоқ солардик, мана улардан айримлари:

— Тўйингиз қутлуғ бўлсин, яхшилик билан ўтказинг!— Жавоблари ҳам эшитилиб турарди:

— Узингизга ҳам қутлуғ бўлсин!

Кулги, вағир-вуғур, кўйлақларнинг шилдираши, сарвқомат хотинларнинг назокатли юриб-туришлари, уларнинг гаплашишлари ўлан айтаётгандай, юришлари тўлда тўлганиб парвоз этишаётгандай кўринарди кўзимизга.

Уларни келиннинг ўтовига бошлашарди. Улар келинни тантанали кун билан табриклаб: «Илойим ҳар бир кунинг мана шу кундай серфайз бўлсин! Бир умр камлик кўрма! Ўтовинг ҳар доим меҳмонларга тўлсин, бахтли ва қувноқ умр кечир!»— деб унга бахтсаодат тилашарди.

Келин яхши ниятлари учун хотинларга миннатдорлик билдирарди: «Яхши ният, яхши сўз одамни асира қилади, қанот бағишлайди, юракка малҳам бўлади, ишонч уруғларини сочади. Сизни кўрганимдан хурсандман. Илойим айтганингиз келсин. Мен ҳам яхши кунингизда хизмат қилай!»

Хотинлар келинчакни, ўтовни, унинг сепларини суқланиб томоша қилишарди.

Биз болалар бўлсак хотин-қизларнинг чувиллашиб бир-бирлари билан гаплашишларига маҳлиё бўлиб қолиб, бошларига рўмол танғиб олган бир тўда отлиқ йигитлар овулга яқинлашиб келиб қолишганини сезмай қолибмиз. Биз уларга тикилганча ағрайиб қолдик. Қаршимиздан чиройли тасмалар билан безатилган бедов отларга миниб олган нотаниш йигитлар келишарди. Отлиқлар сафи тобора кўпайиб борарди. Саноқни йигирмагача билганим учун уларни ҳеч санай олмадим. Овулга яқинлашиб келаётган алоҳида отлиқлар тўдасини кўздан кечирдим-да, булар: «Икки марта йигирмагачдан ҳам кўпроқ бўлса керак» деган фикрни ўтказдим хаёлимдан. Яна бошқа тўдага қараб: «Бу тўда икки марта йигирматадан ҳам кўп», дейман-да, уларни са-

нашга улгурмасимдан бу тўдага учинчи, тўртинчи гуруҳ келиб қўшилади, йигитлар бир жойда тинч туришмайди, уларни санашга жуда қийналаман. Шу пайт яқинлашиб келаётган яна бир тўда йигитларга кўзим тушиб санокдан адашиб кетаман, лекин, бари бир яна санашга тушаман, чамалайман, жамлайман, беш-олти кишидан иборат гуруҳларни «майда-чуйда» деб ҳисобдан чиқариб ташлайман, ниҳоят: «Жуда кўп экан», деб хулоса чиқариб қўяқолдим...

Ишонаверинг, улар кўп эди. Эҳтимол улар икки юз ёки уч юз, балки, юз йигит бўлгандир, ҳозир ҳам бари бир «кўп эди» деявераман. Агар «Жуда кўп эди» деган аниқ ҳисобим сизларни қаноатлантирмаса, боринги юз киши бўла қолсин.

Бу йигитлар бошқа меҳмонларга ўхшаб, овулга келиб отдан тушишмади, борди-ю отдан тушганларида ҳам ўтовнинг ёнгинасида эмас, сал нарироқда тушишарди. Мен уларнинг орасидан ўзимга таниш кишиларни қидирардим, лекин пешоналарини рўмол билан танғиб олганлари учун уларнинг ҳаммаси ҳам кўзимга бир хил кўринишарди. Бехосдан отлиқлар орасидан холаваччам Тинялини таниб қолдим. У Усен томиридан Ботирбекнинг ўғли бўлиб, мени жуда яхши кўрар эди. Мен суйиниб кетиб: «Тате!»— деб юборганимни ҳам билмай қолибман. У овозимни эшитиб, отини тўхтатмай, орқасига ўгирилиб қаради, шунда мени таниб қолиб отини бурди-да, кулимсираб қўлимдан ушлаб даст кўтарди-да, олдига ўтқазиб қўйди.

— Э, мирза бола! Тўйлар қутлур бўлсин!— деди мени қучоқлаб, унинг тиканакдай қаттиқ мўйловлари бўйним ва юзларимни қитиқларди.

У ҳол-аҳвол сўради, катта йигит бўлиб қолганимни айтиб, мени роса мақтади, эркалади. Унинг гапларидан кўпкарни бўлишини, ҳаммалари улоқ оқсоқоли, отамнинг

тенгдоши Оққули отани кутишаётганларини билиб олдим.

Тиняли улоқда Оққулидан кейинги — иккинчи чавандоз ҳисобланар, шу сабабдан уни Тиняли чавандоз девишарди, унинг мўйлови ўзига жуда ярашар ва шу сабабли унинг «жезмурт» деган лақаби ҳам бор эди.

Отлиқлар тўдаси жонланиб қолди: «Оққули келяпти! Оққули келяпти!»— деган овозлар эшитила бошлади.

Тиняли бу гапни эшитгани ҳамон мени ерга тушириб қўйди-да, оқсоқолни кутиб олиш учун отини елдириб кетди. Отлиқлар худди қаттиққўл ва ҳурматли бошлиқларини қаршилаб олаётган аскарлардай, ҳеч қандай буйруқ кутишмай, тартиб сақлаб сафга тура бошладилар. Оққулининг исми қандайдир афсонавий кучга эга ёканлиги сезилиб турарди. Ҳамма ўзини, отини яна бир бор кўздан кечириб, тартибга тушира бошлади.

Оққули «кўк тоғ эчки» деб ном олган ўзининг калладор кўкпар йўрғасини елдирганича яқинлашиб келарди. Уттиз ёшлар чамасидаги барваста йиғит — ўғли Асилбой билан Тиняли икки ёнида кузатиб келишарди. Оққули яқин келгач, тўда бир чайқалиб унга йўл берди. Ҳамма таъзим қилди, лекин у ўзининг кўк кўзлари билан ҳеч кимга қиё ҳам боқмади. У пешанасини оқ чорси рўмоли билан танғиб олган, камзулининг шимариб олинган енгидан қуёшдан қорайган, сержун билаклари кўрениб турарди. Унинг даккам-дуккам узун соқоли кўкрагига тушиб турарди. У урфдан қолган қалин қайиш билан белини боғлаб олган. Оққули эгар устида танасини сал олға ташлаброқ, эркин ўлтирарди. Паст пошнали этигини узангига енгилгина қўйиб ўтирганидан оёқлари худди отнинг йиғилган қанотларига ўхшарди. У тўппа-тўғри овулнинг қоқ ўртасида меҳмонлар қуршовида турган отам қаршисига ўтиб бор-

ди-да, астагина юганни тортиб, огни тўхтатди. Елиб анчагина қизишиб қолган от қулоқларини чимириб, кўзларини катта-катта очиб олға нитилган кўйи туриб қолди. Кумуш эгар-жабдуқлар урилган кўк йўрға билан соч-соқолига оқ тушган Оққули бир бутун, қимир этмай турган яхлит ҳайкалга ўхшашарди худди.

— Тани-жонинг соғми, Момиш?— дея ўз тенгдоши билан саломлашди Оққули.

— Саломат бўл, Оққули,— деб жавоб қайтарди отам.

Оққули тўй бошланиши муносабати билан отамни қутлаб бўлгач, кутдириб қўйганлиги учун уэр сўради. Сўнгра отлиқлар томонга ўгирилиб қаради-да, қўлидаги буклоғлиқ қамчисини ўйнатиб:

— Буларга кўпкари бўлса бас, жазирама пессиққа ҳам қарашмайди... Булар фақат бир нарса — дала бўйлаб бир-бировларини қувлашиб от қўйишни билишади, холос... Ҳеч қандай қоидага риоя ҳам қилинмайди, отларни ишдан чиқаришни билишади. Бечора жониворларнинг юганини тортқилашади, аямай қамчи билан савалашади, оёқлари билан икки биқинига ниқташади ҳадеб. Бунақада от эмас, фил ҳам чидаш беролмайди! Ҳатто қиздан ҳам нозик бўлган бу ажойиб жониворга раҳм қилиш, эркалаш уларнинг хаёлларига ҳам келмайди!

Оққули ёшлар тарафга заҳархандалик билан қараб олди-да, яна насиҳатомуз давом эттирди сўзини:

— Пойга пайтида отнинг ҳар бир нафасига қулоқ солиш, унинг ортиқча терлашига йўл қўймаслик, тана-сидаги мойни сақлаб қолиш, отни ҳам, ўзингни ҳам бош-қара билиш: яъни баъзи ерлардан сакраб ўтаётганда сая кўтарилиш ёки бурилаётганида ён тарафга ташлаш лозим... Булар бўлса от устида қопга тиқилган сомондай шалпайиб ўтиришади-да, отни ҳам, ўзларини ҳам те-

чарчатиб қўйишади. Яхши чавандоз отга юк бўлмайди, аксинча унинг қаноти бўлади. Мен отимнинг чарчаб хансираб нафас олаётганини пайқаган заҳотимоқ ўзим нафас олмай қўяман, туёқларининг она ер кўксига бошқачароқ тушаётганини сезсам, дарров қаддимни кўтараман, унга оғирлигимни солмайман... Булар бўлса фақат ўлжани ўйлашади. Йўқ, Моминиш, ҳозирги ёшлар бошқача бўлиб қолишган. Буларга қорабайирлар эсиз, улар ҳўкиз ёки эшак минсалар ҳам бўлаверади... Эгарларичи! Уларнинг эгарларига бир қара-я!

Тиняли отамга имо қилиб, бу ажойиб чавандознинг кексаларча эзмалигини тўхтатишга ёрдам беришини илтижо қилган эди, отам ўз тенгдоши ва дўсти Оққулининг узундан-узоқ сўзини бўлди-да:

— Оққули, нима ҳам қилардик, булар — янги замоннинг янги одамлари. Замон уларга боққанидан кейин, нима ҳам қилардик, кел, билганларини қилишин. Уйнаб олишсин. Ҳали ўрганиб ҳам кетишар, чунки уларнинг истиқболлари балқиб турибди...— деди.

Оққули яна алланима демоқчи бўлди-ю, лекин улгуролмади, Тинялининг ишораси билан амаким кўпқари учун аталган тўқ кўк тусли эчкини етаклаб келиб, икки оёғи орасига қисиб олиб, бор овози билан: «Илоҳи омин, ака!»— дея қўлини фотиҳага очди.

— Худо даргоҳида қабул қилсин,— деб фотиҳа ўқиди Оққули.

Амаким шу ондаёқ чаққонлик билан эчкини йиқитди-ю, тиззаси билан босиб, бўғзига пичоқ тортиб юборди.

— Оққули, сен бугунча ўзингни тутиб тур, ёшларга қўйиб бер, улар бир яйраб олишсин!— деди отам.

— Кучим танамга сиғмай, отамни ҳам танимай қоламан-да,— деди Оққули гердайиб.— Булар бўлса ёпишиб олишади-да, ўзлари ҳам тортиб олишолмайди, ўз-



гага ҳам беришмайди! Эпчиллик, чаққонлик йўқ буларда,— у қўли билан ҳаракат қилиб кўрсатди, кейин:— Мана бундай қилиш керак,— деб бутун гавдаси билан ҳаракат қилди. У ёнбошга оғиб,— мана бундай,— деркан, ўнг оёғини узангига тиради-да, ўнлаб қўллардан ўлжани тортиб олиб оломон орасидан ўқдай отилиб чиқишни намоиш қилиб кўрсатди...

Амаким: «Тайёр, ака!»— дея яна Оққулининг узундан-узоқ сўзини бўлиб қўйди. У кўпкари учун ўртага ташланадиган улоққа кўзи тушиши биланоқ айтаётган гапини ҳам унутиб қўйиб, худди телбалардек: «Мўминқул, мунча судралмасанг, қани, чаққонроқ бўлақол!»— деди-да, турган жойидан қушдай учиб кетди.

Амаким улоқни судраганича Оққулининг оти ёнида югуриб борарди. Отлиқларга жон кириб, ҳайқириб, ўз отларини қамчилашар, улардан баъзилари ичларида чолга таъна қилишарди-ю, лекин сиртларида Оққулига хушомадгўйлик қилиб, овозларини борича уни мақташарди. Хотинлар ҳам кўпкарининг бошланишини томоша қилгани ўтовлардан чиқишди.

Чавандозлар овулдан икки юз метрлар чамаси узоқлашиб бориб, овул томонни тўсмай, ярим ёй шаклида саф тортдилар. Амаким ўн-ўн беш қадам нарироққа борди-да, улоқни боши баравар кўтариб, Оқулли томонга ирғитди. У ҳам ўз навбатида олдинга ташланди ва улоқни ерга туширмай илиб олди. Буни кўрган оломон олқишлаб шовқин кўтарди...

Оққули гўё орқадан қувиб келишаётгандай отини елдириб даврани айланар, худди ўлжасини рақиби тортиб олаётгандай чаққонлик билан улоқни у томондан-бу томонга олар, гоҳ энкаяр, гоҳ узангига оёғини тираб олиб, улоқни боши узра баланд кўтариб ўз рақибидан сақлашга уринар эди.

Оломон қариянинг санъатига қойил қоларди. Атроф-

ни томошабинларнинг шовқин-сурони тутиб кетганди. Оққули бўлса бундан руҳланиб чавандозлик санъатини намойиш қилишда давом этарди. У отни ўқдек учириб боратуриб шартта тўхтатиб қолган, рақиблари эса ёнидан ўтиб кетгандай бўларди гўё. Хўдди шу пайт Оққули отини бурарди-ю, хаёлий таъқибчиларни чалғитиб, бошқа томонга ҳайдаб қоларди.

Чавандознинг санъати фақат мени, ёш боланигина ҳайратга солмай, балки менинг ёнимда турган Мўминқул амакимни ҳам лол қолдирадди. У чапдаст қарияга тан бериб, оёқлари билан депсинар, қўлларини силкиб, нималардир деб қичқирарди. Отам бўлса укасига хўмрайиб қарар, норози қиёфада бош чайқаб қўярди. Амаким Оққулининг чавандозлик санъатига бутун вужуди билан берилиб кетган эди.

Оққули яна бир марта айланиб чиқди-да, ярим ёй шаклида саф тортиб турган чавандозлар қаршисига келиб тўхтади. Уни олқишлар билан кутиб олишди, у узангига оёқларини тираб улоқни боши узра кўтариб чавандозлар томонга иргитиб юборди.

Чавандозлар ўлжа томон от солдилар. Оққули бўлса бу ердан аллақачон четга чиқиб олганди. Шундай қилиб, кўпкарни бошланиб кетди. Отлиқлар оломони гоҳ майдоннинг бир ерига уймаланишиб қолар, гоҳ гуж бўлишиб бир-бирларини қувишар, гоҳ худди музликлар эриб таралиб кетгандай майдон бўйлаб ёйилиб кетишарди.

Оққули биз турган жойга келиб чаққонлик билан отдан сакраб тушди-да, отамга юзланиб:

— Момиш, қани, менинг ва Кўкчўлоқнинг қандай нафас олаётганимизга бир қулоқ солиб кўр-чи, — деди.

Дарҳақиқат улар салгина ҳаяжонланган эдилар, холос, икковлари ҳам бир меъёрда, енгилгина нафас олишарди. Кўкчўлоқ озгина қизишган эди-ю, лекин зарра-

ча терламаганди. Уни етаклаб олдимизга олиб келишган эди, ҳаммамизни ҳидлай бошлади. Оққули унинг ёлларини текислади, тумшугини силади ва худди одамга гапиргандай:

— Шошмайтур ҳали, биз анави ғўр, беўхшов лапашангларни худди шудгорга дон сепгандай таратиб, бир доғда қолдирайликки...— деб қўйди.

Кўкчўлоқ худди эгаси уни етаклаб бораётгандай аста юриб, четлашди.

Амаким ҳаваси келиб қараганича Оққулини йигитларнинг пири, унинг оти — Кўкчўлоқни бўлса ҳазрати Алининг Дулдули, унинг ўзига авлиёю анбиё Қирқчилтонларнинг руҳи мададкор, дея чолни роса осмонга кўтарарди. Бу оловга мой қуйгандай бўлди чоғи. Отамнинг бепарволик билан индамай туриши Кўпқари «жинниси» бўлган кекса Оққулининг шахсиятига қаттиқ тегди, у бунга тоқат қилиб тура олмади.

Оққули ғазаб билан чавандозларга назар ташлади ва оломон йўлини кесиб чиқаётган ёшгина чавандозга алланима деб қичқирди. Йигит шу ондаёқ отини орқага буриб, Оққулининг қаршисида, икки қадамча нарида тўхтатди ажойиб тулпорини. Қизишиб кетган от бир ерда туролмай, кўкка сапчирди. Ҳаммамиз чўчиб ўзимизни орқага олдик. Оққули бўлса қимир этмай тураверди.

— Кўпқарида бирор марта туёққа қўлинг текканми ўзи?— деб сўради Оққули йигитчадан жиддий.

Тез юриш натижасида энтикаётган йигитча довдираб қолиб:

— Йўқ... эндигина...— дея олди.

Оққули:

— Отни роса кўпиртириб юборибсан, ўзингнинг юрагингни қара, отилиб чиқиб жетаман деяпти. Қўлинг то улоққа теккунича икковинг ҳам адойи тамом бўла-

санлар, ана ундан кейин улоқ ўрнига сенларни хомта-лаш қиламиз!— деб ўшқириб берди йигитчага. У уялиб кетганидан жилмайди. Оққули заҳархандалик билан: «Бор, йўлингдан қолма!» деб буйруқ қилганидан кейингина йигитча итоаткорона орқасига бурилди-ю, отни чоптириб кетди.

— Лавашанг туядан чопқир тулпор туғилганини ҳа-ли кўрмаганман!— деб гап ташлади йигитчанинг орқа-сидан, унинг шалвиллаган отасига имо қилгандай Оқ-қули.

Амаким унинг бу гапига янада қойил қолди шекил-ли, ўйлаб ўлтирмай: «Воҳ!» деб юборди. Отам Оққули-нинг юзидан кўзини узолмаётган амакимга яна бир ўқ-райиб қўйди-да, йигитчани ноўрин койганини Оққули-га тушунтиришга ҳаракат қилди. Оққули бўлса терслик билан жавоб берди:

— Мана, сен ҳар қанча уринсанг ҳам мен отни бил-ганимчалик, қуръонни яхши ўргана олмадинг.— Сабоқ-ни яхши ўзлаштиролмагани учун домладан роса калтак еган ёшлик пайтларидаги аламини олаётган эди чоғи отамдан.— Мен аҳмоқ мулла эмасман! «От минини билмайсанми, уни миниб, жониворни азоблама,» деб шартта бетига айтиб қўя қоляпман. Мен икки нарсани тан оламан: «Яхши бил, бўлмаса билмай қўяқол!» Ҳа-қиқат мана шунда!

Отам кулиб юборди ва Оққулининг соч-соқоли эрта оқарганини, у энди иккинчи марта ёшлик чоғларини ке-чираётганини гапирди.

— Ҳа, мен бола, навқирон йигит бўлиб оёқ узатиш-ни орзу қиламан!— деди Оққули чўрт кесиб.

...Қуёш бота бошлади.

Кўпқари ҳамон давом этар, чавандозлар гоҳ узоқ-узоқларга ёйилиб кетишар, гоҳ овулга яқинлаб кели-шарди. Ер қуруқ, отларнинг туёқлари остидан чанг кў-

тариларди. Юзлаб отлиқлар ортларида узундан-узоқ тўзон қолдиришарди.

Мана чавандозлар бир ерда ғуж бўлиб, гир айланиб қолишди. Тўда орасидан айрим-айрим чавандозлар отилиб чиқар, бир-бирларини қувар ва яна ғуж бўлишиб, тортқилашар, паға-паға чанг орасида айланиб чопишар эди. Кутилмаганда отлиқлар орасидан улоқни тақими-га босиб олган бир чавандоз отилиб чиқди.

— Мана бунни кучли қўл, паҳлавон деса арзийди!— мамнун бўлди Оққули.

Мен қарияни бирон кишини мақтайди деб ўйламаган эдим сира, чунки ҳаммаларини у чавандоз эмас, «сомон тиқилган қоп» деган эди-да, ахир, чолнинг ҳақ-ғўйлиги, спортга бўлган муҳаббати ва унинг шу дамдаги ҳолати, юракдан олқишлаши менга ёқиб қолди. Мен ҳатто унинг отамга нисбатан бояги қўпол гапирганини ҳам тез унутиб қўйдим. Тўда орасидан ёриб чиққан чавандоз рақибларини орқада қолдириб, ҳаммани ҳайратга солиб, майдон ичра елиб борарди. Бошқа отлиқлар ҳам бўш келмай, унинг кетидан қувиб келар, баъзан унга етиб ҳам қолишарди. Лекин орқасидан қувиб келаётган чавандоз яқинлашиб қолганини кўргани ҳамон чаққонлик билан ҳаракат қилиб, ўзини четга оларди у. Назаримда у отлиқлар оломонининг атайин ғашига тегаётгандай туюларди.

Мана шу дақиқалар ичида Оққули бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Мен унинг оғзидан дам-бадам: «Офарин! Офарин!»— деган сўзлар отилиб чиққанини эшитиб турардим.

Улоқчи яна бир марта илон изи чопиш қилиб кетидан қувиб келаётган чавандозларни майдон бўйлаб тарикдай тўзитиб юборди-да, у атрофга бир аланглаб олиб, тўппа-тўғри биз томон елиб келаверди. Кўз очиб-юмгунча у бизнинг қаршимизда ҳозир бўлди. У отини

учириб келаётиб, улоқни боши узра даст кўтариб, Оққули томонга ирғитар экан:

— Манг, ака!— деди.

Унинг овозидан бу киши амаким эканини билиб олдим. Уни чанг босганидан афти-башарасига қараб бўлмас эди. Тўриқ от терлайвериб, қоп-қора бўлиб кетибди. Амакимнинг кетидан қувиб келаётган улоқчиларнинг томошабинларни бостириб кетишларига оз қолди. Мен қўрқиб кетганимдан кўзларимни чирт юмиб, отамга ёпишиб олдим. Кўзимни очиб қарасам чанг-тўзон ичида қолибмиз. Шовқин аста-секин пасайиб, одамларнинг гап-сўзлари қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Тўзон тарқалиб одам-одамни кўрадиган бўлиб қолганидан кейин яқиндагина узун соқолини серкиллашиб ўтлоқда «ма-аа-!» деб ўтлаб юрган эгри шохли кўк эчки танасини Оққулининг қўлида кўрдим. Энди у мижғиланавериб эзилиб-янчилиб, ифлос бўлиб кетган эди.

Ҳар томондан чавандозлар отларини йўрттириб кела бошладилар.

Оққули уларга: кўпқари пировардига етганини маълум қилди.

Роса чарчаган, ҳафсалалари пир бўлган чавандозлар аста-секин тарқала бошлашди.

... Қош қорайиб, тун қўна бошлади. Кўпқари давомида кўтарилган чанг энди худди упа бўлиб кўм-кўк майсаларни қоплаб олди. Иссиқ ер узра оқшом салқини туша бошлади.

Келин билан куёв ўтовларининг ён ёпқичлари турмаклаб, тепа илгакка боғлаб қўйилган эди. Ўтов ичкарисини панжара оралиғидан яққол кўриниб турарди.

Убианна ясаниб-тусаниб олган, у меҳмонлар ва дугоналари қуршовида ўтовнинг ўртасида ўтирарди.

Айиқбой ҳам ўз ўтовида йигит навқар ва кўпқарида

қатнашган байтан уруғидан бўлган йигитлар билан бирга эди.

Бир тўда қўшниллар бўлса овулнинг ўртасига тўпланиб олиб, нималар ҳақидадир баҳслашар эдилар. Мен уларга яқинлашдим. Маълум бўлишича байтан уруғи билан усен уруғи ўртасида тўйни очиш ҳуқуқини кимга бериш юзасидан гап борар экан. Ҳар икки томон ҳам ўз далил-исботларини айтиб, бир-бирларига ён беришмас эди. Ниҳоят, кимдир қуръа ташлашни таклиф қилган эди, икки тараф ҳам рози бўлди.

Тиняли пешматининг бари билан яшириб, қандайдир ўсимликни узиб олди-да, уни енги ичига бекитиб, бунинг қандай ўт ва уни нима қилаётганини ҳеч кимга кўрсатмай «ишлов» бераверди. Байтан уруғининг вакили — Онал ҳам шундай қилди. Аллаким қалпоғини қўлига олиб, оғзини юқори кўтариб тўпланганлар ёнига келди. Эркаклар енгларидаги ўтларни ҳеч кимга кўрсатмай қалпоққа ташладилар. Қалпоқ эгаси уни пешматининг барига яшириб, қўли билан роса аралаштирди, кейин қалпоқни силкиб-силкиб қўйди, катталар орасида турганимни кўриб қолиб, мени ёнига чақириб олди-да, кўзимни юмиб, ўтлардан биттасини олишни буюрди. Мен кўзимни чирт юмиб, қўлимни қалпоқ ичига тикдим-да, пайпаслаб битта ўтни олдим. Атрофимизни ўраб турганлар, одатда қуръа ташланганида бўладиганидек нафасларини ичга ютиб, сабрсизлик билан кутиб туришарди. Қалпоқ эгаси икки еридан тугилган қиёқ поясини баланд кўтарди-да:

— Бу кимники?— деб сўради.

— Меники!— деди хурсанд бўлиб байтан уруғилик Онал.

Оломон қийқириб юборди. Онал одамлар билан тўғри Убаианнинг ўтовига кириб келди-да, келиннинг рўпарасига ўтириб, тўйни бошлаб юборди.

Онал Убианнага мурожаат қилиб, ўзининг оқ қирғий эканини, гўзал Убианнанинг тўйи тўғрисида бир йил муқаддам хабар топганини ўлан қилиб куйлай бошлади. Бу хабар унинг тинчлигини бузгани, уйқуси қочганини айтиб, бундан олти ой илгари сафарга отланганини, бепоён чўллардан юриб, зангори денгизлардан ўтиб, қорли тоғ чўққиларидан ошиб ўтганини ва бу тўйдан кечикиб қолмаслик учун қанотларига ҳеч бир дам бермаганини куйлади.

Ўтовни тўлдириб ўлтирган эрлар, хотинлар ва қизлар беш чақирим масофани олти ойлик йўлга айлантдириб, тез учар қуш бўлиб қолган Оналнинг қизиқ-қизиқ сўзларидан мазза қилиб кулишарди.

Убианна марҳамат қилганлиги учун Оналга миннатдорчилик билдирди ва оқ қирғийдай узоқ масофани учиб ўтибсиз, ҳоримадингизми, қанотларингиз, панжаларингиз омонми деган маънони англатувчи, анъана бўлиб қолган «хуш келибсиз» ўланни куйлади.

Онал ҳам ўз навбатида «тан-жон омон» деган мазмундаги ўланни айтди. Йўлда қора кучларга, душманларга дуч келганини, лекин бўш келмай, кучли қанотлари, бақувват панжалари, шамширдек ўткир тирноқлари билан зарба бериб, ғолиб чиққанини бирма-бир ҳикоя қилди. Ниҳоят, маликанинг овулида ҳам душманга дуч келгани (Тинялига ҳазил қилиб) ва даҳшатли бу жангда ҳам ғолиб чиққанини хабар қилди. Энди душманларимиз қанотларини қоқиб, типирчилаб, ер бағрида, ўтлар орасида талвасада жон азобида ётибдилар, деди... Яна қийқириқ кўтарилди.

Онал энди Убианнанинг гўзаллигини, ширинсуханлигини, унинг меҳмондўстлигини зўр қониқиш билан олқишлай бошлади, у ўз қаршисида патлари ранго-ранг жаннат қушини кўриб турганини, унинг бир қиё боқиши узоқ йўл азобидан форуғ қилганлигини ва унинг хуш



овози бутун чарчоқ ҳамда изтиробларини унутиб юборишига ёрдам берганлигини ифодалади...

Убианна яна бир бор унга миннатдорчилик билдирди, ота-боболар одатига кўра, ҳаётида энг бахтиёр кун ҳисобланган тўй кунларида унинг қадрли меҳмони бўлиш ва бу билан ўзини бахтиёр этишини илтимос қилди. У Оналга ипак рўмолча ва бир неча узук билан билагузук совға қилди. Рўмолча то Оналнинг қўлига бориб теккунича узукларни ўтовда ўтирганлар бўлашиб олишди.

Онал гердайиб келин берган рўмолча билан бетини артди-да, тўйни очиқ деб эълон қилди ва ҳаммани тўйни хушчақчақ, бир-бирларига ёқимли сўзлар айтиб, ҳазил-мутойиба, қўшиқ, ўланлар билан ўтказишга чорлади. У рўмолчани силкиб ўрнидан туриб ўланини охириги мисрасини айтиб тугатаркан, ҳамма: «Тўй бошланди, тўй бошланди!»— деб қичқаришарди.

Қутилмаганда бошимиз узра бўғирсоқ, туршак ёга бошлади, уни ҳамма шоша-пиша олар ва: «Сочқи, сочқи»— дея оғзига ташлар эди.

Кейин билсам бўғирсоқ ва туршак сочқилар ўз йўлига тўй бошланишини ифода этувчи биринчи қадаҳ вази-фасини ўтар экан. Уни овулимиз аёллари сочишган экан.

Тўй бошланди! Зиёфат, ўлан айтиш мусобақалари бошланиб кетди. Ярим тунга қадар ҳамма ўтовдан қўшиқ садолари янгради. Ҳамма ҳазил-мутойиба, хурсандчилик қилар эди. Ҳамманинг диққат-эътибори келин-куёвларнинг ўтовида эди. Бу кеча биз болаларни олдинги тундагига ўхшаб ҳайдашмади. Биз янги овулда хоҳлаганимизча, катталар оёғи тагида ўралашиб, у ўтовдан-бу ўтовга шўнғиб юравердик, лекин бизга ҳеч ким ҳатто эътибор ҳам бермасди... Бизга эътибор бермаётганлари сал иззат-нафсимизга тегди, лекин: «Бо-

ринглар! Бу ерда сизларга пишириб қўйибдим!»— деб ҳайдамаётганларидан мамнун эдик. Улан айтувчилар мусобақаси саҳаргача давом этди.

Мени соат ўнларда Алиманна уйғотди. Овулимиз одамлар билан ҳамон гавжум экан. Ҳамма ярим доира ҳосил қилиб турибди, баъзилар чордана қуриб ўлтириб олишган. Полвонлар кураши борарди. Улар яккама-якка чиқиб, бир-бирларини елкаларига-елкаларини тираб, белбоғларидан маҳкам ушлаб олганларича қулай фурсатни пойлаб, давра ичида катта-катта қадам ташлаб юришарди. Улардан бири кутилмаганда рақибини белидан маҳкам қисганча бир силташда оёғини ердан узиб олди-да, давра бўйлаб, гир айлантира бошлади. У рақибини ағдариб учун бир томонга эгилди, лекин иккинчи полвон ҳам чаққонлик қилиб оёғини ерга тираб олди. Полвонлар яна белбоғларидан ушлашиб, майдон бўйлаб катта-катта қадам ташлай бошладилар. Ниҳоят, полвонлардан бири йиқилди, томошабинлар қийқириб юборишди, ўта ишқивозлар бўлса ўзаро баҳслаша бошладилар. Одатда голиб чиққан полвон совринга чопон ёки рўмол, пул ёки мол оларди.

Жуфт кетидан янги жуфт ўртага тушарди. Мусобақа ўн-ўн икки ёшли болаларнинг кураши билан якунланди. Болалар ҳам катталарга ўхшашга интилишарди. Болаларнинг кураши, худди жўжа-хўрозларнинг олишишига ўхшар ва ҳаммани қизиқтирар эди. Курашда ғалаба қозонган болага ҳам гул тикилган дўппи ёки қалпоқ совға қилишар эди.

Тиғга келган қуёш сояга, ўтов ичкарисига киришга мажбур қилди... Яна кечагига ўхшаб зерикарли дамлар, қуёш тиғдан ўтишини, ерга салқин тушишини кутиш пайти бошланди...

Тушдан кейин пойга мусобақаси бўлди. Совринга от, сигир, бузоқ қўйилди... Пойга шартига кўра уч ёш-

ли ўттизта ғунан қатнашадиган бўлди, одатда тўй пой-галарига уч ёшдан ортиқ отлар қўйилмас эди. Ғолиб-ларга совринлар топширилди, кейин яна кечагидек улоқ бошланди.

Тун бўйи айтишув бўлди.

Эртасига эрталаб Убианнанинг ўтовидан эшитилган йиғи овози юрагимни ўйнатиб юборди. Хотинлар уни эғнидаги пушти ранг кўйлагини ечиб, янги келинчаклар-нинг оқ харир кўйлагини кийинтиришаётган эканлар.

Убианна қизлик давридаги эркинлиги билан хайр-лашаётганидан ўкиниб уввос солиб йиғларди.

Ўз ўтовидан янги либос кийиб чиқди. Хотинлар:

— Ота-боболаримиздан қолган расм бу! На иложимиз бор, қизлик либоси бир умрга аталмаган,— деб Убианнани юпатишарди.

Убианнанинг ўтовини йиғиштира бошлаган эдилар, йигитлар келинга от, унинг сепларини ортишга туя етаклаб келишди.

Бу манзарани узоқдан кузатиб турган отамнинг кўзлари жиққа ёшга тўлган, Убианна эса ҳамон йиғлар эди. Алиманна икковимиз отамнинг ёнида турар эдик. Мен йиғидан ўзимни зўрға тийиб турардим.

Мана, ҳамма нарсалар туяларга ортиб бўлинди, эгарлоғлиқ от келтирилди. Убианна яна ҳўнграб йиғлай бошлади, овул аёллари у билан бирин-кетин қучоқлашиб хайрлашар, пичирлаб унинг қулоғига ўзларининг яхши ниятларини айтишар эди.

Отам ҳаммадан кейин келиб, қизини қучоқлади, ҳаяжонини боса олмай, илиқ гаплар айтиб уни эркалади, кўз ёшларини яширмақ учун тескари қаради.

Айиқбойнинг икки оғайниси келишди-да, Убианнани отга миндириб қўйишди ва аста отни жойидан қўзғатишди.

Алиманна опамни олиб кетишаётганларини кўриб

ийглаб юборди. Хотинлардан бири Убианнанинг бошига каттакон шойи рўмол ёпиб қўйди. Қорабайир от устида оқ либосли келин чайқалиб борар эди.

Бувим, мен ва ҳали йиғидан ўзини тўхтатолмаган опам Айиқбойнинг сеплар ортилган икки туяни етаклаб олган етти нафар дўсти кузатувида Убианнанинг янги уйи, Айиқбойларнинг овули томон йўлга тушдик.

Икки-уч чақирим масофани босиб ўтганимиздан кейингина Убианна йиғидан тўхтади.

Биз қандайдир бир овул ёнидан ўтиб бормоқдамиз. Тўй карвони бораётганини олисданоқ кўрган овул қиз-жувонлари бизни қаршилаб чиқишди. Улар бизга мешларда қимиз тутишди, то ҳамма чанқовини қондиргунча улар Убианнани, сепларини томоша қилишди.

Куёвнинг овулига етиб келганимизда, бизни бир неча ўнлаб қиз-жувонлар кутиб олишди. Убианна отдан тушди. Шу ерда кузатиб келган йигитлар, бувим ва бизлар келинни қуршаб олган хотин-қизлар тўдасидан ажралиб, тўппа-тўғри овулга йўл олдик. Бу ерда бизни бошига телпак кийиб, елкасига туя жунидан тўқилган чакмон ташлаб олган, қорачадан келган, узун бўйли қария бошчилигида бир қанча эркаклар кутиб олишди. Бобо анча қариб қолган ва зўр-базўр ҳассага таяниб турарди. Бобо қайчиланган мўйловини, оппоқ қордай узун сийрак соқолини томирлари ўйнаб қолган катта қўллари билан тинимсиз силаб қўярди. Бобо гапирганида соқоли селкиллаб унинг кексалигидан дарак бериб турса, сарғайиб кетган йирик-йирик тишлари эса «ҳали оғзи тўла тиши борлигидан» далолат бериб турарди... Унинг қора тусига оппоқ соқол унча ёпишмай, жуда ғалати кўринарди. Ҳамма уни ота дерди. У Айиқбойнинг отаси Майлибой экан.

Бизни катта ўтовга бошлаб киришди. Майлибой би-

лаң бувим тұрга чиқиб ўтиришди. Менга бувимнинг чап томонидан жой кўрсатишди. Қолган қариндошлар ёшларига қараб ўз жойларига ўтиришди. Ҳамма жим бўлди. Майлибой хириллаган овоз билан бувимни қутлади. У гапираётганида томоғида худди қимиз қулқуллаётгандай туюлди менга. Бувим ҳам ўз навбатида у билан сўрашиб-исташиб, муборакбод қилди. Шундан кейин бобо соқолига оқ оралаб қолган тўнғич ўғлини, қора, лекин жуда сийрак соқолли иккинчи ўғлини таништирди. Учинчи ва тўртинчи ўғиллари ҳали анча ёш бўлишса ҳам соқоллари бор эди. Кейин у ўз навбати билан қариндош-уруғларини таништира бошлади. Биз қимиз ичиб ўтирардик. Майлибой билан бувимгина гаплашар, қолганлар одоб сақлаб, уларга қулоқ бериб ўтиришарди.

— Ота!— деб мурожаат қилди кенжа ўғлидан каттаси.— Ҳамма нарса тайёр бўлганмиш.

Бобо ўтовдан ташқари чиқишга ишора қилди. У инқиллаб ўрнидан турди. Ҳаммамиз ташқарига чиқдик. Келин-куёвларнинг ўтови яқин ерга тикилибди. Қария ўз ўғиллари билан бирга Убианнанинг ўтовига кириб, сепу висотларини кўриб, яна қайтиб чиқишди. Бобо ёш келин-куёвларга «шинам ва бежоқли бошпана» қўшганликларидан мамнун бўлиб, бувимга миннатдорчилик билдирди. У отамни ҳам тилга олди, «шундай замонда» кекса бир одамнинг кўзини қувонтириб «шундай ясоқли» ўтов тортиқ қилгани учун унга ҳам миннатдорчилигини етказишни сўради. Соқолли ўғиллари эса чолнинг гапларини маъқуллаб туришарди.

Убианна ҳамон овулга кираверишда, кутиб олишган пастқамгина ерда хотин-қизлар қуршовида ўтирарди. Ўтов кўздан кечирилганидан кейингина уни бу ерга олиб келишди... Биз қайтиб катта ўтовга кирганимиздан кейин, энди бу ерга эркаклар киришмади, фақат

кампирларгина киришди. Майлибой уларнинг ҳар бирини бувимга таништирар ва ўзига ким бўлишини тушунтирарди. Уларнинг ҳаммалари бувим билан илиқ кўришишарди.

— Қалайсан, Қсратой!— деб Майлибойдан ҳол-аҳвол сўради, ёшликдан қолган одати бўйича, анчагина бардам бир кампир.— Мана энди кенжатоийингни ҳам уйлантириш вақти келибди, бу охирги тўйинг. Ҳеч нарсани аямай, сут билан мойни оқизиб қўйсанг ҳам кўтради!

— Ҳа, ҳақ гапни айтяпсиз, янга, сиз билан биз эҳтимол охиргисини кўраётган бўлишимиз ҳам мумкин...— деди Майлибой қарияларга ҳос ўкиниш билан.

— Бўлмағур гапни қўй! Хоҳласанг ўзинг кетавер, мен ҳали бир эмас, кўп тўйларни кўрмоқчиман,— деди ҳазиллашиб кампир.

— Беш ўғлинг, йигирма набиранг бор!— деб ҳазилга аралашди иккинчи кампир.— Шундай бўлганидан кейин сен илгарироқ кетасан-да, айтишларича, отанг билан онанг ҳам сенга мунтазир бўлиб туришганмиш.

— Худога шукур!— деб жавоб қайтарди Майлибой.— Худога Шукур! У мени хафа қилмади. Ошимни ошадим, ёшимни яшадим-у, лекин яна бир орзуим бор, Момишнинг қизидан кўрадиган набирамни бир ўпсам дейман,— деб кампирларга қаради, худди ўлими уларга боғлиқдай.

— Майли! Ундай бўлса, яшайвер,— деди сўзида давом этиб биринчи кампир,— бир эмас, кенжа келиннинг уч боласини ўпа қол!— У шундай оҳангда гапирдики, худди чолнинг ажали унинг қўлидадай эди.

...Улуғ Ватан уруши тўртинчи йилга қадам қўйган кезлари фронтда кекса солдатлар оғзидан шунга ўхшаш сўзларни тез-тез эшитиб турардим.

— Сен жин ургурни биринчи отиб ўлдиришса бўл-

масмиди!— деб мурожаат қиларди бир гвардиячи ўз ҳамшаҳарига.

— Нима қилибди, ўзинг итдай бўлиб кўмасан-да унда!— деб ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарарди иккинчи солдат.

— Қани, гапни қисқа қил, тамакидан ол, бўлмаса кўмиб овора бўлиб ўтирмайман!

У тўрвачасидан тамаки олиб берар экан:

— Кел энди, оғайни, Берлингача етиб борай, шайтон уяси қанақа бўлишини бир кўрай-чи!

Газета қоғозига тамаки ўраётган суҳбатдоши бепарволик билан қўл силтаб:

— Майли, сен айтгандай бўлақолсин, қаршилигим йўқ...— деди.

Вақт тақозоси билан, шароит ёки кексалик муносабати билан ўлим одатий бир нарсага айланиб, унга кўникиб қолганида, ажал устидан кулиш, ҳазиллашиш, афтидан, одамга қандайдир ички мамнуният ҳиссини бахш этса керак. Кишининг ўлимни писанд қилмаслиги, унинг устидан кулиши яхши-да, албатта!..

Майлибойнинг ўтови саккиз ёғочли эди. Утовнинг ёғочлари, устига қопланган кигизи ва боғичларига эътибор билан қаралса, талайгина йил хизмат қилгани кўриниб турарди. Намат парчаларини қўпол-сўпол йўрмаб қўйилганлиги эса оила бекасининг игна ишлатиш бобида уқувсизлигидан далолат бериб турарди. Ундан кўп йиллардан бери фойдаланиб келинаётганини, вақт ўтиши билан йўқолиб кетган безакларидан ҳам билиб олиш мумкин эди. Лекин ўтов кенг, унга анчагина одам сиғар эди. Кечга бориб, у одамга лиқ тўлиб кетди. Ёшлар тикка туришар, катталар бўлса ёшларига қараб, намат устида керилиб ўтиришарди.

Ташқаридаги югур-югур, ғала-ғовур бизнинг овулдаги меҳмонларни кутиб олишга тайёргарлик кўриляёт-

ган пайтдагидан кам эмасди. Катта-катта қозонларда гўшт қайнар, самоварлар шақиллаб турарди. Ҳамма келин-куёвга никоҳ ўқилишини ва келинчакнинг юзини кўришни кутиб ўтирарди.

Майлибойнинг ёнгинасида, бувим билан унинг орқасида бошига оқ салла ўраб олган, сариқ соқол хўжа— домла ўтирарди. Ҳамма уни «тақсир» деб ҳурмат қиларди. У бўлса ҳаммани «муртим — муридим» дерди. Мен унинг қайчилаб қўйилган мўйловига қарар ва ни- ма сабабдан ҳамма одамлар унинг «мурти» (мўйлови) бўлишига ақлим етмас эди... Билсам у киши — пир экан, унинг масчитига бориб, намоз ўқиб худога сажда қилувчи барча қавм унга тобе экан.

Ниҳоят ўтовга бўрсилдоқ юзли, қора соқолли, бар- васта, қирқ ёшлар чамасидаги бир киши кириб келди. Унинг исми Утеп экан. Утепнинг пайдо бўлиши ҳамма- ни жонлантириб юборди. У очиқ чеҳра билан ҳаммага салом берди. Уни олдинга, алоҳида кўрпачага ўтқазиш- ди. Утепнинг кенг елкаси олдимни тўсиб қўйди. Утовда юз бераётган нарсаларни кўриш учун бувимнинг елка- сига суяниб типпа-тик туришга мажбур бўлдим.

Хотинлардан бири ланғиллаб турган тошкўмирли жом келтириб, Утепнинг олдига қўйди. Утеп ҳам энг- ларини шимариб олиб, олов тафтига тутган бўлди. Ке- йин у ўнг қўлини чўзган эди, унга ўқлоғига ўхшаган иккита таёқни узатишди.

Утепнинг ишораси билан эшик очилди-да, икки жу- вон оқ харир рўмол ёпиниб олган Убианнани ўтовга олиб киришди. Келинни кузатиб кирган жувонлар тўрт тарафга таъзим қилиб, саломлашишди.

— Бемалол келаверинг, келинпошша! Сиз энди қа- йин отангизнинг ўтовидасиз!— деди бир дақиқа ҳукм сурган сукутни бузиб кампирлардан бири.

Убианна яна икки қадам юрди-да, Утепнинг қарши-



сида тўхтади. У кўкимтир кул боса бошлаган чўғ тўла жомга яқин турарди.

— Э-э-э-эй!— деб қўлидаги калтакни ўйнатиб, меҳмонларнинг эътиборини ўзига жалб қилди Утеп ва:

Келин келди, келинглари!

Кўрмоқ учун кўрманасин менга беринглари.

Агар сиз, келиннинг ойдек юзини —

Кўрмоқ истасангиз, кўрманани олдин беринглари...

— деб куйлаб юборди.

— Берамиз! Берамиз!— деган овозлар янгради.

— Қани тезроқ кўрсатақол!..

Утеп қуруқ сўз қулоққа ёқмаслигини, токи қўлга пул тушмагунча, томоқ ёғланмагунча, ҳеч кимга келинни кўрсатмаслигини ўланга солиб куйлади...

Майлибой Утепнинг оёқлари тагига ярим сўмлик бир неча кумуш тангаларни ирғитди. Бир жувон эритилган мой тўла косани келтириб унинг олдига қўйди. Бошқалар ҳам ўз навбати билан қурбиларига қараб бир мирими, икки мирим ташлай бошлашди. Бир зумда Утепнинг олдига тангалар уюлиб кетди.

Лекин Утеп бўш келмасди, токи тангалар келиннинг бўйи баравар бўлмагунча унинг юзини ҳеч кимга кўрсатмаслиги тўғрисида ўлан айтарди. Меҳмонларнинг сабрлари чидамас, ёлғондакам жаҳллари чиқар, Утеп эса, ўчакишиб, агар истаса жаннат париси ҳозироқ учиб кетиши, сеҳрли имо қилса бас, у ўтовнинг тепа тешигидан чиқиб кетишини айтиб, ҳаммани қўрқитган бўларди гўё.

Ҳамма ҳазилга ҳазил қилар, қўрққанга ўхшаб ундай қилмаслигини сўрашиб ёлворишар, яна танга ташлашарди. Утеп бўлса, ҳали тангалар уюми Убианнинг бўйи баравар бўлмаганига ишора қилар эди.

Хотинлар қўлларидаги узукларини, билагузукларини, кумуш ёки садаф тугмачаларини ҳам иргита бошлашди. Бир хотин адашибми, қора тугма ташлаб қолди. Буни кўрган Утепнинг жаҳли чиқиб кетиб, уни олиб четга улоқтириб юборди. Утовдагилар бундан норози бўлиб чуввос кўтаришди. Бечора хотин изза бўлганидан қип-қизариб, олови чиқиб кечирим сўради ва хатосини тузатиш учун қўлидаги йўғон кумуш билагузукларини чиқариб ўртага ташлади. Унинг ҳолати ҳалоллигини кўрсатиб турарди. Шунинг учун ҳам омма унинг гуноҳини кечирди.

Утепнинг қўшиғи янграй бошлади. У энди Убианнани уруғ-аймоғимизни, қариндошларимизни бирма-бир танитар экан, бувимни у ўз уясида ажойиб фарзандларни вояга етказган она бургутга ўхшатиб, кўкларга кўтариб мақтади. Бувим ҳам ўз навбатида Утепга ҳаммани қойил қолдириб, олтин узук совға қилди.

Утеп энди Убианнанинг гўзаллиги, дилбарлиги; очик кўнгил, камтар, ажойиб чевар эканлигини таърифлар экан, тез орада бу овул фақат унинг ҳусни-жамолидангина эмас, унинг чевар қўллари билан тикилган кашталар билан яшнаб кетишини қуйлай кетди. Убианна ҳарир рўмоли остидан бошини қимирлатиб миннатдорчилик билдирди.

Бундан тўлқинланиб кетган Утеп ўтовда ўлтирганларни баттар қизиқтириб, келинчакнинг юзини ойдан ҳам чиройли, кўзларини тим қора, тишларини дурга ўхшатиб мақтарди. Келиннинг бели хипчаликда қамишдай, оқликда сутдай деб мақтаркан, кўпроқ кумуш ва олтин тангалар ташлашни талаб қиларди.

Меҳмонлар унинг очкўзлигидан ажабланишар, Утеп бўлса, турли ҳийла ва найранглар ишлатиб уларни қулоқ солишга мажбур қиларди. У қўлидаги таёгини ўйнатиб, овози борича ашуласини давом этдирарди.

— Э-э-эй!— дея яна ҳамманинг эътиборини ўзига тортиб олди Утеп:

Эй, ўтовнинг тўрида ўлтирган  
Саксон ёшга кирган Майлибой...

У бор кучини сарфлаб, тезайтар ашуласини куйлашга ўтди. У Майлибойга қарата бағишловни куйлади ва Убианнани қайнатасига таъзим қилиб, икки букилиб салом беришга ундади. Убианна чолга икки букилиб таъзим қилди. Энди у ҳар бир мисрасини «фалончига салом»— деб тугатар эди.

Шундан кейин Утеп Майлибойнинг ўзи билан тенгқур бўлган уруғларини ҳар хил ҳазил-мутойибалар билан кетма-кет таништира бошлади. У куёвнинг энг яқин қариндошларини шу қадар қизиқ таърифлар эдики, ҳар гал ҳам кулгидан ўтов ларзага келарди. Баъзилар кўп кулганидан кўзларидан ёш чиқиб кетарди. Айниқса Утеп Майлибойнинг ўғилларидан бири — қирқ ёшлар чамасидаги, рангпар, пучуқ бурун, сийрак эчки соқолли Жартибойни қаттиқ аския қилди. Утеп унинг устидан кулар экан, сўлғин юзини қиз боланинг қирмизи ёноқларига; танқайган калта бурнини қирғий тумшугига; лаблари бурчидаги ўн чоғлигина тукни қулоғигача етадиган шоп мўйловга, тўрттагина эчки соқолини кўкраккача тушадиган паҳмоқ соқолга ўхшатиб, роса мақтовини келтирди.

Бу таъриф янада кучли кулги кўтарилишига сабаб бўлди... Жартибой бўлса, хижолатдан соқолини тутамлар, гоҳ оқарар, гоҳ қизарарди...

Убианна ҳамон чодир ёпиниб турарди. Унинг ёнидаги икки жувон ҳам ўзларини кулгидан зўр-базўр тутиб туришарди.

Ниҳоят Утеп:

— Жартибойга ҳам салом,— деди.

Убианна таъзим билан салом берган эди. Жаргибой энгил тортди шекилли, беихтиёр «уф-ф» деб юборди. Бу яна ҳаммани кулдириб юборди.

Утеп шошмай-пишмай яна бошқа қўшиқни бошлади. Утеп бу гал Убианнага эри ва бошқалар билан қандай муомалада бўлиши, янги ерда ўзини қандай тутиши, нималарни қилиши, нималардан қочиши тўғрисида панд-насиҳат қилар, маслаҳатлар берар, ўргатар эди.

Шундан кейин Утеп қўлидаги «калтак» билан Убианнанинг бошидаги чодирнинг бир учини кўтариб, олиб ташлади уни. Одамлар чувуллаганларича келинчакка тикилишиб қарашар эди.

Убианна уялиб-қимтиниб, Утеп қосада узатган мойни жомдаги чўғ устига қўйди. Чўғ вишиллаб келинчакни «тутун чодир» қуршаб олди. Аччиғ тутундан томоқлари ачишиб, нафаслари қайтган одамлар: «Бахтли бўлинглар!» деб қичқиришарди.

Қадим замондан, оташпарастилик давридан бизгача мерос бўлиб келаётган бу одатни амалга ошириш билан «юз кўрар» маросими ҳам якунланар эди.

Утеп тушган ҳамма тангаларни йиғиштирди ва ерда ётган шол рўмолни олди-да, ўтовдан чиқиб кетди. Ўтовдаги меҳмонларнинг бир қисми ҳам унинг орқасидан эргашишди. Ташқаридан:

— Менга! Менга ҳам бер!— деган овозлар эшитилиб турарди.

Афтидан, ўланчи таъқибчиларга чўтал бериб қутулаётган эди.

Майлибой Убианнага ҳозирлаб қўйилган жойга ўтиришини буюрди. У ўтовнинг ўнг томонига, хотинлар ёнига ўтиб, бир четга ўтирди. Ўтовнинг чап томонини эркаклар эгаллаб олишган эди.

Самоварни олиб киришди.

Хўжа жимгина ўтирар, аҳён-аҳёнда ўзига берилаётган саволларгагина қисқагина қилиб, «шундай, муридим» дея соф ўзбек тилида жавоб қайтарарди. Бу ерда юз бераётган воқеаларга эътибор ҳам бермай, бепарвогина ўтирарди. Негаки, бунақанги тўйларни кўравериб, унинг кўзлари пишиб кетган-да...

Чой ичиб, дастурхон йиғиб олинганидан кейин, хўжага мурожаат қилиб, никоҳ ўқишга ижозат сўрашди.

Тоза сув тўла заранг косани келтириб, Майлибойнинг олдига қўйишди. Майлибой заранг косага ярим сўмлик танга ташлади-да, уни хўжага узатди. Хўжа заранг коса юзига оқ рўмолча ёпди-да, кўзларини юмиб олиб қандайдир дуо ўқиб косага қараб суфлади. Шу пайт икки йигит Айиқбойни ўтовга олиб киришди. У Убианнинг қаршисида ўзи учун тайёрланган жойга бориб ўтирди. Хўжа Айиқбой билан бирга кирган куёвнавкарларни ёнига чақириб олди-да, уларга никоҳ қилинаётганларнинг исм-шарифларини билиб келишни буюрди. Улар куёв билан келиннинг ёнига бориб, савол берган бўлишди, кейин орқага қайтиб, хўжанинг қаршисида қўл қовуштириб таъзим қилдилар-да:

— Куёв — Айиқбой, у Майлибой билан Зулайҳоларнинг шаръий фарзанди, йигирма беш ёшга кирган, мўмин мусулмон.

— Келин — Убианна, Момиш билан Розиянинг шаърий фарзанди, йигирма бирга кирган, мусулмон,— деб жавоб беришди.

Хўжа йигитлардан «бу ерда — халқ олдида, у ёқда худо олдида» никоҳ ўқиш борасида гувоҳликка ўтишга тайёрликларини, бундай улуғ вазифани бажариш учун бу ерга келишдан олдин таҳорат қилганликларини сўради.

Йигитлар «ҳа» деб жавоб қайтаришди ва сўзлари тўғри эканлигига қасам ичишди.

Шундан кейин хўжа, келин ва куёвдан никоҳ ўқилишига ўз хоҳишлари ва чин юракларидан розилик берганликларини билишни топширди йигитларга. Йигитлар қўлларига тутқазилган оқ сочиқни бир четидан ушлаб олиб, аста-аста тебранганча Убианна томон борар эканлар:

Гувоҳлар, биз — гувоҳлармиз,  
Бугун халқ олдида  
Биз гувоҳликка ўтамиз,  
Маҳшарда эса худо олдида  
Биз гувоҳликка ўтамиз.

Улар Убианнанинг олдига етиб боргунга қадар ўзларининг «гувоҳлик» қўшиқларини айтиб тугатиш учун жуда майда қадам ташлашди. Улар бир қадам бердида туриб, келиндан никоҳ ўқишига розилигини сўрашди. Убианна жим турарди.

Худди шу сўзларни айтиб, Айиқбойнинг ҳам қарши-сига келиб, унинг розилигини сўрашди. Улар шу тариқа савол-жавобни уч марта қайтаришди. Ниҳоят, келин ва куёвнинг розиликларини олишди ва хўжанинг олдига келиб никоҳ ҳар иккала ёшнинг хоҳиши ва юрак рози билан бўлаётгани, бунга улар шоҳид эканларини билдиришди.

Хўжа дуо ўқиди, коса устидаги рўмолчани олди-да, уни йигитларга узатди. Улар косани Убианнага олиб боришди. Убианна сувдан ҳўплади. Кейин косани Айиқбойга узатишди, у ҳам бир қултум ичди. Гувоҳлар ҳам сувдан ҳўплашди... Сўнгра коса қўлма-қўл узатилди, энг сўнги томчи сув кимга насиб қилган бўлса, тангани ҳам ўша олди.

Шундан кейингина хўжа никоҳ ўқилиб бўлинганини тантанали оҳангда эълон қилди.

Майлибой хўжанинг олдига бир даста пул чиқариб қўйди, у шоша-пиша пулни олиб, қўйнига яширди.

Кўп ўтмай ўтовга бешбармоқ олиб киришди, шундай қилиб зиёфат бошланди.

Эратаси куни, нонушта пайтида, Майлибой бувимга миннатдорчилик билдирди, отамга салом йўллади, тўйнинг камини кўсти учун узр сўради, ўзи қариб қолгани, олис йўлга юриши амри-маҳоллигини айтиб, отамнинг хонадонига ташриф буюришини илтимос қилди.

Бувимга кимхоб мурсак, кўйлаклик, менга эса икки яшар той билан кумуш безакли қамчи совға қилишди.

Кейин биз катта ўтовдан чиқиб, Убианна билан хайрлашгани бордик. Бувим бутун овулни бошга кўтаргудай уввос тортиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган набираларини қучоқлаб олдилар. Биз Убианнага янги жойда бахтли бўлишини тилаб, йўлга чиқдик. Айиқбой бизни овулимизгача кузатиб қўйди. Отам уни биринчи марта ўз ўтовимизда кутиб олди, ўша кеча у бизникида тунаб, эртаси жўнаб кетди.

\* \* \*

Оиламиз ҳаётида бундан кейин юз берган ҳар бир кичик воқеа шахсан менинг ўзим учун қизиқ туюлади, лекин уларни икир-чикиригача ҳикоя қилиш китобхонни зериктириб қўйиши мумкин. Шу сабабли бундан буён ҳаммасини бошдан-оёқ ҳикоя қилиб ўтирмай, энг асосий дамларинигина тасвирлашга ҳаракат қиламан.

Убианнани узатиш ва унинг биринчи унаштирилиб қўйилган қайлиғи — Момит билан қайта ҳисоблашиш, қалин юзасидан олинган молларни қайтариш бизни анча камбағаллаштириб қўйди, то мен балоғатга етгунимча шу алфозда яшадик. Айниқса бу гапга чечангина ўғай онамизга ёмон таъсир қиларди. У кўпинча қозонни тў-

латиб овқат пиширмаётганини, эгни ёлчиб кийинмаётганини, умуман бу уйда уни қизқтирадиган нарса йўқлигини отамнинг юзига солар эди. Угай онам отамдан йигирма беш ёш кичик эди. Угай онамизнинг бу гаплари отамни ғазабини қўзғатди шекилли, унинг онасини, тоғасини овулимизга чақиртириб келди-да, уларга бундан буён у билан муроса қилмаслигини, ажралишга қарор қилганини айтди, эртагаёқ олиб кетаверинглар уни, деди. Бу сўзни эшитиб, улар ташвишга тушиб қолишди. Қизи беодоблик қилгани учун кампир отамдан узр сўради ва қизини қарғай кетди. Угай онам олдин безрайиб, жимгина ўтирди, кейин ўзини оқламоқчи бўлиб, бу гаплар билмай оғзимдан чиқиб кетди, деди.

Отам яхшилаб гаплашиб олишлари учун уларни холи қолдириб, мен билан Алиманнани бувимнинг уйига олиб кетди.

Бу воқеа бувимни ғоят ташвишга солиб қўйди. Бувим келинидан хафа бўлар, менинг онамни эслар, худди кечагина ўлгандек, уни қумсаб йиғлар ва ўгай онамнинг «ёмон сўзлар» айтишига йўл қўйган, бошлаб оғзига туширмаган отамдан ўпкаланарди.

— Эй худойим, мениям Розия билан бирга жонимни ола қолсанг бўлмасмиди-я!— деб жуда хафа бўлиб кетди.— Шундай бемаъни нарсаларни эшитмай, кўрмай ўла қолсам бўлмасмиди?

— Опа!— деди отам жиддий унинг сўзини бўлиб.— Келинг, худони тинч қўйинг!

Бунга жавобан бувим ғазабдан бўғилаёзиб, отамнинг ўзига ёпишиб кетди.

— Ҳали сен онанга ўргатмоқчи бўляпсанми? Шошмай тур, менга сўз қайтариш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман ҳали сенга! Адабингни бериб қўяман! Қулоқларингни шундай чўзгилайки!

Отам жилмаярди.



— Майли опаюн, лекин аллақачонлар ёшим олтишга бориб қолганини унутмасангиз бўлгани.

Қўшни ўтовдан эса бошқа кампирнинг, ўгай бувимнинг газабли овози эшитилиб турарди.

Оиламиздаги бу жанжал эртаси кун тинчиди. Ўгай онам «оғзидан чиқиб кетган бу сўзлар» учун отамдан узр сўради, ўгай бувим эса отамга: «Хотининг ўтирган бўлса бошига, турган бўлса оёғига туширавер» деб тайинлаб жўнаб кетди... Лекин отамнинг кампирнинг бу топшириғини бирор марта ҳам бажарганини эслай олмайман.

\* \* \*

Мен Убианналарникига тез-тез бориб турардим, ўз навбатида Айиқбой ҳам бизникига келиб турарди. У бизникида бир-икки кун ҳам қолиб кетар, ер ҳайдаш, дон сепиш, йиғиштириш, янчиш ишларига қарашишарди. У ўз қариндошларига: «Қайнағам ҳали ёш, қайнатам қариб қолган, мен унинг катта ўғли ҳисобланаман, унга ёрдам беришим керак», деб тушунтирарди.

Бир йилдан кейин бувим бетоб бўлиб қолди. У ётиб қолганининг учинчи кун отамни ўз ҳузурига чақирди. У узала тушиб ётар, қисқа-қисқа, оғир нафас оларди. Юзлари қип-қизил бўлиб, кўзлари ялтирарди. Кумуш тусли сөчлари эса ёстиқ устини тўлдириб ётарди. Унинг ияги остидаги серажин териси халтум-халтум бўлиб қолганди. Бувим ўзини оғир тутар, ихраб-сихрамас, ҳеч шикоят ҳам қилмас, менинг кўзимга негадир мамнундай кўринарди...

— Момиш!— деб мурожаат қилди у ўғлига.— Қизларимга, набирамга одам юбор, тез етиб келишсин, рози-ризалик тилашайлик.

— Ундай деманг, ундай деманг, опа!— деди отам.

— Олдин қулоқ сол!— деди буйруқ оҳангида бувим.— Табибни чақиртирмай қўяқол. Ҳозирча домла чақиришнинг ҳам ҳожати йўқ, Мўминтой билан бўш вақтларинг бўлганида галма-гал келиб қуръон ўқиб турсаларинг, шунинг ўзи ҳам кифоя.— Бувим бир оз ўйлаб қолди.— Серкабойни чақирма, у бақиравериб ҳамманинг жонига тегади. Борди-ю, ўзи келиб қолса майли, лекин Мўминқул жиғига тегавермасин...

Отам нимадир демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди...

— Бор, боравер, айтганларимни бажар,— деди оҳиста ва буйруқнамо, унинг гапини оғзидан олиб.

Қиш палласи эди. Ҳаммамиз оёқ учида, шарпа чиқармай жимгина юрардик. Отам билан амаким навбатма-навбат бувимнинг олдида ўтиришарди. Бизни унинг ёнига қўйишмас эди. Бувимнинг кийим-бошларини ювишар, ямаб-ясқашар, бизга бувимнинг ҳамма нарсаи покиза бўлишини талаб қилаётганини тушунтиришарди.

Уч кундан кейин ҳамма: икки аммам ва Убианна етиб келишди.

Бир куни бувим ҳаммамизни ёнларига чақиртирдилар. Биз кириб келганимизда баланд ёстиқларга суяниб ётардилар.

— Болаларим, умрим ҳам тугаб қолди,— сезиларсезилмас жилмайиб, қўшиб қўйди бувим:— Қани, «сарпойимни» ва «никоҳ кўйлагимни» кўрсатинглар-чи менга.

Шунда катта аммам Пияш пиқиллай бошлади.

— Йиғлама!— деб буюрди бувим.

Отам бошлаб ўроғлиқ оқ капанлик—«никоҳ кўйлагини», кейинчалик устига ёпиб қўйиладиган майин қилиб босилган чоғроққина оқ наmatни, сўнгра унинг ҳамма кийим-кечакларини кўрсатди.

Буларни кўриб бўлгандан кейин, бувим амакимни

ёнига чақариб олди-да, овозини чиқариб қуръон ўқишни буюрди.

Биз у энди ўлиб қолади деб қўрқиб кетдик. Амаким ҳам қўрқиб кетди, қўллари қалтираб қуръон варақларини очиб, ўқий бошлади.

— Ҳой, ўғлим, «бисмиллоинг қаёқда қолди»?— деб амакимни тўхтатди бувим.

— Бисмиллоҳу раҳмонур раҳим...— деди қироат билан амаким.

— Яхши,— деди бувим.— Энди ўқисанг бўлади.

Амаким энг кичик сурани ўқий бошлади, бувим қунт билан унга қулоқ бериб тинглади. У бизга кўз қирини ташлаб қўйди-да, шундай деди:

— Энди боринглар, болалар, дам олинглар, яна ўзим чақираман сизларни.

Биз бошқа уйга чиқиб кетдик. Бир неча дақиқадан кейин бувимнинг ёнида амакимни қолдириб, отам ҳам бизнинг ёнимизга келди.

Бехосдан:

— Опам ёмон бўлиб қолди! Опам ёмон бўляпти!— деган овоз эшитилди.

Амакимнинг овозидан қўрқиб кетиб, ҳаммамиз ўрни-миздан сакраб турдик.

Отам йўл-йўлакай кийинганича чопиб кетди.

Тонг саҳарда Алиманна билан бирга бувимнинг уйига чопиб кетаётганимизда, йўлда қўшнимиз Ойнабекнинг уйдан аёл кишининг чинқирган овози эшитилди.

Биз Алиманна билан қўл ушлашиб ичкарига кирганимизда отам бувимнинг бош томонида ўтириб олиб, қуръон ўқиётган экан. Бувим кўзини юмиб ётар эди. Ҳамма ҳаяжонга тушиб, жимгина атрофини ўраб турарди. Амакимнинг кўзи жиққа ёшга тўлган, у титроқ овоз билан:

— Опа! Опа!— дерди.

— Қуръон эшитишига ҳалал берма,— деб уришиб берди отам амакимни ва у яна қуръон ўқишни давом эттираверди...

Бувим оғзини тамшанган бўлди, бақбақаси енгилгина қимирлади ва у мангуга жим бўлиб қолди.

Отам:

— Хайр! Алвидо, опа!— деб оқ рўмол билан бувимнинг юзини ёпди-да, ўрнидан турди.

Амаким ва аммаларим йиғлаб юборишди.

Ойнабек кириб келиб, таъзия билдирди. Ҳамма бир оз жим бўлганидан кейин у:

— Бугун тонгда худо бизнинг овулдан бир кишини ўз ихтиёрига чақириб олди ва бизга янгисини инъом этди!— деди.

Унинг сўзларидан хотини қиз туққанини англаб олдик. Кейинроқ чақалоққа бувимнинг исми қўйилди ва унинг қизи ҳисобланди. Қўшнилари келишиб, ҳамма ёқни қордан тозалашди, янги ўтов тикишиб, бувимнинг жасадини ўша ерга олиб чиқишди.

Ўтроқлашиб қолган бизнинг жойларда қиш пайти бўлса марҳум учун янги ўтов тикилар ва у бу жойга «меҳмон» бўларди. Бу одат қаёқдан келиб чиққанини билмайман: боболаримиз одатидир ёки жасадни салқин ерда сақлаш учун шундай қилингандир, ҳар қалай марҳум жасадини кўчманчи учун қулай бўлган ўтовдан чиқаришади. Қандай бўлса бўлгандир, лекин ўтроқлашиб қолган бизнинг жойларда янги ўтовнинг пайдо бўлиши, кимнингдир дунёдан ўтганлигини маълум қилар эди. Бувимнинг жасадини ўтовнинг ўнг томонига қўйиб, олдини юпқа тўқилган бўйра билан тўсишди. Ўтовда қўшни овуллардан келган кампирлар ўлтиришарди. Амаким ва мен белимизни боғлаб олиб, ўтов ёнида ҳасса таяниб турдик. Отам дафн маросимига тараддуд кўриш билан машғул бўлди.

Бувим билан видолашиш учун атрофдан жуда кўп одамлар кела бошлади. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўшни овуллардан келишар, овулимизга яқинлашганлари ҳамон: «Бувижоним! Бувижоним!»— дея нола чекишарди.

Улар бизнинг ёнимизга келиб, кўзларига ёш олишар, ўтовга кириб, кампирлар билан кўришиб йиғи берар ва кейин ташқарига чиқишар эди. Овуллардан келаётганларнинг кексалари бизнинг ёнимизга келиб, таъзия билдиришганидан ва бувимнинг яхши хислатларини эслашганларидан кейингина йиғидан тўхташарди.

Қўшни овуллардан то кечга қадар саф-саф одамлар келиб туришди. Қош қорайганидан кейингина амаким билан мен «навбатчиликдан» қутулдик. Одатимизга кўра ўлик чиққан уйда овқат пиширилмайди, шу сабабдан қўшнилари иссиқ овқат ва чой келтиришди.

Эртаси кун эрталаб узоқ овуллардаги қариндош-уруғлар фотиҳага етиб келишди. Бошига салла, эгнига оппоқ чопон кийиб олган нуроний домла қуръон ўқиди. Кампирлар бувимнинг жасадини ювиб-тараб капанладилар, оқ наматга ўраб қўйишди. Отам тўпланганларга йиртиш ва кумуш танга улашди.

Отам билан амаким ўтовга кириб, гилам билан қопланган тобутни елкаларида кўтариб чиқишди. Тўпланган халқ уларни қуршаб олди. Болалар тобут устидан ҳовучлаб чақа сочишди. Одамлар уни талашиб олишарди.

Тобутни ўтовдан юз метрлар чамаси узоқликка олиб бориб қўйишди. Амаким чилвир арқонга боғланган отни етаклаб тобут ёнига келди-да, унинг учини домланинг қўлига тутқазди. Домла ва бошқа одамлар қирқ қадам орқага ташланишди. Кейин арқонни ушлаб олган домла ўн қадам олдинга юриб, ерга тиз чўкди. Қийикбой уруғидан бўлган қари Эшдавлат домланинг қаршисига бориб ўтирди. Домла қандайдир дуони ўқиб,

чилвирни Эшдавлатга тутқазди ва ўзи ҳам чилвирни қўйиб юбормай, «бувимнинг гуноҳини унга ўтказа бошлади».

— Сен, худонинг қули,— деди Эшдавлатга у,— марҳуманинг гуноҳларини қабул қилиб олишга қодирми-сан?

Домла кўз кўрган, қулоқ эшитган, оғиздан чиққан, жисман ва фикран қилинган гуноҳларни бирма-бир тилга олди.

Ҳар бир саволга Эшдавлат: «Қабул қиламан»,— деб жавоб қайтарар эди.

«Қабул қиламан» деган сўз қайтарилганидан кейин домла чилвирни озгинагина бўшатар эди. Эшдавлат марҳумнинг ҳамма гуноҳини ўз елкасига олиб бўлгач, домла яна яратгувчи қаршисида ибодатни тарк этмай марҳумага бағишлашни, уни гуноҳлардан форуғ этишни зиммасига юклади-да, чилвирни қўйиб юборди.

Эшдавлат ўрнидан туриб, отни ўз ҳовлиси томон етаклаб кетди.

Домла тобут ёнига келиб, жамоатни жаноза ўқишга чорлади. Жамоат домланинг ортига саф тортди, бувимнинг руҳига бағишланган жаноза ўқилди.

Шундан кейин отам билан амаким тобут ёнига келиб, уни елкаларига кўтариб олдилар. Кўмиш маросими қатнашчилари қабристон томон йўл олишди. Қабристонга фақат эркаклар боришди, хотинлар овулда қолишди. Ҳамча жим, бўйнини эгиб борарди.

Тепалик устида қабрни тайёрлаб қўйишган экан.

Ҳозирги кунларда баъзан тобути билан кўмиш ҳам пайдо бўлиб қолмоқда. Боболаримиз бўлса буни катта гуноҳ ҳисоблашар: «Одам турпоқдан пайдо бўлган, у яна тупроққа қўшилиши керак»,— дейишарди.

Бувимнинг қабрини отам текшириб кўрди, у лаҳадга сакраб тушди-да, қибла томонга бош қўйиб, қўлларини

ёзиб кўрди, кейин ўрнидан туриб ўлтирди, у ёқ-бу ёғни кўздан кечириб, кейин сакраб ташқарига чиқди. Отам паст бўйли, жиккакдан келган одам бўлгани сабабли ўз текширувидан қаноатланмади шекилли, амакимга қараб гўрни бошқатдан кўздан кечиришни ишора қилди унга. Нега деганда бувим жуда йирик аёл эди-да. Амаким итоат билан отам қилган ҳаракатни қайтарди, лекин кўнгли бўшлигиданми ҳўнграб йиглаб юборган эди, отамнинг жаҳли чиқиб:

— Бас! Кўз ёшингни оқизиб, пок ерни булғам! Қани, чаққон чиқ бу ёққа!— деб ўшқириб берди.

Шундай қилиб, бувим ўзининг абадий «хонасига» киргунига қадар унинг иккала ўғли ҳам у жойни зиёрат қилиб чиқишди.

Оқ наमतга ўраб қўйилган бувимни фарзандлари оҳиста ўз жойига туширишди. Кейин наमतни ёзиб, кафанни бош ва оёқ томонини ечишди, кейин юзини очиб, қиблага қаратиб ётқизиб қўйишди. Сўнгра лаҳад оғзига гувала таҳлаб, турпоқ ташлашди. Ҳар бир киши қисимлаб тупроқ ташларкан: «Имонинг йўлдош бўлсин», «ётган еринг юмшоқ бўлсин»... дея фотиҳа ўқишарди.

Амаким додлаб ерга ётиб олди, бошига муштлаганча: «Воҳ, у ер қоронғи бўлиб қолди!»— деб гўлдирарди.

— Тур ўрнингдан! Додлайверма!— деб уни койирди отам.

Амаким зўр-базўр ўрнидан туриб, белкуракда тупроқ ташларкан, керакли дуони ўқир эди.

Қабр устида кичик гумбаз пайдо бўлди. Ҳамма қабр атрофига тўпланиб, тиз чўкди. Домла қабрнинг қибла тарафига ўтирди-да, қуръон ўқий бошлади. Домла қуръон ўқиб бўлганидан кейин ҳам одамлар беш минутлар чамаси сукут сақлаб ўтиришди. Кейин ҳамма ўрнидан турди-да, қирқ қадамча юриб, бирдан яна орқага қайт-

ди, қабр тепасига келиб, бувим тўғрисида баланд овоз билан: «Бу марҳума мўмин-мусулмон, ҳеч кимнинг дилини ранжитмаган оқ кўнгил, покиза аёл эди»,— деб олқишлашди. Шундан кейингина орқага қайтишди.

Одамлар қирқ қадам юргач, марҳумани сўроқ қилгани қабрга ҳазрати Жаброил кириб келармиш, шунда марҳум шошиб қолиб, гапидан адашиши, саволларга тўғри жавоб беролмай қолиши мумкинмиш, шунинг учун одамлар орқага қайтиб, унга «ёрдам» беришармиш. Тирикларнинг бу овозини эшитган Жаброил марҳума ҳаётда мўмин-мусулмон одам бўлганига ишонч ҳосил қилармиш. Кейин у сўроқни тугатиб яратувчининг ҳузурига учиб борармиш-да, яна бир банданинг гуноҳкор дунёдан воз кечиб, у дунёга келганини хабар қилармиш.

Ҳамма овулга қайтиб келди. Хотинлар бизни йиғи билан кутиб олишди. Олдин чой, кейин уйимизда тайёрланган бешбармоқ тортишди. Овқатдан кейин қуръон ўқилди, савоби бувимларга бағишланди. Бувимга атаб қилинган шомги таомдан кейин, отам домланинг олдига бир даста пул қўйди-да, қилган тиловати учун ҳамманинг номидан миннатдорчилик билдирди.

Бувимнинг кийим-кечаклари ва тақинчоқларини сандиққа солиб қулфлаб қўйишди.

Қариндошлар яна уч кун азада иштирок этиб турдилар-да, кейин тарқалиша бошлашди. Аммаларим ва Убаинна биз билан хайрлашар экан, бувимни эслаб, кўз ёши қилишди, биз оға-ини, опа-сингилларни боғлаб турган бувимлар ҳам оламдан ўтдилар, энди бизни унутиб юборманглар, арвоҳ хотира қилиб бориб келиб туринглар, дейишди. Бизникилар ҳам ўз навбатида эҳтиром кўрсатиб, бувимнинг арвоҳи яна ҳам яқинлашишга ундашини айтишди.

Ҳар жума шам ёқилиб, қуръон ўқиларди.



Гарчи қозоқлар кексаларнинг ўлимини ҳазиллашиб «бир тўй-да» деб ҳисобласалар-да, ҳар қалай бувимнинг вафотига бизлар жуда қаттиқ қайғурдик. Ҳаммамиз — отамдан бошлаб ичларида энг кичиклари менгача — аллақанча вақтгача ўзимизни етим ҳис қилиб юрдик.

Бувимнинг вафоти мен умримда биринчи марта кўрган ўлим эди, қозоқларнинг бутун расми-одатига амал қилинган дафн маросимига ҳам биринчи маротаба иштирок этишим эди.

\* \* \*

Бувимнинг вафотидан сўнг бизнинг хонадон узоқ аза тутди. Ҳаммага нимадир етишмас, ҳамма хафа, ғамгин эди. Уйдагилар қош-қовоқларини уйиб юришар, энг зарур рўзгор ишлари бўйичагина бир-бирларига луқма ташлаб қўйишарди, холос. Гўё бувим севинчу баҳсларни, болаларнинг жанжалию шовқин-суронларини, оила ташвишларини, пешинлик ва оқшом дастурхонларининг файзини ўзи билан олиб кетгандай, ҳамма оғзига толқон солиб олгандай эди.

Аёллар чурқ этмасдан овқат пиширишар, сузиб бизга узатишар, биз эса жимгина ўз улушимизни тамадди қилардик.

Жуда таъсирчан амаким ўзининг дардли фиғонлари билан бизни ҳар нафас қайғуга солиб турарди. Амаким қоқ ерга чалқамча ётиб олиб, кўзларини шифтга тикканча оғир-оғир хўрсиниб қўярди, бундай пайтларда отам унга қовоғини солиб қараб қўярди. Биз ҳаммамиз амакимга тикилган қўйи чурқ этмай ўтирардик.

— Мўминтой!— дерди отам укасига бундай дамларда.— Тур, бориб молларга қара!

Амаким ўрнидан турар ва шошилмай уйдан чиқарди. Ҳовлига чиқиб, беихтиёр от ва сигирларни ечиб, қўй ва эчкиларни қўйиб юборарди. Улар ариқ томонга оти-

ларди. Сўнгра амаким ғарамдан бир қучоқ пичан олиб кўрага сочарди. Ҳайвонлар емга ташланишар, амаким эса чўккалаб олганча уларга ғамгин тикилиб ўтирар эди.

— Уйга юр,— дерди шунда отам. Амаким ўрнидан кўзғалиб, итоат билан унинг кетидан эргашарди.

Биз ҳаммамизга бувимнинг хонаки ҳокимияти, унинг салобатли дашному бақириб-чақирешлари, амирона имо-ишоралари, маъқулловчи кулгиси, меҳрибончилигию ғоятда қаттиққўллиги етишмасди, бизга эртактлар айтиб бераётган пайтларида тевараги ажинлар билан қопланган меҳрибон кўзларида акс этиб турадиган айёрона, мулойим кулгисининг ўрни билинарди.

Жангда қўққисдан командирдан жудо бўлиш сафларга саросима солгани каби, кундалик ҳаётда ҳам шундай бўлди. Хонадонимиздагиларнинг ҳаммаси дунёга келган кундан бошлаб то шу кунга қадар бувим ўрнатган қатъий тартиб асосида тарбияланган ва бунга одатланган эди. Шу сабабли ҳамма гангиб қолди, катталардан ҳеч бири бувимнинг вазифаларини ўз зиммасига олишга, унинг ўрнини босишга журъат этолмади. Гўё биз бувимни кутардик, у ҳадемай келиб қоладигандай, оилани чуқур ғафлат уйқусидан уйғотиб, унга ҳаётбахш туртки берадигандай туюларди назаримда. Аммо, афсуски, кунлар ўтгани сайин унинг бизни абадий тарк этганига ишонч ҳосил қила бордик.

Вақт ўтиши билан қорайиб, бўёқлари кўчиб кетган бобомнинг нақшинкор, вазмин ёғоч каравоти эски жойида, хонанинг чап томонида турарди. У ўзининг сўнги бурчини адо этди — бувимга ўлим тўшаги бўлиб хизмат қилди. Бувимнинг одмигина кўрпа-тўшаги саришта қилиб йиғилган. Таомилга кўра, каравотда ҳеч ким ётмаслиги лозим эди.

Бизни энди ҳеч ким меҳрибонлик билан эркалатмас,

тунлари эса бувимнинг кексаларча инқиллашини ҳам, қаттиқ йўталини ҳам, беозор пишиллашини ҳам ортиқ эшитмасдик.

Бувимнинг вафотидан сўнг икки ҳафта ўтгач иккита бўрдоқ сўйилди, бешбармоқ тайёрланди, бўғирсоқлар пиширилиб, бутун овул таклиф этилди. Бувимни ювган кампирлар тўрда, қолганлари ёшига муносиб тартибда ўтиришарди. Бувимнинг арвоғига бағишлаб қуръон тиловат қилинди ва келганларнинг ҳаммаси унинг «жойи жаннатда» бўлишини тилаб, овқатга қаради. Овқат маҳали ҳеч ким индамади, аммо чой узатилганда отам ўрнидан туриб, ўтирган меҳмонлар орасидан ярим доира ўртасига ўтди. Амаким унинг ёнига ўтиб турди. Отам қўлларини кўксига қўйиб, кичкина бошига ҳайбатли кундиқ ўраган, юзлари чуқур ажинлар билан қопланган, буғдой ранг кампирга мурожаат қилди.

— Муҳтарама опа,— деди отам,— сиз ўзингизнинг муътабар дугоналарингиз билан,— у эҳтиром билан ёнида ўтирган кампирларнинг номларини санаб чиқди,— бизнинг суюкли онамизга ва унинг муқаддас оқ сутини эмиб катта бўлган бизларга шундай яхшилик қилдингизки, бунинг қадрини билишга ёлғиз худогина қодир...

— Биз ҳаммамиз ҳам худонинг бандаларимиз, ўғлим! Биз ўз бурчимизни бажардик, холос,— титроқ товуш билан чайналди кампир. Ўзидай кекса дугоналарни уни маъқуллаб туришди.

— Биз сизлардан бир умр қарздормиз, опа,— давом этди отам, амаким эса негадир букчайиб, акасининг гапларини такрорлаётгандай бошини ирғарди.— Бизнинг миннатдорчилигимизни самимият билан қабул қилинг, муҳтарама опа!

Амаким ва отам кампирларга уч марта қуюқ таъзим қилишди.

— Қабул қиламиз, қабул қиламиз,— вўлдиради лоқ кундикли кампир.— Онангиз олдидаги ўғиллик бурчингизни бажо қилганингиз учун сизни ҳурмат қиламиз.

— Сизлар, Мумиш ва Мўминқул, биздан эмас,— ўткир товуш билан унинг гапини бўлди бошқа бир шаддод кампир,— онангиздан бир умр қарздорсиз.

— Сизларга раҳмат, болалар. Сиз унинг маъракасини яхши уюштирибсиз,— ўз навбатида қўшиб қўйди учинчи кампир.— Бизга ҳам худойим илоё онангизнинг кунини берсин.

— Йўқ. Уларнинг қилганлари ҳали етарли эмас!— Яна шанғиллади бояги шаддод кампир.— Ахир болалар она чеккан заҳматнинг юздан бирини ҳам оқлаёлармиди, уларни юрагининг остида кўтариб юрган бўлса, уйқу не, ором не билмай ўстирган бўлса! Йўқ, сиз шундоқ бўлиб туғилмагансиз, сизни катта қилиб оёққа турғизган она,— дея гапини тугатди у.

— Ҳа, ҳа, сиз ҳақсиз, опа,— жавоб берди отам, амаким эса кўнгли бузилиб пиқиллаб йиғлаб юборди.

Уй ичидагилар бувимнинг кийим-бошини келтиришди ва бир уюм қилиб энг кекса кампирнинг олдига қўйишди. Шунда у тишсиз оғзи билан неларнидир пичирлаганча кампирларга уст-бошларни улашиб чиқди. Бу буюмлар тарқатилиб, фақат тақинчоқлар қолганда кампир тин олиб, атрофни кўздан кечирди-да, уларни ёшроқ аёлларга, бирига зирак, бошқасига узук, қолганларига билагузук, маржон шодаларини улашиб бераркан: «Эсдалик учун тақиб юр», дерди.

Ҳамма тарқаб бўлгач, бувимнинг каравотини икки киши ташқарига олиб чиқиб, офтоб ва шамолда турсин учун томга қўйиб қўйишди.

Шундан сўнг уйда бувимни эслагувчи ҳеч нарса қолмади.

«Онадан бир умр қарздор»... — бояги шаддод кам-пирнинг бу сўзлари эсимда чуқур ўрнашиб қолди. Мен ҳаётимиз ва мавжудлигимиз — шунчалик кўп нарсалар учун биз бувимиздан миннатдор бўлишимиз шарт эканини тушундим. Бувим қазо қилгандан сўнг ҳаммамиздан кўпроқ изтиробга тушган амакимнинг алам чекиши ва ғам-андухга ботиши буни алоҳида таъкидлаб турарди. Мен ҳатто бувимнинг вафотига амакимдай қаттиқ қайғурмаётганимдан хижолат бўлардим, ахир у тириклигида худди шу кенжа ўғлини ҳаммадан кўпроқ уришарди-да.

Мен ҳам бувим хотирасига нисбатан йўл қўйган хатоимни тузатиш, гуноҳимни ювиш истагида болаларча соддадиллик билан амакимга астойдил тақлид қила бошладим. Отам ўргатган бир-иккита дуони ёддан билардим, ётар олдидан, уларни кўнглимда бувимга бағишлаб ўзимча такрорлардим.

Бир неча кундан кейин отам бувимнинг ўлими билан боғлиқ юмушлардан қутулган бўлди. Салом-аликсиз, таклифсиз тўрга ўтиб, фотиҳа ўқийдиган ва: «Инсон умри шу-да!» «Илоҳи бола-чақаларининг умри узун бўлсин», «Тириклар, шукур қилинг!» деб ҳамдардлик билдирадиган таъзияга келувчилар тобора сепсила бошлади.

Одатда меҳмонга чой қўйишар, кейин отам ёки амаким ташқарига кузатиб чиқиб, унинг отга минишига ёрдамлашиб юборишарди.

Ҳали таъзияга келиб ўз бурчини бажармаган таниш-билишларга дуч келмаслик учун таомил оиламиз аъзоларини жамоат жойларида пайдо бўлишини ман этарди.

Азадан қутулишга шошганларни халқ: «Кечагина қариндошини кўмди-ку, бугун юришини қаранг!» — деб айбларди.

«Қариндошларини доғда қолдириб, уйини абадий тарк этган одамникига фотиҳага бормабсан-а ҳалигача»— деб халқ таъзия билдиришга шошилмаганларга таъна қиларди.

Биз уйдан чиқолмай қолдик, нега деганда овулимизга яқин йўлаган кишилар эса ўз бурчларини ўташ учун бизнинг уйимизга шошилишарди.

Расм бўйича таъзия изҳор қилувчи оиланинг ҳамма катта аъзолари ўзининг овуллик дўстларидан уч-тўрт киши ҳамроҳлигида келишади. Улар хуржунда сўйилган қўй, бўғирсоқ, чой, шакар ва қуръон ўқитиш учун «фотиҳа ўқирлик» мол ёки пул келтиришади.

Улганнинг руҳи шод бўлсин учун дуойи-такбир қилиниб, худойилар берилади. Кўпчилик оилалар шу заҳотиёқ «фотиҳа ўқирлик» ёнига ҳамроҳ бўлиб келганларга улашиладиган «йиртиш» қўшиб қайтаришади. Томонларнинг ҳар бири ўз яқин кишисининг руҳини шод қилиш учун ҳеч нарсани аямасликларини, бу омонат дунёда бойликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлигини ва марҳум олдидаги ўз бурчини адо этиш, унинг иззатини жойинга қўйиш учун ҳамма расм-русмларни бажаришга тайёр эканини таъкидлайди.

Бувимнинг таъзиялари бир йилгача давом этди. Бизникига ҳамма уруғ-аймоқларимиз келиб кетди — ёдимда бўлса, улар йигирма иккита оила эди. Ҳар ойга иккита маърака карвони тўғри келарди. Бу йўқлашлар менга узоқ районлардаги ҳамма уруғларимиз билан танишиш имконини берди. Улар орасида бадавлатлари ҳам, ўрта ҳоллари ҳам, қашшоқлари ҳам бор эди. Қамбағаллар учун бу қимматга тушарди — улар бисотларидаги охириги нарсаларини олиб келишарди. Отам билан амаким уларга айниқса катта эътибор беришарди. Жиянимиз Арислоннинг ўзига ўхшаш икки юпун қийимли ҳамроҳни эргаштириб келгани эсимда! Улар бозордан харид

қилишган бўлишса керак; бир-икки қадоқ гўшт, бир қути чой ва бир қадоқ шакар келтиришди. Дастурхонга бир неча беш сўмликни қўйиб, гуноҳкор қиёфада дейишди:

— Камбағалнинг қўли қисқа, ammo чин кўнгилдан бувимизга атаймиз.

Уларни биз сидқидилдан қабул қилдик, беш сўмликларини икки баравар қилиб қайтариб бердик. Арислон шу ернинг ўзида соддадиллик билан пулларни тенг бўлиб ўртоқларига улашди.

— Камбағал танти бўлади, лаънати хасислик унга ёт,— дерди отам кейинчалик Арислоннинг хоксорлигини ва бадавлат Қирқбойнинг қурумсоқлигини ҳамда унинг: «Бисот тийиндан йиғилади» деган қондасини эслаб. Ҳа, дарҳақиқат, ҳамма халқлардай бизнинг камбағаллар ҳам Қирқбойга ўхшаганларнинг қондасига зид иш тутишар, пасткаш эмасдилар...

Қирқбой бадавлат киши эди, менинг Пияш аммам унга иккинчи хотин бўларди. Қирқбойнинг хонадонидан у иккинчи ўринда бўлмаса-да, ҳар ҳолда эри билан ҳисоблашишга мажбур эди.

Кунлардан бир кун мени амаким уларникига меҳмонга олиб борди. Қирқбой тежаб-тергаб, хасислик билан исқирт ҳаёт кечирарди. Утовнинг ўртасида касалманд чол ўтирар ва уй пазандачилигига аралашгани аралашган эди. «Йигирмата бўғирсоқ пиширинглар», «Чойнакка бир чимдим чой солинглар, ўтган сафаргидай қуюқ бўлиб қолмасин». «Қозонга мана бу гўштларни солинглар», «Қозонга сувни кўпроқ қуйинглар, шўрва ҳаммага етсин», «Хамирни икки зувала қилинглари, меҳмонларга шу кифоя», «Нега шунча тоза тезак олиб келдинглар?», «Бунча тузни қаёққа соляписизлар. У қора тоғнинг тошларига ўхшаб думалаб ётгани йўқ-ку», «Батрақларга атала беринглар». Шу йўсинда минғирлагани

минғирлаганди, унинг бақириқ-чақириқлари оқшом бўйи тинмасди. Уйдагиларнинг ҳаммаси итоат билан унинг ҳамма буйруқларини бажаришарди. Бу эзма чол ўзининг танбеҳларисиз ҳеч кимга ҳеч нарса қилдирмас эди. Хотин, келин ва ўғиллари унга гап қайтаришмас, аммо уларнинг чеҳрасидан нафрат, кўзларидан эса: «Қачон ўласан-а? Жуда қулоқ-миямизни еб юбординг-ку», деган маънони ўқиш мумкин эди.

Чой келтирилиб, дастурхонга йигирматача бўғирсоқ сочилгач, Қирқбой уч чақмоқ қанд олишни буюрди, иккитасини ўзи майдалаб дастурхонга сочиб юборди-да, учинчисини эса яна сандиққа солиб қўйишни буюрди ва неча чақмоқ қанд қолганини суриштирди.

— Йигирмата бўлса керак,— жавоб берди Пияш аммам.

— Қанақасига йигирмата бўлади? Эрталаб йигирма еттита эди, икки чақмоғини мен ҳозир майдаладим, биттасини қайтариб бердим, йигирма бешта қолиши керак,— безовталаниб қолди Қирқбой.

— Ахир уй меҳмонсиз бўлмаса, — ўзини оқларди Пияш аммам.— Бугун қўшни овулдан меҳмонлар келишганди.

— Қўшниларни ширин чойга ўргатишнинг нима кераги бор?! — ғазабланиди Қирқбой.

Бу ғалати, мен одатланмаган оилавий қангомани тинглаб Қирқбойнинг ишораси билан дастурхонни йиғиштириб қўйишганини пайқамай қолибман.

Бешбармоқ пишгандан кейин, Қирқбой яна «дийдиёсини» бошлади: «Бу лаганчага мана бу бўлак солинади, мана бунга хамир солинади, мана буни майда-майда қилиб тўғраб, қолган хамирга қўшиб бошқаларга улашиш керак».

Биз уч кишига битта лаган қўйилди. Қирқбой энгларини шимариб, гўштни майдалаб тўғрай бошлади. Ҳам-



маси тайёр бўлгандан кейин у бизни овқатга қарашга таклиф этди. Мен тотиб кўрдим — хамир ниҳоятда қалин ва шўр эди. Афтидан, хамир қорган келин тузни «икки зувала»га мўлжаллаб солмаган бўлса керак. Гўштнинг мазаси йўқ, сал ҳидланиб қолипти. Мен лаганга иккинчи марта қўл узатиб ўтирмадим. Амаким лаганга қўл узатиб, қуруқ қўлини оғзига олиб борар, ўзини еяётганга соларди. Қирқбой эса оч бўридай бешбармоқни туширарди. Унинг жўжабирдай оиласи қўлларини чўзиб, илинган бурдаларни яширинча оғзига солиб қозом атрофида уймаланишар эди.

Қирқбой лаганини охиригача паққос туширди, қўлларини кўнжигга суртиб артди-да, узатилган шўрвани ичиб, соқолини силаб қўйди.

— Соз бўпти! Соз бўпти! — деди у мамнун товуш билан! — Худди кўнгилдагидай чиқипти. Ортиқча пиширишни нима кераги бор? Доим шундай қилинглар! — насиҳат қиларди у анграйиб қолган хотин ва келинларига, ярим оч оила аъзолари эса бошларини қуйи солиб ерга тикилишарди.

Ярим кечада мен уйғониб кетдим.

— Нега ухламаяпсан? — сўради амаким.

— Қорним очиб кетди.

— Секинроқ! Уят бўлади, озгина чидагин, эрталаб Келимбетникига борамиз, у ерда сени яхшилаб тўйгазишади.

Саҳарда қандайдир баҳона билан амаким Қирқбойнинг овулидан жўнашга шошила бошлади. Биз оч-наҳор жўнадик.

Келимбет менинг кичик аммам Убигулнинг қайнатаси эди. У Қирқбойнинг овулидан йигирма чақиримча нарида, Қоратовда оҳак дараси деган маънони билдирувчи Бўр-Қозғон дарасида яшарди. У ҳам аёлманд киши эди, бироқ ўзи камбағал, тўғрироғи, камқувват ўртаҳол

хўжалик эгаси эди. Уларнинг овуллари покиза ва саришта. Бутун оила бизни очиқ чеҳра билан қарши олди. Бизни самимий қутлаб, ҳол-аҳвол сўрашди.

Амаким даставвал бизнинг очлигимизни маълум қилди. Шунда аммамнинг қайнонаси — қорамағиздан келган, қотма, хушфеъл кампир самовар қайнагунча ҳаял ўтмай олдимизга нон, қурут, мой, қаймоқ, сут қўйди.

Қорнимни тўйғазиб олиб, амакимга қарадим-да, Қирқбойга тақлид қилиб дедим:

— Соз бўпти! Соз бўпти! Худди кўнгилдагидек чиқпти.

Амаким хахолаб кулиб юборди ва чой устида кечаги Қирқбойникида ўтказилган оқшом ҳақида сўзлаб берди. Келимбетнинг дастурхон устида очилиб-чочилиб, тотувгина ўтирган бутун оиласи кулгидан ичаги узилаётди...

Бироқ мен мавзудан бир оз четга чиқиб кетдим. Шундай қилиб, бувимнинг вафотидан кейин ўтган бир йил ичида бизникига шажара бўйича барча қавму қариндошларимиз келиб кетди. Серкабой оғанинг келиши дабдабали, алоҳида салобатли бўлди. Серкабой оға худойиликка саҳоват қилиб лиқ тўла хуржунлар келтирди. Бу гал у индамас, амакимга ўдағайламасди. У бувимнинг қабрига бориб келди, онламининг катта авлодидан энди ёлғиз қолганини айтиб хўп оҳ-воҳ қилди, зорланди, ўзини сўққабош деб атади. Чол ёш жиҳатидан бу омонат дунёни ташлаб кетиш навбати етиб келаётганидан қайғурарди чоғи. У намозни канда қилмасди, авваллари буни пайқамагандим. Энди амакимга жаҳл қилмас, буйруқ бермас, балки ажодларнинг руҳи шод бўлиши учун мунтазам қуръон ўқиб туришини ундан илтимос қиларди. Ҳатто икки марта кайфияти дуруст пайтда амакимни бувим эркалатиб айтгандай Мўминтой ҳам деб атади. Бувимнинг ўлими ва ёлғизлик

Серкабой оганинг жоҳил феълини тийиб қўйди, аммо бу узоққа бормади...

Бувимнинг маъракаси иззат-ҳурмат билан ўтди.

Ҳа, қозоқлар чақалоқларнинг дунёга келишига, келин-куёвлар бахтига, уларнинг шаънига табриклар ёғдириб қувонишни ҳам, марҳумларнинг хотирасини қадрлашни ҳам билишади. Бу ахлоқ қондасига кирар, барча учун мажбурий бўлган жамоат бурчи эди.

Маъракалар билан боғлиқ ташвишлар босилиб, ҳамма яқин кишилар йўқлаб кетгандан кейин бувимнинг арвоҳига бағишлаб отам кечалари бўш вақтларида қуръон ўқий бошлади. Бу ғалати мотам мажлисларини у жиддий ва тантанали олиб борар, уларга бутун оила жалб қилинарди.

Қуръон ўқишдан аввал таҳорат қилинарди. Отам сандиқдан чарм муқовали сарғайиб кетган катта китобни оларди. Уни авайлаб кўтариб, гулдор, озода кигизнинг ўртасига ўтирарди. Қуръонни манглайига, соқолига тегизиб олиб чўкка тушганича мутолаани бошларди. Биз унинг атрофида ярим доира шаклида ўтириб олиб, диққат билан тинглардик. У бизга нотаниш араб сўзларини шошмасдан, қироат билан ўқирди.

Болалигимиздан бошлаб бизга ўқдиришларича худонинг эркатойи бўлган Муҳаммаднинг — мўмин мусулмонлар пайғамбарининг нотаниш, аммо хушоҳанг тилининг вази, қофияларининг ажиб мусиқийлиги бизни маҳлиё қилиб қўярди.

Ўқиладиган сўзларни ҳам, мазмунини ҳам тушуниб бўлмаслигига қарамай, отамнинг жиддий қиёфаси, унинг ҳаяжонли титроқ товуши бизни маҳлиё этарди. Назаримизда катта болишда ётган шу китоб орқали у ҳақиқатан ҳам худо билан сўзлашаётгандай туюларди. У тиловат қилаётганда бирор бачкана ҳазилни биз ўзимизга раво кўрмасдик.

Қуръон ўқиш бир, баъзан эса икки соат давом этарди. Кейин отам очиқ турган китоб саҳифасидан қўлини оларди-да, кўзларини юмганча, қўлларини кўтариб қуръон сурасининг бошини ёддан айтарди. Биз ҳам отамнинг бизга тушунарли бўлган она тилимизда — қозоқча айтаётган яқунловчи сўзларини тинглаб, митти қўлчаларимизни олдинга чўзардик:

— Эй осмонда учадиган, сувда сузадиган, ерда юрадиган ўн саккиз минг махлуқнинг марҳаматли ва қудратли яратгувчиси! Эй, оламнинг, муқаддас қуёшнинг, нуқрадек оппоқ ойнинг, милтиллаб турган юлдузларнинг, осмону заминнинг бунёдкори! Эй, у дунёю бу дунёнинг, кўм-кўк дарёю бепоён денгизларнинг, чаман-чаман гулларга бурканган қиру дашт ҳамда улўғвор тоғлару кунгурали метин қояларнинг доно яратгувчиси!.. Биз сенинг қулингнинг авлодлари — бир қориндан тушган оға-инилар ва опа-сингиллар, набиралар сенга сажда қилиб, марҳум онамизнинг руҳини шод этишингни чин кўнгилдан илтижо этамиз... Илоё унинг бу дунёдаги гуноҳларини кечиргайсан, марҳаматингни дариг тутмай, меҳр-шафқатинг нурига чўмган биҳиштингдан жой ато этгайсан. Омин! Илоҳо бизнинг ўқиган дуоларимиз ижобат бўлғай.

Шуларни айта туриб отам ўзининг оқ оралаган узун соқолини, бизлар эса юзчаларимизни уч марта силаб қўярдик.

Эндиликда отамнинг яқунловчи сўзлари менинг мурғак гидрокимга алоҳида таъсир қилганини, болалик тасаввурим эса олис йўллар сари интилганини эслайман.

У «қудратли» деганда кўз ўнгимда баҳайбат болға билан улкан тошларни парчалаётган паҳлавон гавдаланарди. «Марҳаматли» деганида эса тасаввуримда паҳлавон ишдан тўхтаб, юзига мулойим табассум ёйиларди. «Ўн саккиз минг махлуқнинг яратгувчиси», деганида, ме-

нинг кўз олдимдан қушлар, қўнғизлар, тойчоқлар, қўзичоқлар, улоқчалар, бўталоқлар ўйноқлаб ўтарди... «Денгизу дарёларнинг, кўку заминнинг, бепоен қирлару осмонўпар тоғларнинг яратгувчиси». Бу сўзлардан кейин паҳлавоннинг қўл ишораси билан даштларда улкан сув ҳавзалари бунёд бўларди. Сув тошиб-кенгайиб дарёю денгизларга айланарди. Паҳлавон ҳайбатли белкурак билан ерни ковлаб тўғон қилар, бу тупроқ уюми эса тоққа айланарди.

«Сенинг қулингнинг ўғил ва набиралари». Бу менга оғир ботар, мен қулнинг набираси бўлишни хоҳламасдим. Менинг тасаввуримда ҳукмрон бувимнинг қиёфаси қул тушунчаси билан боғланмасди асло. Уни мен таҳқирланган, жулдур аҳволда тасаввур қилишни истамасдим.

«Меҳр-шафқатинг нурига чўмган биҳиштинг...» Мен бувимни кўмиш пайти қабрига тупроқ тортилаётганда амакимнинг: «Вой, қоп-қоронғи зимистон-ку!» деб қичқирганини эсладим. Шунда мен қўрқиб кетардим, бувимга ачинардим ва астойдил кўз ёши қилиб, отам билан бирга: «Меҳр-шафқатинг нурига чўмган биҳиштдан жой ато этгайсан»,— деб такрорлардим.

Яна Ойша холамнинг ёлғиз ўғли Арвон ўлганда кампирнинг ранги ўчиб, кўз ёшларини дарё қилиб, ҳамма усти-бошларини бурда-бурда қилиб ташлагани ва оппоқ сочларини ёйиб, ғазабдан нафаси бўғилиб, алам билан оллоҳни ақдан озган мўйсафид деб қаргагани эсимда ўрнашиб қолган. Мен ҳайратдан лол бўлиб қолгандим, ёш умрни ҳазон қилувчи ажалга қарши қаратилган бу исён онанинг чексиз қайғусининг ифодаси сифатида ёдимда сақланади ҳанузгача.

Бир томондан катталарнинг оллоҳга оммавий итоати, иккинчи томондан кампирнинг лаънатлаши менинг муррак онгимда сиғишмасди. Мен баъзан уйдан булоқ то-

монга кетиб қолардим-да, у ерда хаёлан худони кўз олдимда гавдалантирмоқчи бўлардим. Мен уни излаб топиб кўргим келарди.

Ниҳоят, менинг фикрларимга пешвоз чиққандай, осмон гумбазининг қоқ марказига баҳайбат одам шаклидаги катта оқ булут келиб қолди, у савлат тўкиб ўтирганга ўхшарди. Мана у! Мен булутга кўз узмасдан тикиларканман, хаёлимда оппоқ жингала сочлари паҳмоқ, соқоллари узун, кенг оқ чопонли азамат мўйсафидни гавдалантирардим. Булут чўзилиб, мен эпди унинг оппоқ қошларини ва узун киприкларини ён томонидан кўргандай бўлардим. Мана у буриляпти, менга эса у барчани кузатаётгандай туюлади...

...Убианна опам меҳмон бўлиб келди. Онамизни у ҳаммадан яхши эслагани учун отамдан унга ҳам қуръон ўқишини илтимос қилди. Отам унинг илтимосини бажо келтирди. Эндиликда қуръон фақат бувимга эмас, балки бутун ажодларимиз номлари тилга олиниб, ҳар сафар «сенинг қулинг» сўзлари такрорланиб ўқиларди. Ажодларимизнинг кўплари ҳақида биз биринчи бор эшитмоқда эдик, отам ҳам уларнинг номларига нисбатан бизнинг лоқайдлигимизни пайқаб, ўқишдан сўнг уларнинг бизга ким бўлиши, ўз ҳаётини қандай ўтказгани, қанақанги одам ва феъл-атвори қандай бўлгани ҳақида сўзлаб берарди. Биз отамнинг эсдаликларини жондилемиз билан эшитардик. У қизиқарли қилиб гапириб берар, оқшомлари фақат дуо ўқилибгина қолмай, маълум даражада адабий-бадий кечага ҳам айланганди. Уруғларимиз тўғрисидаги ҳамма эсдаликларим ва қариндошларимиз ҳақидаги баъзи бир афсоналар отамнинг ана шу «оқшом макатби»дан олингандир.

Уша вақтлар отам олтмишга борганди. Эсимни таниганимдан буён отамнинг соқолига оқ оралаганди, аммо бувим ҳаётлигида унинг анча ёшга бориб қолгани,

кексаяётгани менинг хаёлимга ҳам келмасди, чунки бувим — онаси учун отам ҳамиша (у ўзининг оналик ҳукмини ўтказадиган) бола бўлиб қолаверган эди. Бувим ҳаётлигида отам унинг тўнғич боласигина эди, холос. Уйда чол ёки кампир бўлса уларнинг олдида ҳамма ёш бўлиб кўринади. Отам эндиликда биз учун ёш бўлмай қолди.

— Биз,— оила, биз — халқмиз,— дерди отам.— Оилада кексалар ўлади, ёшлар туғилади ва яшайди, аммо халқ ўлмайди. Онамдан биз икки ўғил, олти эгачи-сингил қолдик, набираларидан бўлса, худога шукурки йнгирма учтаси ҳаёт. Ҳаммаси бўлиб у ўттиз битта томир қолдирди. Сизларнинг ҳам томирларингиз бўлади, болаларим,— отам одатда ўз ҳикояларини шундай тугатарди.

\* \* \*

Кўкламда бизнинг оила малла соқол, қовоқлари қипқизил, ажин босган чол, рус мужиги Кузьма Гончаров билан шерикчилик қилди. У серфарзанд эди. Биз тўнғич ўғлини — Сашке, бошқасини — Некоди, учинчиси — Тишко, тўртинчисини — Керилля, менинг тенгдошимни Василь, кампирни — Матьке, икки келинини эса Санке ва Манке деб атардик.

Қозоқлар русларнинг исм ва фамилияларини ҳеч қачон тўғри талаффуз этишмасди, доим уларни ўзларича чалкаштиришар, уларга ташқи кўриниши ва феълига қараб лақаблар қўйишарди: Қизил Жагор — қизил (мала) Григорий, Дмитрий — Метрей, Лука — Илуукэ.

Кузьма билан шерикчилигимизнинг шартлари бундай эди: ер бизники, уруғ тенг баравар, от-улов уники. Биздан экиш ва йнгим-терим чоғида амаким ишларди. Қўшилган нарсалар ва меҳнатдаги қолган нотенгликларни Гончаровлар сут-гўшт билан қоплашарди.

Гончаров бизнинг овулга икки аравада бутун оиласи, темир плуг ва бороналари билан келди. Улар отам билан ерни саржинлаб ўлчаб чиқишди, амаким эса уларга кўмаклашар ва плугни йиғишни ҳамда от-абзалларини ишлатишни ўрганарди.

Ер ҳайдашни бошладик: икки плуг бирин-кетин тупроқни ағдариб борар, чуқур жўяклар қолдирарди. Ерни омоч билан таталаб ўрганганимиз учун плуглар ерни «тубигача» шарт ағдариб ташлаётгандай туюларди бизга. Мен плугларнинг семиз тупроқни тишлари билан ағдариб, тўғри чуқур жўяклар қолдириб бораётганини кузатиб узоқ чопдим. Плугларни тўртта пишиқ малла от тортмоқда эди. Биз Василий билан бороналарни судраб плугларнинг кетида борардик.

Агар омоч билан ҳайдалганда орада чала жойлар қолса, бир амаллаб молалагандан кейин ҳам шудгорни кесак босиб ётса, энди вазмин темир бороналар кесакларни майдалаб ташлар, ортимизда теп-текис тўлқинсимон шудгор ётарди. Мен тез-тез орқага ўгирилиб, қоп-қора тўлқинсимон шудгорни томоша қилардим.

Гончариха чўян қозонда овқат пиширарди. Бизнинг аёллар қизиқсиниб уни кузатишар ва сабзавотни кўп солганига таажжубланишарди.

Гончаровлар оиласи ва улар билан дўстлигимиз ҳақида бир оз кейинроқ батафсил ҳикоя қиламан.

\* \* \*

Қиш оқшомлари тугади.

Баҳор келди. Бу йил наврўз ойи баҳорнинг авжи қизгин палласига, у ҳусни-жамолини кўз-кўз қилиб яшнаб келаётган пайтга тўғри келди.

...Илиқ, очиқ, қуёшли кунлар... Ут-ўланлар ернинг қалин қатламини ёриб ниш урмоқда. Бобом ўтқазган дархатларнинг шохларида куртаклар ёзилган. Олатовнинг



музли чўққилари қуёш шуълаларини акс этдириб кўзни қамаштиради. Ердан андаккина янги шудгорнинг, мол қўраларидан бўрсиган гўнгнинг ҳиди келади. Аллақачон сайроқи қушчалар ҳам пайдо бўлиб, ҳар оҳангга солиб сайраб, чуғурлаб қолишди. Баланд осмондан қатор-қатор бўлиб турналар ўтарди.

Сигирлар бузоқлар, қўйлар қўзиларди. Ҳамма хурсанд, югуриб-елар, ҳар томонда янги меҳмонларга доялик қилишарди. Сигирлар болалаш олдидан қандайдир ўзгача бўлиб қолишарди, уларнинг кўзлари чақнар, бурун тешиклари жийрилиб, гўё бир нарсага қулоқ солаётгандай қулоқларини динг қилиб туришарди... Қозоқларда «бошланув» деб аталувчи шу белгилардан сигир яқин орада болалаш кераклигини билардик ва уни кузатиб турардик.

...Амаким янги туғилган тарғил бузоқчани қўлига олиб, шу заҳоти унинг ялтироқ бурун катаklarига пуфлади, авайлаб похол устига ётқизиб қўйди. Сигир маъраб ва шохлари билан бизга таҳдид қилиб «гўдак»нинг олдига борарди, ғўраша тили билан унинг қисқа ҳўл жунини яларди. Бузоқча ўзининг тиниқ туёқчали ингичка узун оёқчаларида туришга уринарди-ю, йиқиларди; яна уринарди, шу кўйи у тобора похол тўшакдан узоқлашиб борар, қайта-қайта йиқиларди. Онаси уни қўриқлаб бизни яқинига йўлатмасди. Мана, ниҳоят бузоқча новдадай ингичка оёққиналарида чайқалиб дастлабки икки қадамни қўйди ва тумшуқчаси билан онасининг қорнини туртиб елинини излай бошлади, бироқ уни топполмай яна йиқилди... Шунда амаким сигирнинг ёнига борди, қатъий жеркиш билан унинг рашкли қаршилигини босиб, эмчакларини тозалаш учун чўзиб тортди-да, бузоқнинг тумшуғига тутди. Бузоқнинг эмаётганини сезгач она тинчланди, ҳузур қилиб боласини биринчи марта қорнини тўйдиришга тутинди.

Бу манзара ҳамманинг завқини қўзғаб, кўнглини ийдириб юборди.

Ана, қувончдан қийқириб биз томонга шошилиб Алиманна опам чопиб келмоқда. Яланг оёқларини шапиллатганча янги туғилган қоп-қора жуни қўнғироқ-қўнғироқ қўзичоқни кўтариб келаётир, орқасидан мунгли маъраб онаси югургилаб келяпти...

Қиш бўйи ориқлаб, ҳали туллаб улгурмаган тойлар кўм-кўк майсани чимдиб ўтлаб юришарди. Уларнинг кўриниши жуда кулгили эди, нега десангиз, худди йиртиқ-ямоқ пўстинни тескарисини кийиб олганга ўхшарди.

Қиш тўғрисидаги ҳазин эсдаликлар мол-ҳолу одамларнинг кўклам олиб келган умумий қувончи гирдобидан тез унутилиб кетди.

Амаким экишга тайёргарлик кўриб, оддийгина қишлоқ хўжалик қуроқларини шайлаб қўйиш учун болгани тарақлатарди.

Аёллар донни буғлар, уни келида туйишар, катта қозонлар осиб сутли наврўз гўжасини пиширишарди.

Янги йил — наврўз бошланмоқда эди.

Одамлар қўшнилари кўклам билан табриклаш ва «наврўз гўжаси»дан тотиб кўриш учун овулдан-овулга юришарди. Ҳар ким хоҳлаган уйга кириши, наврўз билан табриклаши ҳамда уй бекасидан бир коса гўжа олиши мумкин. Меҳмон ўтириб, овқатга қўл уришдан аввал:

— Умримизда яна бир баҳорни кутаётганимиз учун тақдиримиздан миннатдормиз, бу кунларга етганимизга минг қатла шукур,— дерди.

Овқатни мақташ ва охиригача ейиш лозим эди.

Баъзан айёр, қалтис ҳазилларга мойил аёллар ҳам учраб турарди. Улар каттакон заранг товоқни махсус сақлашар ва кеки бор кишига кириб қолгундай бўлса, ўша товоқни тўлғизиб қурбонига тутқазишарди. У ирим

қилиб, рад этишга журъат этолмай бурчакка ўтириб оларди-да, бунчалик кўп «худо берган насиса»ни кун бўйи, то қора кечгача ерди. Ахийри у ҳолдан тойиб, на-фасини ростлаш учун тўхтаб қолганда эса уй бекаси уни шоширарди:

— Ол, еявер, паҳлавоним, мен сенга янги йилда шу товоқда қанча дон бўлса шунча бахт тилайман!

— Қуллуқ, азизим, еяпман-ку, ахир, — тўнғилларди меҳмон жавоб ўрнида.

— Еявер, еявер, азизим, иссиғлигида е, бахтингни со-вутиб ўтирмагин!

— Ол, азизим, сенинг ниятларинг косаси худди шундай лиммо-лим бўлсин, — айёрлик билан уй бекаси-га қўшилишарди бошқа меҳмон.

Ҳалиги «жабрдийда» токи улушини тугатолмай изти-роб чекаркан, бошқалар латифалар айтишар, ҳазил-мутўйба қилишар, ашулалар куйлашар ва баҳорга ба-ғишланган шеърлар ўқишарди. Булар ўзига хос танта-нали қадаҳ сўзлари эди:

Кўклам келса, қолмайди қишнинг изи,  
Қулф урар кўкаламзор ернинг юзи;  
Жон киради борлиққа, табиатга,  
Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи.  
Кулишар, ўлан айтар йигит-яланг,  
Утовда ўтиролмас қари-қартанг;  
Жон-жонивор, одамзод яйраб кетар,  
Йил қуши қўшиғидан ҳаво жаранг.  
Қирдаги, сойдаги эл аралашар,  
Кўй-қўзилар оёққа ўралашар,  
Қиш бўйи бир-бирини кўрмаганлар  
Қучоқлашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.  
Туя бўзлар, от кишнар, қўра шов-шув,  
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.

Гул ва дарахт энгашиб қараганда —  
Сулув қиздай буралиб оқади сув...

Бизнинг қозоқ баҳоримиз шаънига сендан яхшироқ гап айтолган ким, Абай! Мен ўша баҳорда биринчи бор сенинг номингни эшитдим. Отам пешинлик овқат пайтида олисларда, етти сув ортида Тобиқти уруғидан бўлган Абай яшашини, унинг бўлис, Тобиқти уруғининг энг доноси эканини, унинг фақат «бўлис» гина эмас, балки ажойиб шеърлар ҳам битишини, катта оқин эканини ва қўшиқлари бутун қиру адирларда куйланишини сўзлаб берганди.

Баҳор қуёши қия нурларини милтиллашиб уфқ ортига яширинганда одамлар янги йилда бир-бировига бахт тилаб тарқалишарди...

\* \* \*

Қаҳатчилик йили амаким хизмат қилган алоқа бекати Тошкент — Фрунзе йўли ёқасида эди. Бу йўл ҳақиқатан ҳам қоп-қора чизик бўлиб, далаларимизни кесиб ўтгани учун бўлса керак, «қора йўл» деб аталарди. «Қора йўл» «Мингбулоқ» бошланадиган адирликдан ўтарди. Ёдимда, бу йўл жуда кўп жарликлардан оқадиган ариқчаларнинг ҳеч бирини кесиб ўтмасди. У биз учун икки хил ерлар: экинзор ва яйловларнинг чегараси бўлиб хизмат қиларди. Адирлик бу йўлдан жанубга, Олатовга қараб кетган. Бу ерларнинг тупроғи майда шағал билан қопланган, шу вайдан уни ҳайдаб, экин экиб бўлмас, фақат мол боқиларди.

Баҳорда бизнинг овул экин ва пичанзорларни пайҳон қилмаслик учун кўчиб кетар ва йўлдан бир-икки чақирим наридаги қирга бодроб чиққан қўзиқориндай оқ ўтовлар тикиларди.

Мол-ҳоли камроқ деҳқонлар Олатовнинг олис этак-

ларига кетишмасди, чунки шу ерда ҳам уларга озуқа етарли эди. Улар ўзларининг экинзор ва яйловларига кўниккан бўлиб, ёзни меҳнат билан ўтказишарди. Одатда Олатовга бадавлатроқ хонадонлар кўчиб кетарди.

У томонда, ўн беш-йигирма километрлар чамаси те-варак-атрофида, яъни тоғларга яқинлаб борадиган ҳар бир бўлагида баҳор бир неча кун ё ҳафтага кечикарди, иқлим ва ўсимликлар дунёси бу ернинг паст ё баландда жойлашганига боғлиқ эди: қанча баланд бўлса шунча совуқроқ.

Ўлкамизнинг бу хусусиятини овулимиздаги қизиқчи Тўқмирза оллоҳнинг оламни яратаётган пайтдаги парижонлигига йўярди.

— Оллоҳ бу омонат дунёни яратаётганда,— бизда меҳмон бўлиб турган даштликларнинг бирига ҳикоя қиларди қизиқчи,— оғир ишлардан кейин чарчаб, мудраб қопти. Уйғониб қараса, бизнинг жойларимизни яратишни унутиб қўйибди. У қовоғини солиб, ўз-ўчидан аччиғланиб кетипти. Жаҳли чиқиб, Ҳимолай музлигининг бир парчасини узиб олибди-ю, бу ерга улоқтирипти,— деди Тўқмирза Олатовни кўрсатиб. — Худо у ёқ-бу ёқда аланглагунча муз эриб, минглаб ариқчалар оқиб кетипти. Шунда у жанубий тоғларнинг бир бўлагини юлқиб олиб, ариқларнинг йўлини тўсиш учун мана бу ерга қадаб қўйипти.— шундай деб у Қоратовни кўрсатди.— Бу ишларнинг ҳаммасини шошиб, пала-партиш бажаргани учун нима бўлганини кўриб турибсиз: ариқлар Олатовга тақалиб қолган. Улар нима ҳам қилсин?.. Тоғ ён бағрини тилиб, ғарбдан шарққа қараб оқаверган. Мана шунинг учун ўша ариқча Терс, яъни тескари деб аталади. Мана, азизлар, кўрдингларми, шунинг учун ҳам бир бўл-так ер иккинчисига ўхшамайди. Одамлари хилма-хил бўлсин учун у аввал иссиқроқ Эрон томонлардан кўк-раги очиқ яктак кийган ўзбекни, кейинроқ Енисей со-

хилларидан қовоғи қабарик қирғизларни, яқиндагина эса сап-сарик русларни етаклаб келган. Бу сизларнинг офтобга ёйилган кенг дастурхондай теп-текис, фақат қозоқларнинг ўзигина яшайдиган даштларингиз эмас. Бизда-чи, дўстим, ҳаммаси турли-туман, хилма-хил: тоғларни кўргинг келдими — мана сенга тоғлар, сув ичгинг келдими — ана у, нон егинг келдими — мана сенга нон, кўнглинг ҳар хил мева-чевани тусаб қолдими — мана ол, бозорни хоҳлайсанми — мана у, ҳар кун боришини мумкин, сизларда-чи: дашт, яйлов, мол, гўшт.. бори шу.

Бир неча йилдирки бўлисда ягона ғишт иморат — Бекат катта йиғилишлар жойи бўлиб қолган. У ерга бутун бўлисдан йиғинга юзлаб суворийлар тўпланади.

Содиқ Облоновнинг келиши бу гал Биринчи майга тўғри келди. Облоновлар учовлон эди. Тўнғичини халқ Избосар номи билан танир ва уни уездда қандайдир мансабни эгаллаб, тездагина лавозимдан айрилган бошвоқсиз зўравон деб таърифларди. Унинг расво бўлганини эшитиб кўпчилик «Ажаб бўпти!» дейишдан тиёлмади ўзини.

Содиқ Облоновга халқ оғир-вазмин, ростгўй, порага учмайдиган ҳалол одам деб баҳо берарди. Уни билимдон, одобли, доно дейишарди.

Биринчисидан ҳамма қўрқар, аммо ҳеч ким ҳурмат қилмас, иккинчисидан ҳеч ким қўрқмас, лекин ҳамма эъозларди. Халқ ўзининг ака-укаларга бўлган муносабатини билдириш учун уларнинг исмларини Избосар Облонов, Содиқ Облонов деб алоҳида таъкидларди.

Избосар шовқин-сурон, шов-шув билан келиб-кетарди. Мажлисларга у «депутат»лардан бўлак ҳеч кимни қўймас эди. Мажлис қатнашчиларини у «ярамаслар», «эшаклар», «туялар» деб ҳақорат қилар, ўз нутқига беҳаё сўкишларни қориштириб сўзлашдан ҳам андиша

қилмасди. Кўпинча у Сибирга сургун қилиш ва «қора рўйхат»га ёзиб қўйиш билан пўписа қилиб қўрқитарди. Ҳамма мажлисдан калтак егандай бўлиб қайтарди, Избосар кетгандан кейин эса унинг юришини, гаплари ва қилиқларини ҳамма масхара қилиб, ундан кулиб юришарди.

Содиқ иштирокида ўтган йиғилишлар одамнинг кўплиги билан фарқ қилар, кўпроқ митингни эслатарди. Унинг ҳузурига кексалар ҳам, ёшлар ҳам, ҳатто аёллар ҳам шошарди. Халқ, Содиққа одоби ва камтарлиги ҳусн бағишлайди, дерди.

Кун очиқ эди. Эртага Бекатга Содиқ келади, деб эълон қилинди. У, хоҳлаганлар келиб, нутқимни эшитишлари мумкин, дебди. «Оға-инилар ва опа-сингилларга янгиликларни сўзлаб беришни у ўзи учун шараф деб билади».

Отам билан амаким мени ҳам ўзлари билан олиб кетишмоқчи бўлишди. Мен тез кийиндим-да, қувониб амакимга мингашиб жўнадим. Йўлда биз бир гуруҳ отлиқларга етиб олдик, уларнинг орасида ўзининг Кўкчўлогини миниб олган Оққули ҳам борарди. У отам билан ўзининг одати бўйича саломлашди:

— Соғ бўл, Момиш!

— Омон бўл, Оққули.

— Содиқни тинглагани келяпсанми?

— Ҳа, Оққули.

Оққули менинг амакимнинг орқасига мингашиб олганимни кўриб, хитоб қилди:

— Ҳа, йигитча... Йўл бўлсин?

Менинг довираб қолганимни пайқаган амаким сал қаддини ростлади-да, менинг ўрнимга жавоб берди:

— Содиқни тинглагани, Ака.

— Ҳа...— деди чол чўзиб.— Яхши сўзни эшитиш — бу ярим давлат!

Шу пайт Оққули отлари зовурдан сакраётганда ўзининг ёш ҳамроҳларидан бири эгарда чайқалиб кетганини пайқаб қолди. Оққули унга захрини соча кетди:

— Нега отни қийнаяпсан? Бу сенга арғимчоқ эмас! От олдинга интилганда бу киши ўзини орқага ташлабдилар-а. Ахир от жониворнинг умуртқасини синдириб қўйсан-ку бунақада!

— Бехосдан шундай қилди-да, Оққули!— Шаштидан тушироқчи бўлиб аралашди отам.

— Э, қўйсанг-чи, Момиш! Қўй, худо ҳақи! Чавандоз фақат ўзигагина эмас, отига ҳам тасодифларни раво кўрмаслиги керак,— жавоб берди Оққули ва қулқларигача қип-қизариб кетган йигитга яна бир марта ўқрайиб қараб қўйди.— Ҳозирги ёшлар қандай бўлиб кетди-я, Момиш! Нақ латта-я, латта!.. Эҳ, бунақаларга эсиз от.

Ҳар гал от минишда бошқалардан устунлигини таъкидлаб, деярли Бекатгача шундай жавраб борди чол. Уни ҳамма одоб билан тинглар ва ундан заҳарханда танбеҳ эшитмаслик учун текисроқ юришга уринарди.

Уйдан чиқаётган пайтимиздаёқ менинг табиатим хира бўлганди: от эгарлашга рухсат бермаган амакимдан аччиғлангандим. Энди бўлса унинг орқасида отнинг сағрисида ўтирарканман, амакимнинг кенг елкаларига боқиб, ундан нафратланардим, бироқ қаттиққўл ва инжиқ Оққулининг гапларини эшитиб, ҳали ўзимнинг мустақил бўлолмаслигимга ишонч ҳосил қилдим.

Биз Бекатга кириб бордик. Бекат теварагидаги кенг майдон юзлаб тушовланган отлар билан ўралган эди. Одамлар тепалик этагига йиғилиб, тағларига чопонларини тўшаб ўтиришибди. Одам кўп: оппоқ соқолли чоллар, эркаклар, йигитлар, ўсмирлар, четроқда эса яқинроқ овуллардан келган бир тўда аёллар уймалашиб туришарди.



Ҳамма бекат биносига нигорон бўлиб қарарди.

— Келяпти! Келяпти!— деб одамлар бир-бирига шипшиб қолишди.

Эскича бичимдаги картуз кийган почта бошлиғи ва бўлис бошқармасида хизмат қилувчи бир неча қозоқлар ҳамроҳлигида тугмалари қадалмаган кулранг шинель кийган, шапкасиз, ўрта бўйли киши келарди. Кўзим тушгани ҳаманоқ унга бошқалар сингари еб юборгудай тикилдим. У ҳамроҳларининг бири билан хотиржам сўзлашиб келарди. Унинг рангпар юзи заъфарон, касалманд, манглайи кенг, сочи тўкила бошлаган боши юмалоқ, мўйлови қисқа қилиб қирқилган, қовоқлари хиёл салқиган, кўзлари ҳорғин эди.

Содиқ тепаликка чиқиб, чоллар билан қўл бериб кўришди, сўнгра қўлини кўксига қўйиб жамоатга таъзим қилди.

— Сизга салом йўллайман, жамоат,— деди у дўриллаган овоз билан.— Қалайсизлар, муҳтарам оқсоқоллар, саломатликларингиз қандай? — мурожаат қилди у чолларга.

— Шукур, Содиқ. Узингнинг аҳволларинг қандай?

— Соғлиғинг қалай, Содиқ?

— Бола-чақаларинг соғ-омонми? — суриштиришди чоллар.

— Раҳмат,— оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайиб жавоб берди Содиқ.— Ҳозирча соғман... Кўкчўлоғингиз қалай, ака?— деди у машҳур чавандозга қараб (афтидан Оққулини Содиқ аввалдан таниса керак).

— Милиционерларингдан яшириб юрибман,— умум кулгиси остида ачитиб жавоб берди чол.

Содиқ Облонов жилмайди.

— Сизнинг Кўкчўлоғингизга ҳеч ким тегмасин, ака. Мени айтди денг,— хотиржам жавоб берди Содиқ.

— Куллук сенга, Содиқ... Бўлмаса уларнинг дастидан рус аравалари ва бизнинг отларга кун бўлмаяпти... Ҳаммаси оёғи куйган товукдай чопишади, отларни майиб қилишга уста, холос...

— Содиқ ўз фикрини айтиб бўлди,— Оққулининг гапини бўлди отам.— Бас, энди унинг гапларини биз эшитайлик.

Оққули отамга хўмрайиб қараб қўйди-ю, индамади. Содиқ Оққулидан узр сўраётгандай бош эгди-да, тепаликнинг чўққисига чиқди. Атрофга назар ташлаб, дадил ва хотиржам гап бошлади.

— Муҳтарам оқсоқоллар, агар рухсат этсангиз, бирикки оғиз гапирмоқчи эдим,— чолларга юзланди у.

— Гапир, Содиқ гапиравер!— бараварига жавоб беришди улар.

— Муҳтарам оқсоқоллар, қадрли тенгдошларим, ҳамда сиз навқирон йигитлар, сизлар ҳам азиз хотинқизлар,— самимият билан мурожаат қилди у.— Уттиз уч йил муқаддам, табиат қайта яшарган худди шу куни ишчилар ва барча заҳматкашлар бу кун одамларнинг меҳнат, саодат, дўстлик ва қардошлик байрами бўлажанин эълон қилган эдилар...

Сўнгра у меҳнаткаш халқнинг байрами — Биринчи Май ҳақида содда ва раvon ҳикоя қилди. Қисқагина, аммо ҳамма тушунадиган қилиб мамлакатимиз ичкарисида ва оламда нималар бўлаётгани ҳамда нима сабабдан Ленин бутун жаҳон заҳматкашларининг доҳийси экани тўғрисида сўзлаб берди. У тенглик ва қардошлик тўғрисида, меҳнаткаш қозоқларга революция нималар бераётгани ҳақида гапирди...

— Ким эркин бўлса, ўша бахтиёрдир! Ҳамма кишиларга большевиклар шуни тилайдилар! — ўз нутқини шундай тугатди.

Ҳамма унинг нутқини бир сўзини ҳам қолдирмасдан,

катта эътибор билан тинглади. Бир оз сукутдан сўнг маъқулловчи хитоблар эшитилди:

— Содиқ ҳақ гапни айтди!

— Байрам учун яхши вақтни танлашипти.

— Оқилона қарор қилишипти!

Содиқ ўтирганларни яна бир кўздан кечириб чиқди. Едимда бўлса, у «ўртоқлар» сўзи ўрнига «қардошларим» деб гапирарди.

— Қардошларим! Мен сизникиман! Мен сизга душман эмас, уруғдош ва биродар бўламан. Мен коммунистлар партиясига кирган қозоқларнинг бириман. Мен, худди сизларга ўхшаб, ўз юртошларимни севаман ва уларга барча эзгуликни тилайман. Рус халқининг яхши ўғлони (рус халқи эса сон жиҳатидан биз қозоқлардан анча ортиқ) ўртоқ Ленин биз большевикларни ўз халқимизга содиқ бўлиб, ҳалол хизмат қилишга ўргатади. Ўртоқ Ленин халқларга озодлик, тенглик ва дўстлик берди. Бирор киши бошқага зулм ўтказмаслиги, бошқалар меҳнати мевасини тортиб олмаслиги шарт. Ҳамма шундай меҳнат қилиши керакки, бориб-бориб ер юзидан қашшоқлик, очлик ва азоб-уқубатлар йўқотилсин. Қонунлар одил бўлмоғи лозим. Мана шунинг учун мен ва менинг дўстларим Ленинга эргашдик, коммунистлар партиясига кирдик... Биз нимани орзу қилган бўлсак, нима учун курашаётган бўлсак, ҳаммаси яқин орада рўёбга чиқади. Ишончимиз комилки, агар ишни тўғри йўлга қўйсак, агар омма бизга эргашса — албатта мақсадга етамиз. Яна шу нарсага қаттиқ ишонимизки, эртамиз бугунги кундан порлоқ бўлади. Башарти биз ўзимиз бунга эришмаганимизда ҳам, ҳар ҳолда, фарзандларимиз биздан яхшироқ, набираларимиз эса ундан ҳам яхшироқ ҳаёт кечирадилар. Ёвуз одамдан ўзга ким ҳам ўз фарзандлари ва набираларига ёмонликни раво кўради ахир.

«Бир маҳаллар боболар ўтқазган сершоҳ дарахтнинг соясида набиралар салқинлайди» деган мақолни биласизлар. Биз большевиклар одамларнинг яхши меҳнат қилишини, меҳнат мевалари эса уларга тўкин-сочин ва бахтиёр ҳаёт инъом қилишини истаймиз... Янги дарахт экиш керак, уни она гўдагини ардоқлаб парваришлагандай парвариш қилиш керак... Қозоқларнинг ҳаётбахш баҳор ва қувончли ёзи келсин!

Мен ҳузурингизга муҳим иш билан келдим, аммо бу тўғрида кейинроқ гаплашамиз. Бугун эса, келинглар, Биринчи Майни байрам қилайлик.

— Улоқ чопамиз! — қичқирди Оққули.

— Кўпқари! Кўпқари! — шовқин кўтарди ёшлар.

Содиқ завқ билан жилмайди-да, қўлини силтагани ҳамма жимиб қолди.

— Кўпқари! — оломон орасидан завқ-шавққа тўла овозлар эшитилди.

Содиқнинг шу ердалиги ҳаммани хушмуомалаликка ундарди. Ҳатто сал қўполроқ милиционерлар ва такаббур, тили заҳар, «от мусобақаси бўйича тенги йўқ чемпион» Оққули ҳам гўё «бир қарич» пасайгандай кўришиб, хушмуомала бўлишга ҳаракат қилишарди.

«Май кўпқариси», яъни май шарафига ўтказилган улоқда жуда кўп одам қатнашди. Оққули ҳар доимгидай саркорлик қиларди. Унинг қатнашуви ўйинни қатъий қоидалар доирасида тутар эди. Бир тўда чавандозлар текис дала бўйлаб улоқ кетидан қуюндай чопишар эди. Оққулидан бошқа ҳамма чоллар, шу қаторда менинг отам ҳам Содиқни ўраб олишган ҳамда томошабинлардан иборат «судьялар ҳайъатини» ташкил этишганди.

Содиқ қорабайирда юрар ва қувончли табассум билан ўйиннинг боришини кузатар эди.

— Биз большевиклар барчанинг кўнгли чоғ бўлишини истаймиз. Биз йигит ва қизларимизнинг ёшлиги

бахтли ҳамда жўшқин бўлишини истаймиз. Душманларимиз бизни, одамларнинг бахтига чанг солмоқчи, деб тухмат ёғдирыпти, афсуски, ўз ичимизда ҳам душманга қўл келиб қийшиқ араваси билан йўлни бузаётган нодонлар учраб туради! Йўқ, биз халқимизда неки олижаноб, яхши фазилат ва одат бўлса, ҳаммаси камол топишини истаймиз...

Содиқ кўм-кўк яйловдаги ўйинни диққат билан кузатаркан, шунчаки гапирарди. Мен энди отнинг сағрисида отамга мингашиб ўтирардим, чунки амаким кўпкарида қатнашиб роса яйраб олмоқчи эди. Ҳақоратланган гурур тутқаноғи мени тарк этмасди. Менга юпанч бераётган бирдан-бир нарса — Содиқ Облонов даврасида бўлишим эди.

Тўсатдан отлиқларнинг зич тўдасини гўё пона ёриб ташлади-ю, чавандозларнинг қоқ ўртасидан Оққули отилиб чиқди. Зум ўтмай у ўзининг кўк отини орқага тислатди-да, улоқни Содиққа иргитаркан:

— Ма, Содиқ! — деб қичқирди.

Сўнгра у отини тикка турғизиб, ўзини четга олди. Жилови қисқа тортилган Кўкчўлоқ ингичка оёқларига тиралиб, жойида ирғишлай бошлади. Отлиқлар тўдаси тўлқин қояга урилиб ёрилгандай бизнинг тўпга яқинлашиб иккига бўлиниб кетди. Мен ўзимга-ўзим жуда заиф, ночор кўриниб кетдим, алам қилганидан юрагим зирқирар, бирдан катта бўлиб қолгим, ҳамма билан бирга от чоптиргим келарди.

— Сиз кўпкарининг жонини киритаркансиз, ака,— деди Содиқ кекса Оққулига.— Мен сизнинг санъатингиз ёнлар учун афсона бўлиб қоладиган кун келишини истамайман.

— Мен ҳозирча у томонларга бормоқчимасман,— ранжиб гапирди Оққули.— Йўқ, барака топгур, мени шошилтирманг, Содиқжон!

Ҳамма кулиб юборди. Содиқ Оққулига қизил шоҳи рӯмолни узатди:

— Энг олди йигит сифатида бу сизга. Биринчи май соврини.

Оққули ҳаяжонланиб, оёқларини узангига тираб сал қўзғалди-да, Содиқнинг совғасини олди. Кўкчўлоқ устидаги эгасини олқишлагандай олд туёқларини гурс-гурс ерга ура бошлади.

— Энди, ака, мен билан бўлсангиз,— илтимос қилди Содиқ.— Ешлар хурсандчилик қилишсин.

Оққули Содиқнинг ҳурматини қилиб кўпкарининг охиригача унинг ёнида қолди.

Кўпқари шомгача давом этди. Содиқ даштда учиб юрган чавандозлардан кўзини узмасди. Афтидан бутун хаёли кўпқари билан бандга ўхшарди, аммо хотиржам ва босиқ сўзлари унинг мана шу кўпқарида жавлон ураётган отлиқ тўданинг тақдири ҳақидаги ўзини безовта қилаётган саволларга жавоб излаб чуқур хаёлга толганидан дарак берарди.

— Мумиш ака,— отамга мурожаат қилди у.— Бугун тунда сизникида қўниб қолмоқчиман.

— Ташриф буюриб менинг хонадонимни бахтиёр қилсанг ғоят хурсанд бўламан, Содиқ,— деди отам.— Мен буни ўзим учун шараф деб биламан, сен ҳам менинг хонадонимда ором топасан.

Ҳамма биз томонга ҳасад билан қаради, мен бўлсам отнинг сағрисида отамга мингашиб ўтирганимни унутиб юборибман. Мен Содиқнинг бизни уйни танлаганидан фахрланардим.

Отам ишора қилиб амакимни чақирди, у, терга ботган отни шиддат билан чоптириб келди. Тер ва чангдан қорайиб кетган жийронни шартта тўхтатди.

— Содиқ бизникида меҳмон бўлади,— деди отам укасига.

Отамнинг сўзидан кейин амаким отини бурди-ю, овул томонга чоптириб кетди.

Кўпкари тугади.

— Сизлардан бизнинг хонадонда Содиқ билан бирга нон-тузимизни маъзур кўришингизни илтимос қиламан,— деди отам атрофдагиларга қараб.

— Оббо, нималар деяпсиз, Мумиш ака, шунча одамни таклиф қиляпсиз-а...— деб гап бошлади Содиқ.

— Худога шукур, биз бахтиёровлар камчилик эмасмиз, бунинг устига ўлар жойда ҳам эмасмиз,— унинг гапини бўлди отам.

Ҳа, бахтиёровлар уруғи ҳам оз эмасди: бизнинг уч уй, амакивачча, амаваччаларнинг уйлари, назаровларнинг тўрт уйи, тасирбоевларнинг уч уйи, ниёзовларнинг тўрт уйи — жами аҳолиси етмиш кишилик ўн тўртта ўтов — хонадон эдик. Бизнинг Содиққа ҳамроҳ йигирма нафар чавандозни қабул қилишга, уларга зиёфат беришга бемалол қудратимиз етарди.

Содиқ икки қатор бўлиб саф тортган ҳамроҳлари ўртасида келарди.

Қуёшнинг улкан қизил гардиши Қулонтоннинг ўркачлари ортига яширинмоқда эди. Дашт аста-секин ғирашира пардага чулғаниб борарди. Мен бутун кунни отнинг сағрисида ўтказганим учун чарчоғимни базўр енгиб борардим, от лўкиллагани сайин аъзойи баданим оғриқдан қақшаётганини сезардим.

Ҳаво ниҳоятда дим, овулимизнинг уйлари атрофидаги ўчоқлардан кўкиш тутун буралиб-буралиб кўкка ўрляяпти. Қўтонда яйловдан қайтган моллар ғужғон ўйнашяпти. Яйловда эса қора айғир ёлини ҳилпиратганча бебош бияларни йилқиларга қўшиб чопиб юрибди. Овулдан пишириляётган таомларнинг ҳиди келяпти: бўғирсоқлар қовуриляпти, бешбармоқ тайёрланяпти, самоварлар тутаяпти.

Эркаклар ўтовларимиз олдида тўдалашиб, қўл қовуштириб меҳмонларни кутиб туришарди. Ўтовлар орасида аёллар у ёқдан-бу ёққа зир югуриб юришибди.

Меҳмонлар етиб келишганда, худди команда берилгандай, ҳамма бараварига уларга пешвоз чиқди ва отларнинг жиловидан тутиб, меҳмонларнинг тушишига ёрдамлашиди. Меҳмонлар узангидан оёқларини олганлари ҳаманоқ мезбонлар отларни етаклаб кетишарди. Ҳориган одамлар оёқларининг чигилини ёзиш учун сал чайқалиб оҳиста одимлашар эди.

— Хўш келибсан, Содиқ, мана менинг ўтовим!— отам эшикнинг қайириб қўйилган пардасини кўрсатди.

— Сизнинг меҳмондўст уйингизда тинчлик, сиҳат-саломатлик барқарор бўлсин, Мумиш ака,— деди Содиқ ва ўтовга биринчи бўлиб кириш учун ёши каттароқларга йўл бераркан: «Қани, марҳамат қилсинлар, оқсоқол!» дерди уларнинг ҳар бирига.

Шу тарзда беш-олти оқсоқолни ўтказиб юбориб, ниҳоят Содиқнинг ўзи ҳам ўтовимиз остонасига қадам қўйди.

Содиқнинг даштликлар расм-русумининг бундай икир-чикирларигача риоя қилиши ҳаммада яхши таассурот қолдирди ҳамда шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасига ёқиб тушди.

Қолган меҳмонларни бошқа ўтовларга олиб кетишди. Ўз-ўзидан маълумки, энг кейин ўтовга мен чолиб кирдим, кирдиму оғзим очилиб тўхтаб қолдим: назаримда бошқа уйга кириб қолгандай бўлдим — ўтовимизнинг жиҳозлари шунчалик ўзгариб кетган эди. Амаким мени жеркиб берди:

— Ҳой, Боуржон, катта ўтовга жўна.

— Меросхўрингизми, Мумиш ака?— сўради Содиқ отамдан ва менга қараб жилмайиб қўйди.

— Ҳа, менинг ўғлим, Содиқ,— деди отам.



— Биз билан қолақолсин,— Содиқ мулойимлик билан амакимнинг шаштини қайтарди.— Уни ўз уйида даврамизга қўшмаслигимиз одобдан бўлмайди, яна бунинг устига у деярли кун бўйи мен билан бирга бўлди.

Амакимнинг таъқибидан Содиқ мени ана шундай қутқариб қолди. Энди ўтовимизнинг мени лол қилган жиҳозини хотиржам кўздан кечириш имконига эга бўлдим. Ерда, нақ остонадан бошлаб «П» ҳарфи шаклида гиламлар тўшалган, гиламларга атлас кўрпачалар солинган, уларнинг устига эса катта-катта болишлар қўйилганди, ўтов деворида осифлиқ турган идишлар ялтирарди. Ўтовнинг ўртасига катта керосин чироқ осилган бўлиб, у чароқлаб ёнарди. Мен нақшларидан қайси буюм кимники эканини билиб олардим.

Ориятли, мулозаматни ёқтирувчи амаким овулимиздаги ҳамма яхши нарсаларни сўраб олиб келиб, ўтовимизни шундай жиҳозлар билан безатган эдики, уйимиз бу атрофда энг бадавлат кишининг уйидай таасурот қолдирарди.

Меҳмонлар чордана қуриб ўтиришди.

Мақтанчоқ амаким ўзи яратган шинамлик, кўркамликка маҳлиё бўлиб, ошкора мақтовталаб қиёфада ака-сига: «Қалай? Боплабманми?» деяётгандай қараб-қараб қўярди.

Амаким ҳар кимга ўз вазифасини шундай усталик билан юклаган эдики, ҳаммаси гўё махсус режа бўйича борарди: дастлаб кўзада сув келтирилиб, меҳмонлар қўлларини чайишди, сўнгра катта дастурхон ёзилди. Биринчи бўғирсоқларни қўйди, бошқаси қимиз солинган меш олиб келди, учинчиси қимиз тўла пиёлаларни меҳмонларга узатиб турди. Ҳар ким ўз вазифасини бир-бирига халақит бермасдан бажарар, ўзига тегишли ишларни қилиб бўлгач, шарпасиз чиқиб кетарди.

Кечки овқат ташналикни қондиришдан бошланди.

Муздек қимиз устида май кўпкариси — от минишдаги эпчилликнинг ўзига хос мусобақаси тўғрисида суҳбат борарди. Содиқ Облонов сўнгги сўзни асосий судья — Оққулига қолдириб, одоб билан, ишнинг кўзини билиб гап қистирарди. Чол ўзида йўқ хурсанд ва бу гал оқилона камсухан эди. Оққулига сажда қилиб юрадиган амаким ўз фикрини айтишга беўрин уринарди, аммо акасининг таънали нигоҳини пайқаб, шошганча ўтовдан чиқиб кетди. У ярим соатдан кейин қайтиб кирди ва тинимсиз маъраётган боши қора оқ қўйни оёқлари орасига олиб, фотиҳа олувчи қиёфасида қўлларини юқорига кўтарди.

— Омин! — деди у.

Ҳамма безовталигини яширолмай большевик Содиққа қаради, чунки бу нарса дин билан боғлиқ ҳамма эскиликлар сингари аввалроқ меҳмон бўлган ҳокимият вакиллари томонидан таъқиқланган эди.

Содиқ бу унсиз саволни фаҳмлаб, мийиғида жилмайиб қўйди-да, дуога қўл очди.

— Ака, мендан ёшингиз улуғроқ, шу меҳмондўст хонадоннинг ҳақиға дуо қилсангиз-у, фотиҳа бериб бизни кушнуд этсангиз.

Оққули мушкул аҳволда қолиб, бир зум ўйланиб турди-ю, аммо ўзини йўқотмади, қўлини дуога очиб, қироат билан бошлади:

— Э, яратувчи! Мен биринчи сенга илтижо қиляман. Илоҳи юртимиз узра қуёш шу бугун сен раво кўрганингдай доимо чарақлаб турсин! Илоҳо халқлар шу қуёш остида бахтини топиб, ҳаётдан хурсанд бўлсинлар! Илоҳи ёшлик қувончли ва шўхчан бўлсин, илсҳи, кексалик доруломон, мўл-кўлчиликда, осуда ўтсин! Илоҳи бугун Содиқ айтганидай (бу сўзлардан хижолат бўлиб Содиқ ерга қаради) ҳамма қабила ва халқларнинг фарзандлари сенинг олдингда тенг бўлсин. Улар-

нинг қалбларига бир-бирига нисбатан биродарлик муҳаббати ва меҳр-оқибатни жо қил! Одамлар ва халқлар орасида хусумат уруғини сочувчи шайтоннинг уруғини қурит! Дашту қирларимизни ширали гиёҳларга ва бўрдоқи подаларга тўлғаз! Илоё, ҳосилни мўл қил! «Хотинларимизнинг этакларига барака бер», ўтовларимизни шўх фарзандларга тўлғаз! Йигитларимизга қанотли тулпорлар ато қил!..

Охирида чол сал хижолат бўлиб, афтидан фотиҳани қандай тугатишни билмай тўхтаб қолди.

Ҳамма кулиб юборди, зеро у тулпорларга келганда тутилиб қолган эди. Шунда Оққули: «Худо йўлига», деб бақириб юборди. Қўйни олиб кетишди.

Ҳамма Оққулининг ҳеч қачон диний маросимларни бошқармаганидан хабардор эди, шунинг учун унинг «фотиҳаси» одатдагига ўхшамади.

Содиқ ўсал бўлган Оққулига далда бериш ниятида жилмайганча деди:

— Энг яхши истакларни яхши гапирдингиз, ака, биз коммунистлар ҳам халққа худди сиз айтганларни тилаймиз.

— Биз бўлса сенинг бунақа шоирона қобилиятнинг борлигини пайқамабмиз,— ҳазиллашди кимдир.

— Қўшиқ руҳи эгарда яшайди, аёлларнинг этагига яшириниб юрмайди,— деб жавоб берди Оққули ҳазил қилган кишининг донғи кетган хотинбозлигига ишора қилиб.

Ҳамма кулиб юборди.

— Бизнинг акамиз фақат шоирона фикрлабгина қолмай, сиёсатдон ҳам экан,— деди Содиқ ва шунчаки, йўл-йўлакай қўшиб қўйди:— Ака бизнинг сиёсатимиз, одамлар орасида қардошлик ва дўстлик ўрнатишдир, ахир халқнинг эзгу ниятлари ҳам шу-да. Мана, мисол учун русларни олайлик. Оддий мужик тонгдан то қо-

ронғи тушгунча далада меҳнат қилади, ёки ўлкамиздаги темир йўлни қурган ишчиларни олайлик. Улар ҳам худди бизга ўхшаган инсонлар, улар учун ҳеч ким ишлаб бермайди; ўз нони ва ёвғонини ўз қўллари билан ишлаб топишади.

— Гапинг тўғри, Содиқ, руслар меҳнат қилишни севади, билади ҳам...

— Қўйсанг-чи, Содиқ гапини тугатсин, ахир.

— Руслар — яхши халқ, тўғри, улардан баъзи бировлари қозоқларга тазийқ ўтказган эди, лекин улар подшонинг амалдорлари эди. Энди тамоман бошқача: русларнинг ўзлари манфур подшоларини тахтдан ағдардилар.

— Демак, бундан чиқди Ленин тўғри, ростгўй одам экан-да.

— Ҳа,— деди Содиқ,— бизнинг Ленин — жуда тўғри одам...

— Нима, энди Ленин подшонинг ўрнидами? Аввал Николай эди, энди Ленин, шундайми?— сўради кимдир. Бунга Содиқ жилмайиб жавоб берди:

— Ҳа, энди Ленин, лекин подшо эмас, доҳий, у ҳамма тўғри одамларнинг энг доносидир.

— Барака топгур, Содиқ, қани айт-чи, мана сенинг аканг Избосар келади-ю, гапни «худо йўқ», «сизлар — нодонсиз», «сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз» дан бошлайди, у қўнган хонадонлардан бирортаси одатимиз бўйича қўй келтириб, ундан фотиҳа сўраса, қўлини силтайди-да, ғазаб билан: «Эҳ нодонлар, обориб сўйво-раверинглар», дейди... Подшо ўз йўлига, улар кўп бўлган, тожи-тахт ўз йўлига, лекин худонинг бунга нима даҳли бор — ахир у битта-ку. Эътиқоддан айнитишнинг нима кераги бор? Урф-одатларни бузишнинг нима кераги бор?

— Сен нега бу ерда ҳар хил ноўрин гапларни ал-

жираяпсан? Ахир Избосар Содиқнинг туғишган акаси-ку,— лўписа қилди Оққули ўзбошимчага.

Содиқ жилмайиб, сўзлаётган кишини Оққулини газабидан муҳофаза қилмоқчидай ўнг қўлини кўтарди.

— Нима деяпсиз, қўйинг, ака! Нега тўғри гапни бўласиз?

— Ленин-чи, у худога ишонадими ёки ишонмайди-ми?— ўз сўзини тугатди ўзбошимча.

— Мен ўзим Ленин билан учрашмаганман, аммо уни мендан тузукроқ биладиганларнинг ҳаммаси Ленин жуда тўғри ва софдил одам дейишади. Билмадим, у худога ишонадими, йўқми, лекин у ҳамманинг айтишича халққа жуда ҳам ишонади. Шунинг учун ҳам унга ҳамма эргашган деб ўйлайман,— Содиқ кулимсираб қўшиб қўйди:— Акам тўғрисида ҳеч нарса деёлмайман, у ҳар қалай акам бўлади. Бироқ сиз Избосарни ўртоқлар қоралаб ишдан олиб ташлаганларини биласиз...

Ноқулай сукутни Оққули бузди:

— Барака топ-эй! Тўғри ва яхши гапиряпсан, Содиқ, Ленин халққа ишонар эканми — асосий гап шу.

— Ленин халққа ишонар эканми — халқ ҳам унинг юзини ерга қаратмайди,— гап қистирди ўзбошимча. Бу ўша овул қизиқчиси ва ҳажвиячиси, зиёфатларнинг доимий соқийси, бир отли камбағал, қувноқ чол Тўқмирза эди...

— Тўғри айтяпсиз, Тўқа, мана мен ҳам ҳузурингизга сизлар билан нима қилиш кераклигини, ҳаётни қандай йўналтириш лозимлигини маслаҳатлашгани келдим.

— Гапир, Содиқ.

— Билмадим, сенга маслаҳатчи бўлишга ярармиканмиз...

— Ярайсиз, ўйлайманки, жуда ҳам ярайсиз-да. Биз бугун Биринчи Майни ёмон нишонламадик — сизнинг маслаҳатингиз билан улоқ чопдик...

— Зап байрам бўлди-да, Содиқ,— гапни бўлди Оққули,— энди ҳар йили Биринчи Майни байрам қиламиз!

— Оққули дейман, ҳар йили май совринини олгилари келиб қолди шекилли?— ҳазиллашди Тўқмирза.

— Йўқ, мен сенга ўхшаган очкўз эмасман,— Оққули қўйнидан Содиқ совға қилган қизил шоҳи рўмолни чиқараркан, бундай деди:— Мен бу рўмолни асраб қўяман ва келгуси йили Биринчи Май куни уни энг яхши йигитга совға қиламан. Уша пайтгача сен ўғлингга отни яғир қилмасликни ўргатиб қўярсан деб ўйлайман,— Тўқмирзани болади у.

— Нимага энди ҳадеб суҳбатни чалғитасиз! Содиқ гапини тугатсин. У биздан маслаҳат сўрамоқчи эди-ку,— гапга аралашди отам.

— Ҳа, муҳтарам оқсоқоллар, мен сизлардан маслаҳат сўрамоқчиман... Сизлар турмушнинг аччиқ-чучугини тотигансизлар, талайгина умр кўрдинглар, шул сабабли янги тартибларни халқимизга яхшироқ тушунтиришда менга кўмаклашсангизлар дейман.

— Сенинг милиционерларинг нега отларни бекорга нобуд қилишади?— қизишиб кетди Оққули.— Отларни телбаларча чоптиришади, жониворларни қамчи билан савалашади. Отингга милиционер миндими, яхшилик кутма. У албатта отни йўрттириб чопиши керак.

— Оққули, қўй энди, отлар тўғрисида гапларингга Содиқ боя жавоб берган эди-ку.

— Сен, Мумиш, менга қачон нима дейишни ўргатма... Мен Содиқнинг ўрнида бўлсам бу саёқларни аллақачонлар осиб юборган бўлардим...

Умумий кулги остида Содиқ Оққулига хотиржам жавоб берди:

— Мен, албатта, милиционерларни осмайман, ака, чунки совет ҳокимияти ва Ленин бундай қилишга рухсат беришмайди. Аммо, улардан бебошлик қилади-

ганларини хизматдан четлатишга тўғри келади шеклли.

— Ҳа, ҳа, Содиқ,— деди Оққули ҳаяжонланиб,— уларни албатта отдан тушириб қўй, бир умр яёв юришни буюр.

— Худди шундай қиламан, ака,— жилмайиб жавоб берди Содиқ. — Мана акамлар ва бошқалар тўғри гапиришди, менга яхши маслаҳатлар беришди. Биринчидан: келгусида Биринчи Май кунини баҳор ва қувонч байрами сифатида нишонлаш, иккинчидан: агар милиционерларимиз халқни ранжитар экан, демак, уларнинг жиловини тортиб қўйиш керак. Бугун ўз маслаҳатларингиз билан иккита масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам берганингиз учун раҳмат сизларга, оқсоқоллар.

— Гапир, Содиқ, гапиравер,— бехосдан деди изза бўлган мағрур Оққули,— мен қари эзмани ва яхши гапларингни оғзингдан юлиб олаётган ҳаммамизни кечир.

— Яна иккита масала бор,— деди Содиқ вазмин. — Иккита масала борки, уларни сизсиз ҳал қилишим мушкул...

— Гапир, Содиқ...

— Мен сизлардан ёшман, муҳтарам оқсоқоллар, мен сизларга ака эмас, бори-йўғи ука бўламан, холос. Руслар билан муносабатларимизни эпга келтиришимиз керак. Ҳанузгача бизнинг қизиққон одамларимиздан баъзилари эскичасига русларни хуш кўришмайди. Бозор бўлдим, жанжал чиқаришади...

— Нима, Содиқ, энди янги замонда ҳам икки букилиб таъзим қилишни буюрасанми? Яна елкаларимда казакларнинг қамчисини ўйнатасанми?..— деди Оққули бўғилиб.— Йўқ, бекор айтибсан, модомики Лениннинг: «Ҳамма одамлар тенг» дептими,— мен сенинг ўша рус саёқларингга бўш келмайман! У менинг оппоқ соқолим-

ни ҳурмат қилмас эканми, сен Содиқ, менинг қамчимни ушлаб ўтирма...

— Сен-чи, Оққули, ўзинг қозоқ саёғисан...— дея гап бошлади отам.

— Сен ўз уйингда ҳадеб менга домлалик қилаверма! Мени уйимдан чиқиб кетсин деяпсан-да... — отамга қараб ўшқирди Оққули.

— Ака, ҳой ака!— илтижо билан мурожаат қилди Содиқ.— Қўлингиздан келса менинг илтимосимни ерга урманг. Ахир жиддий гаплашмоқчимиз, шундай экан, кўполлик ва қизиққонлик қилишнинг нима кераги бор?

— Оққули, мени кечир, мен ноҳўя гап айтиб қўйдим. Кел, Содиқнинг гапларини тинглайлик,— деди отам.

— Ҳа, шунақа,— тўнғиллади Оққули,— сен бўлсанг Мумиш, менинг гашимга тегма.

— Қандай қилиб оддий рус кишиси билан муносабатларимизни яхшиликча, оға-иниларча йўлга солсак экан? Ахир, ака, менга айтишларича Тимофей Водопьянов сизнинг дўстингиз эмиш-ку? Шу гап ёлғонми?

— Тимошками? У яхши ва тўғри одам, унинг қариндоши Иван бўлса ёмон одам.

— Биз бўлсак Кузьма Гончаров билан биргалашиб ер ҳайдаймиз, биргалашиб пичан ўрамиз, бир-биримиз-викига меҳмонга борамиз,— гап қистирди отам,— менинг укам Гончаровлардан кўп нарса ўрганди...

— Жагор қаҳатчилик йиллари мени қутқариб қолди,— деди Тўқмирза.

— Менинг Метрейим бўлса уй қуриб берди...

Содиқ жилмаяр ва чидам билан русларнинг шаънига айтилган гапларни тингларди.

— Тимошка, Кузьма, Жагор, Метрей ва бошқалар ўзларингизнинг гапларингиз бўйича яхши одамлар, ҳалиги Тимошканинг қариндоши Иван эса ёмон одам,—



хахолаб кулиб юборди Содиқ ва Оққулига юзланиб деди:— Қанча рус яхшию қанчаси ёмон экан?

— Яхшилари ёмонларидан кўпроқ чиқяпти. Қуриб кетсин, ўша Иван! — дўнғиллади Оққули.

— Ўзимизда-чи, «қозоқ Иван»лари қанча?

— Нима ҳам дердик,— гапга аралашди Тўқмирза,— бизда ҳам ҳар хил саёқлару «бемаза»лар етиб ортади.

— Ўйлаб кўринг,— деди Содиқ,— мулоҳаза қилиб кўринг, рус ва қозоқларнинг муносабатларини қандай қилиб эпга келтириш тўғрисида маслаҳат беринг... Мен сизлар билан маслаҳатлашмоқчи бўлган иккинчи масала — бу ер масаласи. Еримиз кўп, ундан фойдаланишда эса тартиб йўқ. Ленин кимки экиб-тикса, пешана тери тўкса ер ўшаники, деган. Бизда эса қандай? Бирида керагидан ортиқ, бошқаларда эса бир парча ҳам йўқ. Ахир шу инсофданми? Шунинг учун мен сизлардан оқилона маслаҳатлар эшитмоқчи эдим, муҳтарам оқсоқоллар. Шу масала юзасидан ўйлаб кўришингларни ва бир-икки кундан кейин жамоат номидан менга маслаҳат беришингларни илтимос қиламан.

— Гапинг тўғри, Содиқ, ҳақ гап бу,— гувиллашди ўтовдагилар,— аввал маслаҳатлашиб олиб, сўнгра фикримизни айтишга фурсат бер бизга...

Сўнгра Содиқ қамоқда ўтиргани, Сибирда сургунни қандай ўтказганини бамайлихотир, ҳазил-ҳузул сўзлар билан ҳикоя қилди, қозоқларнинг 1916 йилги қўзғолони ҳақида сўзлаб берди, ўзининг рус биродарлари ҳақида илиқ сўзларни айтди.

Мен отамнинг ёнида чўнқайиб, нафасимни ичимга ютиб тинглардим, аммо менинг болалик идроким ҳам-масига ҳам етавермасди.

Содиқнинг уйимизда меҳмон бўлгани ва уни қандай кузатилгани ҳанузгача ёдимда: бу меҳмондорчилик қизиқ ўтган, одамлар ҳам роса кўп бўлганди.

Ўша оқшом амаким ўзини чаққон ва уддабурон ташкилотчи сифатида кўрсатди, ўшандан буён уй-рўзғор ишларини идора қилиш унинг қўлига ўтди.

Бутун оқшом ва тун худди, митингдан кейин ўз-ўзидан бошланиб кетган кўпқари сингари, ўз-ўзидан Биринчи Май шарафига бошланган айтишувлар билан ўтди. Содиқ билан Оққули бизнинг вилоятимизда биринчи бўлиб майни умумхалқ байрамига айлантиришди, кейинги йилларда эса бу одатий анъанага айланиб кетди.

\* \* \*

Қозоқларнинг ерга хусусий мулкчилик муносабатлари бизнинг ўлкаларда рус кўчманчилари пайдо бўлиб, чор ҳукумати энг яхшиш жойларни қозоқлардан тортиб олиб, уларга бирқитганда зўрайиб кетди.

Чегара жорий қилинди. Рус деҳқонлари даштда қаровсиз тентираб юрган йилқи ва подалардан зарар кўришарди. Шунда руслар қозоқларни ҳайвонларига кўзқулоқ бўлиб туришга ўргатиш учун ўз ерларига отлиқ қоровуллар қўйишди. Қоровуллар чегарадан ўтган ҳайвонларни ҳайдаб кетишар, фақат маҳсулот билан жарима тўлагандан сўнг қайтариб беришарди. Жариманинг миқдорини руслар белгилашарди.

Қозоқлар ҳайрон бўлишарди:

«Худонинг ери, худонинг ўти, худонинг ҳайвонларини ку!»!

Руслар ўз навбатида таажжубланишарди:

«Менинг ерим, менинг ўтлоғим, менинг экинларим! Буни меникилигини қозоқлар қандай тушунишмас экан-а?»

Рус қоровуллари жамоат ишончини сунистеъмол қила бошлади ва тез-тез деҳқон мулкларига ўтмаган мол-

ларни ҳам ҳайдаб кета бошладилар. Бу адолатсизлик қозоқларни ғазаблантирар, улар таъқиб уюштириб ҳайвонларни куч билан тортиб олишарди.

Шунда қоровуллар сочма ўқли милтиқ билан қуролланиб юрадиган бўлишди. Тўқнашувлар кескинлаша борди. Кўпинча тортишувлар жанжаллашиш, ҳатто қон тўкилишгача бориб етарди. Қозоқ ҳар бир русга ўзини азалий ота еридан ҳайдаб суриб чиқарувчи зolim деб қарай бошлади. Рус кўчманчилари қозоқлар тимсолида ўзларининг сон-саноксиз подалари билан экинларни пайҳон қилаётган, оғир меҳнатлари натижасини нобуд қилаётган дилозорларни кўрарди. Иккала томоннинг ҳам манфаатлари зарар кўрар, иккала томон ҳам ўз ҳолича ҳақ эди.

Шу тариқа ер рус ва қозоқларнинг ўртасидаги низоларга сабабчи бўлиб қолди.

Руслар томонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати турар, бу эса ҳамманинг бошига битган бало эди. Янги ерларда кўчманчиларнинг қишлоқларида қулоқлар худди қўзиқориндай кўпайишар, оч бўридай «бўш» ерларга ташланишарди. Қозоқларга қарашли ерлар тобора қисқариб борарди. Шунда ер «бўш» қолмаслиги учун камбағал қозоқлар бир ерда муқим тура бошладилар. Руслардан ибрат олиб улар ерларга ишлов бериб, озуқа учун ўтни ўра бошлашди. Шу йўсинда қозоқ «Менинг ерим, менинг пичанзорим, менинг экинларим!» деган хусусий мулкчилик дардига чалиниб, аста-секин ерга эътимод қўя бошлади.

Мен қозоқларда ерга янгича муносабатни ифодаловчи «меники» сўзи қарор топгандан кейин туғилган эканман. Ер дон ва мева-чева берар, уларни нафақат истеъмол қилиш, балки сотиш ҳам мумкин эди. Пул сеҳрли кучга айланди, унга ҳар нарсани харид қилиш мумкин эди.

Қозоқлар журъатсизлик билан ерни эксплуатация қилишга уриниб кўришди. Харидор ва ижарачилар пайдо бўлди. Ерга эҳтиёж ва уни сотиш вужудга келди. Тўғри, хусусий мулкчилик сўнги кунларгача яйловларга етиб келгани йўқ. Шудгорбоп ерлар ва пичанзорларгина савдо-сотиқ объекти бўлди. Бироқ қозоқ яна узоқ вақт бунга кўниколмай юрди, ер ва ўтлоқни сотишни ўзи учун ор деб билди, кўплари эса шудгор ва ўтлоқларни эҳтиёжи борларга текинга бериб юборишарди. Шундай бўлса-да, закон устун келиб, аста-секин ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг асоси бўлмиш ўзига хос «мандат»— «Аждодларимнинг мазгили» деган сўз вужудга келди. «Аждодлар мазгили» узун минтақа бўлиб, бир вақтлар аждодларнинг кўчманчилик даврларида босиб ўтган йўллари ёқалаб чўзилиб кетарди.

Демак, қозоқларнинг ерга эгалик ҳуқуқи дастлаб уруғ жамоачилик сифатида вужудга келиб, сўнгра эса аста-секин уруғдош ва, ниҳоят, хусусий бўла борди. Бундай қўзғалмас мулкни гаровга қўйиб қарз берадиган ер банклари пайдо бўлди.

Кейинчалик ер, унга эга бўлиш учун кураш фақат руслар билан эмас, қозоқларнинг ўзлари ўртасида ҳам бўлиб турди. Ер-сув тўқнашувлари зўрая бориб, коллективлаштириш давригача давом этди. Революция арафасида қозоқ деҳқонлари орасида ҳам «аждодлар мазгили»дан олинган чек ерларини арзон-гаров сотиб юборган ерсизлар билан кам ерлилар ҳамда камбағалларнинг ерларини ўз қўлларига киритиб олган бой ер эгалари мавжуд эди.

Бизнинг оила «аждодлар мазгили»дан эллик ботмон ерга эга бўлганди. Бувим ва отамнинг ўзи ирим қилиб на харид қилишни, на сотишни ўзига эп кўрмас эди. Енгилтак амаким эса ҳали бувим ҳаёт пайтидаёқ қаҳатчилик йилларидан бирида еримизнинг бир қисминни сотиб

юборишни таклиф этган, бунинг учун бувим уни жеркиб ташлаган эди:

— Сени ёвуз жин урган бўлса керак, кўппак! Мендан уч ўгил, сенлар ҳам уч ўгил кўрсаларинг, улардан ҳам учтадан меросхўр туғилса, унда эвараларим қаёққа боради?! Авлодимиздан биринчи бўлиб сен худонинг ерини сотиш тўғрисида оғиз очдинг, тилингга чипқон чиққур!

Бу можародан кейин мен оиламизда ер сотиш ёки ижарага бериш тўғрисида бирон сўз эшитмадим, бувимнинг бу васияти ер ислоҳотига қадар бузилмай келди.

Амаким мени ер масаласи бўйича Содиқ ўтказган мажлисга қўймади: «Бор, болалар билан ўйна, бошқа болаларга ўхшаб қўзиларни боқ!» Менинг илтижоли назаримдан отам юз ўгирди ва шу билан амакимнинг буйруғини тасдиқлади.

Ер ислоҳоти ёки қозоқлар атагандай ер бўлиш 1921 йил май ойининг ўрталаригача давом этди. Бу Советларнинг янги сайлов тартиби жорий этилгандан кейинги иккинчи йирик сиёсий тадбири эди. Чор атрофга қараб, овулдан-овулга, мажлисдан-мажлисга, дам-бадам от чоптириб қолишарди. «Аждодлар мазгили» теварагида кураш аввал қабилалар орасида, кейин уруғдошлар орасида борар, кейинчалик у умумий ота-бобога эга алоҳида оилаларнинг курашига айланиб кетди. «Худонинг еридан ўз улушини олиш борасида уруғлараро низо тобора алангалана борарди.

Содиқ бу бир-бирини қувиб, биридан кейин бири туғилаётган ўрта аср тўлқинлари аро чап бериб юрарди. Эҳтимол, унинг «тахир сув»дан тотиб кўришига тўғри келгандир, аммо у янги соҳилдаги қоя эди, тўлқинлар бир-биридан ўзиб унга томон отилишар, унга тегиб чилпарчин бўлар, пойига йиқилатуриб яна туғён уришга

уринар, аммо энди улар серкўпик ва бемажол бўларди.

Содиқ одоб доирасидан четга чиқмай, аммо қатъият билан ўз измини ўтказар, қозоқлар ўртасида аланга олган уруғчилик низолари босилиб, шаштларидан тушишлари учун имкон берарди. Бу курашдан ҳориган одамлар можарони Қонун йўли билан ҳал этиш учун унинг ўзига мурожаат қилишларини матонат билан кутарди. У, одамларнинг ўзлари тўлиб-тошиб эътироз билдирган, қаршилик қилган ишларни қувонч билан ўзлари амалга оширишларини кутарди.

«Сабрнинг таги олтин», «Шошган қолар уятга, тоқат қилган етар муродга», дейдилар-ку, ахир.

Ҳа, Содиқ шошмасди, меъёридан ҳам ошмасди. У насихат ва сабр-тоқат билан эскилик сарқитларини тугатарди, бу иллатлар қонун олдида бош эга борарди. У ўзининг «шундай бўлиши керак» деган сўзлари одамларнинг гашига тегмай, халқнинг ўзи: «Шундай бўлиши керак экан!» дейдиган дамларни чидам билан кутарди.

\* \* \*

Бир кун амаким баъзи бир хўжалик ишларини битириш учун қишлоғга бориб, пешинда қайтиб келди-да, дам олгани ётди. Менга у қўтонни супуриб қўйишни таъинлади, мен ҳам ҳафсала билан унинг топширигини бажаришга киришдим. Қандайдир қўшиқни хиргойи қилганча ишга шунчалик берилиб кетибманки, Оққули бошлиқ таёқлар билан қуролланган тўда яқин келиб қолгандагина ўзимга келибман.

— Ҳой! Пасткаш кўппак Мўминқул, қани одил судга чиқ!— деб қичқирди Оққули.

Оққулининг қаҳрли товуши ва ҳамроҳларининг важоҳати мени қўрқитиб юборди, мен жон-жаҳдим билан

амаким ухлаётган ўтовга чопиб кирдим ва овозим тит-  
раб уни уйғота бошладим.

— Амаки! Амаки! Оққули сени ургани келди!

Амаким уйқусираб ҳеч нимани тушунмади. У сакраб  
турди-да:

— А!.. Нималар деб валдираяпсан?— деб тўнғил-  
лади.

Шу пайт овозлар эшитилди:

— Аҳа! Қўрқяпсанми, номард! Чиқ деяпмиз сенга,  
тезроқ!

— Инингда пусиб ётма! Қани, чиқ!

— Биз сенинг телбанамо бошингни мажақлаб таш-  
лаймиз!

Бизнинг удумимизга кўра ўтовда муштлашиш мум-  
кин эмасди, шунинг учун Оққулининг тўдаси ўтовдан  
йигирма қадам нарида дўқ-пўписа қилиб, жангга шай-  
ланиб турарди.

Худди шу ёзилмаган қонунга биноан таъқиб қилинув-  
чи қочиб яширина олган ҳар бир ўтовда бошпана топи-  
ши мумкин эди. Ўтовга бостириб кириш аждодлар руҳи-  
ни оёқ ости қилинган ҳисобланарди. Борди-ю таъқибчи  
тийилмаса, уни ўз аждодларининг уруғлари истиқомат  
қиладиган бошпанани ҳақорат қилишда айблашарди.  
«Ҳатто чумчуқ ҳам бута остидан бошпана топа олади.  
Сенга менинг ўтовим каптархонами? Ё бутачалик ҳам  
эмасми?»— дейишарди душманини чиқариб беришлари-  
ни талаб қилган таъқибчига.

— Қўрқоқ! Қўрқоқ! Қўрқоқ!— қичқирарди Оққули-  
нинг бақалоқ юзли оғзи кагта ўғли Жақсибой, будда  
худоларининг ниқобини эслатувчи бадбашара юзи ғазаб-  
дан буришиб.

Унинг сўзлари жон-жонимдан ўтиб кетгани, қўрқув-  
ни енгиб ўтовдан чопиб чиққаним ва тўдага қараб қич-  
қирганим эсимда:

— Қўрқоқ эмас у! Ухлаб ётганди, туриб, кийиниб чиқади ҳозир!

— Вой, чурвоқа-ей, жўна, соққангни ўйна!— менга дўқ урди Жақсибой.

Унинг ваҳимали важоҳатидан чўчиб, лип этиб ўтовга кириб кетдим.

Амаким уларнинг сўкишларига жавоб қайтариб, шоша-пиша кийинарди:

— Ҳозир! Сенинг ўша ҳаром оғзингни қоп-қора қонга тўлғазиб қўяй бир!

Ўтовга тез кўз югуртиб жангга яроқли ҳеч нарса тополмаган амаким қуруқ қўл билан рақиблари ёнига чолиб чиқди-да:

— Мана мен!— деб қичқирди.

Шу заҳотиёқ Оққулининг одамлари таёқлари билан унга ташланишди, калтак ёғилиб, ҳайқириқлар янгради.

Оққули саркардалардай бир чеккада таёғини ўйнатганча амакимнинг калтакланишини кузатарди.

Амаким бошини қўллари билан пана қилиб, оёқлари билан зарба бериб тепинар эди. Амакимга раҳмим келганидан, ожиз ғазабдан безгакдай шақ-шақ титрардим. Мен бу тенгсиз жангни кўриб ғазабдан бўғила ёзгандим.

Аёлларимиз додлаб юборишди; аммо уларнинг дод-фарёди муштлашаётганларнинг бақириқ-чақириғи остида кўмилиб кетди.

Тўсатдан амаким даф қилаётганларнинг биридан таёғини тортиб олиб, қуршов ҳалқасини ёриб ўтди. У ўзини сал четга олди-да, кейин шартта бурилди-ю, оққуличиларга калхатдай ташланди. У таёқни ғоятда чапдастлик ва маҳорат билан ишлатарди. У рақибларнинг қўлидан қуролини уриб тушириб, учтасини қуролсизлантирди, қолганларини яккама-якка қилиб қаттиқ калтаклай кетди. Охирида қаттиқ зарба билан Жақсибойни қулатди.



Мен уларнинг ҳолидан кулардим, оққуличиларнинг мағлубиятидан маст эдим.

«Кекса саркарда» ўғлининг ерда чўзилиб қолганини кўриб амакимга ташланди. Амаким таёғини четга иргитди-да, чопиб келган чолнинг қаршисида оёқларини кериб, қўлларини орқасига қилиб турди. Оққули зарб билан таёқни амакимнинг бошига солди. Ёрилган манглайдан тирқираб қон чиқиб Мўминқулнинг бутун юзини қоплади. Оққули таёқни яна бир силтади-ю, лекин урмади, у икки қўли билан юзини бекитди-да, шартта орқасига бурилиб, орқасига қайрилиб ҳам қарамай букчайганча овули томонга кетаверди. Унинг калтакланган «жангчилари» эса судралишиб бирин-кетин орқасидан жўнашди.

Юз-кўзи қонга беланган амаким ўчоқнинг ёнига бориб, бир парча кигизни кесиб олди-да, уни куйдириб, тутаб жизғинак бўлган жунни ярасига боса бошлади.

Кечқурун отам келди. Биз биримиз қўйиб, биримиз олиб, ўтовимиз олдида бўлган «жанг» тўғрисида сўзлай бошладик. Амаким бундай босқинчиликнинг сабабини билмаслигига отамни зўрға ишонтирди. Отам бошини таънали чайқарди, холос...

Кейинроқ аниқланишича, бир далил сабаб бўлган экан: пичанзордаги пастқамликларнинг бирида баланд ва қалин ўт босган бир маъшум чуқур бор эди. Хилват жойда ўт эзилган, топталган-у ерда кимдир ётган экан. Ўша жойдан ўтган одамлардан бирининг бунга кўзи тушибди. У узоқдан амакимнинг шу дарадан кетаётганини кўргани, яна бир оз вақт ўтгач эса у ердан бир аёл — Жақсибойнинг хотини чиқиб келганини айтибди. Ўша одам топталган ўт фақат амаким билан Жақсибой хотинининг бузуқлик қилган жойи бўлиши керак, деган инкор этилиши маҳол хулосага келган. Ўзининг бу шубҳаларидан ҳаммани воқиф қилишни бурчи деб билган у.

Бўлиб ўтган жангдан кейин икки қўшни овул ўрта-сида «совуқ уруш» бошланди. Алоқалар узилди. Бу аҳ-вол бир ҳафта давом этди.

Эри калтаклаган бечора аёл ўзининг дугонасиникида бошпана топди, дугонаси эса ўтовнинг «муқаддас»лиги-дан фойдаланиб, унинг интиқом олиш дардида юрган эрига сирни ошкор этмади.

Оққули жанжални бартараф этиш ва ўғли билан ке-линининг ажралишини расмийлаштиришни, айбдорлар-ни никоҳнинг муқаддас даҳлсизлигини бузгани учун жа-вобгарликка тортишни илтимос қилиб отамнинг ҳузури-га одам юборди. Отам укаси ва ўша аёлнинг гуноҳи тўғ-рисида менга ҳеч нарса маълум эмас деб жавоб қилди.

Даъвогар Оққули бўлгани ва худди ўша қариган чо-ғида бу ғалвани бошлагани сабабли судьяларни таклиф этиш ундан лозим эди. Ўзига келганда эса у судга жа-вобгар сифатида борарди. Суд ўша ҳангомадан икки ҳафта кейин бўлиб ўтди. Одат бўйича ҳар иккала томон-га ҳам яқинлиги бир хил бўлган бетараф уруғнинг энг кекса кишилари судьялик қилишарди. Судга уларнинг энг каттаси Жаримбет раислик қилди. У новча ва семиз бўлиб, ҳаммамизга қовоғини солиб, хўмрайиб қарарди.

Бир гуруҳ даъвогарлар — Оққулининг яқин қарин-дошлари — ўнг томонда, жавобгарлар эса — чапда ўти-ришарди. Аёллар бундай муҳим ишларда судда қатнаш-масликлари лозим эди.

— Одамнинг ҳаётида аянчли воқеалар ва мусибат-лар кўп бўлади,— гап бошлади Жаримбет.— Инсон гу-ноҳдан ҳоли эмас, лекин ёшлик қилиб гуноҳ иш қилиб қўйган ҳар кимса тавба қилиши ва ўзининг самимий иқ-рори билан қариндошлар ўртасида чиққан адоватни бартараф этиши керак... Сиз,— деди томонларга қараб у,— бир ота, бир онанинг фарзандларисиз, биродарлар-сиз... Менинг зиммамга оғир мажбурият — қариндош-

лар учун шунчалик номуносиб можарога барҳам бериб, сиз ога-иниларни яраштириб қўйиш юкланган. Ҳақиқатни гапиринг, тўғри ҳукм чиқаришимга ёрдам беринг. Биринчи сен гапир, Оққули.

Оққули тумшайиб олди ва қамчисининг учини ерга тираб, сўз бошлади:

— Нима ҳам дердим, Жарака? Ҳаммаси кундай равшан, иснодга қолдим, бошимни кўтариб ёруғ жаҳонга тик боқолмай қолдим!— Бирдан Оққули қизишиб кетди ва қамчисини ўйнатиб қичқира бошлади:— Бу ифлос кўппак оиламнинг шаънига, уругимнинг шаънига доғ туширди. Оппоқ соқолимга ҳаром қорамойни чаплагандай бўлди!..

— Оққули, мабодо сен сўкинмоқчи бўлсанг,— унинг гапини қатъий бўлди Жаримбет,— ёки яна менинг кўз ўнгимда уришмоқчи бўлсанг, бизни овулингдан ҳайдаб қўя қол!

Оққули хижолат бўлиб қолди. Жаримбет унга қаради ва бир оз юмшатиб ҳамдард оҳангда қўшиб қўйди:

— Ўйлаб кўр, Оққули! Худога шукур, соч-соқолингга оқ тушипти, бизнинг оппоқ соқолларимизнинг ҳам иззатини қилгин-да, ахир.

Оққули жимиб қолди.

— Гапир, Мумиш,— отамга мурожаат қилди Жаримбет.

— Мен, Жарака, таассуфки, бу иш ҳақида атрофлича сўзлаб беролмайман, зеро ҳаммаси мен йўғимда содир бўлган. Шу сабабли укам ўзи учун ўзи жавоб бера қолсин, энди ёш бола эмас у.

— Қани гапир, Мўминқул,— деди Жаримбет амакимга.

Амаким ўзини йўқотиб қўймади ва одоб билан ўрнидан туриб, гап бошлади:

— Жарака! Мен Оққули билан судлашишга журъат

қилолмайман, у менга ака ва устоз бўлади. Мен сизга фақат шуни айтишим мумкинки, бу аянчли воқеа бахил тиллар тўқиган англашилмовчилик, холос: мен ва анави шўрлик аёл мутлақо бегуноҳмиз, биздан шубҳа қилишлари эса бориб турган адолатсизлик.

— Мен сендан ҳазар қиламан, итвачча!— қичқирди Оққули.

Жаримбет унга жиддий қараб қўйиб, деди:

— Балки менинг ўрнимга ўтиб ўтирарсан, Оққули?

Оққули яна жимиб қолди. Бундан фойдаланиб амаким сўзида давом этди:

— Мен сизни яхши кўрардим, ҳозир ҳам туғишган акамдан кўпроқ севаман, ака,— деди амаким пешанасидаги жароҳатини боғлаган рўмолни тузатиб.— Сиз, албатта, мен тўғримда нима деб ўйласангиз ўйларсиз-у, аммо сизни бахил кишилар чалғитганига ишончим комил. Сизнинг олдингизда виждоним пок. Мен сиз билан уришганим йўқ, пешанамни ёриб қўйганингиздан хафа ҳам эмасман... қолганлардан эса мен ўзимни ҳимоя қилдим, холос...

— Мен буларни калтакладинг деб айблаётганим йўқ сени.— Оққули ўзининг ёрдамчиларига жирканиб қаради.— Булар ҳаммаси...— у тутилиб нафрат тўла нигоҳини ёрдамчиларига қадади.— Латта! Ҳа, сариқ чақага арзиймадиган латта!— ғазабланиб қичқирди у.

Амаким Жаримбетнинг саволларига жавоб бериб, худди ўшандай хотиржамлик билан «жанг» қандай содир бўлганини бутун тафсилотларигача сўзлаб берди. Жаримбет диққат билан уни тинглаб бўлгач, оппоқ қошлари чимирилди. Кейин Оққулига ўқрайиб қараб қўйди-да, ниҳоят деди:

— Сен, Оққули, нега қуролсиз одамга даф қилшни ўзингга эп кўрдинг?! Ун киши бир кишига қарши-я? Бу

сенинг биринчи айбинг! Сен, Оққули, ёшингнинг ҳурма-  
тини қилиб, сенга қўл кўтаришни эп кўрмай, таёғини  
ташлаган одамни нега урдинг? Бу сенинг иккинчи ай-  
бинг!

Оққули бошини ҳам қилганча, индамай ўтирарди.

Тўсатдан чеккадаги ўтовдан ясанган, сарвқомат бир  
аёл чиқиб келди. Ҳаммани таажжублантириб, у аёллар  
учун тақиқланган суд жойига йўл олди. Оққули ўзининг  
келинини таниди-ю, илтижоли товуш билан ялиниб,  
қўлларини силкита бошлади:

— Орқага қайт! Орқага қайт, болам! Орқага қайт,  
болагинам!

Ҳа, унинг овозида буйруқдан кўра илтижо кўпроқ  
сезиларди, аммо аёл бошини мағрур кўтариб, дадил-да-  
дил юриб келаверди.

Яқинроқ келиб у чолларга таъзим қилди, отаси ёни-  
да ўтирган эрига нафрат билан қараб қўйди-да, ранги  
оқариб, ғазабдан кўзлари чақнаб гапира бошлади:

— Отахон!— Жаримбетга мурожаат қилди у. Унинг  
ҳаракатлари, товуши шу қадар қатъий эдики, ҳайратда  
қолганларидан ҳеч ким унинг гапини бўлолмади.— Мен  
ҳам ўз ота-онамнинг фарзандиман! Аёл бўлиб туғилган-  
ним менинг айбим эмас, мен аёл эканимдан ор қилмай-  
ман. Сиз ҳам ўз болаларингизнинг отасисиз. Ахир сиз  
қизингизни ўғлингиздан камроқ севасизми? Ахир сиз-  
нинг оталик қалбингиз ва ҳисларингиз учун ҳамма бо-  
лаларингиз ҳам тенг эмасми?! Ахир сизнинг келинлари-  
нгиз набиралар туғиб бериб сизни бахтиёр этишмайди-  
ми? Мен бу ерга сизнинг фарзандингиз сифатида кел-  
дим. Менинг келишим сизга ҳақоратдай бўлиб туюлмай-  
ди деб умид қиламан, оқсоқол. Ҳа, мен заиф ва ожиз  
аёлман. Мен ёлғизман, ёнимни оладиган ҳеч ким йўқ.  
Шунинг учун ҳам ҳар қандай эркак мени бемалол кал-  
таклай олади. Мени бу ердан ҳайдаб юборишингиз ҳам

қийин эмас. Аммо мени тинглашга бардошингиз ета-  
дими?

Бу сўзларни у ғазабини аранг босиб, ҳақ одамгина гапириши мумкин бўлган товуш билан аниқ ва донадона қилиб гапирарди. Унинг қиёфаси тантанавор, ўзи ихчам ва озода эди, у гўё борлиғи билан қатъий норозилик тимсоли эди. Унинг либосида ҳеч қандай ортиқча нарса йўқ, ҳатто бемаъни майда-чуйда безаклар ҳам эркак кўзини ўзига тортмас, ҳавасини қўзғамас эди. Унинг ҳамма нарсаси қуролга айланган. Кўзларининг ости оқ-кўкиш тусли, ҳалқа, рангининг докадай оқаргани унинг ирода ва қатъиятини ифода этиб турарди.

Жаримбетни бутун мажлис аҳли сингари бу жасур аёл маҳлиё қилиб қўйган эди. У аёлнинг кўзларига тик қарарди, аммо аёл ғазаб ва нафратдан чақнаган кўзларини олиб қочмас эди.

— Гапир, болам, гапирақол!— иккала қўли билан соқолини паришон сийпалаб деди Жаримбет.

— Мен келдим,— ғурур тўла товуш билан деди Зайнаб.— Мен судлашгани келганим йўқ. Агар бунинг эҳтиёжи бўлса ва даъвогарлар ишни шунга етказишса — унда суд—ҳукумат суди, совет суди бор, ана ўша ерда мен янги қонун бўйича эркалар билан тенг бўлган ҳуқуқимни ҳимоя қила оламан. Мен сизнинг ҳузурингизда ўз қароримни эримга маълум қилгани келдим. Унинг хатти-ҳаракатлари натижасида бизнинг муносабатларимиз ҳаммага овоза бўлиб кетди. Мен ноҳақ ҳақоратландим. Ҳукумат менга тўла эркинлик бериб қўйган, шундай экан, мен ҳам бу қонун берган ҳуқуқдан фойдаланишга қарор қилдим: мен эримни ташлаб кетишга қарор қилдим.

Унинг сўнгги сўзларидан кейин шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси хўрсиниб қўйди.

— Мен сизга миннатдорчилик билдириш ва сиз билан хайрлашиш учун келдим, ота!— деди у Оққулига.

— Нималар деяпсан, нималар деяпсан, болагинам!— Оққулининг овози титраб кетди, аммо Зайнабнинг қулоғига кирмади бу гап. У Жаримбетга қараб гапирарди:

— Сиз биронтасига мени ўз овулимгача кузатиб қўйишни буюролмайсизми, ота?— Сўнгра у эрига тик қараб, шундай деди:— Сизнинг уйингизга эса ҳеч қачон тириклай кирмайман!

У яна бир бор чоллардан узр сўраб, ҳозир бўлганларнинг ҳайратли нигоҳлари кузатувида ўтовга кириб кетди.

Ҳамма анчагача жимиб қолди. Мушкул аҳволда қолган Жаримбет қўлларини ўйнади. Ниҳоят у тилга кирди:

— Шўрлик бола, қанчалик оёқ ости қилинган-а!— Кейин уни овулга элтиб қўйишни буюрди.— Майли, у ерда бир оз турсин, ўзига келсин, ўйлаб-мушоҳада қилсин! Мен қариган чоғимда ожиз бир аёлнинг илтимосини рад этолмайман.

Уйга қайта туриб ҳар биримиз Зайнабнинг гапларини ўзимизча фикрдан ўтказдик... Баногоҳ орқамдан бувимнинг товуши келгандай туюлиб кетди: «Сен аҳмоқ бўлсанг ҳам, бугун ўзингни оқилона тутдинг!»

Мен бувимни кўраман деб ўйлаб орқага ўгирилиб қарадим-у, лол бўлиб қолдим: бу сўзларни отам ёнида кетаётган укасига айтаётганди.

Зайнабнинг иши бир йилдан ортиқ чўзилди. Сира охири йўқ музокаралар борарди, аммо у қаттиқ туриб олди ва тез орада ўзи танлаб, қалинсиз турмушга чиқиб тортишувга барҳам берди. Оққули эса умрининг охирчага Зайнабнинг кетиб қолганидан ғам чекиб, қай-қуриб юрди.

Зайнаб воқеаси бизнинг вилоятда катта шов-шувга

сабаб бўлди. Шу масала билан Содиқ Облоновга му-  
рожаат қилганида у Оққулига ҳамдардлик билдириб  
ва ҳеч нима билан ёрдам қилолмаслигини айтиб, узр  
сўраб чолни кабинетдан кузатиб қўйди-да, Зайнаб-  
нинг — бизнинг ўлкаларда ўз ҳуқуқини янги қонун бўй-  
ича ҳимоя қилган, совет қонунни берган тенгликдан  
фойдаланган биринчи аёлнинг олдига жўнатди.

\* \* \*

Гончаровлар биз билан пичан ўримида ишлашар  
эди.

Тайинланган кунни улар икки аравада чалғи, пан-  
шаха, болға, қайроқ ва бошқа пичан ўришга зарур ас-  
боблар билан келишди. Гончаровларнинг бутун оила-  
си яланг оёқ юрар, фақат чол ҳавони қорамойнинг  
ҳиди билан бузиб этик кийиб юрарди. Унинг ўғиллари  
белбоғсиз қисқа бўз кўйлак кийишарди. Яланг оёқ аёл-  
лар оқ рўмол боғлаб олишган. Кенг бўз кўйлакда улар  
ўзларининг кўчма ошхона анжомлари билан уймалаши-  
шар ва ёғоч хаскашни тузатишарди. Уларнинг соч-  
лари офтобда куйиб кетган, менга улар аёл сочлари  
эмас, тутам-тутам каноп бўлиб кўринарди. Бизнинг аёл-  
лар рус аёлларининг яланг оёқларига жирканиб қара-  
шар ва ўзаро уларни қоралашарди: «Илоё гўрга киргин,  
кофир!», «Оёғини очиб юргани қандай уялмайди-я! Туф,  
беҳаё!»

...Овулимизга етиб келганларида Гончаровлар зиё-  
фатдан бош тортишди: бизни пичан ўримига шоши-  
ришди.

— Ишлаш керак, Мумиш,— деди кекса Гончаров,—  
бешбармоқ ейишга улгурамиз ҳали!

Пичанзор узоқда эмасди — бори-йўғи уч километрча  
келарди. Отам билан амаким отда кетишди, мен бўлсам  
Гончаровлардан сўраб, уларнинг катта аравасига чиқиб



олдим. Аравада биринчи марта юришим эди, шунинг учун анча ҳадик билан орқароққа ўтирдим. Арава ўрнидан қўзғалиб, тарақа-туруқлаб илгарилай бошлаганда мен яшикнинг чеккасига ёпишиб олдим. Менинг қўрққанганимни кўриб, аёллар кулиб юборишди ва мени тинчита бошлашди. Василий менга далда бернш, айни вақтда мақтаниб қўйиш учун: «Қара, қара, мен қандай ботирман!» деяётгандай аравада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Лекин Тишко тўриқларга бир қичқирган эди, улар қадамини тезлатди. Мен яшикнинг чеккасига қаттиқроқ ёпишдим.

— Тишко, сенга нима, бўлди!— қичқирди Манька.— Секинроқ ҳайда, бўлмаса қирғизваччани кўзлари қинидан чиқиб кетади!

Тишко менга ўгирилиб қараб кулиб юборди-да, жировни тортди. Отлар тўхтаб қолди, мен эса оёғим куйгандай аравадан сакраб тушдим-да, чопиб кетдим. Василий менга етиб олди, қўлимдан ушлаб, юр деб арава томонга судраб кетди. Мен оёқ тираб туриб олдим...

— Василь!— деб қичқирди Манька.— Қўй у шайтонваччани, кетдик!

Василий жаҳли чиқиб юзимга бир урди-да, ўзиникилар томонга югуриб кетди. Мен унинг орқасидан югурдим, етиб олиб кўйлагига тармашдим... Биз жон-жаҳдимиз билан олиша кетдик. Тишко келиб, биттадан мушт туширди-да, ажратиб, укасини арава томонга олиб кетди.

Мен уларнинг орқасидан тош ота бошладим. Тошлардан бири Манькага тегиб кетди. У чинқириб юборди, мени: «Қирғизвачча! Шайтон! Иблис!» сингари қарғишларга кўмиб ташлади. Мен шу заҳоти унинг сўзларини илиб олдим-у, қайтариб ўзини сўка бошладим. Мен афтидан русча сўкишларни шунчалик бузиб айтгандимки, улар ўзларини кулгидан тиёлмай қолишди.

Шу билан яраша қолдик. Тишко мени Василь томонга итарган бўлди, кейин эса ёнига ўтқазиб олди.

Бизнинг ўтлоқ кенг ва текис эди. Гончаровлар отларни ечиб, шу заҳоти чалғиларни қўлга олишди. Чол отамни ёнига чақирди-да, ерга ўтириб олиб, унга чалғининг дамини уриб текислашни кўрсата бошлади. Мефодий эса амакимга чалғини қайроқ билан чархлашни ҳамда сопини бўйга тўғрилашни ўргатарди. Тез орада ҳамма чалғиларнинг дами текисланиб, эговланиб бўлинди.

Кузьма чол чалғини маҳкам ушлаб, чамалаб кўрди, уни ҳавода қулочкашлаб бир тортди, қаеринидир тўғрилаб болғани бир-икки урди-да, ўримга киришди. Оёқларини кенг қўйиб, у чалғини қулочкашлаб кўтарди-да, қоматини сал эгиб пастга туширди. Чалғи илондай зипиллаганча қалин ўт орасида кўздан йўқолди, қирсиллаган товуш келди ва ўт билинар-билимас чайқалиб тўп-тўп бўлиб Кузьманинг оёқлари остига қулади. Чалғини ҳар солганда чол секин-аста олға силжирди. Ун қадамча юргач тўхтади у ва тўнғич ўғлига қичқирди:

— Сашко! Сен нега чалғини тузук ўрнатмадинг, сопини озгина суриб қўйибсан, бунда умуртқа синади-ку!

Сашко болғасини кўтариб отасининг олдига чошиб борди ва гапириб туриб чалғини тузата бошлади:

— Ҳозир тузатамиз, ота, ҳозир, устарадай бўлади.

— Шундай қил, ўғлим, тузук қил,— меҳрибонлик билан минғирларди чол.

Сашко чапдастлик билан поналарни бўшата бошлади, ҳар болға урилганида чалғи узоқ жарангларди. Кейин у сонни бўшатиб, у ёқ-бу ёққа суриб кўрди.

— Яна бир оз юқорироқ, ўғлим,— ўргатарди чол.

— Шундай қилияпман, ота,— сонга туфлаб уни хом чарм қайиш билан тортиб боғлай туриб жавоб берарди Сашко. Қайишни тортиб боғлаб бўлиб, у соннинг яхши

ўрнашган-ўрнашмаганини текшириш учун уни қимирлатиб кўрди.

— Энди тузук, кўрингчи, ота, қандай бўптийкин.

Чол чалғини олди, мўлжаллаб туриб қулочини кенг ёйди-да, ўғлига қараб мақтаб қўйди:

— Жойида, ўғлим, жуда соз!

У боя ўримни бошлаб қўйган жойига борди ва деярли эгилмасдан бир текисда ўра бошлади. Энди фақат унинг қўллари ишларди. Чалғи баланд кўтарилиб оҳиста пастга тушар, шундоққина илдизи бўғзидан қирқилган ўт аста шитирлаб худди териб қўйгандай шиғ-шиғ оёқ остига узала тушарди. Шу йўсинда юз қадамча илгарилаб боргач, Гончаров ўғилларига қичқирди:

— Қани, йигитлар, бошланглар!

Бу буйруқни эшитибок Сашко ҳам, Мефодий ҳам, Тишко ҳам чалғиларини қўлга олишди. Биринчи бўлиб Сашко ишга тушди, у бир-икки қадам узоқлашгандан кейин Мефодий чалғи солди, кейин Тишко, унинг кетидан эса менинг амаким.

Чол ўроқчиларни кутиб тўхтаб тураркан, дам-бадам кичқирарди:

— Сашко, енгилроқ!

— Мефодий, намунча қулочкашламасанг!

— Текисроқ, Тишко!

— Мўминқул сен ёмон ўряпсан, нега букчаясан!

Тўртовлон тобора ишнинг ҳавосини олиб илгарилаб боришарди. Амаким кучи борича уринарди-ю, бошқа ўроқчилардек уудалаёлмасди. Чол «тоғни урса талқон қилувчи» бу паҳлавоннинг уқувсизлигига чидаёлмай, унинг ёнига бориб чалғини тортиб олди-да, равон, текис қадамлар билан ўғиллари орқасидан ўра кетди. Пичан аввалгидек бир текисда унинг оёғи остига узала тушарди. Ўн беш қадамча ўтиб тухтади, чалғини амакимга қайтариб бера туриб деди:

— Мана шундай ишлаш керак, Мўминқул! Сен нега кучингни бекор сарфлайсан?

Тишко отасининг бу сўзларини амакимга таржима қилиб берди.

Гончаровлар ўзларининг енгил ва равон одимларини давом эттиришди. Тўғри, амаким улардан орқада қолмасди, аммо қора терга ботиб кетган эди. У шунчалик ҳолдан тойган эдики, чалғиси ҳавода жилпанглар, тез-тез учи ерга санчилиб қоларди.

Иккинчи, учинчи қаторларни шундай ўтишди. Амакимнинг юзидан тер қуйиларди, янги қаторнинг бошига бўшашиб ҳансираб борарди. Гончаровлар эса пинагини бузмас, бирдай хотиржам ва тетик кўринишарди.

Тўртинчи қаторнинг ўртасига борганда амакимнинг чалғиси ерга санчилди-ю, унинг қўлида сопнинг синиғи қолди. Узининг ҳам мувозанатини йўқотиб бурни билан ерга қулашига оз қолди. Чалғи амакимнинг куч билан, беўхшов ишлатишига дош беролмай синиб кетган, албатта.

Кузьма, амакимни ўзи билиб олган биттаю битта қозоқча сўз — «аҳмоқ» деб сўка бошлади. Кейин ўғилларига юзланиб, аллақандай имо-ишоралар билан русчалаб гапира кетди. Тишко хит бўлиб бўғилаёзган отасининг сўзларини таржима қилишга улгура олмасди, нега деганда чол унинг гапини бўлиб, сўка кетарди. Мен яна «Шайтон!» «Иблис!» сўзларини эшитдим. Амаким чолнинг олдида гуноҳкор қиёфада, бошини қуйи солиб турар ва қозоқчалаб нимадир деб гўлдирарди, унинг сўзларини мен уқолмадим.

— Отам айтяптики,— таржима қилди Тишко, чол ҳамма қаҳрли сўзларини айтиб бўлиб четга чиқиб кетгандан кейин,— Мўминқул — ғирт аҳмоқ, боши яхши ишламайди, чалғи бир ёқда турсин, аравани ҳам синдириб қўйиши мумкин у,— деяпти.

Амаким чолнинг ўз кучига тан берганини эшитиб, оғзи қулоғига етиб жилмайди ва эртага бозорга бориб бир нечта чалғи сотиб олажагини, чунки у ўргангунча анча-мунча чалғини синдириши мумкинлигини, агар ишни уддалаёлмаса тез-тез танбеҳ бериб туришини Кузьмадан илтимос қилажагини чолга етказишни сўради Тишкодан. Кузьма бир оз юмшаб, амакимга ўзининг чалғисини берди. Ундан бир қадам орқада қолмай, унга ҳар чалғи солишда маслаҳат бериб турди Кузьма.

Отам темирчилик вазифасини бажарарди, у арава соясида ўтириб олиб сандонда чалғиларни текисларди. Биз Василий билан бир-икки соат аввал муштлашганимизни унутиб, дала бўйлаб капалакларни қувиб юрардик.

Пичанзорда ўтлаб юрган отларга кўз-қулоқ бўлиб туриш бизнинг зиммамизда эди.

Кейин Василий менга ибодатхонада қандай қўнғироқ чалинишини ҳикоя қила бошлади. Шу пайт қўнғироқчи авжига чиқиб, қишлоқдаги кичик ибодатхона қўнғироқларининг товуши олисдан таралган куйдай бизгача етиб келди. Биз қўнғироқларнинг равон, жўр товушига қулоқ солардик. Мен Василийнинг изоҳларини диққат билан тинглардим. Йўғон, чўзиқ «б-у-ум-м» деган овоз эшитилганда Василий энг катта қўнғироқ чалинганини айтди. Бироқ, мана қўнғироқчи ўзининг арқон — торлар билан чаладиган мусиқасини тобора баланд пардаларга кўтариб бутун даштни жарангдор оҳангга тўлдира бошлади.

— Эшитяпсанми, эшитяпсанми?..— қичқирди Василий.— Эшитяпсанми, мана бу кичкинаси, мана буниси эса ундан ҳам кичикроғи жаранглаяпти, мана буниси эса энг миттиси! Эшитяпсанми: динг, динг!— у қўнғироқларнинг зарбига мослаб бармоқларини қисирлатарди.

Икковимиз ҳам энг кичик қўнғироқ ҳаммасидан яхши чалинади, у ниҳоятда майин жаранглайди, деган хулосага келдик.

Мен Василийдан сўрадим:

— Мен ҳам қишлоққа бориб қўнғироқларни кўриб келсам бўладими?

— Йўқ, ота ибодатхонага мусулмонларни қўймайди.

Мен отаси мусулмонларни ибодатхонага нега қўймаслигини сўрадим. Жавоб ўрнига Василий кулиб юборди ва ўзининг отасини эмас, рус мулласини айтаётганини тушунтирди. Мен Василийнинг гапидан хафа бўлиб кетдим, рус ибодатхонасини, асосан эса кичкина қўнғироқчаларни жуда кўргим келарди.

Василий, гарчи акаси Тишкодай бўлмаса-да, қозоқ тилида бемалол гапирарди. Гончаров оиласининг бошқа аъзолари эса овулимиздагиларнинг тили билан айтганда «гунг» эдилар, чунки қозоқ тилини билмаганларидан Тишко ва Василийлар йўғида имо-ишора билан сўзлашардилар.

Биз Василий билан ўтлар орасида ётардик. Қуюқ ва баланд ўтлар қапа сингари бизни жазирама офтобдан ҳимоя қиларди. Отлар пичанзорда ўтлаб юрар, одамлар пичан ўришарди. Онда-сонда бизга чалғиларнинг бақувватроқ бегона ўтга урилиб жаранглагани-ю, Сашко ўтмаслашиб қолган чалғини моҳирлик билан эговлаганда шиғиллаган товуш эшитилиб қоларди.

Усиқ ўтлоқда ётарканмиз, Василий икковимиз гапирмаган гап қолмади. Тўсатдан Василий, эсига нимадир тушиб, нариги ёнига ағдарилди-да, қўлини иштонининг чўнтагига солди.

— Ма!— у кафтимга бир сиқим қовурилган писта солиб қўйди. Василий ўзига ҳам писта олиб, тез-тез чақа бошлади, писта пўчоғи эса юқориги лаби устига ёпишиб қолаётганга ўхшарди.

Мен аввал ҳеч қачон писта чақмагандим, аммо дўстимнинг қўлини қайтаришга журъатим етмади. Уларни Василийга ўхшаб моҳирлик билан чақиб, мағзини тилнинг учи билан айириб, пўчоғини туфлаб ташлаш кераклигига ақлим етмай, мен пистани оғзимга тўлғазиб, ҳафсала билан чайнай бошладим. Мен пистани пўчоқ-мўчоғи билан роса чайнадим-да, қипиққа ўхшаган бу луқмани туфлаб юбордим. Василий мендан сал нарига сурилиб, таажжуб билан саволомуз тикилиб турди-да, кейин хахолаб кулганча, қозоқ ва рус сўзларини араштириб нималардир дея бошлади. У узоқ ва қотиб-қотиб кулди, сўнгра кулгисини аранг босиб, менга писта чақишни ўргата бошлади. Мен узоқ машқ қилдим, Василий бўлса аллақачон ўз улушини тугатиб бўлганди. Мен бир-икки марта дони ўрнига пўчоғини ютиб бўлса ҳам, ҳар ҳолда, дўстим берган пистани тугатдим, аммо у яна бир сиқим узатган эди, олмадим, чунки тилимнинг учи оғриб қолганди.

— Василь, Василь!

Кузьма чолнинг қичқиряғи бизни сескантириб юборди. Василий отасининг овозини эшитиб сакраб туриб кетди.

— А-а-у-у! Мен бу ердаман!..

Чол отларни унутиб юборганимиз, улар эса ширадор ўтга тўйиб олиб, пичанзорда ағанаб ётгани учун ўглини сўкиб кетди. Василий ўқдай учиб борди-да, ҳайқириб, ҳуштак чалиб отларни ҳайдаб юборди. Кузьма яна анчагина сўкинди, мушт дўлайиб, нималардир деб роса ўдағайлади орқамиздан.

Пичанзорнинг ярмидан кўпи ўриб бўлинган эди. Ўрилган ўт худди қотиб қолган тўлқинлар ўркачига ўхшаб ётарди.

Аёллар овқат пиширишмоқда эди. Арава остидан чалғиларни текислаётган отамнинг болғасининг тақир-

туқури эшитилиб турарди. Кузьма ўроқчилар ёнига қайтиб борди-да, худди бошлиқдай энг олдинга ўтиб, бир маромда, шошилмай ўришга тушди, унинг кетидан олдинма-кейин бошқалар ҳам ишга тушди. Бешовлари музда сирғаниб кетаётгандай бир маромда илгарилаб боришаркан, гўё команда билан ҳаракат қилаётгандай чалғиларни баравар кўтариб, баравар туширишарди.

Пешинга бориб бешовлон жуда мослашиб кетишди, амаким аввалгидай охирида борарди.

— Қара,— енгимдан тортди Василий,— Мўминқул қандай яхши ўра бошлади!

Ҳа, амаким энди аввалгидай букчаймас, кучанмас, одатдаги машқларни бажараётгандай қаддини тик ва эркин тутарди. Шунда мен боягина Кузьма уни аҳмоқ деганини эсладим.

— Ҳа, отам ҳаммани аҳмоқ деб сўкади!

— Сени урадими у?— Василийдан сўрадим мен, отаси қаҳр-ғазаб билан мушт ўқталганини эслаб.— Ёмон урадими, а?

— Уради!— тасдиқлади Василий антиқа вазминлик билан истеҳзоли кулимсираб.— Уради!— такрорлади у.— Аммо мен жуфтакни ростлаб қоламан! Фақат мени урмоқчи бўлгани эсидан чиққандан кейингина кўринаман кўзига.

— Сен-чи, ҳозир унинг олдига борма, бўлмаса сени калтаклайди.

— Йўқ,— ишонч билан жавоб берди Василий.— Отам бизнинг отларни кўрмай қолганимизни аллақачон эсидан чиқариб юборди. Хўш, сенинг отанг-чи,— ўз навба-тида сўради Василий,— сени урадими?

— Отам мени бирон марта ҳам урмаган,— гердаийб жавоб бердим мен.

— Сен кимдан кўпроқ қўрқасан: отангданми ё амакин-данми?— яна сўради Василий.



Мен кўпроқ амакимдан ҳайиқишимни айтдим.

— Мен бўлсам акаларимдан сираям қўрқмайман, — деди Василий.— Агар улар менга қўл тегизгундай бўлишса отам дарров менинг ёнимни олади.

Куёш қоқ тепага кўтарилган, унинг нурлари борлиққа игнадай санчиларди. Атроф кўзни қамаштирар даражада нурга кўмилган ва шундай иссиқ эдики, ҳатто пашша ва чигирткалар ҳам кўкатларнинг соя томонига ёпишиб олганди...

Кузьма, ишни бас қилинглар, деди. Ҳориган, терлаб-пишган ўроқчилар эриниб арава томонга йўл олишди. Улар лоҳас бўлиб, ўзларини араванинг соясига — салқин ўтлоққа ташлашарди.

Биз Гончаровлар билан пешинлик қилишга кўнмай, уйга жўнаб кетдик.

Гончаровлар пичан йиғишга бир ҳафтадан сўнг қайтиб келишди.

Қозоқлар пичанни русларга ўхшаб даланинг ўзида ғарам қилиб уйишмасди, уни кичик-кичик қилиб боғлаб, томга ёки қўтонга ғарам қилиб уйишарди, томдаги ёки қўтондаги ҳар бир ғарам боғларнинг сони билан ўлчанарди. «Бу ғарамда минг боғ бор», дейишарди бизникилар. Бу ғарамлар отлар учун озуқа улуши ўлчови бўлиб хизмат қиларди. Қозоқ пичанни то мол-ҳолнинг оғзи кўкка теккунича етказишни мўлжаллаб, чорвасига ҳар куни неча боғдан бериш керак эканини яхши биларди.

...Пичанзордаги ўриб қўйилган пичан сарғайиб, қуриб қолди. Гончаровлар араваларда пичанни ғарамлагани келишди, бизникилар ҳам улар билан биргалашиб ишлашди.

— Хўш, Мумиш, ғарамлаймизми?— сўради Кузьма.

Отам унинг гапини маъқуллаб бошини ирғади, аммо

амаким таржимон Тишкога қуйидаги сўзлар билан му-  
рожаат қилишга шошилди:

— Мен ўзимизчасига боғ-боғ қилиб боғлайман, сиз-  
лар ўзингизчасига ғарамланглар.

Тишко таржима қилди, Кузьма қовоғини солиб,  
жаҳл билан деди:

— Бу нимаси, бу ерда ўзи ким хўжайин, Мумишми ё  
уми?— У отамга қараб ҳайратомуз қўлларини ёзди.

Отам Тишко орқали Мўминқулнинг хўжаликни бош-  
қаришини, молларга қараш ҳам унинг зиммасида экани-  
ни, шунинг учун унга қандай қулай бўлса, пичанни шун-  
дай йиғиштираверишини тушунтирди.

Тишко отамнинг гапларини узоқ тушунтирди. Кузьма  
қандайдир важлар айтиб қизишар, жон-жаҳди билан  
имо-ишоралар қиларди. Суҳбатга аёллар аралашиди,  
уларга отам ва амаким: «Сизлар нега эркакларнинг  
ишига аралашасиз?» деяётгандай ёмон қарашарди. Биз  
Тишкодан отасининг гапларини таржима қилишни сў-  
рардик. У эса «ҳозир» деб оилавий баҳснинг тугашини  
кутарди. Кўзимиз ўнгида бизга нотаниш тилда Гонча-  
ровларнинг оилавий кенгаши борарди. Кузьма ўзиники-  
ларга қичқирар, қизишар, эҳтимол, сўкинарди, улар  
эса у билан тортишар, уқтиришар ва уни кўндиришга  
уринишарди.

Ниҳоят Гончаровлар бир фикрга келишди, шундан  
кейингина Тишко бизга таржима қилиб берди:

— Отам айтяпгики,— деб бошлади у,— бизнинг боғ  
қилишга вақтимиз йўқ, кейин боғлар ҳам ҳар хил бўла-  
ди.— Шу ерда Тишко отасининг дағал сўзларини муло-  
йимроқ ва пардалироқ таржима қилишни ўйлаб тўхтаб  
қолди.— У айтяптики, Мўминқул ҳамма ишни ўз билга-  
нича қилмоқчи экан нега унда шерикчилик қилади? У,  
албатта, Мўминқулни пичанни ғарамлашга мажбур қи-  
лолмайти, аммо ўзи ҳам қозоқча боғ боғлаёлмайти...

— Кел, мана, бундай қилиб бўлиб оламиз...— ўз режасини таклиф этди амаким.

— Тишко, у нима деяпти?— гапга аралашди Кузьма чол.

— У пичанзор текис эмас, пичан жўяклари ҳам бир хилда эмас, шунинг учун пичанни қандай бўлиб оламиз деяпти.

— Жуда оддий,— зудлик билан жавоб қилди амаким.— Сизларнинг учдан бирингизни ўнгдан бошлаймиз... Икки қатор бизга, биттаси сизга, кимга қандай тушса — омади...

Тишко амакимнинг таклифини таржима қилди. Кузьма бир оз ўйлаб кўргач, қўлини силтади:

— Майли, у айтганча бўла қолсин!— деди, аммо, шу нарсани огоҳлантириб қўйдики, улар бизга ортиқ ёрдам қилишмасмиш, Мўминқул шуни истаган экан, ўзининг пичанини боғлаб олаверармиш.

Амаким розилигини айтди.

Ҳамма пичанзорнинг ўнг томонига ўтди. Ерни катта одимлар билан ўлчаганча Кузьма олдинда, яёв юришга одатланмаган отам эса унинг кетидан пилдираб кетди. Кузьма икки қаторни ўлчаб кўрди-да, китриксиз қил-қизил кўзлари билан учинчисини кўздан кечира бошлади. Қаторнинг охирини этигининг учи билан туртиб: «Бу меники», дегандай қилди.

Тўртинчи марта тўхтаганида унга сийрак қатор тўғри келди. Кузьма шунда қўлларини пахса қилиб ўғилларига бақриб берди. Ўғиллари бизга ҳам сийрак қаторлар текканини кўрсатишга уринишарди, аммо чолнинг шунчалик фиғони фалакка чиқиб кетдики, отам таржимонсиз ҳам гап нимадалигини фаҳмлади ва қўлини силтаб, Кузьма нариги қаторни олиши мумкинлигини ишора қилди. Кузьма энди қаторнинг четини қайтариб қўйиш учун оёғини кўтарган ҳам эдики, ўғиллари ва

аёллар, уни хасисликда ва келишилган шартни бузишда айблаб бўлса керак, унга бақириб беришди. Чол ер тепиниб, уларга мушти билан пўписа қилиб, ўз чекига тушган қаторнинг четини қайириб қўйди.

Алланарсалар деб пўнғиллаганча нарига қараб кетаверди...

Гончаровлар хаскаш ва паншахаларни олишди. Эркаклар паншаха билан қаторларни йиғиштирар, аёллар уларнинг кетидан қолган-қутганларини тозалаб боришарди. Тез орада узун қаторларнинг охирида негадир «чумелей» деб аталадиган уюмлар пайдо бўлди. Пешинга бориб ҳамма пичан тўплангандан кейин эркаклар паншаха билан уюмларни бир жойга ташишга, аёллар эса Кузьма бошчилигида фарам уйишга киришдилар...

Биз пичанни боғлашга киришдик. Ёнимизда ҳали ўрилмаган пичанзор бор эди, биз у ерга бориб узун ўтлардан илдизи билан юлиб келдик. Улардан боғ ясай бошладик. Отам билан мен уларни ҳар уч қадамда тўплаб қўйилган қуруқ пичан уюми устига қўйиб кетавердик, амаким кучли бўлгани учун орқамиздан юриб пичан тўпларини тиззаси билан эзиб туриб боғларди. Иш юришиб кетди, кечгача биз уч юз тўпни боғлаб ташладик.

Уч кун шу кўйи ишладик. Отам билан амакимнинг мақтовларидан дадилланиб, мен биринчи марта умумий меҳнатда қатнашдим.

— Бизнинг Боуржон бинойидай йигит бўлиб қолди,— мени мақтарди амаким.

— Бор, боғ учун яна ўт олиб кел, фақат узунроғидан танла,— деб ҳали ўрилмаган пичанзорга жўнатарди отам мени.

Мен, турган гапки, жуда чарчардим, аммо уларнинг мақтовлари хуш ёққанидан жон-дилим билан ҳаракат қилардим...

\* \* \*

Баҳодир жангчи ва чаққон спортчилар кўпинча таваккалчи одамлар бўлади. Уларнинг аксарият қисми ўз ажали билан ўлмайди, ўз уйида, ўз тўшагида ҳаёт билан видолашиш уларнинг камдан-камига насиб этади. Уларнинг ҳаёти авжга чиққанда узилиб кетган ва умридаги сўнги садосини бериб тиниб қолган таранг торга ўхшайди.

«Отсиз йигит — қанотсиз қуш; тулпор — йнгитнинг қаноти; кимнинг оти бўлмаса — у азоб ва ҳақоратларнинг асиридир», — қозоқларнинг отга муносабати шундай эди. Қозоқ ҳар қандай муҳтожликни афзал кўрса кўрардики, отсиз юришни ўзига эп кўрмасди. Елғиз отлик камбағал-қашшоқликнинг чўққиси эди, оти йўқларни эса «қуруқ тўнка» дейишарди.

Ҳар бир қозоқ отни парвариш қилишни билар, отга ниҳоятда ғамхўрлик қиларди. У ҳеч қачон бадани қизиб, терлаб турган отга сув ёки овқат бермайди. Минилгандан кейин отни совутиши шарт. Коллективлаштиришга қадар қозоқлар умуман отни ишлатишмас, бозордан эса рус отларини яғрини қаварган ва курак суяги эзилган деб сотиб олишмас эди. Қозоқлар отни фақат минардилар. Ҳеч бир қозоқ ўз отини бошқа кишига ишонмас эди. Тулпорларга аёллар «этаклари оғир» бўлгани учун миндирилмасди.

Севимли отдан жудо бўлиш азиз кишисидан айрилгандай гап эди. Қадим замонлардан буён от афсонавий қаҳрамонлар қатори тилларда дoston. Қозоқларнинг халқ эпосида қаҳрамонлар номлари билан бирга уларнинг афсонавий отларининг лақаблари сақланиб қолган: Тойбўрил — Қопланди ботирнинг оти, Алпомиш ботирнинг оти, Алининг дулдули, Тўлаганининг оти ва ҳоказо. Ҳанузгача халқ қайғу ва фожиага тўла, ажойиб тулпорнинг ўлими ҳақидаги хазин «Кулагир» деган қўшиқ-

ни куйлайди. Қозоқ эртақ, қўшиқ, музыка, дostonларда отга мудом фахрли ўринни ажратарди. Яхши отлар тўғрисида ҳанузгача «Бир келинга арзийдиган от» дейишади. Бу отдан ниҳоятда эъзозлаш ва ундан ғоятда завқланиш, унга чексиз меҳр қўйиш қозоқларда авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келади.

Машҳур Кўкчўлоқ, Оққулининг ҳаётида сўнгги оти, у эса — отнинг сўнгги суворийси эди. Улар содиқ дўстлардай овулимизни бир куннинг ўзида абадий тарк этишди, уларнинг қайбирига халқ кўпроқ мотам тутганини ажратиб ҳам бўлмасди. Оққулининг энг сўнгги айтган сўзлари шу бўлди: «Устимга Кўкчўлоқнинг терисини ёпинглар».

Шундай қилиб, Оққули ва унинг оти Кўкчўлоқнинг ўлими ҳақидаги ҳикоямни бошлайман.

Бобом билан бувимнинг тўнғич қизининг исми Ойша эди. У менинг отамдан ўн ёш катта эди. Уни Қазикўрт тоғи этагида яшовчи Шегир авлодидан бўлган Жонтўрага беришган эди.

Жонтўранинг овулига борадиган йўл Чақмоқ довоидан ўтарди. Болалар ҳозирга қадар қоронғида учқун чиқариб ўйнайдиган оч рангли чақмоқ тошлар кўплигидан у ерни шундай деб аташади.

Сўнгра йўл Мойликент ва Тулкибош водийларини кесиб ўтиб, Масат дарасидан ва Оқсув воҳасидан ўтарди. Оқсув дарёси тоғ чўққиларидан оқ лой олиб тушгани учун уни руслар шундай деб атарди. Кейин Сайрам ва Лангардан ўтиб, Қазикўрт сари кўтариларди йўл...

Отда бу масофа уч кунда босиб ўтиларди, Ойша билан Жонтўра бизнинг энг олисдаги қариндошларимиз бўлиб, аҳён-аҳёнда келиб-кетишарди.

Жонтўра эрта бева қолганди. Ун беш яшар биринчи хотини эрига кичкина ўғилчаси Пўлатни қолдириб кўзи ёриш пайтида вафот этганида у ўн олти ёшда эди.

Бобомнинг Жонтўранинг отаси билан борди-келдиси бор эди. Унинг ўғли Пўлат бизга жиян бўларди, чунки онаси бизнинг уруғдан эди. Келгусида ҳам қариндошлик алоқаларини йўқотмаслик учун, ўша пайтларда ўн еттига кирган Ойшани Жонтўрага беришган эди.

Жонтўра биринчи марта куёв бўлганида ўн тўрт ёшда эди. Унинг отаси мусулмон удуми бўйича балоғатга етди деб ҳисобланадиган бу ёшда ўглини уйлантиришни одатдаги ҳол деб биларди.

Кимнинг қачон уйланиши, қайлиги неча ёшда бўлгани тўғрисида кўп ҳикоя қилишар, талай мисоллар келтиришар, фалончи тўнғичини ўн уч ёшда туққан, дейишарди. Ниҳоят, ҳатто Муҳаммад пайғамбарнинг ўзи ҳам хотинларининг бирига етти ёшдалигида уйланиши ҳикоя қилишарди. Кўриб турибсизки, пайғамбарнинг бадахлоқ ҳаёти қозоқлар томонидан муқаддас ҳаёт тарзи тимсоли сифатида келтирилди. Шунинг ўзи эрта турмушга чиқиш, уйланиш ва кўп хотин олишни оқлаш учун асос эди. Тўғри, қозоқлар ўз пайғамбари билан бир масалада: яқин қариндошларнинг — амакивачча, холаваччаларнинг никоҳи борасида келиша олмас ва шундай никоҳга йўл қўйганлардан нафратланишар эди.

Жонтўранинг биринчи хотини Оққулига қандайдир бувилари томонидан қариндош бўлар, унинг ўғли — сийрак оппоқ соқолли, юзи чакак-чакак, барваста қора чол Пўлат эса Оққулига жиян бўларди.

Пўлат дунёга келганда отаси хали жуда ёш эди. У отаси билан бирга улғайиб, бирга лексарди. Уларнинг «икки чол» деган лақаби бор эди, уларни бир-бировидан фарқлаш учун эса овулда уларни «чол ота» ва «чол ўғил» дейишарди.

Жонтўра билан Пўлат ашаддий улоқ ишқибози эди.

Улар ўз вилоятларида худди бизнинг Оққулига ўхшаган машҳур чавандоз эдилар.

Уша кунни ҳаммамиз уйда эдик. Ботаётган қуёшнинг қия нурлари овулимизни чароғон ёритиб турарди. Мана, тепаликда тўрт отлиқ кўзга ташланди. Уларнинг қоралари қуёшнинг фониди ажралиб турарди. Отлиқларнинг бири оқ кийган аёл эди. Улар шошилмасдан, секин келишарди.

— Қандай йўловчилар экан?— безовталаниб сўради отам ва қўлини кўзларига соябон қилиб олишга тикилди.— Ойша келаётганга ўхшайди. Бор, Мўминқул, кутиб олишнинг ҳаракатини қил.— У йўл томонга яна ҳам тикилиброқ қаради.— Ҳа, ўшалар! Ана Жонгўра, уни ўтиришидан танияпман, анави сал букчайиб келаётгани Пўлат, отда шамдай қўнқайиб ўтиргани Асқар. Меҳмонларга катта ўтовни тайёрла!— қичқирди отам амакимнинг орқасидан.— Ойша кичигига киришга кўнмайди. Ҳаммасини тезроқ тайёрланглар, улар бирпасда келиб қолишади.

Отлиқлар бир чақиримча масофага келиб қолишган эди. Энди худди ўшалар келаётганига ҳеч шубҳа қолмади. Ойша ажойиб жийрон бияни йўрғалаб, эркаклар эса унга базўр етиб, майдалаб йўртиб келишарди. Ойша ҳозир ўз аждодларининг тупроғида келаётганини ҳис этган ҳолда отда дадил ва мағрур ўтирарди.

Отам яқинлашиб келаётган йўловчилардан кўз узмай тикилиб турарди. Мана, у югурганича пешвоз чиқди, Ойша йўрғасини тўхтатгани ҳаманоқ отининг жиловидан тутди. Кампир ҳаяжонланиб, кўнгли бузилиб кетди. У димоғида минғирлаганча укасига тикиларди меҳри товланиб.

Ҳаяжонланганидан отамнинг ҳам тиззалари қалтирарди. У чап қўли билан отни ушларкан, ўнг қўлини опасига узатди.



— Туш, опа. Сен олис йўл юриб чарчагандирсан, туш фариштам, туша қол, менинг энагажоним!— дея гапида давом этди овози титраб.

Унинг сўнгги сўзлари кампирнинг бутунлай кўнглини бузди, у отдан укасининг қўлларига сирғалиб тушди. Отам уни чаққонлик билан тутиб, суяб туриб тинчлантира бошлади:

— Бунчалик ҳаяжонланиш керагамас, опа... Сен чарчагансан. Уйга юр — у ерда дамингни оласан...

Пучуқ, чўққи дахан, кўзларининг ости шишинқираган рангпар кампир юпқа лаблари титраб, заиф товуш билан отамдан сўрарди:

— О, менинг бебаҳо онам қаерда энди?

Бу сўзлар шу пайтгача бир чеккада жимгина турган амакимга айниқса таъсир қилди, у кўзларини арта-арта пиқиллай бошлади.

— Қани, бўлди, Ойша! Қариндошлик ҳисларига эрк бериш етар,— деб гапга аралашди кул ранг тумоқ кийган, оппоқ соқолли, оқмағиздан келган нуроний чол.— Жаннати аёл эди Ойшанинг онаси раҳматлик, аммо ҳеч қайсимиз умр бўйи ота-онамиз билан бўлолмаймизку, ахир!— бу чол хунуккина кампир Ойша аммамининг эри Жонтўра эди.

Четроқда турган ориқ, барваста чол—Пўлат эҳтиром билан гапга қўшилди:

— Менга, ўзимни яхши тутаман, деб сўз берган эдингиз-ку.

Уларнинг ёнида хушбичим ва хипча қора айғирни жиловидан ушлаганча қирғий бурун, лаблари юпқа, кўзлари қисик, чўзинчоқ кўса юзли, бугдой ранг бир йигит қаддини тик тутиб турарди. Бу Ойша аммамининг ўғли Асқар эди.

Биз болаларга ва уй ичидагиларга ҳеч ким эътибор бермасди. Кексалар ҳаяжонли изҳори дил ҳовурида ат-

рофдагиларни унутиб қўйишган ва бизни фақат одаг-дагича: «Яхши келдингларми? Отлар безовта қилмай олиб келдими? Бола-чақаларингиз соғ-саломатми? Ёшдаларингиз тинчми?»— каби сўзлар билан ҳол-аҳвол сўраганларидан кейингина эшладди.

Қари отамни эркалаб бағрига босган кампир ҳатто менинг исмимни билмаслиги ҳаммадан ҳам алам қиларди. Мени имлаб чақирди-да, ўз-ўзидан жаҳли чиқиб, атрофга «туф-туф»лаб, қоқ суяк, буришган қўлни пешанамга қўйди.

— Бу сенинг ўғлингми, Мумиш?— деб сўради у.— Менинг ҳам худди шунақа тўполончи набирам бор!

— Худо хоҳласа, яхши йигит бўлади,— гап қўшди Пўлат.

Отам опасининг меҳрибонликларидан, дийдор кўришувдан таъсирланган эди. Жонтўра отам ва хотини билан ҳазиллашишда давом этарди. Пўлат ора-сира гапга аралашар, Асқар эса ҳалигача чурқ этмаганди. Амаким ҳовлида меҳмонлар ташвиши билан машғул эди.

Чой олдидан Ойша амма уйдагиларнинг ҳаммасини чақириб, келтирилган хуржунларни олдига қўйди-да, совғалар улаша бошлади. Аёлларга бир кийимликдан кўйлаклик тегди, мен билан амакимга гуллик дўппи совға қилиб, шу заҳоти бошимизга ўз қўли билан кийгизиб қўйди, отамга эса ўзи тиккан қоракўл телпакни ҳада қилиб, ҳамманинг кулгиси остида уни ҳар хил ширинликлар билан сийлай бошлади.

— Нима қияпсан, кампир?— куларди Жонтўра.— Ширинликларни болаларга бўлиб берсанг-чи, ахир.

— Шошмай турсанг-чи,— ширинлик тўла бўғчаларини тўсиб жавоб берди кампир,— аввал Мумишга улушини топширай, кейин ким нимани истаса олаверсин...

— Болалар Мумишга беришмайди деб қўрқяпсизми дейман-а?— деб хахолаб кулиб юборди Пўлат.

Отам кула-кула опасининг совғаларини ҳовучига соларди.

— Ахир мен унга деб олиб келдим-да,— жиддий жавоб берарди кампир,— шунинг учун ўз қўлига беришим керак-да...

Бу кулгили тақсимотнинг устига келганлар билан омонлашгани Оққули кириб қолди. Ҳамма билан қуюқ қучоқлашиб чиққач, у Жонтўранинг ёнига ўтирди. Одатдаги салом-аликлардан кейин Оққули кампирга гуноҳкоруна қараб қўйди-да:

— Мен бу ўтовнинг олдида гуноҳкорман, Ойша опа, гуноҳкорман...— деди.— Аммо сизларнинг келганингизни эшитганимдан кейин мени бу ерга енгиб бўлмас бир куч судради. Бизнинг орамизга адоват совуғи тушгани қулоғингизга чалингандир... Мен ўзимни зўрлаб бу даргоҳга қадам қўйишга мажбур қилдим. Менинг қандай иснодга қолганимни кўз кўриб, қулоқ эшитганми?

Жонтўра Оққулининг сўзларини маъқулламасдан бошини чайқаб қўярди-ю, лекин индамасди. Пўлат оғир хўрсиниб, кўзларини пастга қадади-да, олдига ёзилган дастурхонни диққат билан кўздан кечира бошлади. Асқар ҳалиям ҳинд худолари ҳолатида ўтирарди.

— Келиб яхши иш қилибсан, Оққули. Мен бунга чин кўнглимдан хурсандман,— деб гап бошлади отам.

Аммо кампир нафаси бўғилиб, бобиллаб берди:

— Менинг хонадонимдан чиққан ўша бузуқ қани?— у муштарини силтаб, худди шу дамда ўтовга самовар кўтариб кирган амакимга ёпиша кетди.— Сен қаёқдан бундай нопок бўлиб туғилдинг-а? Қандай иблис сени йўлдан урди, жувонмарг! Вой, Вой! Қариган чоғимда, ажалимдан беш кун бурун мени қандай иснодга қўйдинг? Юрагимни тилка-пора қилиб ташладинг-ку! Нега сени йўрғакдалигингдаёқ олиб қўя қолмади эгам? Қора қалбингга уя қурган алвастию шайтонлар нега ўзлари

билан олиб кета қолмади? Қандай шармандалик! Бир қориндан талашиб тушган сендай укам борлигидан ор қиламан!

— Ойша!— деб жеркиб берди Жонтўра.

— Оҳ, энди мен Ойшамасман!— кўз ёшларини оқи- зиб қичқирди кампир.— Мени ташлаб кетавер, мен мана бу малъуннинг опасиман!— дея у серажин, қоқсуяк бармоғи билан амакимни кўрсатди ва туфлаб-туфлаб кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб, юзини тес- кари бурди.— Туф, туф, туф, кофир! Юзинг қурсин!— деярди у тамоман эсанкираб қолган амакимга.

— Оҳ, нимага жонимни олмади-я, нимага шу ерда, туғилган ўтовимда ўтирибман-а?!— деб илтижо қилар- ди у.— Нима учун бундай қаттиқ жазо менга, қайси гуноҳларим учун?! Бу безбетнинг юзига қандай қарай- ман?— у амаким томонга яна бир-икки марта туфлаб қўйди-да, қўлларини пахса қилиб қичқирди:— Йўқол кўзимдан! Йўқол! Йўқол!

— Бор, Мўминтой, борақол, ука!— деди отам гангиб қолган амакимга.

Амаким итоат билан ўтовдан чиқиб кетди.

Қозоқларда кичикларнинг оғир қисмати шу эди: улар катталарга ҳамиша итоат қилишлари, ҳеч қачон ва ҳеч қандай шароитда эътироз билдирмасликлари шарт эди.

Амакимга менинг шундай раҳмим келдики, унинг орқасидан лип этиб ҳовлига чиқдим.

Шўрлик амаким уят ва ғазабдан бўзариб, кўзлари- ни катта очиб олисларга паришон тикилганча ҳовли- нинг ўртасида қаққайиб турарди...

Бувим уни ҳамиша уришарди, Серкабой уни кал- таклар, кун бермас, ҳатто менинг отам ҳам уни бир кун аҳмоқ деган, бу пучуқ кампир бўлса ҳамманинг олдида расвосини чиқариб, уни ўз уйдан ҳайдаб солди.

Унга бирон нима билан ёрдам бергим, катталарнинг унга ёғдираётган зарбаларига, гарчи бир қисмига бўлса ҳам, ўзимни тутгим, далда бергим келарди, лекин ёнига яқинлашишга ботинолмадим, у эса ҳаракатсиз нигоҳини олисларга тикканча, қимир этмай турарди. Кейин менга кўзи тушиб:

— Ўтовга бор, чой қуйиб бериб тур...— деди у аста.

Мен ўтовга кирганимда ҳамма тинчгина чой ичиб ўтирарди, фақат Ойша аммамгина хомуш, ғамгин эди: афтидан кампир қандайдир ички бир аламни ҳамон енголмаётганди. У ҳафсала билан чой ичар, аммо олис йўл босиб келгани боисидан эмас, балки ўзининг қандайдир ички зиддиятини қондираётгандай туюларди.

— Нега бу тўғрида мени эртароқ огоҳлантириб қўймадинг?!— деб отамдан ўпка қилди у.

— Ахир, сен бизни оғиз очгани қўймадинг-ку!— деб ўзини оқларди отам.

— Буларнинг ҳаммаси оғир ва мудҳиш англашилмовчилик.

— Ойша опа,— деди Оққули.— Ичи қора одамлар уларга туҳмат қилишди... Келиним ўжар эди, мен бўлсам ёмон сўзларга ишониб ўтирибман. Мабодо бу гаплар рост бўлганда, мен умримда ҳеч қачон бу уйнинг остонасидан ҳатлаб ўтмасдим. Ҳа, у, менинг дилбар келиним ҳақ эди, мен қари аҳмоқнинг таъзимимни берди,— деб давом этарди Оққули.— Юборган одамимизга у: «Менга ачинмадингизми, мен ҳам сизларга раҳм қилиб ўтирмайман!»— депти.

— Сиз аёл кишини ҳақорат қилибсиз, қаттиқ ва шафқатсиз ҳақорат қилибсиз, Оққули,— кампир қаддини ростлаб, қўшиб қўйди:— Аёл кишини ҳақорат қилиш учун кўп ақл даркор эмас. Биз ҳаммамиз — сизларнинг майда-чуйда ғийбату иғволарингизнинг қурбонимиз! Оппоқ соқолинг билан уялмадингми?!

У Оққулига ўқрайиб тикиларди. Оққули бошини ичига тортиб, гужанак бўлиб ўтирарди.

— Мени йўлдан уришди, Ойша опа! Шайтон чалғитди... Алам устида бўлди.

— Энди шармандалигингдан кўнглинг тўлгандир! Ўзингни ўзинг шармандаи шармисор қилгансан!— деди кампир дарғазаблик билан.— Шўрпешана гўдаксан, ҳа, ҳа, гўдакнинг ўзгинасисан!

Олтмиш яшар «гўдак» бурчакда қимтиниб ўтирар ва пиёланинг тагини асабий тикиллатиб, иссиқ чойни дам-бадам хўриллатиб хўпларди.

— Мен уни қарғаяпман, қарғаяпман, у бечора бўлса бир оғиз сўз қайтармаса-я, инигинам!— Ойша хола пиқиллаб кўз ёши қилиб такрорлади:— Бир оғиз сўз қайтармади-я, опагинанг ўргилгур, ахир у бизнинг кенжатоимиз-ку... Менга мўлт-мўлт тикилганча турибди, шунча ҳақорат қилсам ҳам индамади-я!— Шу ерга келганда Ойша амма йиғлаб юборди.— Кенжатоини хафа қилишга қандай журъат этдим ўзи?! Мен, қари жинни, йўқол, деб қичқирдим!— Унинг овози титраб, ажин босган ияги дағ-дағ қалтирай бошлади.— Жоним иним, индамай ўз ўтовидан чиқиб кетди-я.

— Оббо, бас қил энди,— кўз ёши қилаётган хотинининг гапини чўрт кесди Жонтўра.— Роса қарғадинг, хафа бўлдинг, йиғлаб олдинг — хуморингдан чиқдинг шекилли...

— Мен билан бунақа гаплашма! Мен бу ерда сенга хотин эмасман!— пиқиллади кампир.— Азиз ота-онамининг ўтовида хўжайинлик қилма менга! Бу уйда мен сенга қайлиғман, холос!

Бу сўзлардан чолу кампирлар хахолаб кулиб юборишди, ҳатто камсухан Асқар ҳам кулгидан қорнини ушлаб қолди.

— Боодоб куёвга ўхшаб ўтир!— ўтирганларнинг кулгиси остида дўқ қилди у Жонтўрага.

Жонтўра тиззасига шап этиб уриб хитоб қилди:

— Қандингни ур, кампир!— у ҳазиллашиб тортинчоқ куёв қиёфасига кирди ва ясама, ёшларга хос товуш билан Ойшага — гўё нозанин қайлиққа мурожаат қилди:— Сиз ойдай жамолингиз билан шу ўтовни чарогон қилиб ўтирибсиз! Сиз бу даргоҳни булбул наволарига тўлгаздингиз! Кўзимнинг нури Ойша, ҳали кўп чирқиллайсизми?— деди пичинг билан, кейин гапини жиддий якунлади:— Агар сайраб чарчамаган бўлсанг, бошқаларга шафқат қил!

Шу чоғ ўтовга амаким кириб келди. У суҳбатга қулоқ солиб турган бўлса керак, қулай пайт келганда қайтиб киришни лозим топибди. Уни кўриб Ойша амма яна кўз ёши қилиб, оғзига эрк берди.

— Ўтир, жонгинам, ўтир, ўтир болагинам,— у пиқиллаб кўзларини рўмолининг учи билан артди-да, бўш пиёла ушлаган қўлини чўзди:— Ма, Мўминтойим, менга чой қуйиб бер, укажоним!

Ўзига чой қуйиб беришини сўраб, амакимдан узр сўрагандай бўлди, бироқ унинг товушида ўзининг ҳақлиги ҳамда унинг қилмиши кичиклар томонидан муҳокама қилиниши лозим эмаслиги таъкидланарди.

Амаким одоб сақлаб пиёлани олди, чой қуйди ва худди шундай одоб билан узатди унга.

Шундан кейин ҳам Ойша амма оиламизда ёши катталигидан фойдаланиб хўжайинлик қилиш, насиҳат бериш, буюриш, гоҳида эса бизга қўшиб ҳатто Жонтўрага ҳам бақириб беришда давом этди. Эрининг савол назарю ҳайратомуз сўроқларига ҳаммага эшитдириб жавоб берарди у:

— Мен шу уйда туғилган тўнғич боламан. Мен би-

ринчи бўлиб ота-онамга қувонч берганман. Бу ўтовда биринчи бўлиб мени парвариш қилишган!

Бундай важларга жавобан бизникилар гап топишолмасди, кампирга бўйсунушдан ўзга илож қолмасди.

\* \* \*

Бизнинг овулни кам зиёрат қиладиган Жонтўранинг оиласи бутун қариндошларимиз орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Гоҳ уларни «туз-намакка» таклиф қилишар, гоҳ бирор онлани янги меҳмон, келин-куёв ёки катта ўтовдан алоҳида «ўтов»га ажралиб ўтгани, яъни янги оиланинг вужудга келгани билан табриклаш учун уларнинг ўзлари боришарди. Зотан, мабодо уйда бирор эътиборга лойиқ воқеа рўй бергудай бўлса, шу баҳонада ўз шодлиги, қувончини билдиришни истаган киши учун қозоқларнинг эшиги ҳамиша очиқ, лекин ўзлари ҳеч кимни атайлаб чорламайди.

Ҳар ўтов Жонтўранинг оиласини қўй сўйиб кутиб олар ва калла солиб, бешбармоқ билан зиёфат қиларди... Уларга ҳамроҳ бўлиб юрган бизлар ҳам янги гўштга хўп тўярдик.

Оққулининг амакиваччаси Дембой тўнғич фарзанд—ўғил кўрди. Оёқлари қисқа, маймоқ, ўрдакбурун, малла-соқол, юзи япалоқ Дембой ҳали мен дунёга келмасимдан аввал овулдагилар тўғри сўз ва ниҳоятда новча бўлгани учун «таёқ» деб лақаб қўйган сарвқомат, озгин ва мўмиёдай қоп-қора аёлга уйланган эди. Дембой ва унинг хотини узоқ вақт фарзанд кўрмаганлар, бундан кўп изтироб чекканлар. Шу туфайли Дембой ва унинг дўстлари хотинининг ўғил ёки қиз кўришини юрак ҳовучлаб кутишарди. Янги меҳмоннинг илк «инганингаси»дан кейин аёллардан бири ўғил туғилганлиги тўғрисидаги қувончли хабар билан ўтовдан чопиб чиққанида кўп азият тортган шўрлик Дембой аёлни қучоқ-



лаб, унинг бўйнига осилиб, кичкина боладай хўнграб йиғлаб юборганини ҳикоя қилишарди. Қувонганидан ўзини йўқотиб, довдираб қолган Дембой зир югурар, дам бир одамнинг, дам иккинчисининг ёнига борар, уларнинг ҳар қайсисидан:

— Наҳотки менинг ота бўлганим рост бўлса-я? Менинг ўғлим бор! Ўғлим кап-катта йигит бўлади! Ўғил кўрдим! Ўғил кўрдим! Ё тангрим, сендан шундай миннатдорманки!

Бизнинг овулга бу хабарни бир йигитча етказди. У ҳам ўз овулдошлари шодлиги таъсирида эди: ахир, бефарзанд эр-хотинларга «худо ўғил берганди-да». Йигитча сўзларнинг охирини ямлаб-ютиб, пала-партиш қилиб шундай деди:

— Ойша опа, Оққули ота сизни тутинган она, Жонтўра отани эса тутинган ота бўлишингизни иттимос қил-япти...

Жонтўра ва Ойша амма бошлиқ ҳаммамиз Оққулининг овулига равона бўлдик. Овулда аллақачон ўчоқларда ўт тутар, сурувдан бир қўйни судраб чиқишаётган эди. Биз олдинда виқор билан одимлаб бораётган чолу кампир Ойша аммам билан Жонтўрадан ўзиб кетишга ботинолмай, синчковлигимизни босиб секин-секин юриб борардик.

Оққулининг овулида тўпланган халойиқ мунтазир бўлиб кутиб турарди бизни. Аёллар ўтовдан-ўтовга югуриб-елишарди. Ташвишли кунларда ҳам, қувончли кунларда ҳам аёллар одатдагидай бир-бирини чақириб, югур-югур билан овора эдилар.

Оққули ўртада туя жунидан оқ чакмон кийиб турар, унинг этаклари шундай кенг эдики, гўё гердайиб турган бу киши Оққули эмас, бобомнинг кўкиш-мармар ҳайкалига ўхшарди. Соябони кенг кигиз қалпоғи унга салобат бахш этарди. Ёнларига етишимизга йигирма

қадамча қолганда бизга пешвоз юра бошлади, мулозимлари ҳам унга эргашишди. У тез, шахдам одимлар, янги чакмонининг барлари шамолда қилпирарди, бу қолдан кўз ўнгимда бир зумдаёқ негадир унинг бутун улуғворлиги йўқолгандай бўлди.

— Салом, опа,— деб мурожаат қилди у Ойшага.

— Қутлуғ бўлсин, азизларим, қутлуғ бўлсин, қувончларингга қувонч қўшилсин!— жавоб берди Ойша аммам.

Бир-биримизга гал бермай, Оққули овулидошларини, янги меҳмон билан табриклай кетдик. Шу пайт қўққисдан қўшни ўтовдан маймоқ оёқларини судраб Дембойнинг ўзи ҳам югуриб чиқди.

— Ойша опа! Ойша опа-а-а-а-а!..— у ёш боладай қичқириб кампирнинг қучоғига ташланди. Уни юпата бошлашди, аммо у ниқиллайверди.

Эллиқдан зиёд одам йиғилиб қолди. Патнис кўтарган аёллар пайдо бўлишди ва қутлов хитоблари билан янги бўғирсоқларни соча бошлашди. Уларни одамлар ҳавода тутиб, ердан териб, кула-кула оғзига солишарди. Дембойнинг тўнғич ўғил кўриши тантанаси шу зайлда бошланиб кетди.

Фарзанд туғилганининг учинчи куни чўл чавандозларининг эрмаги учун Дембой сурувидан яна бир таканинг боши кетди. Кўпқари пешиндан кейин, қуёш нурлари қия бармоқлари билан ерни сийпалаётган пайтда бошланди. Жонтўра, Пўлат, Асқар, амакимлар отларини бошқаларга ишонмай, ўзлари эгарлашарди. Узангиларни қисқартиб, айилларини тортишарди. Отларнинг пуштанлари уларнинг кўксига, худди нафасини бўғгудек, ботиб турарди. Ҳамма ўз тулпорига айниқса меҳрибонлик қилар, силаб-сийпар, ҳамма кўпқарига тараддудланарди.

Бу гал мен ҳам ўз отим ва ўз эгаримга эга бўлдим.

Амаким уч яшар тўқ-қўнғир тойни эгарлашга ёрдамлашди менга.

— Фақат оломондан нарироқ юр,— деб огоҳлантирди мени у.

Жонтўра билан унинг ўғиллари жўшқин ва абжир чавандозлар экан. Абжир чол улоқ билан тўданн ёриб чиқди-да, қаддини бир оз олдинга бериб, орқасидан ҳамма чавандозларни эргаштириб дала бўйлаб учиб кетди. Унинг оти гўё оёқларини олдинга ташлаб, ҳавода сузиб кетаётгандай туюларди.

Оққули овулнинг оқсоқоли сифатида четда, ишқибозлар қаторида турар ва Жонтўранинг ҳар бир усулини қизғин олқишлар билан қарши оларди.

— Қандай силлиқ бурди-я! Отни бошқаришни билсанг бас!— жиддий насиҳат қиларди у атрофдагиларга.— Қолганини отнинг ўзи удалайди. Жониворга ҳалал бермай, ундан нимани талаб қилаётганингни уқдирсанг бас... О, оппоқ соқолингнинг садағаси кетай, Жонтўра! Жонтўра отини кескин тислатиб, қувиб келаётганларни ўтказиб юбориб, шу заҳотиёқ шарт орқага буриб қолди, шунда оломон унинг ёнидан қуюндай ўтиб кетди алданиб, буни кўрган Оққули шундай хитоб қилди:— О, ўктам йигитларнинг ўктами! Мана бизнинг эски мактабимиз!— У шивирларди.— Кўрдингларми, кўрдингларми?— деб қичқирарди у, Жонтўрани кўрсатиб.

Жонтўра бўлса орқасидан отлиқ оломонни эргаштириб дала бўйлаб елдек учарди. Аммо, мана, оломон орасидан отаси томон кулранг от минган ёш Асқар отилиб чиқди ва унга етиб олди-да, қўлини чўзди: «Менга бер!» Жонтўра отни елдек учира туриб, улоқни ўғли томонга ташлади. Уни Асқар ҳавода шунчалик моҳирлик билан илиб олдики, ишқибозлар тўдасида яна шодиёна хитоблар янгради.

Жонтўра ўғли билан ёнма-ён от қўйиб бораркан, аф-

тидан, унга отни қандай бошқаришни, таъқибчилар етиб олганда қандай ҳийла қилишни ўргатарди... Улар шундай жуфт бўлиб, орқаларидан отлиқ оломонни узун этакдай судраб, дала бўйлаб елишарди. Ноҳос иккала от ҳам айна бир вақтда ақл бовар қилмас даражада юқорига сапчиди. Ота ва ўғил тўсиқдан ўтиб, айна бир пайтда ерга тушишди-ю, яна отларини нарига чоптириб кетишди. Уларни қуваётган чавандозлар ўзларини ҳар томонга урди: олдинда тоғ сувларининг шиддатли оқими очган чуқур ва кенг жарлик бор эди.

Ишқибозлар оломони қойил бўлиб, ғовур кўтарди. Жонтўра жарнинг бу томонида ўзлари ёлғиз эканларини кўриб орқага қайтди ва иккинчи бор ўғли билан ўша жардан бараварига қилт этмай сакраб ўтишдики, заминнинг ўзи ҳам чавандозларнинг ўткирлигига тан бериб инграгандай бўлди гўё.

— Умримда ҳеч қачон бундай эпчил йигитларни кўрганмасман,— ҳайрон бўларди биров.

— От эмас, нақ қуш-а!— завқланарди бошқаси.

— Оҳ, юрагим шув этиб кетди-я!— ҳаяжонланарди учинчиси.

— Ҳа, асл от учун абжир чавандоз дардисар эмас, қанот!— якунлади Оққули.

Ўйин бир оз тўхталиб қолди, чунки ҳеч ким Жонтўра ва Асқар билан ғалабани талашолмасди.

Бироқ, мана, ўз чаққонлиги ва моҳирлиги билан янгитдан ҳамманинг завқини қўзғатиб Оққулининг ўзи ишга киришиб кетди. Жонтўра Оққулига ёғилаётган олқишларга бардош беролмай, от ўйнатиб қувиб кетди уни. «Жанг майдонида» фақат шараф ва биринчилик учун тортишаётган соч-соқоли оппоқ икки йигит қолди. Аммо, ана, Оққули отини бураётган пайтда Жонтўра усталик қилиб пусиб борди-да, кутилмаганда унинг қўлидан улоқни тортиб олди. Оққулининг оғзи очилиб қолди.

Аммо-лекин ўзига келиб ва Жонтўранинг қандай ҳазил қилганини кўриб, маъқуллагандай қўл силкиб қўйди-да, Кўкчўлоқнинг жиловини тортди. Жонтўра бу орада кенг доира ясаб Оққулининг атрофида ҳар хил қилиқлар қилиб, унинг жигига тегнш билан овора эди. Ана, у елдек учиб кетатуриб Оққулига яқинлашди-да, улоқни унга иргитди. У улоқни илиб олиб, яна Жонтўрага қайтариб ташлади. Шу тарзда иккала чол ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини қойил қолдириб, отлиқ тўдани орқасидан эргаштирганча кенг дала бўйлаб улоқ билан ўз маҳоратларини намойиш қилиб учиб юришарди.

Охирги гал Жонтўрадан улоқни олган Оққули тўсатдан четга бурилди-да, жар томон чоптириб бориб ундан ўқдай учиб ўтди. Халойиқ қийқириб юборди. Оққулининг кетидан елаётган чавандозлар яна тўсиқ олдида тўхтаб қолишди, ўзини бошлаб лақиллатгани учун Оққулидан жаҳли чиққан Жонтўрагина зовурдан сакраб ўтди-да, Оққулини қувиб кетди. Чоллар ўртасидаги кураш жиддий тус олди. Жонтўра Оққулига етай-етай дейди, ўлжани ушлаб олиш учун қўл ҳам чўзади, аммо Оққули улоқни чаққонлик билан бошқа томонга ўтказиб олади. Шунда Жонтўра бутун гавдаси билан Кўкчўлоқнинг устидан чўзилиб улоқни тартади. Ана, унинг узангида тик турганча Оққулидан ўлжани тортиб олишига сал қолди, аммо у улоқнинг оёқларига тирмашиб қолишга улгурди. Чавандозлар олишиб, биринчиликни бой бермай, шиддат билан отни қувишади. Улар гавдаларини қарама-қарши томонларга ташлаб елишади, отлари эса қиямаликда чопиб бораётганга ўхшайди.

Ҳамманинг назари учқурларини жар томонга буриб, елиб келаётган чолларда. Жонтўра Оққулини айла-ниб ўтиб, биз томонга биринчи бўлиб сакради. Тўсиқдан Жонтўрадан аввалроқ ўтишга шошилган Оққули Кўкчўлоқнинг тизгинини қўйиб юборди-да, унинг бўй-

нига эгилиб олди. Тўсатдан от билан чавандоз гўё ер ютиб юборгандай кўздан ғойиб бўлди.

— Оҳ,— нола чекди оломон ва мард чавандоз ғойиб бўлган жойга отилди.

Бу тоғ сувларининг ер ости оқими ўйган бўри қудуқ эди. Оққули оти билан унга тушиб кетганди. Ҳосил бўлган жарнинг туби қуюқ чанг билан қопланган, тўзон орасидан ҳеч нимани ажратиш бўлмасди.

Катталар отдан тушишди.

— Ҳамма тизгинлар ечилсин,— буюрди Жонтўра ўзининг тизгинини ечатуриб.

Ҳамма ундан ибрат олди. От қилидан эшилган илондай йилтироқ тизгинлар Жонтўранинг олдига бир уюм бўлиб тушди. Жонтўра кўмаклашаётган Асқарга бақира-бақира, уларни бир-бирига боғларди.

— Тезроқ узат! Тугунни торт! Яна бир ўра!

Арқонларни боғлашгунча чанг тарқади ва гўё тутун орасидан Кўкчўлоқнинг туёқлари кўзга ташлангандай бўлди.

— Кўкчўлоқ чалқанча ётибди!— деди ташвишланиб кимдир.

Жонтўра бир нечта илмоқ ясади-да, уларни биринкетин эпчиллик билан Кўкчўлоқнинг оёқларига ташлашди. От жонҳолатда қаршилиқ қилиб питирларди.

— Тортинг!— буюрди Жонтўра.

Мана, ер юзасида Кўкчўлоқнинг терга ботган танаси кўринди. От қимир этмасдан ётарди, бир-икки марта бошини кўтаришга уриниб кўрди-ю, инграшга ўхшаш хўрсиниш билан уни яна ерга ташлади. Унинг чангга тўлган катта-катта қора кўзлари тез-тез пирпирарди.

— Қаранглар! У кўзлари билан эгасини излаяпти!

— Эҳ, эҳ, эҳ, эҳ!— ҳўнгарди Дембой.

— Эҳтиёт бўлинглар, эҳтиёт бўлинглар!— қичқирди

Жонтўра.— Эҳтиёт бўлинглар, болаларим, у ҳали ўзига келгани йўқ.

Мен ўгирилиб қарадим. Ҳамма ёғи ифлос ва қонга беланган Жонтўра қўлларида Оққулининг чангга қорилган жасадини кўтариб келарди. У жар тубига тушиб олиб чиққанди Оққулини. Орқада Жонтўранинг белига боғланган арқон чуваланиб келарди. Оққулининг кўзлари юмуқ эди.

— Нега тўпланиб олдиларинг? Ҳаво керак унга! Тарқалинглари!— қичқирди Жонтўра.

— Вой отам, вой отажоним!— бўкириб юборди Жақсибой.

— Уни мана бу ерга, ҳа, шу ерга қўяман...— деди-да Жонтўра, Оққулини ерга — Кўкчўлоқнинг ёнига қўйди.

Шу пайт овулга сув келтиргани жўнатишган отлиқ қайтиб келди.

Жонтўра Оққулининг бошини кўтариб, унинг юзидаги терни гуллик катта рўмолча билан артиб, сув сепди...

Майда кул ранг шағал билан қопланган кўм-кўк майдонда ранги ўчган кекса Оққули билан лойга беланган, оғир хириллаётган Кўкчўлоқ ёнма-ён беҳуш ётишарди. Атрофда бояги ва ўзини унутиб қутураётган халойиқ: ёшлар ва қариялар бошларини ҳам қилиб туришарди. Улар ўзларининг суюмли ва жўшқин халқ ўзини — кўпкарининг саркорига вақти-соатидан эрта аза очишдан қўрқиб, томоқларига тақалиб, бўғиб келаётган кўз ёшларини қайтаришарди.

Оққули ҳаётдан нишон бермасди. Жонтўра чолнинг юзига сув сепиб, унинг бошини тутиб ўтирарди.

— Оққули, Оққули!— деди у.— Эшитяпсанми?

Оққули индамасди. Аммо бирдан оломоннинг нафаси ичига тушиб кетди: чолнинг лаблари қимирлаган эди.

— Оққули, Оққули!— чақирарди Жонтўра.

Оққули ҳушига келди, заиф товуш билан сўради:

— Бу сенмисан, Жонтўра? Ёнимдамисан?

— Ҳа, Оққули, биз ҳаммамиз шу ерда, сенинг ёнинг-дамиз...

— Яхши...— зўрға шивирлади Оққули.— Сув!

Жонтўра унга булоқ сувидан тутди. Сув Оққулининг оппоқ соқолидан оқиб тушар, боши эса Жонтўранинг қўлларида ҳамон ночор ётарди. У алланимадир деб шивирлади, Жонтўра уни тушунди ва Кўкчўлоқнинг эгарини ечишни, кейин от афзалини ерга тўшаб, болиш ўрнига эгарни қўйишни буюрди.

Жонтўра Оққулини авайлаб ана шу тўшакка ётқизди.

— Олдин пича ўзига келсин, кейин овулга олиб борармиз,— деди Жонтўра.

Бу орада каттакон, қизил қуёш гардишининг чорагидан кўпроғи чўққиларга майин қизғиш жило бериб, Чақмоқ тизмалари ортига ботган эди.

Билимдон кишилар Кўкчўлоқнинг умуртқа суяги синганини аниқлашди. Ана шу сабабдан ҳам у оёқларини қимирлата олмаётган экан. Уни Оққулидан нарироққа судраб боришди-да, кўзларда ёш билан калласини олиб, терисини шилишди. Унинг тер сингиган чандир гўштини майдалаб, бўлақларини муқаддас қушнинг гўштидай бўлашиб олишди.

Тоғнинг улкан сояси биз томонга чўзилиб, қуёш чақнаб, тизмаси ортига ботганидан сўнг ҳушига келган Оққулини икки отнинг орасига таранг тортилган Кўкчўлоқнинг терисига ётқизиб, овулга олиб кетишди. Чавандозлар тўдаси сукут сақлаб, жони узилаётган Оққулини туғилган ўтовигача кузатиб борди.

О, йнгитлик, куч ва чаққонлик мусобақаси, чўлларнинг беқиёс спорти, сен одамларни қанчалик яқинлаштирасан! «Ҳаётимиз — ўйин! Дўстлигимиз ўйин билан!» деган кимса ҳақ эди.



Оққули ўз ўтовиди сўнгги марта тунади, саҳарда эса унинг руҳи чиқиб келаётган қуёш сари шиддат билан учиб кетди.

\* \* \*

Менга отам ўргатган нарса — бу араб ва рус алифбеси билан рақамлари эди. Ўқишни билмасдим, ёзиш билан эса ҳарфлар чизишни ҳавас қилганимдан машғул бўлардим, яъни, тўғрироғи китобдаги ёзувларни тасвирлашга уриниб қоғозни расво қилардим. Бизнинг кутубхонада алифбе йўқ эди, бор китоблар ҳам майда, жимжимадор араб хати билан босилганди, мен қоғозга ҳарфга ўхшаш бирор нарса чизнишга муяссар бўлолмасдим, зеро жимжимадор араб хатидан тажрибасиз кишининг алоҳида ҳарфларни ажратиб олиши мушкул эди. Шу сабабли тез орада китоблардан нусха кўчиришга ҳеч қандай иштиёқим қолмади.

Отам менга ўқишни ўргата бошлади. Ҳарфларнинг номи унли ва ундош товушлардан кескин фарқ қилгани ҳамда «зер», «забар», «уртут», «тэштут», «сэкун» каби арабча белгилар ва сўзларга маълум товуш, узунлик ёки қисқаликни берадиган бошқа олд сўз қўшимчалари ҳаргал чалкаштиргани-чалкаштирганди мени, шунинг учун ҳам уларни тушунмасдан, беихтиёр эслаб қолардим. Шундан кейин отам бошқа услубни танлади, у менга бу белгиларнинг маъносини тушунтириб бергач, ҳамма ҳарфларни уч бўғинлаб ўрганишни буюрди. Масалан, алиф забар а, алиф зер н — аи бўлади: алиф пеш о-айо; бе забар ба, бе зер би—баби, бе пеш бо—бабибо, дол забар да, дол зер ди—дади, дол пеш до—дадио; те забар та, те зер ти—тати, те пеш то—татито...

Бу менга маъқул бўлди, мен ҳар бир ҳарфнинг бу мароқли бирикмаларини ўрганишга ҳафсала билан киришдим, отам бир варақ қоғозга ёзиб берган алфавитни олдидидаги болишга қўйиб олиб, хиргойи қилардим:

— Ре забар ра, ре зер ри — рари, ре пеш рө — рари-ро; хаб забар ха, хаб зер хи — хахи, хаб пеш хо — ха-хихо.

Қашта тикиб ўтирган Алиманна пиқ этиб, анчадан бери бўғиб келаётган қулгисини босолмай, думалаб-думалаб хахолаб кула бошлади. У роса мириқиб кулиб бўлгач, ниҳоят тивчланганда отам уни койиб берди ва жазосига уни ҳам ёнимга ўқиш учун ўтқазиб қўйди-да, менга аввал ўтган дарсларни унга ўргатишимни тайинлади. Алиманнанинг эътирозлари отамнинг қатъиятига таъсир қилмади ва у кўз ёши қилиб мен билан дарс тайёрлашга ўтирди.

Қобилиятли опам қисқа вақт ичида менга етиб олди ва қунтчилиги учун отам томонидан тақдирланди. Бўш соатларда биз эрмак учун «а», «и», «о»нинг ҳар бир ундош товушга қўшилиши қандайдир бемаъно уч бўғинни ҳосил қилишини ўқирдик ва уларни талаффуз қилиб кўриб, ичак узилгундай қотиб-қотиб кулардик. Бизнинг ўқишимиз ўйин-кулгига айлана бошлади. Бир ҳафтадан кейин отам бизга шу уч унли товушни битта ундош, кейин эса иккита ундош товуш билан қўшиш йўли билан сўз тузишдан сабоқ берди:

Алифни тега алиф забар — ат (ат — қозоқчасига от).

Алифни тега алиф зер — ет (гўшт).

Алифни тега алиф пеш ← от (олов).

Бу бизни қизиқтириб қўйди, чунки ҳарфларни уриштириб биз қандайдир сўзлар, рости, ҳамма вақт ҳам сўзлар эмас-у, кўпинча айрим сўзларнинг бўғинларини ҳосил қилардик ва тўла сўзлар тузиш санъатини тезроқ эгаллашни орзу қилиб, биз Алиманна билан унли товушларни ундошлар билан «чатиштириш» дарсини бир ҳафтада ўрганиб қўйдик. Отам бизни мақтади ва осонроқ, содда сўзлардан бошлаб бизга тўла сўзлар тузишдан сабоқ берди яна:

Қабни тега коб зер — кет.

Хабни тега хап забар — хат

Бени рега бе забар — бар (бор).

Бир куни отам йўгонлиги бармоқдай келадиган писта кўмир олиб келиб, унинг учини яхшилаб пичоқ билан чиқарди-да, менга бир варақ тоза қоғоз келтиришни буюрди. Мен қоғозни узатганимда уни отам патнисга қўйиб текислади-да, эҳтиётлик билан араб алифбоси ҳарфларини йирик-йирик қилиб чиза бошлади. Биз отамнинг ҳуснихат машқига нафасимизни ичимизга ютиб тикилиб турардик. Отам иккинчи сатрни ёзиб тугатгач, бизга ёзувларни ўқишни буюрди:

— Алиф забар — А, лом зер — ли,— ўқишни бошладим Алиманна,— али, мим забар ма — Алима.

Ўқишни охиригача етказмай, у чапак чалиб юборди-да, бидирлаб кетди:

— Вой, менинг исмим ёзилган-ку, менинг исмим, менинг исмим!

Иккинчи сатрни мен ўқидим.

— Бе пеш — бо,— шу ерда мен тутилиб қолдим,— энди «у» ни «р» га қандай қўшиш керак?

Алиманна бўлса менинг тутилиб қолганимдан фойдаланиб, яқинроқ сурилди-да, ўқий бошлади:

— Бе пеш — Бо, уауни рега уау зер ер — боуер, жумни нунга жум пеш — жон — Боуржон,— тантанали тугатди у. Мен ўсал бўлиб опамга зарда билан қарадим. У ҳам ўзининг айбини ювмоқчидай отамдан мен мустақил ўқишим учун яна бир исмни ёзиб беришини илтимос қилди. Отам ёзди, мен ўқиб бердим.

— Алифни қобга алиф пеш — Оқ, қаб коб пеш қу — оққу, лом зер ли — Оққули.

Мен бу исмни ўқийётган пайтимда отам сесканиб кетди ва Оққулига мурожаат этаётгандай ҳаяжонланиб деди:

— Илоҳи арвоҳлар сенга ёр бўлсин, Оққули. Уруғимизда ўрнинг тўлмаё билиниб турипти. Жойинг жаннатда бўлсин!

Шу он у жиддий тус олиб, Оққулига бағишлаб қисқагина қуръон тиловат қилди. Дарсимизнинг бундай тугаши ўз исмларимизни биринчи бор ўқишимиз қувончини бузди. Отам буни пайқаб бирдан хатосини тушунди, бироқ энди кечиккан эди. Бизга дарсларни мустақил ўрганишни насихат қилиб, узр сўрагандай қўшиб қўйди:

— Қазо қилганлар хотирасини унутиш яхшиямас, болаларим...

Мен ўзимнинг бошланғич маълумот олишимнинг баъзи бир тафсилотларини қозоқларнинг хўжалик ишларидагина эмас, балки, савод чиқаришларида ҳам қандай ибтидоийлик мавжуд бўлганини ойдинлаштириш учун атайин тасвирладим.

\* \* \*

Биринчи қор ёғди. Амаким бир кийимлик мовут, бир неча газ оқ мато келтирди. Менга пальто ва ички кийимлар тикиб беришди. Убианна менга тулки мўйнасидан телпак юборди. Мен янги либосларни кийиб, қўшниларикини айланардим. Ҳамма менинг кийимларимни кўриб мақтарди...

Бир куни амаким бир малла соқол чолни етаклаб келди ва уни «мулла ака» деб атаб, эҳтиром билан муомала қилди. Чол мени чақириб мақтади, бир қисим майиз берди. У мен билан ғоят дилкаш муносабатда бўлди. Амаким менга одатдан ташқари меҳрибонлик қилар, мени чолнинг олдида мақтар эди. Мен буларнинг ҳаммасини лозимий нарса деб қабул қилардим, фақат чолнинг амакимга таъна қилиб айтган:

— Бир оз эртароқ қилиш керак эди, боланинг сал ёши ўтиб қолибди,— деган сўзларини тушунолмадим.

— Ҳечқиси йўқ, мулла ака, акамнинг унга раҳми келиб юрди, энди бу ёғига вақтни ўтказиб бўлмайди-да, мулла ака. Бизга бир яхшилик қилинг, барака топкур,— гўё ўзини оқлагандай жавоб берди амаким. Отам негадир уйда кўринмасди. Қозонда меҳмон учун овқат пишарди.

Амаким ерга кўрпача тўшади, кейин ястиқ ташлаб, солинган ўринни яхшилаб тузатди-да, менга ечинишни буюрди. Менинг ҳайрон бўлиб қарашимга жавобан ҳовлида лой селигунча бир оз дамимни олишимни, ўзи мулла ака билан суҳбатлашгунича озгина мизғиб олишим кераклигини айтди. Мен ётганимдан кейин мулла ака бир парча кўк латтани куйдира бошлади. Аччиқ тутундан мен юзимни тескари ўгирдим ва бирдан чол кўрпани очиб оёқларимни тортиб тўғрилаётганини пайқадим. Мен даҳшат ичида бошимни кўтармоқчи бўлгандим амаким елкаларимни ёстиққа босди.

— Ҳеч нима қилмайди, қўрқма,— тинчлантирарди у мени,— мулла ака сени бир кўриб қўймоқчи.— Токи бу икки ёвуз бандилигида эканман, чолнинг, аввал кофир эдим, энди мўмин-мусулмон бўламан, деган бемаъни сўзларини такрорлашдан ўзга иложим йўқ эди. Бирдан мен қаттиқ оғриқ ҳис қилиб қичқириб юбордим-у, унинг қўлидан чиқиб кетишга уриндим. Аммо амаким елкамдан, чол эса оёқларимни қаттиқ босиб турарди. Оғриқдан ҳамон додлардим, улар мени босиб турган кўйи ярамга кўк латтанинг кулини сешиб, боғлаб бўлишди-да, икковлари мўмин мусулмонларнинг одати бўйича мени хатна қилишганини, ҳозирдан эътиборан мусулмон бўлганимни, энди эса менга қўл тегизмасликларини, фақат тинч ётишим кераклигини айтиб четга чиқиб туришди...

Дастурхонга овқат қўйилди. Меҳмонлар келишди, отам ҳам кирди, ҳамма билан саломлашди, улар эса отамни ўғлининг қўли ҳалоллангани билан табриклашди. Менга ортиқ эътибор бермай қўйишди, ҳаммалари овқатланиб, суҳбатлашиб ўтиришарди, чол бўлса бошқа ўғил болаларга қилган шу хилдаги ёвузликларини гапириб берарди. Ҳамма куларди. Улар бу ҳикоялардан кейин ўз болалик қисматини эслаган бўлишса эҳтимол. Турган гап, менинг кўнглимга кулги сиғмасди. Бу менга кўрсатилган ҳамда ўз туғилган уйимда тантанали нишонланган биринчи зулм эди.

Мабодо бу маросим афсонадай бир гап бўлиб ўтиб кетганида, мабодо менинг келгуси ўқишимга унинг алоқаси бўлмаганида, мен эсдаликларимнинг бу қисқагина бўлагини қолдириб кетган бўлар эдим. Кейинчалик билишимча, менинг бўлғуси муаллимим хатна қилинмаган болани ўқитишдан қатъий бош тортган, чунки бу мусулмон қонунларига зид келарди, шунча йил менга раҳм қилиб келган отам ҳам бу жарроҳликка розилик берган.

Мен тамоман тузалиб кетганимдан кейин Айиқбой келди. У янги тулки тумоқ кийган эди. Эғнида қорақўл ёқали ошланган пўстин. Янги пўстинининг ёқа ва барлари тўрт энлик қора бахмал уқа билан безатилганди. Айиқбой бизникига одатдагидек бир қути чой, бир қадоқ қанд келтирибди. У мўйловини бураб қўядиган, анча покиза ва башанг кийнадиган бўлиб қопти. Эртасига саҳарда, чойдан сўнг амаким менга от эгарлаб берди ҳамда менинг Айиқбойнинг овулига жўнашимни, у мени муллага беришини, бундан-буён Убианнаникида яшашимни маълум қилди. Отам менга оқ йўл тилаб, яхши ўқишимни насихат қилиб қолди. Айиқбой билан йўлга тушдик, бизни бутун оиламиз кузатиб қолди.

Тунда қор ёққан эди. Осмон тунд. Шамолсиз кун эди. Йўлда отларимиз дастлабки изларни қолдириб бо-

рарди. Овулдан тўрт километрча узоқлашиб, йўлдаги бир чуқур жарни кесиб ўтганимизда Айиқбой бирдан олға ташланди-ю: «Тулки, тулки! Тулки, тулки!» деб астагина қичқирганча йўлдан четга от қўйди. Дарҳақиқат, олисда югуриб бораётган тулки оппоқ қорда кўзга яққол ташланиб турарди. Мен Айиқбойнинг орқасидан от қўйиб тезда унга етиб олдим. У орқасига ўгирилиб: «Отингни тўхтат, сен бари бир тулкини тутолмайсан!»— дедида, от қўйиб бора туриб чап томондаги узангига энгашиб нимадир қила бошлади. «Шошма, бундай қалин қорда у бари бир биздан қочиб қутулолмайди!»— қичқирарди Айиқбой, оти эса жон-жаҳди билан учиб борарди. Тўсатдан Айиқбой қаддини ростлади. Унинг чап оёғи шалвираб осилган, қўлида эса узанги билан бўғов бор эди. Қорда югуриб кетаётган тулки билан бизнинг орамиздаги масофа анча қисқарганди, тулки жар томонга бурилганда сал орқада қолган Айиқбой қичқирди:

— Йўлини кесиб чиқ! Жарда унлнг ини бўлса керак...

Мен отни қамчилаб тулки югуриб кетаётган томонга отилдим ва ҳайҳайсурон билан ўнгу сўлимга қарамай, тиккасига от солдим. Тулкига етишимга юз қадамча қолганда мен қандайдир дўнгликдан сакраб ўтиб, югуриб кетаётган тулкининг жарлик томондан йўлини тўсдим. У шартта бурилди-да, қалин қорда қуёнга ўхшаб сакраганча орқага югурди. Бу орада етиб келган Айиқбой бўғовни учида узангиси билан қулочкашлаб ташлаганди, тулкига тегмай ёнидан ўтиб кетди, бир томонда узангиси йўқлигидан бўлса керак у бир чайқалди-ю, яна ўзини эгарда тутиб қолди. Тулки унинг оти остидан лип этиб чиқиб, яна жар томонга бурилди. Мен уни қувлаб тағин йўлини тўсдим. Айиқбой яна тулки устидан от сакратиб ўтиб кетди. Таъқибга олинган ҳайвон қорда типирчилаб ўзини ҳар томонга ташларди, ниҳоят, ҳолдан тойиб таъқибчиларига тишларини иржайтириб тўхтади. Биз тул-

кига яқинлашганда у қорда чўнқайганча тишларини ғижирлатар, кўзлари ғазаб билан ёниб, бошини сарак-сарак қилар, гўё яқинлашаётган ажалга эътироз билдиргандай ирилларди. Айиқбой отдан тушмасданоқ қулочини ёзди, темир узанги йиртқичнинг бошига тегди. Тулки қулади. Айиқбой эгилиб, уни думидан кўтарди-да, эгарига боғлаб қўйди. От чоптиришдан, қувиш завқидан ҳаяжонланиб отларни йўлга бурдик.

Бу менинг овда биринчи марта қатнашувим ҳамда ҳаётимда ўлжа таъқибида қатнашган ва жонли кимсанинг жонли жониворни ўлдиришига илк бор гувоҳ бўлишим эди..

Айиқбойнинг уйи янги ва кенг эди. У ўз уйини руслар услубида қурганди. Уйда печкаси бор эди, ичкарисиси оқ сувоқ қилинган эди. Убианна мени доимгидай яхши кутиб олди, йўл-йўлакай бизникиларнинг соғлиғини сўраб, ғамхўрлик билан белбоғимни ечиб, тўрга ўтқазиб қўйди. Майлибой бобо келди, унинг бошқа ўғли ва келинлари келишди, ҳаммалари бизникиларнинг соғлиғини суриштиришди. Айиқбой уларга йўлдаги ов тўғрисида ҳикоя қиларкан, менга тан берди; довдираб қолмаганим учун ҳамма мени мақтади. Айиқбой ўлжасини бобога тақдим қилганда у тулкини ҳавас билан кўздан кечирди, мўйнасини қоқ қўллари билан силади, кейин мўйсафидона хирилдоқ товуш билан деди:

— Бу тулки биринчи марта ов қилган одамники бўла қолсин.— Кейин менга юзланиб қўшиб қўйди:— Ма, чироғим, бу сеники, мен бунақа тулкиларнинг кўпини кўрганман ўз умримда, илоё, менинг ёшимни берсин сенга ҳам...

Унинг тўнғич ўғли Жартибой мўйнани ошлаб беришни бўйнига олди.

Овқатдан сўнг Майлибой, унинг ўғил ва келинлари чиқиб кетишди.



— Бобонинг тулкини Боуржонга совға қилгани яхши бўлди-да,— деди Убианна кечқурун мол-ҳол ташвишларидан қутулиб келган эрига.— Уни мулланинг олдига олиб борганинга, мўйнани домласига тортиқ қила қолсин.

Камсухан Айиқбой хотинининг бу таклифини маъқуллади. Убианна мени ўринга ётқизиб, ёнимга ўтирди-да, отам, ўгай онам ҳақида, Алиманнанинг аҳволи қандайлигини, қандай кашталарни тикаётганини, амакимнинг ўзини қандай тутаётганини сўраб-суриштирди. Йўлда чарчаган эканман, унинг бирталай саволларига жавоб бера туриб, тез орада қаттиқ уйқуга кетибман.

\* \* \*

Жума эди. Эрталаб Майлибойнинг набираларидан бири — кичкина, серҳаракат, танқай бурун, олакўз бола Думшабой кириб келди. У шу куни мусулмонларнинг дам олиш куни — жума муносабати билан мактабга бормаганди. Убианна роса боплаб қорнимизни тўйдиргач, мен ўқигани келган мактаб тўғрисида гапириб беришни Думшабойдан илтимос қилди.

— Бизнинг домла,— Думшабой энди оғиз очган эди, унинг кичкина сингилчаси чопиб кирди-да, ҳар сўзда тугилиб жавраб кетди:

— Думшабой, бувимиз келди, юр тезроқ, юр!

Думшабой сапчиб турди-ю, югуриб кетди. Ҳақиқатан ҳам уларнинг она томондан бувиси келган экан. Думшабой кун бўйи унинг ёнидан жилмади, шу тариқа биз суҳбатлаша олмадик.

\* \* \*

Байтан уруғининг пири Убианна билан Айиқбойни никоҳлаган ўша малла соқол ҳожининг акаси, тошкентлик эшон Саид Акбар экан. Убианна билан Айиқбойнинг

суҳбатларидан мени олиб бормоқчи бўлишган домланинг Саид Акбар эшоннинг ўғли эканини билиб олдим. Бу хабар мени бир оз ваҳимага солди, чунки ўша вақтда эшонлар тўғрисида мўъжизачи ва авлиёлар деган афсона гаплар юрарди. Мен умримда кўрмагандим бунақа кароматли одамларни, аммо эшонларнинг валилиги, уларнинг авлиёлиги ҳақида катталардан жуда кўп эшитганман. Ҳатто шама қилиб ҳам уларнинг шаънига бирор номаъқул гап қилиш тақиқланарди. Эшонлар ўз уйида ўтириб ҳамма нарсани кўриб, эшитиб ўтирармиш, улар учун ҳеч қандай сир йўқмиш. Онам асаб касали билан оғриганда, отамнинг айтишича эса, уни жин чалиб кетган экан, овул табиблари даволашга уриниб кўрибдилар, лекин ҳеч қандай натижа чиқмабди, шундан кейин отам уни Авлиёотадаги эшонникига олиб борибди, онам эшоннинг остонасидан ўтиши биланоқ ўзини хотиржам тута бошлабди, отам шундай деб сўзлаб берганди менга. Эшон уни ўз уйида олиб қолибди ва отамга бир ярим ойдан сўнг келинг дебди. Отам онамни олиб келгани борганда эшон унга мутлақо соппа-соғ онамни кўрсатибди. Шунда икковлари эшонга саховат билан миннатдорчилик билдириб, қувона-қувона уйга қайтишган экан. Онам йўлда эшоннинг у билан жуда яхши муомалада бўлганини, унинг мутасил кашта тикиш ёки бошқа юмуш билан машғул бўлишни кузатиб борганини гапириб берибди.

Онамнинг таржимаи ҳолидан олинган бу ҳодиса ва катталарнинг бошқа ҳикоялари менинг болалик идрокимда эшонни илоҳий даражага кўтарган, бу эса отамга Жаримбет ҳожи тортиқ қилган китобдан ўрганилган Муҳаммаднинг таржимаи ҳоли билан мустаҳкамланган эди. Мен кичкина мутаассиб эдим. Энди эшон ўғлининг қўлида ўқишим мени жиндак хавотирга солар, чўчитарди. Мен Айиқбой ҳузурига олиб борадиган авлиё одам-

нинг ворисидан ҳайиқардим. Узоқ мулоҳазалардан кейин мен ўз ҳадикларимни опам билан ўртоқлашдим.

— Нима қипти, бошқа болалар ҳам ўқигани бориш-япти-ку,— деди Убианна,— сен улардан каммидинг?

Унинг сўзлари менинг иззат-нафсимга тегди-ю, ичимда такрорлардим: «Бошқа болалар мендан яхшимиди?» Ўзимни қўлга олиб, мени қийнаётган журъатсизликни қувдим ва эшон ўғлиникига ўқишга боришга қарор қилдим. Аммо, ҳар ҳолда, мутаассиблигимча қолавердим, назаримда, гўё эшоннинг ўғли менинг Айиқбой билан тулки қуваётганимни кўргандай, бу тулкининг мўйнаси Убианнанинг қарори билан унинг ўзига аталганини билиб тургандай эди.

Шу кунги кечинмалар изсиз қолмади. Кечаси жуда нотинч ухладим. Саҳарда иложи борича саришта кийиниб, қуръонни қўлтиқлаб Айиқбойнинг кетидан борардим.

Мактаб Майлибойнинг катта акаси Қолдибойнинг овулида жойлашганди. Қолдибойнинг қишлоғи Майлибойнинг овулидан бир километр наридаги Шингбулоқ — Жар ариқнинг ёқасида эди. Меҳнатсевар чол кўп ариқлар ўтказиб, катта майдонга бирталай дарахтлар эккан экан, эндиликда авлодлари унинг меҳнати натижасидан баҳраманд эдилар. Қишлов жой баланд-баланд дарахтлар билан ихота қилинган эди. Пахсадевор уйлар бу улкан кўрғон бўйлаб сочилган эди. Кўрғон ва ўзларининг йўғон таналари билан ҳар ёққа сочилган кулбаларни пана қилиб турган баланд дарахтларнинг салобатли кўриниши менда шаҳар таассуротини қолдирди. Биз икита деразаси бор пешайвонли катта уйга яқинлашдик ва қуръонни чўзиб қироат қилаётган болаларнинг овозини эшитдик. Мени яна журъатсизлик чулғаб олди, олдинда бораётган Айиқбойнинг кенг елкаларига ночор тикилардим. У ўйма нақшлар билан безатилган бўёқсиз

Ёғоч эшикка яқинлашди ва ўгирилиб қараб, қани юр, деди-да, эшикни очди. Хонани бошга кўтараётган болалар чуввоси шу заҳотиёқ тинди.

— Ассалому алайкум, тақсир,— қўлини кўксига қўйиб домлага салом берди Айиқбой. Мен ҳам беихтиёр поччамга тақлид қилиб, худди ўшандай салом бердим.

Кенг хонанинг ўртасидаги баланд супада гулдор дўппи кийган қошлари туташ ёш ўзбек йигит ўтирарди. Юзи этсиз, қирра бурун эди у. Боплаб қомати келтирилган ингичка мўйлови юпқа лабларининг четидан осилган, йўл-йўл чопони ориқ елкаларида шалвираб турарди. Жун босган кўкраги ўша замондаги ҳамма ўзбекларники сингари очиқ эди: ўзбеклар ёқаси очиқ кўйлак кийишарди.

Домланинг олдида болишда очиқ қуръон ётарди. Орқа томонида деворга бир жуфт узун хивич суяб қўйилган эди. Девор ёқалаб тўшалган бўйраларда болалар чўкка тушиб ўтиришар, олдиларидаги китобларни очиб қўйилганди, болалар ўтирган ерларида бизга синчковлик билан тикилишарди.

Домла бизга ўзининг сарғич қўй кўзлари билан лоқайд қараб қўйди, Айиқбойга, сўнгра менга қўл учини узатиб, кўришган бўлди-да, болаларга мурожаат қилиб ингичка товуш билан: «Озод», деди. Афтидан бу танаффусга сигнал эди. Болалар шу заҳоти ўринларидан туриб, хонадан чиқиб кетишди.

Айиқбой менинг қўлимдан ушлаб, домлага қўйидаги сўзлар билан мурожаат қилди:

— Тақсир, мулла ака, мен ҳузурингизга қайнимни олиб келдим. Исми Боуржон. Яқинда хатна қилинди. Унинг отаси, менинг қайнотам Мумиш, унга пайғамбарнинг муқаддас китобларини ўқишни ўргатишингизни илтимос қилди...

— Яхши,— деди у ўзбекчалаб.

— Мана у, мулла ака. Уни сизга топшираман,— га-  
пини давом эттирди Айиқбой ва қўлимдан тортиб домла-  
га яқинроқ сураркан, қўшиб қўйди:— Эти сизники, суя-  
ги бизники.

У ўз нутқини домла шу дақиқадан эътиборан тўла  
ҳуқуқ билан менга хўжайинлик қилажагини англатувчи  
юқоридаги анъанавий сўз билан тугатди. Бу — домла-  
нинг мени ўқитиши кераклигини, унинг мени уришга,  
фақат суякларимга шикаст етказмасдан уришга ҳуқуқи  
борлигини билдирарди.

— Яхши,— яна бепарво чийиллади домла.

Айиқбой унинг олдига пул — дастлабки ўқиш ҳақини  
қўйди-да, уйда тулки мўйнаси ошланаётганини, тайёр  
бўлиши билан унинг ўзи домлага келтириб беражагини  
айтди.

— Яхши,— дея яна такрорлади домла ва менинг  
қуръонимни кўздан кечириб, ўнг томондаги бўйрадан  
жой кўрсатди. Айиқбой мени ажратилган жойга ўтқиз-  
гач, хайрлаша туриб, ўзимни яхши тутишимни, домла-  
нинг айтганларини сўзсиз бажаришимни тайинлади. Мен  
уйига қайтиб кетаётган Айиқбойнинг орқасидан сўнгги  
ҳимоячимдан умид узгандай қараб қолдим. Ўқувчилар  
кириб келишаркан, қўлларини кўксиларига қўйиб:  
«Адаб, тақсир» дейишар, бу билан бўйрадаги ўринлари-  
ни эгаллашга домладан рухсат сўрашарди. Домла эса  
лоқайдлик билан ижозат маъносида уларга бош ирғар-  
ди. Ҳамма болалар жой-жойига ўтириб, китобларини  
очишди, аммо синчковлик устун келиб, улар бир-бирини  
тирсаклари билан аста туртиб, менга қарашарди. Мен  
ўзимни гўё қафасда ҳис қилиб, гангиб ўтирардим, кўри-  
нишим ҳам жуда телбанамо эди чоғи. Домла хонани кўз-  
дан кечириб чиқди-да, қўққисдан сапчиб турди:

— Ҳой, бачалар, нега сабоқни ўқимаяпсанлар?!— деб  
кичқирди.

Ҳамма болалар мук тушиб, овозларини баралла қўйганча бараварига ўқишни бошлаб юборишди. Хона ғовур-ғувур бўлиб кетди, аммо домла қичқириб билан чекланиб қўя қолмади. У узун хивичини олиб, ғазаб билан ҳаммани қаторасига ура кетди. Уқувчилар эса елкаларини таёққа тутганча овоз чиқариб ўқишда давом этишарди. Домла биринчи қаторни айланиб чиққанда қўлидаги узун хивичнинг учгинаси қолган эди. У зарда билан хивичнинг синиғини улоқтириб ташлади-да, иккинчисини олиб, у билан бизнинг қаторни савалай бошлади. Охирида у мени тушириб қолди. Мен куракларимнинг орасида оғриқ сезиб, бошқа болаларнинг ўқишни дарров бошламаганига ўзимнинг алоқам йўқлиғини англаганим ҳолда қаттиқ ранжидим. Ғазабим қайнаб, қуръонни очдим-у, шу тўполонда товуши бошқаларникидан яққолроқ эшитилаётган қўшнимга жўр бўлиб нималардир деб ғўлдирай бошладим.

Домла жойига ўтириб нафасини ростлаб олди-да, Думшабойни ёнига чақирди. У очиқ китобини кўтариб борди-да, чўккалаб ўтирди.

— Уқи,— буюрди домла. Бу ишора билан қолган ҳамма ўқувчилар жим бўлди, Думшабой эса қўрққанидан овози титраб қуръон сурасини ўқий бошлади. У ўқишни тугатгандан кейин домла жиддий сўради:

— Кеча нима қилдинг?

— Бизникига бувим келган эди... Мен... мен, мулла ака,— ўзини оқлаган бўлди қўрқиб кетган бола.

— Мана сенга «мулла ака», мана сенга!..

Шундай деркан домла қулочкашлаб туриб боланинг икки бетига тарсаки туширди. Думшабой чайқалиб кетиб, йиғлаб юборди.

— Йиғлай кўрма!— бўқирди домла ва болани бир тепди. Бола йиқилиб тушди-да, ўзини ҳимоя қиларкан,

йиғи аралаш: «Кечиринг, тақсир, энди қилмайман»...—  
деб ғўлдирарди.

Домла Думшабойга қуръонни олиб, жойига бориб  
ўтиришни буюрди, қолган ўқувчилар эса яна дарсни  
минғирлай бошлашди. Домла ўз жойида қуръонни ва-  
рақлаб ўтирарди. Уқувчилар жон-жаҳдлари билан ўқи-  
шаркан, яна баландроқ шовқин кўтаришди. Бу тартиб-  
сиз шовқин-сурондан бошим айланиб кетди. Бирдан дом-  
ла энг катта ўқувчини чақириб қолди:

— Ҳой, Дўнанбой!

У ўрнидан турди-да, қўлларини қовуштириб, домлага  
жавоб берди:

— Лаббай, тақсир.

Уқувчилар жимиб қолишди.

— Бориб, бир жуфт пишиқроқ хивич қирқиб кел,—  
буюрди домла Дўнанбойга.

— Хўп бўлади, тақсир,— деб таъзим қилди Дўнанбой  
ва эшик томонга йўналди, ўқувчилар эса яна қичқири-  
шиб ўқишга тушиб кетишди.

Кўзлари қисик бир бола ўрнидан турди ва қўллари-  
ни қовуштириб домлага мурожаат қилди:

— Адаб, тақсир?

— Нима дейсан?— жиддий сўради домла.

— Ташқарига чиқиб келай, тақсир,— жавоб берди  
бола, боши билан эшик томонга ишора қилиб.

— Ташқарида нима қиласан?

— Сийгани, тақсир,— илтижо билан минғирлади бо-  
ла. Афтидан уни на бу ерда, на уйида пардали гапириш-  
га ўргатишмаган, у ҳожатни ўз оти билан атаб авомча-  
сига гапирарди.

— Ҳечқиси йўқ, ёрилиб кетмайсан,— жавоб берди  
домла ва боланинг илтижоли қарашига жавобан дўқ  
урди:—Ўтир деяпман сенга!

Шўрлик бола ўтирди.

Дўнанбой кирди ва иккита пишиқ хивични домланинг олдига қўйиб, ўз жойига кетди. Домла таёқларни ҳавода қулочкашлаб бирма-бир текшириб кўрди, ўқувчилар эса қуръонни янада тезроқ ўқий бошладилар. Домла хивичларни деворга суяб қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. Болаларнинг бири домланинг орқасидан эшик ёпилиши билан шипиллаганча борди-да, тирқишдан мўралаб қараб:

— Жар томонга кетди,— деди.

Ўқувчилар ўқишдан тўхташди, кўзлари қисик бола эса лип этиб чиқиб кетди. Кимдир унинг орқасидан қичқириб қолди:

— Абиш, ўша ерда домлани пойлаб тур.

— Секинроқ, болалар,— деди ҳаммага қараб қулоқчин кийган бола.— Сизларга битта гапим бор.— Шундай дея Дўнанбойга кўз қисиб қўйди-да, деярли шивирлаб давом этди:— Болалар, келинлар, хивичларни билдирмай тилиб қўямиз, домла бизни яна урса, синиб кетади!

— Нима деяпсан, домлани алдамоқчимисан?— эътироз билдирди бири, аммо унга ҳамма ўшқириб берди:

— Сендақа ҳалолни қара-ю!

— Елканг қичишаётган бўлса, дарсдан кейин ўзимиз бошлаб қашлаб қўямиз...

— Ташвишланма, сенга атаб йўғон таёқ топиб қўямиз, диканглаб қоласан ҳали...

Боланинг ранги ўчиб кетди ва тумшайганча кўзларини китобга тикди.

Дўнанбой чўнтагидан пичоқ олиб, шоша-пиша хивичларни ҳар ўн беш-йигирма сантиметрда тила бошлади, буни у моҳирлик билан бажаргани учун пўстлоқ шикастланмагандай кўринарди. Ишни тугатиб у хивичларни аввалги жойига қўйиб қўйди. Абиш югуриб кирди.

— Келяпти, келяпти,— деб шивирлади у ўз жойига



Ўтира туриб. Бошқалар ҳам жой-жойига чопиб бориб, домла талабаларининг ҳафсала билан қуръон тушираётганига ишонч ҳосил қилиши учун қаттиқ шовқин кўтаришди. Домла кириб, виқор билан ўз жойига ўтирди, бир-икки саҳифани варақлаб ўтказди-да, қаттиқ қичқирди:

— Ҳой, болалар! Қулоқ беринглар...

Ҳамма жим бўлди.

— Кейинги саҳифани очинг,— буюрди домла, ҳамма очгандан кейин ҳар бир унли товушга урғу бериб ҳар бўғинни чўзиб қироат билан ўқий бошлади. Бизга нота-ниш қуръон сураларини араб тилида ўқиб бўлиб, сўзларни унинг кетидан такрорлашимизни буюрди. У ўқир, биз такрорлардик. Икки марта шундай қилинди. Сўнгра домла ўқилган сураларни эртагача ўқиб-ўрганиб келишни тайинлади, кейин ингичка мўйловларини силаб турди-да: «Озод», деди. Ҳамма ўқувчилар ўзини эшикка урди.

Мен танаффуссиз уч ё тўрт соат ўтирган эдим. Эшон ўғлидан сабоқ олишим ана шундай бошланди. Бу куннинг кейинги тафсилотларини баён қилиб ўтирмайман, фақат шуни айтаманки, Думшабой билан қайтиб кетаётганимизда у, бугун содир бўлган воқеаларнинг ҳаммаси — «мактаб» учун одатдаги ҳол экани ва бу ҳар куни такрорланишини сўзлаб берди-да, мендан бугун гувоҳ бўлган нарсаларимни унинг қариндошларидан сир сақлашимни сўради. Мен ваъда бердим.

Биринчи дарсимдан кейин мени қучоқ очиб кутиб олган Убианнага кечки овқатдан сўнг домланинг болаларни уришини айтиб бердим ва бундан ранжиганимни билдирдим. У аввал ҳавотирланиб қолди, кейин эса бунга хафа бўлиб ўтирмаслик керак, домла қуръоннинг муқаддас сўзларини ўргатади, баданнинг домланинг хивичи тегиб оғриган жойи эса нариги дунёда ўтда оғриқ-

ни сезмайди, деб мени юпата бошлади. Шунда Айиқбой гапга арлашди:

— Домла сенга аждодлар арвоҳига бағишлаб қуръон ўқиб, дуон фотиҳа қилишни ўргатиб қўйса бас,— деди у.— Ушанда ҳамма хафачиликлар, калтаклар зарби, ҳаммасининг ҳиссаси чиқиб кетади. Уқийвер, ўқийвер, ишқилиб менга ўхшаб алифни ҳам билмайдиган нодон бўлиб қолма...

Шундай қилиб, қуръоннинг айрим сураларини, уларнинг на аҳамиятини, на мазмунини тушунмай, кўр-кўрона ёдлаб, ана шу домлада роса икки ой ўқидим.

Мен ҳанузгача унутолмайдиган ғоятда таъсирли бир воқеа содир бўлганди. Бир куни кечқурун Убианна мени ётқиза туриб, ёстиғим остига қуръонни қўяркан, мен сира ёдлаёлмай домладан икки таёқ еганим суранинг мазмуни миямга ўтиб қолишини, шундан кейин бирор марта ҳам тutilмасдан уни домлага ёддан ўқиб беришимни айтди. Эрталаб мени мактабга жўнатаётганда у пальтомнинг тагидан пўстинчани кийгизиб қўйди, шундай ҳам иссиқ-ку, камзул кийиб нима қиламан, деган саволимга:

— Агар бугун ҳам домла сени урадиган бўлса, шу пўстинчани дўппослайверсин, ҳар ҳолда унинг таёғи унчалик қаттиқ тегмайди-ку...— деб жавоб берди.

Турган гапки, кечаси, миямга ҳеч нарса кириб қолмаганди, домла бўлса бари бир ҳаммамизни калтаклади, шунда пўстинчам жуда қўл келди: ҳеч қанча огриқни сезмадим...

Бир ойда уйимдагиларни жуда соғиниб қолдим, шунда Айиқбой домладан бир-икки кунга жавоб олиб беришни ваъда қилди. Мен бу кунни сабрсизлик билан кутардим.

Убианнанинг Хатира деган ажойиб қизчаси бўлиб, у онланинг тўнғич фарзанди эди. У жуда ёқимтой эди, ал-

ланарсалар дейишга уринар, аммо бундан ҳеч натижа чиқмасди. Яқиндагина бир ёшга тўлган қизча ҳамманинг эрмаги эди. Кечқурунлари Айиқбой унинг оёқчаларини катта кафтларига қўяр ва «ғоз, ғоз» дея уни ҳавода тутиб турарди. Қизча отасининг кафтида туриб жилмаяр, қўлчаларини силкитарди. Убианна эрига ташланар, уни ақлдан озган деб уришиб берар, аммо Айиқбой хотинини суриб қўйиб, қизини эрмак қилишда давом этарди.

Бир куни кечқурун мактабдан келсам Хатира каравотчасида ётган экан. Унинг бутун юзчаси қизариб, пўрсилдоқ бўлиб кетибди. Қизча ҳансирарди. Шишиб кетган қовоқлари ҳаммамизни мафтун этадиган ажойиб кўзчаларини юмиб қўйганди.

Мен опамдан нима бўлганини сўрадим...

— Оғриб қолди... билмадим...— жавоб берди у йиғлаб.

Отаси билан онаси хавотирланиб, қизчанинг ёнидан жилишмасди. Вақт ярим кечадан оғиб қолганда мени мудроқ босган экан, бирдан Айиқбой ваҳима аралаш мени тортқилай бошлади:

— Боуржон, Боуржон, турсангчи, тур! Дуо ўқи! Хатира жон беряпти...

Мен ўрнимдан сапчиб туриб, каравотчанинг ёнига югуриб бордим. Қизча энди нафас олмасди. Ҳаммамиз йиғлаб юбордик... Қанча вақт ўтганини билмайман, мен пўстин кийган Майлибой бобо кириб келганида ва Убианна кўз ёшларидан бўғилиб унинг бўйнига ташланганида ўзимга келдим:

— Ота, ота-а-а-а... Хатира ўлиб қолди-и-и-и...

Чол каравотчанинг олдига борди, жонсиз болани эркалатаётгандай қўлига олди-да, ерга ўтириб, уни тебратганча:

— Нега бобонгни ташлаб кетдинг-а, кичкинтойим-а?— деди кўз ёши қилиб.

Кейин у нималар деди, қулоғимга кирмади. У бир оғзинчаниб, болани жойига ётқизиб қўйди-да, фиғони фалакка кўтарилаётган ота-онасига деди: «Тинчланинг, болаларим, худонинг хоҳиши шу экан. Ҳали ёшсизлар, худо хоҳласа кўп бола кўрасизлар, бу охиргисиямас». Шундай деб у Хатиранинг каравотчасига яқинлашди, чўнтагидан катта дастрўмол олиб, унинг юзини ёпиб қўйди.

Тонгда ҳамма майлибойчилар келишди, уларнинг ҳаммаси эркатойлари Хатирага аза тутишди.

Кейинроқ аниқланишича, кечқурун қизчанинг аъзойи баданида титроқ турган экан. Кейин юзи, оғзининг тева-рагида учуқ пайдо бўлибди. Шунда ота-онаси уни семиз ва овсар табиб кампирга олиб боришган, у бўлса болани симоб буғига тутган экан.

Хатиранинг вафоти муносабати билан мен икки кун мактабга бормадим. Учинчи куни: «Набирасининг вафот этганини иккинчи бобоси ҳам билсин», деб Айиқбой менга от эгарлаб берди ва уч кунда қайтиб келишни тайинлаб, мени уйимизга жўнатиб юборди. Мен уйга табиатим хира бўлиб қайтиб келдим, отамга ҳамма гапни бир бошдан сўзлаб бердим. Эртасига эрталаб отам мени домланинг олдига юбормаслигини айтди. Шу билан менинг «мадрасада»ги ўқишим тугади.

Қишнинг қолган қисми, кўклам ва бутун ёз бўйи мени отамнинг ўзи ўқитди. Кузга бориб мен арабчани бемалол, русчани бўғинлаб ўқийдиган бўлдим, лекин унинг ҳам, бунинг ҳам маъносини тушунмасдим; оддий арифметика масалаларини ечадиган бўлиб қолдим.

Шу йили Гончаровлар биз билан яна шерикчилик қилишди. Йил яхши келди. Овулдагиларнинг ҳаммаси

соғ эди. Моллар серсув ўтга тўйиб, далаларда яйраб юрарди. Ғалла ҳосили жуда мўл бўлди.

Бир марта Кузьма Гончаров от миниб келиб, отам билан далаларни айланди. Отдан тушмасдан бир-икки бошоқни узиб олди-да, уларни дағал кафтлари орасида ишқалади, қипиғини ажратиш учун пуфлади, йирик донларни узоқ томоша қилди, тишлаб ҳам кўрди.

— Яхши, Мумиш, яхши,— дерди у, чунки бу сўзлардан бошқасини билмасди. Кейин чол имо-ишоралар билан сўзлаша бошлади, бундан рус тилини билмайдиган отам буғдойнинг роса етилгани ва бозор кундан кейин Кузьманинг ўрим-йиғимга бутун оиласи билан келишини тушунди. Отам ўша вақтга, илгари шартлашилгандай, қўй ҳозирлаб қўйиши лозим эди. Отам унга ўзи билган ва ўзича талаффуз этадиган ягона сўз билан жавоб қилди:

— Хараша, Кузьма, хараша.

Чиндан ҳам Гончаровлар бир ҳафтадан кейин ўз арваларида келишди, улар аравага бир жуфт от қўшила диган ўроқ машина билан бир от қўшила диган хаскаш ни тиркаб олишганди. Қишлоvimиз яқинидан хирмон учун жой танланди. Текис майдончани тозалаб, аёллар унга сув сепишди. Биз Василий билан ариқдан сув ташиб, уларга ёрдам бердик. Гончаровнинг катта ўғиллари асбобларни тартибга келтирарди: биров ўроқ машинани, биров хаскашни, биров тош молани, чол эса амаким билан от абзалларини созларди. Отам ёғоч хаскашларни тузатарди. Кечга бориб ҳамма тайёргарликлар ниҳоясига етди. Тишко ва Василь ваъда қилинган қўйни олиб келгани биз билан овулга жўнашди. Овулга кириб борганимизда сурув ва подалар яйловдан қайтаётган, овул атрофида йилқилар чопиб юришган эди.

Мен қўйларни челақларнинг олдига сургаб бориб, онаси соғилиб бўлгунча унга интилаётган қўзичоқларни

ушлаб туриб, сўнгра қўзичоқни қўйиб юбориб, бошқасини ечиб келиб, аёлларга ёрдамлашдим. Василь ҳам худди ўша ишларни қилиб аёлларга кўмаклашарди. Бузоқ ва қўзилар тумшукчалари билан оналарининг елинини турта-турта, сутнинг қолган-қутганини сўриб олишар, шундан сўнг нарига кетиб, тинчгина майсани чимдишарди. Отам Тишкога қош қораймасдан аввалроқ хоҳлаган қўйни танлаб олишини буюрди.

Василь бизникида қолмоқчи бўлди, аммо Тишко хирмонга бирга кетамиз, деб, унга ижозат бермади. Отам Тишкони Василни ташлаб кетишга кўндирди.

— Хўш, Василь, бугун сен бизнинг қўноғимизсан,— унга тўрдан жой кўрсатиб деди отам,— мана бу ерга ўтир, бизда меҳмонлар тўрда ўтиришади.

Василь таклифни ийманиб қабул қилди. Еш қўноқ билан бирга бизнинг оплавий кечки овқатимиз бошланди. Биз Василни қимиз, бўғирсоқ, кейин беш бармоқ билан меҳмон қилдик. Қўшни бола келиб, мени «оқ суяк» ўйнагани чақириб қолди, отам менга, Василь икковинглар борақолинглар, деди.

Тим қоронғи, сокин тун эди. Овул болалари жам. Уйин бошланиб кетди. Унинг моҳияти қуйидагича эди: ҳўкизнинг оппоқ болдир суягини олиб, каттароқлардан бири қулочкашлаб отарди. Уша заҳоти ҳамма болалар суяк тушган томонга ташланишар, қорамтир ерда оппоқ суякни қидиришарди. Суякни ким топиб олса қочиб қолар, қолганлари уни қувишарди. Қувиб етолган бола суякни ториб олишга уринар, биринчиси бермас, олишув бошланиб кетарди. Ҳамма суяги бор болага ёпирыларди. Суяк қўлдан-қўлга ўтарди. Уни олган бола қўлдан чиқиб қочар, қолганлари қувишарди, уни йиқитишарди, яна суяк талашиш кураши давом этарди. Охири кимдир даврани ёриб чиқиб қочар, суякни қоронғиликка қараб отган бола турган жойга етиб бориб, ўлжасини унга топ-

ширарди. Шундан кейин ўйин қайтадан бошланарди: «оқ суяк» — бу болаларнинг ўзига хос тунги кўпкариси. Бу ўйин болаларда олишув ва югуришда чаққонлик, эпчилликни тарбияларди. Биз роса мириқиб ўйнаб қолдан тойиб ўтовларимизга тарқалишардик.

Василга бу ўйин маъқул бўлиб қолди, у бир неча марта ютиб чиқди. Бир гал у ўртоқларимиздан бири билан муштлашиб қолди. Мен меҳмонимнинг ёнини олиб, уларни ажратиб қўйдим. Василнинг ҳийласи жанжалга сабаб бўлган экан: у суякни топиб олиб қочибди, қувиб етган боланинг қўлига эса оқ тошни тутқазибди. Бола алданганини пайқаб, Василнинг фирромлигидан жаҳли чиқиб уришиб кетибди...

Василь бизникида меҳмон бўлгандан эътиборан у билан қалин дўст бўлиб кетдик. У ўзиникиларга овулди қандай қабул қилганларини, тунда ўйнаганимизни, менинг унинг ёнини олганимни сўзлаб берган бўлса керак, нега деганда эртасига мен Гончаровлар оиласининг ўзимга алоҳида эътибор бераётганини пайқадим: улар илгаригидек мени «қирғизвачча» демас, бирови Бажан, бошқаси Бардан ёки Буржан, ёки Баржан деб номимни айтишга ҳаракат қилишарди. Василь менинг исмиمنى тўғри талаффуз қилиб уларни тузатарди. Унинг онаси, биз ҳаммамиз мамаша дейдиган мушфиқ кампир, яна ҳам кулгилироқ қилиб мени Буроуржан дерди.

Мана, галла ўрми бошланди: бир томонда ўроқ машина билан, иккинчи томонда қўл билан ўришарди. Ўроқ машинаси ва чалғиларнинг қўлланилиши биз учун янгилик эди, чунки биз авваллари ўроқ билан ўрардик.

Аёллар ва мен билан Василнинг зиммасига хирмон жойни тайёрлаш юкланганди. Кеча сув сепилгандан кейин бир оз селгиган тупроқни аввал қўл билан шибба-ладик, кейин майдончага сомон сепдик-да, тош теккис-лагичларни отга қўшиб, хирмон жойни доира бўйича ол-

динма-кейин айланиб шиббалашга тушдик. Аёллар биз бир-икки от солганимиздан кейин тўпонни олиб ташлаб, сув сепишарди-да, яна сомон сочишарди, биз эса тош текислагичларни судраб яна айлана бўйича юрардик. Пешинда иш тугаб, майдончадан қипиқни супуриб ташлашганда у ярқираб кетди.

Ўрим икки кун давом этди, учинчи ва тўртинчи кунлар эса ўрилган буғдойни хирмонга ташиш билан ўтди. Хирмонда учта катта ғарам бинога келди. Бешинчи куни янчиш бошланди. Буғдойни ғарамдан паншаҳа билан олиб хирмонга ташлашарди. Василь икковимиз бир чеккадан кириб отларимизни айлантирардик. Биз аввал уюм-уюм қилиб сочилган буғдой устидан юрдик; кетимиздан судралаётган оғир текислагичлар буғдой пояларини эзиб берарди. Бизнинг орқамизда катталар уни паншаҳа билан титишар, аёллар уни қучоқ-қучоқ қилиб хирмондан четга чиқаришарди. Уч кун янчдик. Қўл ғалвирини келтириб, ундан икки марта ўтказгандан кейин хирмонда топ-тоза, йирик дон тоғ бўлиб уюлиб кетди.

Иш тугаши муносабати билан қўй сўйилди. Кечга яқин донни тақсимлай бошлашди. Ўрим-йиғим билан тақсимот ҳеч қандай баҳс қўзғамасди. Гончаровлар ҳам мамнуният билан ўз улушини олиб, ўз қишлоқларига жўнаб кетишди. Хайрлашиш олдидан улар бизни кейинги якшанбага меҳмонга таклиф этишди.

Якшанба куни эрталаб Евгенийевкадан бизнинг овулга қишлоқ ибодатхонаси қўнғироқларининг садолари эшитилиб турарди. Отам билан амаким мени ўзлари билан бозорга олиб борадиган бўлишди. Бизнинг қишлоvimиз ёнидан олис овуллардан келаётган отличлар сигир, от, қўйларни ҳайдаб ўтишарди. Ана шундай тўдалардан бирига амаким сотишга мўлжалланган тўрт қўйимизни қўшиб юборди.

Байрамона кийиниб биз ҳам йўлга тушдик. Йўлда



бир неча отлиқларга етиб олдик, отам билан амаким улар билан саломлашишди. Йўловчилар бир-бирларига яхши бозор тилашди.

У вақтлар бозор қозоқлар учун фақат айирбошлаш, савдо-сотиқ қилиш жойигина эмас, танишлар учрашадиган, иш юзасидан суҳбатлар олиб бориладиган жамоат жойи ҳам эди.

Бозор Бурное бекати яқинида, амаким қаҳатчилик йиллари савдо-сотиқ билан шуғулланишга уриниб кўрган жойда эди. Каттакон топталган майдон жуда гавжум, мол-қол, аравалар тиқилиб кетганди — бу ерга ҳамма рус қишлоқлари ва уч бўлиснинг барча қозоқ овулларида келишарди-да. Майдоннинг бир чеккасига отларимизни тушовлаб қўйиб, одамлар оқимига қўшилдик. Одамлар оқими тиралиб қолган музёра кемадай бир жойда айланар ва тартибсиз равишда ҳар томонга оқиб кетарди. Майдон бир неча бўлақларга бўлинганди, уларнинг бирида баққол ўзбеклар ерга ёзилган матоларга атторлик молларини териб қўйишганди. Улар харидорларни бақириб-чақириб икки қатор бўлиб ўтиришарди. Уларнинг ортида ғилдираклари катта-катта арава дўконлар тизилган, арава эгалари бири олиб, бири қўйиб ўз меваларини мақташарди. Ундан ҳам нарида тарвуз ва қовунлар сотиларди. Улардан ҳам нарироқда сабзавот юкланган рус аравалари турарди. Чеккароқда ғалла сотиш учун жой, ундан нарида моллар: сигир, от, қўйлар учун жой ажратилган эди. Одам шунча кўп эдики, бозор майдони бундай оломоннинг оғирлигидан гўё инграётгандай эди. Отам адашиб қолишимдан кўрқиб менинг ёнидан узоқлашимга йўл қўймади, аммо мен у ёқ-бу ёқни кўриб бир оз ўрганганимдан кейин бир-икки танга бериб, бозорда мустақил юришимга ижозат этди. Мен қатор-қатор тизилишиб ўтирган сотувчиларни кўздан кечириб, қизиқсиниб бозорни айлана бошладим. Ангра-

йиб рус қатори ёнидан ўтиб кетаётганимда кимдир орқамдан ушлаб олиб, қўллари билан кўзимни бекитди. Бу Василь экан, у мени кўриб писиб келибди-да, шундай ҳазил қилибди...

— Юр,— қўлимдан тортди у,— анови ерда дадам билан онам ўтиришибди.

Дарҳақиқат, қаторнинг охирида уларнинг тарвуз юкланган араваси турар, Гончаровнинг бекаси гуллик матодан тикилган бир неча кенг юкбаларни устма-уст кийиб олиб, араванинг чеккасида ўтириб савдо қиларди. У харидорлари билан андармон бўлиб бизга эътибор ҳам бермади, Василь эса мени араванинг соясига бошлаб ўтиб, дағал тўшакка ўтқизди ва тарвуз билан меҳмон қилди. Бошқа араванинг олдида бир неча мужик ерда ўтириб олиб ароқ ичишарди, нариги томонида эса очиқ рангли кўйлак кийиб ясанган қизлар, уларнинг олдида янги шапка, кашта тикилган қийиқ ёқа кўйлак ва қорамой ҳиди анқиб турган этик кийган йигит турибди. Гармон кўтариб олган йигит қизларнинг олдида ғўдаяр, уларга бир нималар дер, қизлар бўлса қиқир-қиқир кулишар, нозу ишва қилишарди. Уларнинг ёнига яна икки нафар олифта йигит келди, шунда бояги йигит гармонни чала бошлади. Қизлар рақсга тушиб кетишди. Бир айланиб чиққач, қизлар йигитлар қаршисида тўхтаб, депсинганча уларни ўйинга таклиф этишарди. Гармончи тинмай чалаверди. Бу вақтичоғлик кўп одамни жалб қилди ва тўпланган бекорчилар ўйнаётганларни биздан тўсиб қўйишди.

Шундан кейин Василь икковимиз бозорни айланиб кетдик, бир ўзбек ранг-баранг қоғозга ўралган, узунлиги қаламдай попук сотиб олишга кўндирди бизни. Менинг тангаларим ўзбекнинг қўлига ўтди. Попукларни сўриб, яна бозор оралаб кетдик. Айиқбой учраб қолди, отамнинг қаердалигини сўради, мени олиб кетмоқчи бўл-

ди, лекин Василь уларникига меҳмонга таклиф қилинганимизни айтди. Айиқбой бизга бир қадоқ туршак олиб бериб, бизникиларга салом айтишни тайинлади-да, кейин оломон орасига кириб ғойиб бўлди...

Пешиндан кейин бозор сийраклаша бошлади. Мен Василь билан хайрлашиб, отам билан учрашишга келишилган жойга қараб юрдим, ноҳосдан кимдир хитоб қилиб қолди. Бу Утеп, Убианна билан Айиқбойни унаштириш маросимидаги танишимиз эди. У икки отлиқ ҳамроҳлигида қаторларни оралаб борар ва узангида тик турганча, сўзларни қофияга солиб халойиққа (ҳамроҳларини ашула билан таништириб) ҳамроҳларидан бирининг ўтган шанба кунини оти йўқолганини маълум қилди. Худди шунга ўхшаш қўшиқ қилиб у отнинг белгиларини санар, эгаси йўқолган отни кўрганларга суюнчи ваъда қилаётганини ҳам куйга солиб айтарди. Ҳамроҳи эса гўё унинг сўзларини тасдиқлаётгандай ёнма-ён борар ва ҳадеб бош ирғарди. Утеп ўзининг шоирона қобилиятини жарчилик соҳасида ҳам ишга солар экан. Иккинчи марта айланиб чиқишда у ҳамроҳларининг бири отасига маърака қилаётганини ва истаганларнинг ҳаммасини таклиф этаётганини эълон қилди.

Кўриб турибсизки, бозор эълонлар жойи ҳам эди...

Олди-сотди ишларни битиргач, биз Евгенийевкага — Гончаровларникига кетдик. Шунгача мен рус қишлоқларига бўлмагандим, уларни фақат олисдан кўргандим. Йўлда биз бозордан аравада ёки яёв қайтаётган евгеньевкаликлардан ўзиб кетардик. Гулдор кўйлакли ясанган аёллар, шапкали, қийиқ ёқа каштали кўйлак кийган эркаклар билан тўлган йўл рангба-ранг кўринарди. Икки мужик яланг бош, сочлари ҳурпайиб пешанасига тушган бир мастни қўлтиқлаб олиб кетишмоқда эди. У тихирлик қилар, оёғини жойидан қўзғатолмас ва ҳамроҳларига овози борича бақирар, афтидан, сўкинарди, чунки унинг

сўзларини эшитиб қизлар четга қочишарди. Амаким «бузуқ Иван» — безори Иванни таниб қолди. Маст бизга кўзи тушиб, ҳамроҳлари қўлидан юлқиниб чиқди-да, сўкиниб бизга қараб кесак отди. Кесак амакимнинг отининг сағрисига тегди. Амаким отини буриб, «бузуқ Иван»га ташланмоқчи эди, лекин отам уни жеркиб, маст билан пачакилашмаслигини буюрди. «Бузуқ Иван» яна кесак отди ва сўкиниб мушт ўқталди. Булар амаким билан эскитдан душман экан.

— Мен бу аблаҳни қоровуллигида ҳам қамчи билан савалардим, энди-ю, худога шукур, тенгмиз...

— Маҳмаданаликни бас қил! — унинг гапини бўлди отам. — Тенглик муштлашиш учун берилмагандир деб ўйлайман...

— Ўзи тирғилгандан кейин нега бўш келиш керак экан? — қизишарди амаким.

— Салом, Мумиш! — биз ёнидан ўтиб бораётган аравадан қичқирди похол шляпа кийган бир кекса мужик.

— Ҳа, Тимошка, омон, омон, — жавоб берди отам ва унинг нега тўхтаганини сўради.

— Мана бу тентакни олакетмоқчиман, — ҳамқишлоғи учун узр сўраётгандай деди чол ва қўшиб қўйди: — Бошга бало бу, ҳар бозор ичиб олиб, безорилик қилгани қилган.

— Тимофей амаки, — деб бақирарди маст, — Мўминқулни ушла, мен унинг бўйинини у-узиб таш-ш-лайман.

— Майли, бораверинглар, — деди Тимофей бизга, қўлини маст томонга силтаб.

Биз отларга қамчи босдик, «бузуқ Иван»нинг сўкишлари остида жўнаб кетдик...

Ортида Олатов юксалиб турган адирнинг ёнбағридан кенг ва тўғри кўча чўзилиб кетганди. Оппоқ оқланган деҳқон уйлари ариқлар бўйида икки қатор бўлиб ўсаёт-

ган баланд тераклар орқасига яширинганди. Биз теракзордаги кенг хиёбондан кетаётганга ўхшардик. Ҳар бир қўрғон четан девор билан ўралган, ҳовлига кириладиган эшик тош ёки ёғоч тўшама билан белгиланган эди. Похол томли бу оппоқ уйлар, ҳовлидаги бошқа қурилмалари билан бирга, бизнинг ҳар ариқ ёқасида — ҳар ер-ҳар ерда жойлашган пастак кулбаларимиз олдида кошоналардай кўрниниб кетди менга. Кўча ясанган-тусанган одамлар билан гавжум эди, улар тўп-тўп бўлиб юришар, ашулалар айтишар, баъзилар сочи пешанасига тушиб турган гармончи чалаётган куйга рақс тушишарди.

Биз қишлоқ кўчасидан отимизни йўртиб борардик. Учинчи даҳада ёғоч пештоқ олдида турган Тишкони кўриб қолдим. У бизни қўл силкиб чақирарди. Биз Гончаровларнинг ҳовлисига кирдик. Чип-чиннидай қилиб супурилган кенг ҳовли похол томли гувалак қурилмалар билан ўралган эди. Ҳовлининг ўртасидаги ёғоч супачали қудуқнинг сув тортадиган банди лайлак бўлиб кўтарилиб турарди. Гончаровнинг ўғиллари отларимизни отхонага олиб кетишди. Кузьма билан кампир бизни уйга таклиф қилишди. Катта рус печкали, оппоқ қилиб оқланган, ости ер уйда устига хонаки адёл ёпилган кенг ёғоч каравот, баланд сандиқ, оқ бўз дастурхон ёзилган стол, бир жуфт скамейка ва бир неча курси турарди. Печканинг олдида зиғир толасидан тўқилган узун сочиқ осиглиқ. Ичкарига кирган заҳотиёқ кўзим бурчакдаги санамларга тушди. Биринчи марта ошкора синчковлик билан мен уларга тикилиб қолдим. Санамларнинг металл рамкаси ярқиратиб тозаланган эди. Рамка ичидаги оппоқ соқолли ота худо худди менга тикилаётгандай эди назаримда. Ота худонинг ўнгида бола кўтариб турган она худо — Биби Марямнинг тасвири осиглиқ эди. Чапда Исо пайгамбарнинг тасвири. Пастда эса остида ингичка шам ёниб турган оёқ-қўли михланган Исонинг қабариқ тас-

вири бор эди. Санамлар чети гуллар билан безатилган эди...

Менинг синчковлигим, афтидан, шунчалик ошкора эдики, отам мейга изоҳ беришни лозим топди:

-- Бу рус худоларининг тасвири,— гап бошлади у,— улар шу суратларга сигнишади. Оқ соқолли чол — ота худо, мана бу чиройли аёл эса, қўлида боласини кўтариб турган Исо пайғамбарнинг онаси. Манави Исо пайғамбарнинг ўзи, пастда бўлса уни яҳудийлар михлаб қўйгани тасвирланган...— Бир оз ўйланиб қолгач, қўшиб қўйди у:

— Албатта, руслар ўзлари чизган расмларга сигниб шаккоклик қилишади. Инсон худони эмас, балки худо инсонни яратган,— дея якунлади у ўз изоҳларини.

Отам Кузьма билан қандайдир ишлар тўғрисида суҳбатлашаркан, мен рус санамларидан кўз узолмадим. Дастурхон тузалган, стол чеккасида қорни чиққан катта самовар биқирларди, бека сочиқ билан чинни-оёқларни артарди. Ёшлар — Манька билан Санька пичоқ ва вилкалар қўйишар, нон кесишар, пиширилган картошка, пироглар келтиришарди. Ниҳоят буғи кўтарилаётган чўян қозонни олиб киришди.

Гончаровлар санамларга қараб чўқиниб олиб, стол атрофига ўтиришди. Кампир чой қуя бошлади. Чол нималардир деб, столни ишора қилиб отамга мурожаат қилди. Тишко унинг сўзларини бундай таржима қилиб берди:

— У айтяптики, дастурхонда чўчқа гўштидан пиширилган ҳеч нарса йўқ. Мана нон, шакар, мана картошка, мева, чева, қозонда парранда гўшти. Шунинг учун ҳам Мумиш яхши танишимиз бўлгани сабабли кўнгли тусаганини бемалол ейиши мумкин. Кекса Кузьма алдамайди...

Тишконинг таржимасидан кейин уй бекаси кулиб юборди.

— Улар нима дейишяпти, Тишко?— сўради амаким.

— Улар Мўминқул бизга ишонқирамай турибди дейишяпти-да,— жавоб берди отам ва овқатдан тамадди қилишни таклиф этди.

Пешинлик вақтичоғлиқ билан, жуда яхши ўтди. Василь менга ҳовлига чиқамиз деб имлади. Отамнинг рухсати билан ташқарига чиқдим.

— Юр, сенга бизникидаги ҳамма нарсани кўрсатаман, хоҳлайсанми?— сўради Василь мендан.

У мени қудуқнинг ёнига бошлаб бориб, қопқоғини очди. Мен эгилиб, пастга қарадим. Қудуқнинг четига тош терилганди, тубида эса қорамтир сув кўзгудай ярақларди. Василь бир сакраб «лайлак» бўлиб турган илмоги узун таёқнинг учини ушлаб олди-да, илмоққа челақни илиб, унинг ёрдамида қудуқдан қандай сув чиқаришни кўрсатди. Сув муздек ва тиниқ эди. Кейин у мени отхонага, омборга олиб борди, кичкина боғча билан томорқани кўрсатди. Бу сайр менда чуқур таассурот қолдирди. Гончаровларнинг хўжалиги бизнинг оддийгина ҳовли ва қўтонимизга нисбатан намунали бўлиб кўринди. Мен ундан ёғоч ибодатхонани кўрсатишини илтимос қилганимда Василь иккиланиб қолди, кейин эса:

— Майли, бошқа сафар кўрсатарман бир амаллаб, бугун мумкин эмас...— деди.

\* \* \*

Емғирли куз тугаб, ер бети музлай бошлади. Одатдагидек ғарб шамоли эсарди, у ёзда чанг кўтаради, кузда эт-этингни совуқдан зирқиратади, қишда эса қорни бўралатади. Шунинг учун ҳам бизнинг бекатимиз Бурное — Шамол тепа деб аталган бўлса керак.

Бир куни кечқурун отам мен билан ўқиш тўғрисида жиддий гаплашди.

— Сени рус мулласига ўқишга берганимизда сиз бў-

ларди-да!— деди у менга.— У ерда қуръоннинг бир-икки сурасини кўр-кўрона ёдлаб олган бизнинг муллаларга ўхшаб ўқитишмай, олган билимларини ҳаётга татбиқ қилишни амалда ўргатишса керак. У ерда сенга санах, ёзиш ва ўқишни ўргатиб қўйишади. Рус болалари орасида, рус мулласидан рус тилини ўрганасан, бизнинг ўлкада яшайдиган жамики халқ билан бемалол муомала қилаверасан ва ҳеч ким — на рус, на қозоқ сенга озор бермайди...

Амаким, отамнинг гапларини маъқуллаб турди-ю, лекин ҳар қалай мусулмон боласини кофир русларнинг мулласига ўқишга бериш жоиз бўлармикан, деган андишага борди. Ахир, рус мулласи — мусулмон қонунларини ўргатмайди, қариндош-уруғлар ҳам биттаю битта ўғлини рус мулласига ўқишга бергани учун отамга таъна қилишларини айтди...

— Кел, бунақа гапларга парво қилмайлик,— деди отам укасига.— Ахир, пайғамбарнинг ҳам ота-боболари кофир бўлишган, бизнинг Боуржоннинг бўлса, худога шукурки, ақли унча-мунчага етиб қолган, болаларни бизнинг муллалардан яхшироқ ўқитадиган, саваламайдиган рус мулласидан билим олса — бу билан диндан қайтиб қолмас деб ўйлайман... Янги тартиблар ҳам болаларни янгича ўқитишга даъват этади...

Амакимнинг эътирозларига қарши у Содиқни мисол келтирди.

— Халқ уни ҳурмат қилмайдими ахир? У ҳамма билан тил топа олади, руслар билан худди биз билан гаплашгандай бемалол сўзлашади, ишнинг кўзини билади, ақлли одам: икки тилда ўзи ёзиб, ўзи ўқийверади...

Бутун оқшом менинг келгуси ўқишим тўғрисидаги баҳслар билан ўтди ва иккала оғанини мени, «рус мулласининг мактабига бериш керак, деган, хулосага келишди. Эртасига амаким Евгенийевкага жўнади. У кечқу-



рун қайтди. Кечки овқат устида у отамга менинг Гончаровларникида истиқомат қилишимни, рус муллеси мени бир пуд ун, бир пуд ёрма, бир пуд нўхат, ўқиш қуруллари учун эса бир қўй эвазига ўқитишга рози бўлганини айтди. Гончаровлар эса ҳар қандай ҳақ олишдан бош тортди, лекин на қўй ва на мол гўшти ғамламаганмиз, деб огоҳлантиришди, амаким бўлса уларга битта қўй ваъда қилибди.

Эрталаб амаким билан йўлга чиқдим. Эгарга кўрпа ва болишни ўнгариб, жўнаб кетдик. Йўлда ҳамқишлоқларимиздан бири учраб қолди, у амакимнинг мени рус мактабига олиб кетаётганини эшитиб бош чайқаб қўйди.

— Демак, чўқинтиргани олиб кетяпман де. Ҳай-ҳай, чакки бўпти-ку, бу қандай бало замон бўлди. Мумишдай бамаъни одам биттаю битта ўғлини рус мактабига берса, у қазо қилганида ким қуръон ўқийди?— отини тўхтатиб қичқирди у орқамиздан.

У ёғига амаким жим кетди, фақат мусулмон мазори ёнидан ўтаётганимизда эса у йўл-йўлакай марҳумларнинг руҳига бағишлаб дуо ўқиди-да, кейин мўйловларини силаб, менга қараб деди:

— Йўқ, Боуржон, у ҳақ. Уйга қайтдик. Бошқа тенгқурларнинг қатори овулда катта бўласан,— деди-да, отини бурди. Мен ҳам унга эргашдим...

Бу воқеа менинг ўқинимни роса икки ойга кечиктириб юборди. Амаким менинг рус мактабида ўқишимга қарши қаттиқ эътироз билдирар ва Айиқбойнинг овулига қайтиб, мусулмон домлада ўқишни давом этдиришимни талаб этар, аммо отам билан мен бунга қарши эдик.

Бу йил қиш ниҳоятда қаттиқ келди. Қалин қор ёғди, молларни яйловда боқишнинг иложи бўлмагани учун, уларнинг бир қисмини амаким Қоратовнинг ортига, қи-

ши хийла юмшоқроқ жойдаги қариндошларимизга элтиб берди. Ғамлаб қўйилган озуқа ҳам, ёқилғи ҳам тез камайиб борарди. Бу қаттиқ қишдан чиқиб олиш учун озиқ-овқат ва ем-хашакни тежаб-тергаб, расамади билан ишлатишга тўғри келди. Молларга озуқа қатъий ўлчов бўйича берилар, печка эса фақат овқат пишириш учун ёқиларди. Қиш чорвадорлар учун жуда ташвишли бўлди. Амаким яйловдаги моллардан тез-тез хабар олиб турар ва одатда сафардан хомуш қайтарди. Шундай сафарларнинг биридан сўнг у ўша райондаги Головачевка қишлоғида яшовчи бир русдан бир ғарам пичан сотиб олгани, унга бай пулини бериб, қолган пулни тўлаш учун бозорга мол олиб боргани ҳамда уч кунда пул билан қайтиб борса, руснинг пичанни қимматроқ нархда бошқа бировга пуллаб юборганини сўзлаб берганди. Бундай қилиқдан ғазабланган амаким жанжал кўтарган ва иш муштлашиш билан тугаган. Икковини участка милициясига олиб кетиб бир кеча-кундуз ушлаб туришган. Уни қозоқ тилини билмайдиган милиция ходими сўроқ қилган. Амаким на ишнинг моҳиятини, на ўзининг ҳақлигини тушунтира олган.

— Мен ўша бошлиққа, бу аблаҳга бай пули тўлаганман, демак ғарам меники, дейман. Уни бошқага бериб юбориб, у сўзидан қайтди...— Бошлиқ бўлса қўлларини ёйиб менга: «Билмейди» дейди, кейин ўзининг тилида нимадир деб фўлдирайди, мен ҳам унга, худди ўзига ўхшаб, тушунмадим деб жавоб бераман. Ҳозиргача алам қилади!— дерди амаким қизишиб.

— Бас энди, ҳадеб қуйинаверма,— деб тинчлантирарди уни отам.— Шундоқ ҳам омон қолганинга, бошлиқ бу бебошлигинг учун қамаб қўймаганига худога шукур қил.

— Мени қамайди?— ҳайрон бўларди амаким.— Нима учун? Ахир мен сўзимнинг устидан чиқдим-ку...

Бу ҳодиса амакимнинг менинг рус мактабида ўқишимга розилик беришига асосий сабаблардан бири бўлди чамамда. Буни у рўй-рост билдирмасди, фақат хомуш юрар, ўтган можародан хафа бўлар, ўзини-ўзи гунг деб сўкарди.

Молларга бир тутам-бир тутам хашак соларкан, ўз муваффақиятсизлигидан айниқса ўкинарди, сигирларнинг қўшимча ем сўраётгандай мунгли маърашини эшитиб:

— Бундан ортиқ мумкин эмас. Тушунасизларми, ортиқ мумкин эмас!— деб қўярди.

Сигир яқинроқ келиб яна ем сўраб илтижо қилгандай унинг енгларини искаганда амаким унинг тумшуғини сийпалар ва юпатиб гапирарди:

— Бас, эй жонивор, ортиқ беролмайман, баҳор келсин, ширадор ўтлар қулф уради, ўшанда роса тўясан, ҳозирча берилаётганига қаноат қила тур. Бир амаллаб баҳоргача чида...

Очиққан мол эса эринибгина нари кетар ва онда-сонда қолган қуруқ хасларни чимдирди.

Ғарбдан шамол туриб теварак-атрофни остин-устин қилиб юборди. Деярли бир ҳафта далалар бўйлаб бўрон изғиб юрди. Қўшнилари орасида алоқа узилди. Фақат амаким пўстинга бурканиб, молларга ем, сув бергани ёки ариқдан сув келтиргани уйдан чиқарди. У бутун қорга ботиб қайтар ва бурчакда туриб узоқ қоқиб-силкинарди.

— Уҳ, ҳамма ёқни қор босиб кетибди, ҳатто қўшнинг уйи ҳам кўринмайди,— деярди у,— ҳа, бўрон қутуриб ётибди...

Биз пўстинларга ўралиб олиб овқатдан овқатгача вақтни ҳикоя ва эртақлар айтиб, гурунглашиб ўтказардик...

Амаким мени Гончаровларникига олиб келди. Улар томон илиқ эди. Кўчада сумка кўтариб олган болалар қорбўрон ўйнашиб, югуриб юришарди. Уларнинг орасида Василни кўриб қолдим. У «рақиб»ига зарба бериб, уйга қоча бошлади. Бирдан менга кўзи тушиб қолиб, у қувонч билан қичқирди:

— Э, Боуржон келипти!— деди-да, қўлимдан ушлаб уйга судраб кетди.— Юр, нега бу ерда турибсан?

...Василь ва Тишко ҳамроҳлигида амаким иккимиз «рус мулласи»никига йўл олдик. «Мулла» новча ва қотма, сочлари силлиқ турмакланган, манглайи кенг, қарчиғай бурунли, кул ранг кўзлари катта-катта, кекса аёл бўлиб чиқди. Биз кириб борганда у хамир қораётган эди. Тишко бизни таништирди. Суҳбат чўзилмади. У менга қаради-да, русчалаб бир-иккита савол берди, мен уларга жавоб беролмадим. Кейин у Тишко билан бир-икки оғиз гаплашди, у аёлнинг сўзларини бизга бундай таржима қилиб берди:

— У, Боуржон рус тилини билмас экан, бу ёмон. Мен қозоқчани билмасам, уни қандай ўқитаман, деяпти.

— Боуржон рус тилини билганда уни бу ерга етаклаб келишнинг нима ҳожати бор эди?— жавоб берди амаким.

Муаллима хотин кулиб юборди ва деди:

— Хўп, майли, уни русча ўқитишмоқчи бўлишса, қолдира қолсин. Кўрамиз, бирор натижа чиқса ажаб эмас...

Кейин у Василга ўгирилиб:

— Сен унга ёрдам берасанми?— деб сўради.

— Ердам бераман,— жавоб берди Василь.

Амаким менга ўзимни яхши туттишим, қунтли ва эҳтиёткор бўлишим, чўчқа гўштини емаслигим, рус худо-

сига сиғинмаслигимни тайинлаб, муваффақият тилаб уйга жўнаб кетди.

Уй бекаси менга жой ажратди: мен ўтирадиган курсини кўрсатди, кечаси Василь билан печкада ухлайдиган бўлдим. У сал ўйланиб қолди-да, кейин:

— Қўйларинг кўпми?— деб сўради мендан.

Мен унинг саволини тушунмасдан қўйларимизнинг сонини айтдим. У кулиб юборди ва гўё қўйнидан аллақандай ҳашаротни чиқаргандай ҳаракат қилиб:

— Мана бунақа «қўй» борми сенда?— дея уни «эзган» бўлди.

Мен ранжиб, изза бўлиб шу заҳоти шартта қўйлагимни ечдим-да, кампирга узатдим. У чокларини диққат билан кўздан кечириб, ҳеч нарса тополмагач, қўйлакни менга қайтариб берди, саволи учун узр сўрагандай яланғоч орқамга шапиллатиб уриб қўйди ва кийинишга рухсат берди. Кийина туриб мен аламимни енголмай йиглаб юбордим. Чол кампирини койиб кетди, қолган Гончаровлар ҳам одобсизликда айблаб кампирга ёпиша кетишди. Бечора уй бекаси ўзини оқларди... Мени юпатиш учун бўлса керак у дарҳол Василга ҳам ечинишни буюрди ва ҳаммалари унинг тепинишига қарамай, ички кийимларини кўздан кечира бошлашди. Мен аламимни босолмасдим, ҳаммалари кўнглимни кўтаришга уринишарди.

Кечки овқатдан сўнг Василь дарсларини тайёрлашга ўтирди, Тишко эса менинг алифбемни очиб, менга алфавитни тушунтира бошлади. Мен бу алфавитни билардим, аммо фақат менга отам ўргатганча билардим: мен учун «б» ва «в», «к», «г» ва «х», «с» ва «ц», «е», «и» ва «й» орасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди. Биринчиларини мен «б» деб, иккинчиларини —«к» деб, учинчиларини «с» деб, тўртинчиларини «и» деб талаффуз этардим. «ъ», «ы» ва «ь» тўғрисида мен ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим. Ака-укалар узоқ, то кечасигача тушунтириб, мен билан

Ўтиришди, аммо буларни мен қийналиб ўзлаштирардим.

— Қани, Василий дегин-чи.

— Басиль,— дердим мен.

— Йўқ, Басиль эмас, Василий,— такрорларди Тишко,— тушунасанми, В, Ва...

— Бесиль,— дердим мен ва сўрардим:— Шундайми?

— Йўқ, яна нотўғри айтяпсан. Бемас, ва, Ва-сий. Тушунасанми ўзи?

Улар рус ва қозоқ сўзлари аралашган ва бу «ҳикмат»ли ҳарфлар учрайдиган талай мисоллар келтиришарди, бироқ мен зўрға тушунардим.

Бу менинг биринчи рус тили дарсим эди.

\* \* \*

Василь печкага чиқиб олиб, мени ҳам чақирди. У ер жуда иссиқ эди. Мен келтирган кўрпа туя жунидан қопланган, қалин, икки кишилик эди, Василь бунгача ўзининг камзули билан юпқагина адёлни ёпиб ётаркан.

— Хўш,— деди у,— сеникини тагимизга солиб, меникини ёпина қолайлик, бўптими? Бу ер жуда иссиқ. Мен рози бўлдим.

Иссиқда ухлашга одатланмаганимданми ёки янги шароитданми, ёхуд рус муаллимаси қўлида ўқишим ҳақида ўйлайверганимданми, хуллас, анчагача уйқум келмади. Бир ёнбошимдан иккинчисига ағдарилардим ҳадеб, Василь эса донг қотиб ухларди. Мен димиқиб, устимиздаги адёлни суриб ташлаб, кўзимни очиб ётардим. Мен ўзим бу ерда иссиқда димиқиб ётарканман — у ерда, уйимизда совуқхонада қалин кўрпалар ёпиниб ётишганини ўйлардим. Оқибат ҳаммаси чувалашиб кетмагунча хаёл кетидан хаёл, хотира кетидан хотира эсга келаверди ва мен алоқ-чалоқ уйқуга кетдим.

Эргалаб мени Василь тортқиларди. Мен унинг товушини уйқу аралаш эшитардим.

— Боуржон, тур, тур, вставай, мактабга борадиган вақт бўлди...

Мен нимадир деб тўнғиллаб, уни итарардим. Мен билан овора бўлиш жонига теккандан кейин у оёғимдан тортиб печкадан туширди, ерга тушгандан кейингина уйғондим. Мен ички кийимда уйқусираб кўзларимни ишқалардим.

— Туртсанг-чи уни, ҳалиям уйғонмапти, қирғизваччани қара-ю,— қаттиқ кулиб юборди Санька.— У қибиткамдаман деб ўйлаяпти. Иштонини ечиб юбор, эҳтимол шунда уйғонар...

— Ойи, манавинингиз нимага буни масхара қилиб гағиллайверади нуқул?— аччиғланарди Василь.— Уйғонгиси келмаса нима, ухлаб қопти, холос.

— Нима десанг дегин-у, Василь, аммо сенинг қирғизваччангдан бизнинг муаллима ҳеч иш чиқаролмайди, қанча ўқитманглар, бари бир у қирғизваччалигича қолади.

Мен бу заҳар хотиннинг кўп сўзларини, турган гап, тушунмасдим, аммо товуш оҳангидан маъносини фаҳмлардим. Мен гамоман уйғонганимдан сўнг имо-ишора ва товушларидан кампир билан Василнинг мен томон эканини, Санькага нимагадир таъна қилишаётганини ҳис қилдим, у эса шарт-шурт, қўрс гапирар ва ниманидир исботларди. Кампир ер тепиниб, келинига жим бўлишни буюрди. У итоат билан қайнонасининг талабини бажо қилди.

Бека бизга нонушта қилдирди-да, сумкаларимизга биттадан тешиккулча солиб, Василни бутлар осиглиқ, бурчакка олиб борди, ўзи чўқиниб, уни ҳам чўқинишга мажбур қилди, пешанасидан ўпди, сўнгра эса менга мурожаат қилиб деди:

— Хўш, энди Бурбуржон, сен бусурмон боласи бўлсанг ҳам, худо сенга оқ йўл берсин,— деди-да, бошимни силаб қўйди.— Якши ўқиш керак, Бурбуржон, якши ўқиш керак,— шу билан у ўзининг насиҳатини тугатди. Кейин у ўғлига мени қаровсиз қолдирмаслик ва рус болаларига хафа қилдирмасликни тайинлади.

Биз Василь билан мактабга чопиб кетдик. Биз уйдан чиққанда ҳамма ҳовлилардан сумка кўтарган болалар чиқиб келишарди. Биз бир хилларидан ўзиб кетардик, бошқалари бизга қўшилишар, аммо ҳаммаси ҳам келишиб олгандай Василдан сўрашарди:

— Бу қанақа қирғизвачча, уни қаерга олиб кетяпсан, Василь?

— Бу, танишимиз Момишнинг ўғли. Биз билан ўқийди,— жавоб берарди Василь.

— Нима, русча тушунадими, биладими?

— Жиндак тушунади, кейин ўрганиб кетади...— жиддий жавоб берарди Василь.

— У алифбени биладими, йўқми?

— Уни ҳам сал-пал билади.

— У қаерда туради, Василь?— унинг гапини бўлди бошқа бир бола.

— Меникида, мен билан туради,— жавоб берди Василь.

Хуллас болалар шу тарздаги саволларга кўмиб ташлашди Василни.

Шу пайт қўнғироқ жаранглаб қолди ва ҳамма болалар мактабга чопиб кетишди. Туки тўкилиб кетган қалпоқ, эски камзул кийган кўзлари хира чол пешайвонда туриб қўнғироқни жиринглатарди...

Мен синфга охирида кирдим. Уқувчилар ечинишар, ўз камзул ва қалпоқларини қозиқларга илиб қўйишарди. Улардан ибрат олиб мен ҳам ечиндим, чопон ва қалпоғимни энг чеккадаги миҳга осиб қўйдим. Муаллима



кирди. Ҳамма ўқувчилар ўринларидан туришди. У, саломлашди. Ўқувчилар жўр бўлиб, аммо пойма-пой жавоб беришди: «Салом, Мария Ивановна!» Муаллима деворда осиглиқ қора доска олдида турди. Муаллиманинг эғнида оқ ёқали, кенг бахмал белбоғли қора кўйлак бор эди. У худди ўқувчиларни санаб чиқаётгандай ҳаммага бирма-бир тикилди ва кўзи менга тушди.

— Бу ёққа кел, бола,— чақирди мени. Мен унинг ёнига бордим.— Гап бундай, болалар,— мурожаат қилди у болаларга қараб,— бу қирғиз боласи бизда ўқийди. Уни хафа қилманглар, сизнинг орангизда ёлғиз ўзи. У билан яхши муомалада бўлинглар. У Гончаровларнинг танишининг ўғли бўлади.

— У сал-пал русчани тушунади,— мен учун жавоб қилди Василь.

— Хўп, яхши, демак бирга ўқийверамиз,— деди у ва мовий кўз, сочларига лента таққан қизчанинг ёнидаги бўш жойни кўрсатди менга.

Мен ўтирганимда янги қўшним менга бир қараб қўйди-ю, нарироқ сурилиб олди.

Дарс бошланди. Ўқитувчи ўтирди, алифбени очиб, менга қўшни қизчани доскага чақирди, у уйга берилган вазифаларни гапира бошлади. Оппоқ бўр билан ҳарфларни қора доскага йирик-йирик қилиб ёзилишини биринчи марта кўришим эди. Қизча бир-иккита осон сўзларни ёзди-да, ёзганларини ўчириб ташлаб, ўз ўрнига ўтирди. Кейин худди ўша сўзларни бир ўғил бола ёзди, аммо у бир неча хатога йўл қўйди, муаллима бу хатоларни тузатди... Мен ўша пайтларда янги дўстларим ёзган сўзларнинг кўпини тушунмасдим, албатта.

Бизнинг мақтаб ўз қўнғироқларининг жарангли садолари билан анчадан бери мени қизиқтириб келаётган қишлоқ ибодатхонасининг қаршисида эди. Оддий хом ғиштдан қурилган ибодатхона қубба шаклидаги катта-

катта деразали, пешайвонли, ёғоч зинапояли эди. Туника томи тепасида учига катта хоч ўрнатилган гумбаз юксалганди. Ибодатхонанинг ёнгинасидаги ҳовли попнинг уйи экан. Ибодатхона майдони уч томорқача келарди. Ибодатхона бошқа қишлоқ уйларидан анча баланд эди. Танаффус пайтида ўқувчилар ўша ибодатхона майдонида ўйнашарди.

Иккинчи дарсда муаллима ўқувчиларга вазифа берди, мени столнинг олдига чақирди, ёнига ўтқазиб, алифбени очди-да, тушунтира бошлади.

— У алифбени билади,— деди Василь.

Муаллима мендан сўраб кўрди. Мен унга бутун алфавитни айтиб ердим. У қандай тўғри талаффуз қилишни айтиб, мени тузатиб турарди. «Ве, ка, ха, це, ша, ща, че, ю»,— деб мен нотўғри талаффуз қилган ҳарфларни такрорларди муаллима ва мени ортидан қайтаришга мажбур қиларди. Кейин бу ҳарфларни яхшилаб кўчириб ёзди-да:

— Аввал мана буларни ўрганиб ол, ёзиш ва ўқишни кейинроқ ўрганармиз,— деди.

Кейин алифбенинг бир саҳифасини очиб, бир-иккита гапни овоз чиқариб ўқиб чиқди, уларнинг маъносини тушунтирди, яна бир бор ҳаммасини ўқиб бериб, ўқувчиларга ичларида ўқиб чиқишни буюрди.

Учинчи дарс — арифметика — анча жонли ўтди. Дарснинг бошида у кеча берилган масалани ҳамма ечган-ечмаганини суриштирди. Уқувчилар бараварига ҳачмалари ечганини айтишди. Муаллима доскага масалани ёзди-да:

— Ҳаммада шундай ёзилганми?— деб сўради.

— Ҳа,— баравар жавоб беришди болалар.

У дафтарларни текшириб кўрди, хатоларни тузатди ва масаланинг қандай ечилишини доскага ёзиб кўрсатди. Кейин муаллима янги масалани тушунтириб, уй ва-

зифаси берди. Ўқувчиларда масалалар тўплами йўқ эди. Улар доскадан вазифани дафтарларига кўчиргунча муаллима ёнимга келиб ўтирди-да, менинг дафтаримга ўнгача бўлган рақамларни яхшилаб ёзди.

— Один — бир, два — икки, три — уч, четыре — тўрт, — таржимаси билан тушунтира бошлади у. Кейин такрорлашни буюрди, шунда мен тутилмасдан бутун ёзувни русча ўқиб бердим, нега деганда, мен русчасига юзгача санашни билардим.

Муаллима хитоб қилди:

— Баракалла, бинойндай биларкансан-ку!

Ўқувчилар мен томонга қараб қўйишди, муаллима уларга қарата:

— Ҳа, у русча санашни биларкан, — деб қўйди.

Унинг мақтовидан дадилланиб, мен русчалаб йигирмагача санаб чиқдим.

— Яхши, — маъқуллади у, — фақат «дбанасат» эмас, двенадцать, тринадцать, «шешнасет» эмас, шестнадцать, «дебатнасет» эмас, девятнадцать. Тушундингми? — сўради у ва менга рақамларни тўғри талаффуз қилишни ўргатишни Василга топширди.

Менинг рус мактабида ўқишимнинг биринчи кунини шундай ўтди.

Гончаровларнинг ёрдами билан мен анча дуруст ўқидим. Ўзлари саводсиз бўлган Кузьма чол билан кампирдан бўлак бутун оила мени оталиққа олганди. Гарчи масалаларнинг ечилишини дафтарга бир бошдан ёзмасам ҳам, арифметикадан ютуқларим яхши эди. Мен хаёлан, оғзаки ечардим ва дафтарга жавобини ёзиб қўяқолардим. Бу ҳол муаллимага кўп ташвиш орттирарди, чунки ҳар гал менга амалларнинг йўлини тушунтириши керак бўларди. Табиийки, тилни билмаслигим унинг изоҳларини тушунишимга тўсқинлик қилар, аммо у ҳар сафар сабот билан такрорларди. Алифбени ўқирдим, баъзи

жойларини эса дафтаримга кўчирардим. Аксар сўзлар мен учун тушунарли эмасди. Мен уларни маъносига етмай юзаки эслаб қолардим, чунки менинг устозларим ва таржимонларим китобий сўзларни таржима қилиш санъатидан бебаҳра эдилар...

Кун ўтган сайин мен мактабдош дўстларим, рус болалари билан қалинроқ дўстлаша борардим.

Кейинги ҳаётим қандай бўлганини келгуси китобда ҳикоя қиламан.



Уз  
Б 88

Боуржон Мумиш ўғли.  
Бизнинг оила. Қисса. Т., «Ёш гвардия», 1971.  
288 бет.

Баурджан Мумиш оғли.  
Наша семья.

Уз2

7—6—3

## **БОУРЖОН МУМИШ ЎҒЛИ**

Таниқли қозоқ ёзувчиси Боуржон Мумиш ўғлининг «Генерал Панфилов», «Бир кеча қиссаси», «Бизнинг оила», «Ортимизда Москва» каби асарлари совет адабиётида салмоқли ўринга эга. Ёзувчи бу асарларида ҳарбий-ватанпарварлик тематикасини ривожлантиришдай муҳим ва масъулиятли ишга баракали ҳисса қўшмоқда. Унинг асарлари бепоян Ватанимиздагина эмас, мамлакатимиз ташқарисида ҳам севилиб ўқилмоқда.

Ёзувчи Боуржон Мумиш ўғли Совет Армияси сафарларида оддий жангчиликдан то гвардиячи полковниккача бўлган ажойиб йўлни босиб ўтди. У жонажон пойтахт — Москвани гитлерчи ёвузлардан ҳимоя қилишда актив иштирок этди. Гвардиячи генерал Панфилов дивизиясида дастлаб батальонга, кейинроқ полкка қўмондонлик қилди, шахсан ўзи қаҳрамонлик ва жасурлик намуналарини кўрсатди.

Бу йил таниқли қозоқ ёзувчиси, Совет Армиясининг ажойиб командири Боуржон Мумиш ўғлининг қутлуғ 60 ёши қизғин нишонланди.

**Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти яқинда қуйидаги китобларни босмадан чиқарди:**

**Собир Абдулла. Беш саргузашт. Қисса.**

**Шотурсун Ғуломов. Қуёшга тик қараб. Шеърлар.**

**Шукур Холмирзаев. Олис юдузлар остида. Ҳикоялар.**

**Фенимор Купер. Чингачук — Улкан Илон. Роман.**

**Н. Кондратьев. Садоқатли дўст. Қисса.**

**И. Ефремов. Илон юраги. Фантастик қисса.**



На узбекском языке

**Баурджан Мумиш оглы**

**НАША СЕМЬЯ**

Повесть

Издательство „Еш гвардия“—Ташкент—1971 г.

Перевод с издания издательство „Жазу ши“  
Алма—Ата 1966 г.

Рассом В. Кайдалов  
Редактор Э. Миробидов  
Расмлар редактори К. Назаров  
Техн. редактор Л. Шишкина  
Корректор М. Рустамов

Босмахонага берилди 1/1971 й. Босишга рухсат  
этишти 5/VI 1971 й. Формати 70×108<sup>1/2</sup>. Босма листи  
9,6. Шартли босма листи 12,6. Нашр. листи 12,27.  
Тиражи 45000. Қоғоз № 1. Шартнома 88—70.

Ўзбекистон ДКСМ Марказий Комитети „Еш гвардия“  
нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти бос-  
махонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26.  
Заказ 121. Баҳоси 49 т.